ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

52-сон (1228) 2025 йил декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

815. «2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–1105-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

816. «2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 декабрдаги ПФ–256-сон Фармони

817. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–258-сон Фармони

818. «Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–259-сон Фармони [Кўчирма]

819. «Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги ПФ–270-сон Фармони

820. «2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–391-сон қарори

821. «2026 — 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон қарори

822. «Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш ва самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 декабрдаги ПҚ–394-сон қарори

Учинчи бўлим

823. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 23 декабрдаги 814-сон қарори

824. «Давлат хизматларини кўрсатишда талаб этиладиган ишончномаларни расмийлаштириш жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 декабрдаги 825-сон қарори

825. «Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 26 декабрдаги 830-сон қарори

826. «Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 26 декабрдаги 831-сон қарори

827. «Баҳоловчи ва риэлторлар малака сертификатини, баҳоловчи тоифа гувоҳномасини ҳамда суд бошқарувчиси малака аттестатини бериш

тартибларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарори

Бешинчи бўлим

828. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 5-dekabrdagi 31/10-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2696-5)*

829. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 2-dekabrdagi 31/2-son “Kredit tashkilotlarida iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishini ta’minlash yuzasidan “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3731)*

830. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 2-dekabrdagi 5-son “Oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3732)*

831. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 23-dekabrdagi 28-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3733)*

832. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining 2025-yil 5-dekabrdagi 32-son “Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3734)*

833. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 12-dekabrdagi 34/3-son “Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3002-5)*

834. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 17-dekabrdagi 312-son “Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga

o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-19)*

835. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 18-dekabrdagi 313-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-3)*

836. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 16 декабрдаги 13-сон буйруғига “Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар” киритиш тўғрисида”ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386-2)*

837. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 10-dekabrdagi 23-son “Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3735)*

838. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 16-dekabrdagi 311-son va Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 16-dekabrdagi 34/7-son “Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va auditiga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3736)*

839. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 22-dekabrdagi 28-2025/B-son “Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilar va talabalar bilan yuz bergan baxtsiz hodisalarni tekshirish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2184-2)*

840. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 25-dekabrdagi 35/15-son “Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomning 4-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3260-1)*

841. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 9-dekabrdagi 307-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3558-3)*

842. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 19-dekabrdagi 7-son “O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3737)*

843. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 26-dekabrdagi 35/10-son “Banklar va ularning filiallari binolarida kassa tarmoqlarini tuzilishiga qo‘yiladigan texnik talablarga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2816-3)*

844. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 25-dekabrdagi 35/17-son “Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3042-6)*

845. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 22-dekabrdagi 315-son “Ichki audit milliy standartlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3394-1)*

846. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 29-dekabrdagi 29-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestrini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3467-7)*

847. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 23 декабрдаги 11-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-3)*

848. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 25-dekabrdagi 61-qq-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 6-dekabrdagi 33-2025/Q-son va Iqtisodiyot va

moliya vazirligining 2025-yil 19-dekabrdagi 314-son “Akademik litsey va texnikumlar boshqaruv, texnik, xizmat ko‘rsatuvchi va o‘quv-yordamchi xodimlarining namunaviy shtatlariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3119-5)*

849. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi 2025-yil 25-dekabrdagi 63-q-q-son hamda Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2025-yil 9-dekabrdagi 17-mh-son “Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3214-1)*

850. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 12-dekabrdagi 14-son “Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3738)*

851. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 24-dekabrdagi 1-son “Ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun yig‘imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3739)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

815 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 5 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 18 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2026 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан иқтисод қилинган маблағлар доирасида бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг 10 фоизгача бўлган чекланган миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 декабрда эълон қилинган.

шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларга йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан баҳоланган тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган гендерга доир маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий ва давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) ажратиладиган грант маблағларининг (бундан миқдорлари ва тармоқларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мустақил равишда аниқлаш шартлари (имкониятлари) билан ажратиладиган грант маблағлари мустасно) белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини эшитади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари

2026 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2027-2028 йиллар учун бюджет мўлжаллари 1-иловага* мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилган 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2027-2028 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2026 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогно-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5-модда. Республика бюджетининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2026 йил учун республика бюджетининг даромадлари прогнози 4-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2026 йил учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти органларининг ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2026 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2026 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2026 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага* мувофиқ (солиқ солиш мақсадида);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага* мувофиқ;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

---

* 3 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2026 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 1,2 триллион сўм миқдорида белгилансин.

2026 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга доир маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади. Бунда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари олдинги йилдаги ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда ҳамда қўшимча маблағларни тегишли юқори турувчи бюджетларнинг захира жамғармалари маблағларини камайтириш ҳисобидан шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятларнинг вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этиш чоғида юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ошган тақдирда, тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда, ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилмайди.

9-модда. 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан ортиқ миқдордаги харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан кам фоизи миқдордаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида қисқартирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва

шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ камайтирилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинадиган давлат қарзининг ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг чекланган ҳажмини белгилаш

2026 йил учун:

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,0 миллиард АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,5 миллиард АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,5 миллиард АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 30,0 триллион сўм;

давлат томонидан мажбуриятлар қабул қилиниши (сотиб олиниши ёки тўланиши) ва давлат томонидан тасдиқловчи хатлар берилиши талаб этиладиган давлат-хусусий шериклик принциплари асосида имзоланадиган барча янги лойиҳалар қийматининг чекланган миқдори 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдорини белгилаш

2026 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобидан амалга оширилади.

3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

12-модда. 2026 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно);

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно);

давлат активларини ижарага беришдан тушумлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган даромадлар турлари қўлланилганда, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари харажатларидан кўп бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари юқори турувчи бюджетларга ажратмаларни назарда тутиши мумкин.

Солиқларнинг қуйидаги турлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

тамаки маҳсулотлари (импорт орқали олиб кирилган маҳсулотлардан ташқари) учун акциз солиғи бўйича тушумлар, тегишинча ўтган молия йилининг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасидан олинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ. Бунда даромадлар бўйича прогнознинг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюд-

жетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади, даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми эса республика бюджети ихтиёрида қолади.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 66 фоизи, Тошкент вилоятида 33 фоизи, Тошкент шаҳрида 7 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 67 фоизи, Тошкент вилоятида 33 фоизи, Тошкент шаҳрида 6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

қўшилган қиймат солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилардан ташқари) Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 20 фоизи;

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари ва пиводан ташқари) учун ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган акциз солиғининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланадиган қуйидаги даромадлар республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар.

Қонунчиликда белгиланган тартибда давлат активларини сотишдан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно) туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ушбу Қонун 8-иловасининг 1-бандида белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига нисбатан туманлар ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига қараб 2,0 гача оширувчи коэффициентни жорий этишга ҳақли. Бундай ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ушбу коэффициентдан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш мақсадлари учун белгиланган зоналар кесимида фойдаланилади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни жорий этишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг бюджет даражалари бўйича тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари республика бюджетига ўтказилади;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммалари уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан қайтарилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2026 йилнинг 1 июлига қадар 2025 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2026 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2025 йилдаги ва 2026 йилдаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

13-модда. 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади.

Чораклар якунлари бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш бўйича чоралар кўриш билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан сўров билан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджети ҳисобидан қопланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шундай тартибда мурожаат қилади.

Қуйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мак-

табгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва мукаммал таъмирлашга, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

академик лицейлар, коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ташкилотларни (болалар ва меҳрибонлик уйларини, вояга етмаганлар билан ишлаш секторларини ҳамда оилавий болалар уйларини) сақлаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари объектларини жиҳозлашга доир харажатлар;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

«Иссиқликтаъминоти» акциядорлик жамияти таркибидаги ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида марказлашган иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан «Иссиқликтаъминоти» акциядорлик жамияти билан биргаликда шакллантирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун нархлар (тарифлар) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тартибга солинади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

14-модда. «2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2026 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 25 декабрь,
ЎРҚ–1105-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

816 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш ҳамда жамиятда болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига бўлган муросасизлик муҳитини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси

1. Ўзбекистон Республикаси Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилгани ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

(а) 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

(б) Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясини 2026-2027 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

II. Болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш

3. Белгилансинки, 2026 йил 1 февралдан бошлаб:

(а) зўравонлик натижасида оиласидан олинган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар учун профессионал тутинган оила хизмати йўлга қўйилади. Бунда:

(i) профессионал тутинган оилани ташкил этишга номзодлар зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалардаги (кейинги ўринларда — ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар) зўравон-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 декабрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик натижасида олинган руҳий жароҳатнинг салбий таъсирини камайтириш, хулқ-атворидаги оғишишларни ёки оила аъзолари, тенгдошлари билан муносабатларидаги бузилишларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ижтимоий-реабилитация дастурлари асосида ўқитилади;

(ii) зўравонлик натижасида оиласидан олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар профессионал тутинган оилага «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва мазкур оилалар ўртасида тузилган шартнома асосида жойлаштирилади;

(iii) профессионал тутинган оилага ҳар бир жойлаштирилган болани парваришлаш учун ҳар ойда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 2 баравари миқдорида маблағ тўлаб борилади;

(iv) профессионал тутинган оилага жойлаштирилган ҳар бир боланинг яшаш харажатлари учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ оилавий болалар уйи тарбияланувчиларининг яшаш харажатлари учун белгиланган миқдорларда маблағ ажратилади;

(б) дастлаб Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида, 2026 йил якунига қадар республиканинг бошқа ҳудудларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари фаолияти йўлга қўйилади;

(в) жинсий зўравонликдан жабрланганлиги туфайли оиласидан олинган болалар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига ҳам бошқалардан алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) зўравонликдан жабрланган болаларга ва зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга улар тегишли процессуал хатти-ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади;

(б) болаларга нисбатан уларнинг қонуний вакиллари ёки бошқа қариндошлари томонидан зўравонлик ҳолатлари бўйича ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларидаги барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органи вакили мажбурий тартибда иштирок этади;

(в) зўравонликдан жабрланган болаларнинг дастлабки кўрсатувлари мажбурий тартибда видеоёзув орқали қайд этилади;

(г) мулкчилик шаклидан қатъи назар таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари ходимлари томонидан болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ аниқланган фактлар ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилади.

5. Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда:

(а) уч ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармоннинг 4-бандидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

(б) олти ой муддатда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этиш билан боғлиқ ишлар доирасида болалар ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўртасида юзлаштириш тергов ҳаракатини фақат терговчи ва прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан ўтказиш тизимини жорий этиш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

(а) Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси ва Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасини тугатиш;

(б) давлат муассасаси шаклида Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларида минтақавий бўлинмаларини ташкил этиш.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги икки ой муддатда Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

III. Зўравонликдан жабрланган болалар ҳамда уларнинг оилалари учун ижтимоий хизматларни ташкил этиш

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 мартдан бошлаб «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслари) учун «меҳрли оила» хизмати ташкил этилади. Бунда:

(а) «меҳрли оила» хизмати Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази томонидан ташкил этилади;

(б) «меҳрли оила» хизматига ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг қарори асосида жалб қилинади;

(в) «меҳрли оила» хизматига жалб қилинган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га фарзандларининг психофизик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оиласи билан бузилган муносабатларни тиклаш ва уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш учун «оилавий терапия» хизматлари бепул кўрсатилади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар уларнинг хулқ-атвори, иқтидори ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ўқув йили давомида 3-иловада* назарда тутилган таълим ташкилотларига Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси қарорига кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг йўлланмасига мувофиқ жойлаштирилиши мумкин. Бунда:

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(i) йўлланма асосида юбориладиган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар таълим ташкилотларига бепул асосда, синовлар ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади;

(ii) таътил вақтида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс)га қайтариш имкони бўлмаган тақдирда, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ушбу болаларни ўқув жараёни бошлангунга қадар вақтинчалик муқобил жойлаштириш чоралари кўрилади;

(iii) йўлланма асосида жойлаштирилган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган бола тегишли таълим ташкилотининг ўқув ишлари бўйича директори ўринбосарига бириктирилади ҳамда унинг хулқ-атвори ва ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чоракда унинг яшаш жойидаги Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига киритилади;

(б) ҳар ўқув йили якунида вазирлик ва идоралар (Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги бундан мустасно) томонидан тасарруфидаги таълим ташкилотларининг қабул квотасини тасдиқлашда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар учун 5 фоизгача қўшимча квота ажратилади ва бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига тақдим этилади.

9. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилмасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

10. Қуйидагилар Тошкент шаҳридаги «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятининг қўшимча йўналишлари сифатида белгилансин:

(а) инклюзив ва махсус таълим, геронтология, психология, ижтимоий педагогика, адаптив спорт, ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ижтимоий иш, оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишларида кадрлар тайёрлаш;

(б) инклюзив ва махсус таълим ҳамда адаптив спорт турлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

(в) инклюзив ва махсус таълим, геронтология, психология, ижтимоий педагогика ҳамда адаптив спорт йўналишларида тадқиқотлар ўтказиш;

(г) инклюзив ва махсус таълим, геронтология, психология, ижтимоий педагогика ва адаптив спорт йўналишлари бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, шунингдек, ушбу йўналишлар бўйича стандартларни экспертизадан ўтказиш.

11. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия зиммасига қуйидаги қўшимча функциялар юклансин:

(а) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш фао-

лиятини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан кўрилаётган чораларнинг натижадорлигини ўрганиш;

(б) оилада болага нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг масъулияти ва ҳаётий кўникмаларини ошириш бўйича амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини муҳокама қилиб бориш;

(в) қўшимча квота асосида таълим ташкилотларига қабул қилинган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг хулқ-атвори ва ўзлаштиришини таҳлил қилиш.

IV. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш

12. Рақамли технологиялар вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Олий суд билан биргаликда 2026 йил 1 апрелга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳамда зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни алмашиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона электрон платформа (кейинги ўринларда — платформа)ни ишлаб чиқсин. Бунда:

(а) платформа давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда «112» қисқа рақам орқали фуқароларнинг чақирувларини қабул қилиш ва автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш имконини берувчи ягона диспетчерлик хизмати билан «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади;

(б) болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатларининг ягона статистика ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, статистика органларига тақдим этиш, шунингдек, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг ҳар бир босқичини кузатиб бориш имконияти яратилади.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Адлия вазирлиги 2026 йил 1 февралдан бошлаб режа-график асосида зўравонликдан жабрланган болалар билан процессуал ҳаракатлар давомида ишлашга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизими ходимлари, шунингдек, адвокатларнинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд процессида болалар билан ишлашнинг махсус усулларига оид касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш учун миллий ва хорижий эксперт ҳамда мутахассисларни жалб этган ҳолда қисқа муддатли курсларда ўқитилишини ташкил этсин.

14. Қуйидагилар:

(а) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда:

(i) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин;

(ii) жамиятда болаларга нисбатан зўравонликка бўлган муросасизлик муҳитини яратиш, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот материаллари (тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари, видеороликлар, буклет ва флаерлар) тайёрланишини ҳамда жамоат жойларида, шу жумладан, соғлиқни сақлаш муассасалари ва барча таълим ташкилотларида кенг тарғиботини ташкил қилсин;

(б) Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 24 декабрь,
ПФ–256-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 24 декабрдаги
ПФ–256-сон Фармонига
1-ИЛОВА

2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий маълумот

1. 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ–158-сон Фармони ва Богота ҳаракатлар чақируви доирасида Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш, болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

(а) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича профилактика тизимини такомиллаштириш ва зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш тизимини йўлга қўйиш;

(б) жамиятда болаларга нисбатан зўравонликка бўлган муросасизлик муҳитини шакллантириш;

(в) зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар учун оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш, кундузги шаклда ва бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш;

(г) зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокини кенгайтириш;

(д) зўравонлик ҳолатлари бўйича доимий янгилаб борилувчи ягона маълумотлар базасини яратиш;

(ж) зўравонлик ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

(з) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

(и) болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш.

2-боб. Мамлакатимизда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишнинг жорий ҳолати

3. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилди ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

(а) жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этиш (буллинг) болаларга нисбатан зўравонликнинг шакллари сифатида;

(б) Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги), прокуратура ва ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари, нодавлат таълим ташкилотлари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи субъектлар этиб;

(в) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

3-боб. Стратегиянинг асосий мақсад ва вазифалари

5. Мамлакатимизда болаликни инсон ривожланишининг муҳим босқичи сифатида эътироф этиб, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун хавфсиз шароитлар яратиш, болаларни жамиятда тўлақонли ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, уларнинг жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий ва ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳимоя қилиш учун қуйидагилар Стратегиянинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

(а) болаларнинг хавфсиз ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимояланган муҳитда яшаши ва ривожланишини таъминлаш;

(б) зўравонлик хавфи остида яшаётган болаларни эрта аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш;

(в) зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга комплекс хизматлар кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш.

6. Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

(а) болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик ҳолатлари бўйича хабар бериш ва унга муносабат билдириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

(б) ота-оналарнинг ота-оналик кўникмаларини ривожлантириш, оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва қўллаб-қувватлаш орқали болаларга нисбатан оилавий зўравонлик, шу жумладан, уларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатларини камайтириш;

(в) болаларнинг янада самарали, гендер тенгликка асосланган, ижтимоий-психологик ўрганиш ва ҳаётий кўникмалар бўйича таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, ихтисослаштирилган ҳамда касбий таълим ташкилотлари, жамият ва кибермаконда улар учун хавфсиз ва қулай муҳитни таъминлаш;

(г) жамиятда болалар учун зўравонликсиз, ғамхўр, ҳурматга ва гендер тенгликка асосланган муносабатларни қўллаб-қувватлайдиган меъёр ва қадриятларни мустаҳкамлаш;

(д) зўравонликдан жабрланган ёки ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларнинг сифатли тиббий, ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш;

(ж) болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида маълумотларни тўплаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, мувофиқлаштириш, идоралараро ҳамкорлик қилиш ва жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш.

1-§. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

7. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик ҳолатлари бўйича хабар бериш ва унга муносабат билдириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қабул қилиш, жумладан, Европа Кенгашининг Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (Лансароте конвенцияси), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг хабар бериш тартибига оид факультатив протоколига, шунингдек, болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашишда илғор халқаро тажриба моделларини (шу жумладан, «Барнахус» модели) жорий этиш, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

(б) зўравонликнинг ҳар қандай шаклидан жабрланган болаларга ва зўра-

вонликка гувоҳ бўлган болаларга улар тегишли процессуал хатти-ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан давлат ҳисобидан юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

(в) болага нисбатан унинг қонуний вакиллари ёки бошқа қариндошлари томонидан содир этилган зўравонлик ҳолатлари бўйича ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларидаги барча процессуал ҳаракатларни мажбурий тартибда болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида амалга ошириш тартибини жорий этиш;

(г) болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этиш билан боғлиқ ишлар доирасида болалар ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўртасидаги юзлаштириш тергов ҳаракатини фақат терговчи ва прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан ўтказиш механизмини жорий этиш;

(д) мулкчилик шаклидан қатъий назар таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари ходимлари томонидан болаларга нисбатан зўравонлик кўринишида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ аниқланган фактлар ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;

(ж) вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси ўрнига муқобил мажбурлов чораларини жорий этиш;

(з) болаларни онлайн зўравонлик ва кибержиноятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, онлайн зўравонликдан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш, реабилитация қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини тиклашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

(и) жиноят процесси иштирокчиси бўлган болалар учун болаларга мослаштирилган суриштирув, тергов ва суд жараёнларини ташкил этиш, хусусан, процессуал ҳаракатлар давомида вояга етмаган гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар ва бошқа процесс иштирокчилари учун алоҳида кутиш жойлари ҳамда ихтисослаштирилган (зарур видео ва аудио ускуналар билан таъминланган) сўроқ хоналарини ташкил этиш;

(к) болаларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ўрнига муқобил жазо чораларини қўллаш, шунингдек, уларни жиноий таъқибдан четлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

(л) суриштирув, тергов ва суд жараёнида болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш учун ижтимоий ходимни процесс иштирокчиси сифатида киритиш;

(м) болалар билан ишлаш бўйича ички тартиб-қоидалар ва протоколларни, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва одоб-ахлоқ қоидаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, болалар билан ишловчи мутахассислар учун болалар билан ишлаш бўйича йўриқнома, протокол ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

(н) оғир ҳаётий вазиятда қолган, камбағал, ногиронлиги бўлган фарзандлари бор оилалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, ёлғиз она (ота)ларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, жум-

ладан, давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам чораларини қайта кўриб чиқиш;

(о) болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўғрисида аҳолининг, айниқса, мансабдор шахслар, болалар билан бевосита ишловчи мутахассислар ва ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг хабардорлигини ошириш.

2-§. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда оилани қўллаб-қувватлаш ва профилактика қилиш тизимини такомиллаштириш

8. Ота-оналарнинг ота-оналик кўникмаларини ривожлантириш, оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва қўллаб-қувватлаш орқали болаларга нисбатан оилавий зўравонлик, шу жумладан, уларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатларини камайтириш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) ижобий тарбия модели бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

(б) болаларни оиладан ажратиш ва оилада болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, шунингдек, болаларнинг оилавий зўравонлик, болалар ўртасида зўравонлик хатти-ҳаракатларининг гувоҳи бўлишининг олдини олишга қаратилган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг кўникмаларини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш;

(в) зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслари) учун «меҳрли оила» хизматини ташкил этиш;

(г) ижобий ота-оналик, оиланинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва бошқа хизматлар билан қамраб олиш бўйича оилалар билан ишловчи, шу жумладан, уларга хизматлар кўрсатувчи ходимларнинг салоҳиятини ошириш;

(д) оғир аҳволга тушиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлашда жамоатчилик иштирокини кучайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш;

(ж) «маҳалла еттилиги», шу жумладан, ижтимоий ходимлар ва патронаж ҳамшираларининг оилаларни ўрганиш жараёнида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, хабар бериш ва унга муносабат билдириш ҳамда оилаларга зўравонликнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар бериш бўйича кўникмаларини ошириш;

(з) фуқароларни зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларга оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш жараёнларига жалб қилишга қаратилган тарғибот материалларини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш.

3-§. Болалар учун хавфсиз ва ҳар томонлама қулай таълим муҳитини яратиш

9. Болаларнинг янада самарали, гендер тенгликка асосланган, ижтимо-

ий-психологик ўрганиш ва ҳаётий кўникмалар бўйича таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, ихтисослаштирилган ҳамда касбий таълим ташкилотлари, жамият ва кибермаконда улар учун хавфсиз ва қулай муҳитни таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, ихтисослаштирилган ҳамда касбий таълим ташкилотларида «хавфсиз таълим» муҳитини яратиш, болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларининг олдини олиш ва улар ҳақида хабар бериш (шу жумладан, аноним хабар бериш) бўйича ўқувчилар учун тушунарли усулларда дастурлар ва тарғибот материалларини ишлаб чиқиш;

(б) болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда инклюзив, хавфсиз ва қулай таълим муҳитини яратиш, миллий таълим дастурларини такомиллаштириш;

(в) таълим ташкилотларида зўравонликнинг олдини олиш, педагоглар ва бошқа ходимлар ҳамда ўқувчилар ўртасида дўстона муҳитни яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, психологик хизматни самарали йўлга қуйиш;

(г) болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва унга қарши курашиш бўйича педагоглар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш;

(д) болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда оила, маҳалла ва таълим ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим ташкилотларида зўравонлик ҳолатини аниқлаш, хабар бериш ва муносабат билдириш бўйича ички тартиб қоидаларни ишлаб чиқиш;

(ж) таълим ташкилотларида ўқувчиларнинг бола ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларни зўравонликнинг барча шаклларидан (шу жумладан, таъқиб этиш (буллинг) ва жинсий зўравонлик) ҳимоя қилиш, болалар ўртасида спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-идрокасига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, уларнинг соғлом турмуш тарзи, эрта никоҳнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари ҳамда репродуктив саломатлик тўғрисидаги хабардорлигини ошириш;

(з) таълим ташкилотларида ўқувчилар ўртасида, айниқса, бир таълим ташкилотидан бошқа таълим ташкилотига ўқишини кўчирган ўқувчиларнинг таъқиб этилиши (буллинг)нинг олдини олиш, уларнинг янги муҳитга мослашишига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

(и) болалар ўртасида кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда болаларга нисбатан онлайн зўравонликнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини ошириш, жумладан, болалар, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўртасида рақамли саводхонликни ошириш ҳамда болаларнинг зарарли интернет саҳифаларига киришини чеклаш учун ота-оналар назорати механизмларини жорий этиш.

4-§. Зўравонликнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари

10. Жамиятда болалар учун зўравонликсиз, ғамхўр, ҳурматга ва гендер тенгликка асосланган муносабатларни қўллаб-қувватлайдиган меъёр ва қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) болаларга нисбатан зўравонлик, оиладаги низолар ва эрта никоҳнинг салбий таъсири ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш, оилаларда соғлом ижтимоий муҳитни тарғиб қилиш учун «маҳалла еттилиги» ва турли соҳаларда фаолият юритаётган ҳамда муайян ютуқларга эришган шахслар иштирокида тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

(б) фуқароларнинг болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича хабар бериш юзасидан масъулиятини оширишга (болага доир шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаган ҳолда) қаратилган тарғибот материалларини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

(в) жамиятда болаларга нисбатан зўравонликни қўллаб-қувватловчи стереотипларни ўзгартиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кенгайтириш;

(г) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, қонунчилик ҳужжатлари ва дастурлар ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш;

(д) зўравонликка йўл қўймаслик ва оилада ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган тарғибот материалларини тайёрлаш, тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;

(ж) болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини ахлоқ меъёрларни ҳисобга олган ҳолда конструктив ёритиш учун оммавий ахборот воситалари ходимларининг салоҳиятини ошириш, журналистика этикасига риоя этилишини таъминлаш.

5-§. Зўравонликдан жабрланган болаларга ижтимоий хизмат ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

11. Зўравонликдан жабрланган ёки ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларнинг сифатли тиббий, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) зўравонлик ҳолатлари бўйича (шу жумладан, «ишонч телефони» ва телеграм-бот орқали) хабар беришнинг болалар учун тушунарли бўлган механизмларини яратиш ва уларни болалар ўртасида тарғибот қилиш чораларини кўриш;

(б) зўравонликдан жабрланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, тиббий ёрдам кўрсатиш ва суд-тиббий экспертиза (аниқлаш, текшириш, расмийлаштириш, даволаш ва йўнал-

тириш) бўйича клиник баённомалар (клиник протоколлар) ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш;

(в) болалар, уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланувчи шахсларнинг зўравонликдан жабрланган ёки ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар учун мавжуд хизматлар ва тегишли давлат органларига хабар бериш механизмлари ҳақида хабардорлигини ошириш;

(г) «ишонч телефони» операторлари, таълим ташкилотлари ходимлари, ижтимоий ходимлар, тиббиёт ходимлари, профилактика инспекторлари ва инспектор-психологларни болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларга муносабат билдириш ва зарур маслаҳатлар бериш бўйича ўқитиш, зўравонлик ҳолати бўйича хабарларни қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари учинчи шахсларга ошкор этмаслик, уларни хизматларга йўналтириш бўйича салоҳиятини ривожлантириш;

(д) зўравонликдан, айниқса, жинсий зўравонлик ва жинсий эксплуатациядан жабрланган болаларга шошилинч ёрдам кўрсатиш, уларни реабилитация қилиш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

(ж) руҳий зўравонликдан жабрланган болаларга психологик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, психологик ва психиатрия хизматларини кўрсатиш стандартлари ва тавсияларини (протоколларини) ишлаб чиқиш, болаларга психологик хизмат кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;

(з) зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар учун профессионал тутинган оила, кундузги шаклда, кичик ҳажмли уйлардаги ва бошқа турдаги ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш, мазкур жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилиш;

(и) зўравонликдан жабрланган болаларга ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириш;

(к) болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ихтисослаштирилган бўлинмалар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

(л) болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган адвокатлар корпусини шакллантириш, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари ходимларининг процессуал ҳаракатлар жараёнида болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича малакасини ошириш;

(м) зўравонликдан жабрланган ҳамда ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходимларнинг салоҳиятини ошириш;

(н) зўравонликдан жабрланган ҳамда ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялашнинг муқобил шаклларини такомиллаштириш;

(о) зўравонликдан жабрланган ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га ихтисослашган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш;

(п) интернат шаклидаги муассасалардан чиқарилган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, можаро зоналаридан ва хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасига олиб келинган болалар учун реинтеграция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

6-§. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш мақсадида маълумотларни тўплаш, мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш

12. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида маълумотларни тўплаш, мониторинг қилиш, мувофиқлаштириш, ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:

(а) зўравонликдан жабрланган ҳамда ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган, шунингдек, зўравонликка гувоҳ бўлган болалар ҳақидаги барча маълумотларни (шу жумладан, ёши, жинси, зўравонлик шакли, жисмоний ҳолати) ўз ичига олган ҳамда доимий янгиланиб турувчи ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда уни бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

(б) болаларга нисбатан зўравонлик бўйича сўровнома (Survey on Violence Against Children (VAC), ЮНИСЕФнинг мультииндикатор кластер кузатувлари (MICS), ЖССТнинг мактаб саломатлиги сўровлари (SBHS) методикалари асосида аҳоли ўртасида сўровнома ва тадқиқотлар ўтказиш;

(в) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар, жамиятлар ва институтлар (шу жумладан, Болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича глобал ташаббус (End Violence Against Children Global Initiative), Болаларга нисбатан шафқатсизлик ва ғамхўрлик кўрсатмасликнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамжамият (ISPCAN-International Society for the Prevention of Child Abuse and Neglect) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

(г) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни барқарор молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш;

(д) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари устидан парламент назоратини таъминлаш.

4-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

13. Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш режалаштирилган:

(а) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, зўравонликдан жабрланган ёки ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий қўллаб-қувватлашга доир муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ва маҳаллий стандартлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилади;

(б) болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлар ўртасида самарали идоралараро ҳамкорлик тизими йўлга қўйилади;

(в) болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатини аниқлаш, баҳолаш, хабар бериш, таъсир чорасини қўллаш, давлат томонидан кафолатланган хизматлар кўрсатиш, реабилитация қилиш ва мослаштиришнинг яхлит интеграциялашган тизими яратилади;

(г) зўравонликдан жабрланган ёки ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар ва уларнинг оилаларига маҳалла, туман (шаҳар) ва вилоят даражасида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилади;

(д) зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари (стандартлари) ишлаб чиқилади, процессуал ҳаракатлар давомида болаларнинг ҳуқуқлари кафолатланган одил судлов тизими жорий этилади;

(ж) жамиятда болаларга нисбатан зўравонликни қўллаб-қувватловчи стереотиплар ўзгартирилади, зўравонликка қарши тоқатсизлик маданияти шакллантирилади, зўравонлик учун жавобгарлик муқаррарлиги таъминланади;

(з) ижобий хорижий тажрибалар асосида мамлакатда болаларга нисбатан ғамхўр, кўмаклашувчи ва қўллаб-қувватлайдиган тизим шакллантирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

817 Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг оғир ҳаётий вазиятга, шунингдек, камбағалликка тушиб қолишининг олдини олиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, молиявий барқарорлигини ошириш ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этишнинг янги тизимини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзларни (кейинги ўринларда — давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари) тақдим этиш тизимини такомиллаштиришнинг мақсадлари этиб белгилансин:

(а) давлат таъминотидаги, камбағал ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва унификациялашган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини жорий этиш;

(б) давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига мутаносиб равишда тақдим этиш тартибини жорий этиш;

(в) «Тенг имкон — инклюзив бандлик» дастурини амалга ошириш орқали 40 минг нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бандлигини таъминлаш.

II. Аҳолини давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан қамраб олиш тизимини такомиллаштириш

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 февралдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва Камбағал оилалар реестри негизида ягона Ижтимоий реестр юритилади. Бунда:

(а) Ижтимоий реестр — «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида юритилиб, давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этиладиган оилалар (шахслар)ни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш вазифаларини бажаради;

(б) Ижтимоий реестрда оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, «давлат таъминотидаги оила», «камбағал оила» ва «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифаларига ажратилади.

3. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг тоифаларини белгилашнинг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 декабрда эълон қилинган.

(а) оила аъзолари меҳнатга лаёқатсиз ёки меҳнат қилиш имконияти чекланган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган мазкур Фармонга 1-иловадаги рўйхатда белгиланган оилалар «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилади;

(б) оила аъзолари меҳнатга лаёқатли ёки меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган оилалар «камбағал оила» тоифасига киритилади;

(в) оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг бир бараваридан бир ярим бараваригача бўлган қуйидаги оилалар «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилади:

(i) «давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифаларидан чиқарилган оилалар;

(ii) «маҳалла еттилиги»нинг тавсияси асосида мазкур Фармонга 1-иловада белгиланган оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оила деб топилган оилалар.

III. Ижтимоий реестрдаги оилаларни қўллаб-қувватлаш инструментлари

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини уларнинг тоифасидан келиб чиқиб тақдим этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

(а) «давлат таъминотидаги оила» тоифасидаги оилаларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, шу жумладан, болалар нафақаси ва моддий ёрдам улар мазкур тоифада бўлган даврида оила аъзоларининг бандлик ҳолатидан қатъи назар ва қўшимча мурожаат талаб этмаган ҳолда кўрсатиб борилади. Бунда оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати оила Ижтимоий реестрга киритилгандан ўн икки ойдан сўнг қайта баҳоланади, бундан оиланинг ҳолати вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари орқали ўрганилиши мустасно;

(б) «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларга:

(i) болалар нафақаси ёки моддий ёрдам улар тайинланган вақтдан эътиборан 6 ой давомида оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг расмий бандлигини таъминлаш шарти билан тайинланади, бундан қонунчиликда оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан банд бўлиш талаб этилмайдиган ҳолатлар мустасно;

(ii) меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг расмий бандлиги таъминланганда болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам қўшимча мурожаат талаб қилмаган ҳолда узлуксиз тўлаб борилади;

(iii) оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг расмий бандлигини таъминлаш шарти бажарилмаганда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш тўхтатилади. Бунда оила болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиш учун қайта мурожаат қилганда «камбағал оила» тоифасига киритилгани учун оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини истисно этувчи қоида 6 ой давомида қўлланмайди;

(в) «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга:

(i) болалар нафақаси ёки моддий ёрдам оилалар мазкур тоифага киритилган вақтдан эътиборан 6 ой давомида тўланади;

(ii) оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромад минимал истеъмол харажатларининг 1 бараваридан 1,25 бараваригача бўлганда, уларга тўланадиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдамнинг миқдори ушбу нафақа ёки моддий ёрдамнинг 75 фоизини, оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромад минимал истеъмол харажатларининг 1,25 бараваридан 1,5 бараваригача бўлганда эса тегишли нафақа ёки моддий ёрдамнинг 50 фоизини ташкил этади.

6. 2026 йил 1 февралдан бошлаб «Давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилалар учун қуйидагиларни ўз ичига олган ижтимоий ёрдам пакети жорий этилсин:

(а) ушбу оилалар хонадонига қуввати 7 — 10 кВтлик қуёш панелларини ўрнатиш учун Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади;

(б) ушбу оилаларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида тижорат банклари орқали 4 йилгача муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача миқдорда қуйидаги мақсад ва шартларда кредит ажратилади:

(i) кредит оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриш учун ажратилади;

(ii) кредит бир йиллик имтиёзли давр билан «давлат таъминотидаги оила» тоифасидаги оила аъзосининг ижтимоий картасига ўтказилади;

(iii) кредит фоиз ставкаси Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги фоиз ставкасида ҳисобланади ва фоиз тўловлари Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб борилади.

7. Белгилансинки, оиланинг Ижтимоий реестрга киритилганлиги ушбу оила аъзоларининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиши учун асос ҳисобланади. Бунда:

(а) оилалар «давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифала-

рининг биридан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтганда улар учун қонунчиликда назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш ҳуқуқи кейинги ўн икки ой муддатга сақлаб қолинади, бундан мазкур Фармоннинг 6-банди мустасно;

(б) оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилалар «камбағал оила» тоифасидаги оилалар учун қонунчиликда назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларидан ўн икки ой муддат давомида фойдаланади, бундан болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олиш мустасно.

8. Давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг манзиллилигини ошириш мақсадида «маҳалла еттилиги»га қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) мазкур Фармонга 1-иловага мувофиқ оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритиш;

(б) оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашда оиланинг бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли аъзоларини ишсиз деб топиш ҳамда норасмий банд бўлган меҳнатга лаёқатли аъзоларига норасмий банд мақомини белгилаш. Бунда:

(i) оилаларнинг ишсиз деб топилган ёки норасмий банд мақоми белгиланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасига «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этиб борилади;

(ii) ишсиз деб топилган оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш — ҳоким ёрдамчисининг, норасмий банд мақоми белгиланган оила аъзоларининг норасмий бандлигини легаллаштириш — «маҳалла еттилиги»даги солиқ инспектори фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида белгиланади.

IV. «Тенг имкон — инклюзив бандлик» дастури

9. 2026 йилда 40 минг нафар ногиронлиги бўлган шахснинг расмий бандлигини таъминлаш ва уларга барқарор даромад манбаини яратишга қаратилган «Тенг имкон — инклюзив бандлик» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) амалиётга жорий этилсин.

10. Дастур доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Дастур доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга бандлигини таъминлаш учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат қуроллари, хомашё харид қилиш, интернет хизматларига уланиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 3 йилгача муддатга олти ойлик имтиёзли давр билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача миқдорда фоизсиз ссуда ажратилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Оилаларни Ижтимоий реестрга киритиш, тоифаларини белгилаш ва ундан чиқаришга доир низоларни тезкорликда ҳал этиш мақсадида 2026 йил 1 февралдан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида апелляция кенгаши ташкил этилсин. Белгилансинки:

(а) апелляция кенгаши ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил амалга оширади;

(б) апелляция кенгаши оилаларни Ижтимоий реестрга киритиш бўйича далолатнома ва хулосаларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ёхуд уларга ўзгартириш киритиш бўйича «маҳалла еттилиги»га мажбурият юклаш ҳақида қарорлар қабул қилади.

12. Белгилансинки:

(а) «давлат таъминотидаги оила» ва «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасидаги оилаларни «Ижтимоий реестр»га киритиш ва чиқариш, мазкур оилаларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

(б) қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашда алоҳида кўрсаткич сифатида белгиланади:

(i) «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган индивидуал режаларда белгиланган чора-тадбирлар, шу жумладан, белгиланган ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг ижро ҳолати;

(ii) Дастур доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ижроси.

13. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2026 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

---

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

18. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 26 декабрь,
ПФ–258-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги
ПФ–258-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ижтимоий реестрга киритишнинг алоҳида тартиби қўлланиладиган оилалар тоифалари РЎЙХАТИ

1. I ва (ёки) II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ёхуд болаликдан ногиронлиги бўлган шахс бор оила.

2. Боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётган оила.

3. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз шахс.

4. Оила аъзоси муддатли ҳарбий хизматда ёки жазони ижро этиш муассасасида бўлган оила.

5. Оила аъзоси психиатрия, наркология, сил касалликлари диспансерида бўлган ёки онкология марказларида рўйхатда бўлган ёхуд гематология, иммунология, жигар, буйрак етишмовчилиги каби оғир касалликка чалинган аъзоси мавжуд оила.

6. Ёнғин, бахтсиз ҳодиса, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлардан жабрланган оила.

Изоҳ:

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимча киритилиши мумкин.

Мазкур рўйхатнинг:

(а) 1 — 5-бандларида белгиланган тоифадаги оилалар аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлганда Ижтимоий реестрда «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилади;

(б) 1 — 6-бандларида белгиланган тоифадаги оилалар «маҳалла етилиги» тавсияси асосида Ижтимоий реестрнинг «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилади. Бунда:

(i) жами ўртача ойлик даромад 25 фоиз камайтирувчи коэффициент қўллаган ҳолда ҳисобланади;

(ii) маҳалладаги оилалар сони 300 тагача бўлганда — 3 та, 500 тагача бўлганда — 5 та, 1 000 тагача бўлганда — 10 та, 1 500 тагача бўлганда — 15 та ва 1500 тадан ортиқ бўлганда — 20 тадан оилалар мазкур тоифага киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

818 Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, давлат харидларида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, ушбу соҳада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Давлат буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат харидларининг қулай, замонавий ва сервисга йўналтирилган экотизимини яратиш ва унга сунъий интеллект технологияларини кенг татбиқ этиш давлат харидлари соҳасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

2. 2030 йилгача давлат харидлари соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) давлат харидларида рақобатли усуллардан фойдаланиш даражасини 80 фоизга етказиш;

(б) давлат харидларида иқтисод қилинган маблағ миқдорини 25 трлн сўмга етказиш;

(в) тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларидаги фаоллигини икки карра ошириш;

(г) давлат буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган харидларда маҳаллий маҳсулотлар улушини камида 85 фоизга етказиш;

(д) давлат буюртмачиларининг харидлар учун масъул бўлган малакаси оширилган ходимлари улуши 98 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш.

II. Давлат харидлари тизимида тежамкорлик ва самарадорликни ошириш

3. 2026 йил 1 мартдан бошлаб давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида давлат хариди предметининг ўртача бозор нархини сунъий интеллект технологиялари асосида ҳисоблаб берувчи электрон модуль (кейинги ўринларда — модуль) ишга туширилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат буюртмачиси давлат харидини амалга оширишдан олдин давлат харидлари предметининг ўртача бозор нархини модулда шакллантиради. Бунда:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 декабрда эълон қилинган.

(а) давлат харидлари предметининг бошланғич нархи ёки шартнома баҳоси ва унинг модулдаги ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовут 10 фоиздан ортиқ ёхуд 20 фоиздан паст бўлса, ушбу харидлар давлат харидлари соҳасидаги давлат назорати органлари томонидан биринчи даражада текшириладиган юқори хавф-хатар сифатида баҳоланади ва навбатдан ташқари текшириш ўтказиш учун асос бўлади;

(б) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харидлар модулдаги харид предметининг ўртача бозор нархидан ошмаган ҳолда амалга оширилади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат хариди предметининг ўртача бозор нархини аниқлаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

III. Давлат харидлари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратуранинг 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат харидларида рақобатли усул орқали айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг «таклиф сўрови» янги тартиб-таомилини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар:

(а) Давлат буюртмачилари томонидан «таклиф сўрови» орқали харид қилиниши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

(б) Давлат буюртмачилари томонидан «таклиф сўрови» орқали харидларни амалга ошириш схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати бекор қилиниб, мазкур рўйхат бўйича давлат харидлари рақобатли усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, бундан «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

(б) «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш ҳақида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда давлат хариди ижрочисининг номи аниқ кўрсатилади. Давлат хариди ижрочисининг номи аниқ кўрсатилмаган тақдирда, ушбу харидлар «таклиф сўрови» харид қилиш тартиб-таомили орқали амалга оширилиши назарда тутилади;

(в) тўғридан-тўғри шартномалар тузишни назарда тутувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш натижалари асосидаги хулосалари

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мавжуд бўлса, шунингдек, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилган тақдирда, белгиланган тартибда қабул қилинади;

(г) давлат харидларида электрон дўконга оферталарни жойлаштириш муддати 15 кундан 60 кунгача узайтирилади ҳамда товарларни етказиб бериш муддати камида 5 кун этиб белгиланади;

(д) Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида харид ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш муддатлари уларнинг қиймати ва мураккаблигидан келиб чиқиб қисқартирилади.

IV. Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини янада қўллаб-қувватлаш

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) давлат буюртмачиларининг харид режалари эълон қилингандан кейин ушбу маълумотлар автоматик равишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга электрон хабарнома тарзида юборилади;

(б) бюджет буюртмачилари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўтказиладиган маҳаллий аукцион савдоларини ўтказиш йўлга қўйилади. Бунда савдолар бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган электрон аукцион тартиб-таомиллари асосида икки иш куни муддатига эълон жойлаштириш орқали шартнома қиймати билан боғлиқ чекловларсиз ўтказилади;

(в) маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бюджет буюртмачилари ўртасида тузилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган товарлар учун бўнак тўловларини маҳаллийлаштириш даражасига мутаносиб равишда, лекин маҳаллийлаштириш даражасидан кам бўлмаган ва корхона жами активлари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўлаб беришга рухсат берилади;

(г) бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционда битта тадбиркорлик субъекти иштирок этган тақдирда, аукцион ўтказилган деб ҳисобланади;

(д) энг яхши таклифларни танлаш савдоларида битта тадбиркорлик субъекти иштирок этган тақдирда, давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини ҳамда товарларга (ишларга, хизматларга) оид мезонларни ўзгартирмаган ҳолда такроран эълон жойлаштирганда ва такрорий ушбу савдоларда ҳам ягона иштирокчи илгари иштирок этган тадбиркорлик субъекти бўлса, у ҳолда энг яхши таклифларни танлаш савдолари ўтказилган деб ҳисобланади. Ушбу тартиб «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган талабларга мос келмайдиган ва таклифини тегишли тарзда расмийлаштирмаган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

10. 2026 йил 1 июлдан қуйидагилар жорий этилсин:

(а) давлат харидларига оид таклифларни давлат харидлари электрон тизими орқали фақат электрон шаклда баҳолаш;

(б) давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишларни, хизматлар-

ни) қабул қилувчи шахсларга ишончномаларни давлат харидлари электрон тизими орқали электрон кўринишда расмийлаштириш.

V. Харид жараёнларини режалаштириш ва тартибга солиш чоралари

11. «UzAssets» АЖ бошқарувидаги йирик давлат корхоналарига (кейинги ўринларда — йирик давлат корхоналари) нисбатан давлат харидларини амалга оширишнинг амалдаги тартибига қўшимча равишда қуйидаги тартиботлар жорий қилинсин:

(а) 2026 йил 1 июлдан бошлаб «Ягона ғазначилик» ва ERP ахборот тизимларидаги давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ барча ахборотларнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига реал вақт режимида узатиб бориш;

(б) омборхоналарда сақланаётган товарларни уч ой муддатда, кейинчалик ҳар йили камида бир марта хатловдан ўтказиб, аниқланган самарасиз сақланиб келинаётган ноликвид товарларнинг белгиланган тартибда сотилишини таъминлаш ва амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

(в) тегишли йил учун харид режалари фақат хатлов натижаларидан келиб чиқиб шакллантириш;

(г) харид жараёнларининг коррупцияга қарши курашиш тизимлари самарадорлигини ҳар 2 йилда бир марта баҳолашдан (форензик) ўтказиш ва унинг натижасини 3 кун ичида «Давлат аудити» дастурий комплексига киритилишини таъминлаш.

12. Белгилансинки, йирик давлат корхоналарининг раҳбарлари ушбу Фармоннинг 11-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва пухта бажариш учун шахсан жавобгар бўлади.

13. Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорати инспекцияси:

(а) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фойдаланишида мавжуд бўлган хизмат автотранспорт воситаларини хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижаларига кўра белгиланган меъёрлар бўйича лимитдан ортиқча бўлган хизмат автотранспорт воситаларининг ўрнатилган тартибда сотилишини ва амалга оширилган ишлар ҳақида 2026 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритилишини;

(б) давлат буюртмачилари кесимида автотранспорт воситаларини харид қилиш устидан доимий равишда назорат ўрнатилишини таъминласин.

VI. Давлат харидлари соҳасида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ва қонунийликни таъминлаш

14. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш ҳақида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб

чиқишдан олдин айнан ушбу харид бўйича камида уч иш кунига давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштириш талаб этилади;

(б) харид қилишга оид ҳужжатлар лойиҳаларини камида икки иш куни давомида давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда таклиф ва эътирозлар келиб тушган харид қилишга оид ҳужжатлар лойиҳалари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан доимий мониторинг қилиб борилади ва мониторинг натижасида аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар бўйича кўрсатмалар ва кўриб чиқилиши лозим бўлган тақдимномалар киритилади;

(в) Ўзбекистон Республикасининг алоҳида махсус савдо майдончаларидаги электрон (биржа) савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар юзасидан маълумотлар давлат буюртмачилари томонидан Шартномаларнинг ягона реестрида акс эттирилади;

(г) давлат буюртмачиларининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган ходимларининг малакаси давлат харидлари бўйича ўқув курсларини ташкил этган давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан икки йилда камида бир маротаба оширилади;

(д) давлат буюртмачилари, шу жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат хариди натижалари давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида очиқланиши шарт, бундан давлат сирлари ва тижорат сири билан боғлиқ ҳоллар мустасно. Бунда давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари томонидан:

(i) барча давлат хариди натижаларини очиқлаш бўйича талабларга сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилади;

(ii) давлат хариди натижаларини очиқлаш бўйича талабларни бузган давлат буюртмачиларига нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

15. 2026 йил 1 мартдан бошлаб харид комиссиясининг раиси этиб фақатгина давлат буюртмачисининг раҳбари, унинг ўринбосари ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахс тайинланиши лозим.

16. Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида давлат харидлари соҳасида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қуйидаги механизмларни назарда тутувчи «Давлат харидларида назорат» саҳифаси жорий этилсин:

(а) давлат харидлари соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар вужудга келиши мумкин бўлган хавфларнинг ягона таснифини шакллантириш;

(б) хавф-хатарларни тоифаларга ажратиш, шунингдек, уларни автоматик аниқлаш ва хабардор қилиш;

(в) давлат буюртмачиларини содир этган ҳуқуқбузарликларига кўра тоифаларга ажратиш;

(г) давлат харидларида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи «Харидларда KPI» рақамли рейтингини жорий қилиш.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура

билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар мазкур Фармоннинг 16-бандида назарда тутилган механизмларни жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси 2026 йилдан бошлаб ҳар чоракда йирик давлат корхоналари ва бюджет буюртмачилари раҳбарларининг давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, соҳада коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

19. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси уч ой муддатда давлат харидларида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келадиган ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари субъектлари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиб, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштирсин ҳамда доимий тарзда қонунчиликка мувофиқлаштириб борсин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

20. Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

21. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги уч ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини «e-anticor.uz» электрон платформасида масофадан аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этсин ҳамда ушбу тизимни давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали билан интеграция қилсин.

22. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда:

(а) Адлия вазирлиги билан биргаликда электрон тизим операторларида шаклланадиган давлат харидлари тўғрисидаги тегишли шартнома лойиҳалари юзасидан юридик хизмат хулосаларини «E-huquqshunos» дастури орқали электрон тарзда тақдим этиш амалиётини йўлга қўйсин;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(i) давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида давлат хариди предметининг ўртача бозор нархларини сунъий интеллект технологиялари асосида ҳисоблаб берувчи электрон модулни ишлаб чиқсин;

(ii) айрим товарларнинг давлат харидида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш орқали харид комиссиясининг аралашувисиз автомат тарзда ғолибни аниқлаш ва хавфларни олдиндан таҳлил қилиш имкониятларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(в) давлат буюртмачиларининг давлат харидлари тўғрисидаги ҳисоботларини давлат харидлари электрон тизими орқали электрон тақдим этиш имкониятини жорий этсин;

(г) қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Мазкур Фармон ижросини мониторинг қилиб бориш режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фармон ижросини мониторинг режасига асосан ҳар йили 10 февралга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида Фармон ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 20 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида Фармон ижросини назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

26. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

27. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 26 декабрь,
ПФ–259-сон

* 4, 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги
ПФ–259-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Давлат буюртмачилари томонидан «таклиф сўрови» орқали харид қилиниши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) РЎЙХАТИ

1. Банк (банкларараро) хизматлар ва операциялар, қурилиш объектларида банклар томонидан амалга ошириладиган назорат ўлчови хизматлари бундан мустасно.

2. Давлат буюртмачиси томонидан унинг таркибидаги ёки юқори турувчи ташкилоти ишлаб чиқарадиган товар (кўрсатадиган хизмат, бажарадиган иш)ларнинг айни бир тури учун амалга ошириладиган давлат хариди.

3. Спорт, маданий-оммавий тадбирлар, кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар, семинарлар ва ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага олиш.

4. Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш.

5. Турар ёки нотурар жойни (иншоотни) харид қилиш ёки ижарага олиш, шунингдек, унинг таъминоти бўйича эксплуатация харажатлари.

6. Даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан, уларнинг электрон вариантларига обуна бўлиш.

7. Бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёнилғиси ва кўмир маҳсулотлари ҳамда электр энергияси манбаларида ҳаракатланувчи транспорт воситаларини қувватлантирувчи электр энергияси*.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

9. Махсус ва хизмат автотранспорти воситаларини, ҳаво кемаларини, шунингдек, тиббиёт ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар.

10. Халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар.

11. Фуқаро авиацияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарувчилардан ёки сертификатлаштирилган етказиб берувчилардан ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш учун харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва материаллар, шу жумладан, авиация сервис товарлари, материаллар, инвентарлар ва уларнинг қисмлари, махсус гилам қопламалари, ҳаво кемалари ўриндиқларига қопламалар тайёрлаш учун матолар, авиация шиналари, шунингдек, авиация корхоналарининг чет элдаги ваколатхоналари учун зарур бўлган товарларнинг (ишлар, хизматлар) хариди.

12. Таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик жамланма-

ларни нашр этиш (қайта нашр этиш) учун мўлжалланган қоғоз ва бошқа сарфлаш материаллари.

13. Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол академиялари учун электрон ҳисоблаш ускуналари, ўйинлар ва ўқув-машқ йиғинларини таҳлил қилиш дастурий таъминот ва ускуналар, Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси талаблари бўйича футбол тўплари, спорт кийимлари ва экипировкалар ҳамда футбол учун оёқ кийимлар.

14. Халқаро спорт федерациялари (ассоциациялари) томонидан уларнинг талаб ва тавсияларига асосан халқаро спорт мусобақалари ҳамда профессионал спортчилар шуғулланиши учун зарур бўладиган хорижда ишлаб чиқарилган спорт анжомлари, жиҳозлари, ускуналари, махсус машғулот тренажёрлари, замонавий илмий технология воситалари, махсус спорт кийимлари (экипировкалар), спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий биологик ва фармакологик препаратлар.

15. Халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришган иштирокчиларни кутиб олиш билан боғлиқ харидлар (транспорт хизматларини кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага олиш, банкет ва овқатланишни ташкил этиш бўйича хизматлар, сувенирлар, совғалар, гуллар ҳамда гул билан безатиш, баннерлар ва буклетлар тайёрлаш, тадбирлар ва анжуманларни ташкил этиш, махсус ва миллий кийимлар ва бошқалар).

16. Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги тизимидаги ташкилотлар ва ботаника боғлари ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари томонидан етиштирилган кўчат ва ниҳоллар, шунингдек, уларни парвариш қилиш бўйича хизматлар.

17. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини тарғиб қилишга йўналтирилган хорижий компанияларнинг продюсерлик ва реклама хизматлари, хорижий телерадиокомпаниялар ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг рекламалар, репортажлар ва бошқа роликларни тайёрлаш ва трансляция қилиш бўйича хизматлари.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси тузилмасига кирадиган давлат резиденциялари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари асосида, шу жумладан, пудратчилар томонидан, ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш.

19. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини бажаришда иштирок этувчи бюджет ташкилотлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш мақсадида реактивлар ва реагентлар харид қилиш.

20. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш бўйича хизматлар.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи экспозицияси, музей ва

кутубхона фондларини шакллантириш мақсадида хорижда ва Ўзбекистонда тайёрланадиган экспонатлар, санъат асарлари, суратлар, ҳайкаллар ва бюстлар, гиламлар, матолар, қўлёзмалар ва нашр асарлари нусхалари, хариталар, паннолар, стендлар, видео-аудио ва юқори технологик намойишлар учун материаллар хариди.

22. Олий таълим муассасалари томонидан хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни (муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан), сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) харид қилиш.

23. Монополист корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фонди (капитали) нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни харидорларга аффилланган шахс бўлган ташиш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг автотранспортда ташиш хизматлари.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нинг давлат хариди.

25. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Давлат бюджети ҳамда Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхат бўйича сув хўжалиги объектларининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш хизматлари.

26. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида «таклиф сўрови» бўйича амалга ошириладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

** Мазкур иловада кўрсатилган бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёнилғиси ва кўмир маҳсулотлари ҳамда электр энергияси манбаларида ҳаракатланувчи транспорт воситаларини қувватлантирувчи электр энергиясининг хариди, қонунчиликда белгиланган тартибда корпоратив банк карталари (харид карталари) орқали амалга оширилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги
ПФ–259-сон Фармонига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6119-сон Фармонига 4-илованинг 7-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6168-сон Фармонига 6-илованинг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–6280-сон Фармонига 1-илованинг 13-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–26-сон Фармонига илованинг 31-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги «Тиббиётда хусусий сектор фаолиятига қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–102-сон Фармонига илованинг 3-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 октябрдаги «Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–234-сон Фармонига илованинг 6-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–92-сон Фармонига 1-илованинг 38-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–193-сон Фармонига 3-илованинг 15-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги

«Маданият ва санъат соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–214-сон Фармонига 1-илованинг 16-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги «Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида»ги ПФ–74-сон Фармонига 7-илованинг 7-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги «Ижтимоий ҳимояга доир қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ПФ–75-сон Фармонига 1-илованинг 6-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3953-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4151-сон қарорининг 19-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4300-сон қарорининг 16-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4467-сон қарорининг 20-банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4544-сон қарорига 2-илованинг 6-банди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4629-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–4678-сон қарорига илованинг 3-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4755-сон қарорига 2-илованинг 4-банди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги

«Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4805-сон қарорининг 19-банди.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4938-сон қарорига 8-илованинг 9-банди.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5124-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5186-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–61-сон қарорига 2-илованинг 4-банди.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–73-сон қарорига 9-илованинг 3-банди.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–471-сон қарорига 8-илованинг 1-банди.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 августдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–257-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–183-сон қарорига 6-илованинг 1-банди.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги «Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–408-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

Изоҳ: Мазкур илова 2026 йил 1 январдан кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

819 Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида*

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги позициясини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолиятини янги босқичга кўтариш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор йўналишлар

1. Қуйидагилар коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг 2030 йилгача бўлган устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари)да коррупцияга қарши курашишнинг профессионал ва самарали тизимини ташкил этиш;

(б) коррупция оқибатлари билан курашишдан кўра коррупциявий омилларни барвақт аниқлаш ва превентив механизмларни жорий этиш орқали тизимли коррупциявий ҳолатларни олдини олиш;

(в) рақамли технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллектни жорий қилишни ҳамда улардан самарали фойдаланишни кенгайтириш;

(г) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар режаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

II. Коррупция омилларини аниқлаш ва бартараф этиш самарадорлигини ошириш

3. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) коррупцияга қарши курашиш соҳасида превентив механизмларни жорий этишга қаратилган қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

(а) коррупцияни олдини олиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ҳамда услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш;

(в) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва улардаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

(г) давлат органлари ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифа ва функцияларини рақамлаштириш бўйича таклифлар ва минимал талабларни ишлаб чиқиш;

(д) «E-qaror» тизимида қабул қилинадиган ҳужжатларни эълон қилишда очиқликка оид қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш ва очиқликни таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни қўллаш;

(ж) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишда коррупциявий омиллар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ҳамда олдини олиш.

4. Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг фаолияти Агентлик билан узвий ҳамкорликда ташкил этилади. Бунда:

(а) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишга оид фаолияти Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади;

(б) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва улар ходимларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлиги Агентлик билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланади;

(в) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари зиммасига уларнинг вазифалари ва функциялари билан боғлиқ бўлмаган топшириқлар юклатилишига йўл қўйилмайди;

(г) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг раҳбар ва ходимлари фаолиятига самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) қўлланилмайди, бунда:

(i) самарадорлик кўрсаткичларидан (KPI) келиб чиқадиган устамалар тегишли лавозим учун белгиланган максимал миқдорда татбиқ этилади;

(ii) устамалар миқдорини пасайтириш масаласи Агентлик розилиги билан ҳал этилади;

(д) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

(ж) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан Агентлик томонидан тасдиқланадиган режа-жадвалга асосан махсус ўқув курсларида ўқитилади.

5. Белгилансинки, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг масъул лавозимларига нисбатан иш тажрибаси ва касбий компетенциясига доир қуйидаги минимал талаблар жорий этилади:

(а) юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, тизимли таҳлил, менежмент ёки ахборот технологиялари мутахассисликлари бўйича олий маълумот;

(б) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси бошлиғи лавозими учун мутахассислиги бўйича камида 4 йиллик, бошқарув ходимлари учун 3 йиллик иш стажи. Бунда комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги иш стажига устуворлик берилади;

(в) коррупцияга қарши курашиш соҳасида махсус ўқув курсларидан ўтганлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш. Сертификатга эга бўлган мутахассислар Агентликда юритиладиган коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларига номзодлар захирасига киритилади.

6. 2026 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларида 2030 йилгача босқичма-босқич коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими жорий этилади. Бунда:

(а) ушбу тизим биринчи навбатда Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими натижаларига кўра «қониқарсиз» деб баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотларида Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш Агентлик томонидан тасдиқланадиган режа-графикка мувофиқ босқичма-босқич амалга оширилади;

(в) Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимининг белгиланган муддатларда жорий этилмаганлиги давлат органи ёки ташкилоти раҳбари ва ўринбосарларига тизим жорий этилгунга қадар бўлган муддатда барча рағбатлантириш тўловлари тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

7. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) коррупциявий хавф-хатар ва ҳуқуқбузарлик даражаси юқори бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тузилмасига қўшимча штат бирликларини кўпи билан 2 йил муддатга жорий этиш. Бунда:

(i) қўшимча штат бирликлари Агентлик директорининг тақдимномасига асосан ушбу ташкилотларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида жорий этилади;

(ii) қўшимча штат бирликларига ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Агентлик томонидан амалга оширилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотларида фаолияти хусусиятларига мос бўлган «комплаенс-назорат» тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ва ташаббусларни ишлаб чиқиш, соҳалар ва тармоқларда коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш. Бунда:

(i) лойиҳа офислари Агентлик директорининг буйруғига мувофиқ Агентлик ходимлари, давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ходимлари ҳамда эксперт ва мутахассислардан иборат таркибда тузилади;

(ii) Агентлик директорининг давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини лойиҳа офисларига жалб қилиш ҳақидаги буйруғи бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

(iii) давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари лойиҳа офиси фаолия-

тига жалб этилган даврда уларнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа барча қўшимча тўловлари сақлаб қолинади;

(iv) лойиҳа офиси фаолиятига жалб этилган давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари, эксперт ва мутахассисларга ўрганиш олиб борилаётган давлат органи ёки ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармаси ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.

8. Агентлик амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва улардаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича масъул орган этиб белгилансин. Бунда:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича ҳужжатлар Агентликка тақдим этилади;

(б) 2027 йилдан бошлаб Агентлик таҳлиллар асосида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг давлат органлари учун мажбурий бўлган йиллик режа-графигини ҳар йили 1 апрелга қадар тасдиқлайди ва эълон қилади;

(в) йиллик режа-графиги ижроси натижалари ҳақидаги ахборот Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борилади.

III. Коррупцияга қарши курашиш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш

9. Агентлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, илмий муассасалар, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий ҳамкорлигига асосланган Коррупциянинг олдини олишнинг яхлит тизими (кейинги ўринларда — Коррупциянинг олдини олиш кластери) жорий этилсин.

10. Белгилансинки, Коррупциянинг олдини олиш кластери доирасида:

(а) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Агентликни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида аниқланган коррупциявий омиллар ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар бўйича таҳлилий ва статистик маълумотлар билан таъминлайди;

(б) Агентликка Ҳисоб палатаси, Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан молиявий назорат ва аудитни амалга оширишда давлат харидлари, манфаатлар тўқнашуви, молиявий хавф-хатарлар юзасидан ўтказилган таҳлиллар ва ўрганиш натижалари билан ахборот тизими орқали танишишга рухсат берилади;

(в) 2-иловадаги илмий муассасалар коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий таҳлилларни қилади, Агентликнинг буюртмасига асосан илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқади, малака ошириш дастурларини ташкиллаштиради;

(г) коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари тизимдаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ҳар чоракда Агентликка тақдим этиб боради;

(д) фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик назорати, шу жумладан, жамоатчилик эшитуви ҳамда мониторинги, жамоатчилик фикрини ўрганишни амалга оширади.

11. Агентлик:

(а) тўпланган маълумотлар таҳлили асосида:

(i) коррупцияга қарши курашиш бўйича манзилли ва натижага йўналтирилган давлат сиёсатини, шу жумладан, соҳага оид стратегиялар, методология ва стандартларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

(ii) коррупциявий омиллар ва хавф-хатарларни тизимлаштириш мезонларини ишлаб чиқади ва гуруҳларга ажратади;

(iii) коррупциявий омиллар ва хавф-хатарларни бартараф қилиш механизмлари ва улар бўйича масъул ижрочиларни белгилаган ҳолда чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади;

(б) мамлакатда коррупция ҳолатини мониторинг қилади, коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича манзилли таҳлиллар олиб боради;

(в) давлат органлари ва ташкилотларининг вазифаларидаги коррупциявий омиллар ҳамда тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни рақамлаштириш ва бартараф қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб боради;

(г) Коррупциянинг олдини олиш кластери иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиради.

12. Коррупциянинг олдини олиш кластери иштирокчилари бўлган давлат органлари Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ҳар ярим йилда ўз фаолияти юзасидан ахборот киритиб борсин.

IV. Давлат бошқаруви соҳаси фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупция хавф-хатарларни минималлаштириш

13. Қуйидаги имкониятларга эга «Рақамли комплаенс» ахборот дастурий комплекси (кейинги ўринларда — Дастурий комплекс) 2026 йил 1 июлдан бошлаб синов режимида ишга туширилсин:

(а) Коррупциянинг олдини олиш кластери иштирокчилари ўртасида тезкор маълумот алмашиш;

(б) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини Дастурий комплекс билан интеграция қилиш орқали Агентлик фаолиятини ахборот жиҳатдан таъминлаш;

(в) Дастурий комплекснинг «E-Komplaens» модулини ишга тушириш орқали коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш;

(г) қуйидагиларни назарда тутувчи сунъий интеллект технологиялари:

(i) Дастурий комплекс ва бошқа ахборот ресурсларидаги маълумотлар таҳлили асосида коррупциявий хавфларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган ечимларни ишлаб чиқиш;

(ii) давлат харидларида оммавий офертага муносабат билдиришда аффилланганлик ва манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлаш ва иштирокчиларнинг иштирокини автоматик чеклаш.

14. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига Дастурий комплексни жорий этиш бўйича ягона интегратор функцияси юклатилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Дастурий комплексни ишлаб чиқиш ва 2026 йил якунига қадар тўлиқ режимда ишга тушириш;

(б) Дастурий комплексни бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

(в) Агентлик фаолиятида рақамлаштириш сиёсатини амалга ошириш ва стандартларни жорий этиш.

15. Рақамли технологиялар вазирлиги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Дастурий комплекс ишлаб чиқилишини таъминласин.

16. Белгилансинки, республика ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни «E-qaror» электрон тизимида асоссиз равишда эълон қилмаслик, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш деб ҳисобланади ҳамда тегишли жавобгарликка тортишга асос бўлади.

17. Ушбу Фармон билан юклатилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб:

(а) Агентликнинг мавжуд штат бирликлари доирасида коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш, шу жумладан, давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши автоматлаштирилган назорат тизимини жорий этишга масъул бўлган «Хавф-таҳлил маркази» ташкил этилсин;

(б) Хавф-таҳлил марказига маълумотлар базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида фойдаланишга рухсат бериш, шунингдек, Агентликнинг электрон сўровига мувофиқ маълумотлар тақдим этиш чораларини кўрадиган давлат органлари ва ташкилотларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

V. Агентлик ва коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари

18. Белгилансинки:

(а) Агентликка унга юклатилган вазифаларни тўлиқ, сифатли ва самарали амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаслик ёхуд нотўғри маълумотларни тақдим этиш, зарур ахборот тизимларини интеграция қилишга асоссиз қаршилик кўрсатиш Агентликнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш деб баҳоланади;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппаратининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларига тизим ташкилотларига қонун-

бузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилади.

19. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни меҳнат қонунчилигининг бузилиши, шу жумладан, меҳнат фаолиятида таъқиб, тазйиқ ҳолатларидан ҳимоя қилиш мақсадида, Агентлик томонидан ҳимоя ордерини тақдим этиш амалиёти жорий қилинади.

20. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Жамғарма маблағларини шакллантириш учун камида 10 млрд сўм маблағ ажратилиши назарда тутилсин. Бунда маблағларнинг 10 млрд сўмдан ошадиган қисми Агентликнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ажратилади.

VI. Ташкилий чора-тадбирлар

21. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда фаол фуқароларни рағбатлантириш мақсадида «Коррупцияга қарши курашишга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилсин.

Агентлик ҳар йили 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни арафасида «Коррупцияга қарши курашишга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлашни йўлга қўйсин.

23. Агентлик уч ой муддатда Агентлик геральдик белгиси — эмблемаси намунаси ва тавсифи ҳамда ундан фойдаланиш тартибини тасдиқласин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Э. Бурханов белгилансин.

26. Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Комплаенс хизмати бошлиғи Э.Т. Юлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 30 декабрь,
ПФ–270-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги
ПФ–270-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Коррупциянинг олдини олиш кластери доирасида фаолият юритадиган илмий муассасалар
РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
2. Тошкент давлат юридик университети
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
4. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги
ПФ–270-сон Фармонига
3-ИЛОВА

Хавф-таҳлил марказига маълумотлар базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида фойдаланишга рухсат бериш, шунингдек, Агентликнинг электрон сўровига мувофиқ маълумотлар тақдим этиш чораларини кўрадиган давлат органлари ва ташкилотларининг
РЎЙХАТИ

I. Хавф-таҳлил маркази томонидан маълумотлар базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган ташкилотлар:

1. Ҳисоб палатаси
2. Бошқарув самарадорлиги агентлиги
3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари
7. Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари
8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
9. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда унинг тизим ташкилотлари
10. Транспорт вазирлиги
11. Энергетика вазирлиги
12. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
13. Рақамли технологиялар вазирлиги

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
16. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
17. Спорт вазирлиги
18. Маданият вазирлиги
19. Адлия вазирлиги
20. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси
21. Давлат активларини бошқариш агентлиги
22. Ёшлар ишлари агентлиги
23. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
24. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги
25. Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
26. Миграция агентлиги
27. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
28. Солиқ қўмитаси
29. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги
30. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
31. Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
32. Ички ишлар вазирлиги
33. Божхона қўмитаси
34. Газначилик хизмати қўмитаси
35. Миллий статистика қўмитаси
36. Кадастр агентлиги
37. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
38. Мажбурий ижро бюроси

II. Хавф-таҳлил марказининг электрон сўровига мувофиқ маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўядиган ташкилотлар:

39. Марказий банк (оффлайн шаклда маълумот тақдим этилади)
40. Барча тижорат банклари (оффлайн шаклда маълумот тақдим этилади)
41. «Навоий КМК» АЖ
42. «Олмалиқ КМК» АЖ
43. «Ўзбекнефтгаз» АЖ
44. «Ўзтрансгаз» АЖ
45. «Ҳудудгазтаъминот» АЖ
46. «UzGasTrade» АЖ
47. «Муборакнефтгазмонтаж» АЖ
48. «Бухоро НҚИЗ» МЧЖ
49. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ
50. «Рақамли трансформация маркази» МЧЖ
51. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ

52. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ
53. «Ангрен ИЭС» АЖ
54. «Янги Ангрен ИЭС» АЖ
55. «Навоийуран» ДК
56. «Навоий КМК» жамғармаси» ДМ
57. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ
58. «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ
59. «Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси» АЖ
60. «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖ
61. «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» АЖ
62. «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» ДУК
63. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
64. «Uzbekistan airways» АЖ
65. «Uzbekistan airports» АЖ
66. «Ўзавтосаноат» АЖ
67. «Ўзкимёсаноат» АЖ
68. «Навоийазот» АЖ
69. «Фарғонаазот» АЖ
70. «Ўздонмаҳсулот» АК
71. «Ўзбектелеком» АК
72. «Ўзметкомбинат» АЖ
73. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
74. «Ўзагросервис» АЖ
75. «Ўзагролизинг» АЖ
76. «Ўзагросуғурта» АЖ
77. «Ўзбекинвест» ЭИСК» АЖ
78. «Ўзсувтаъминот» АЖ
79. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ
80. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармалари
81. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
82. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари

Изоҳлар:

мазкур рўйхатдаги вазирлик, идора ва ташкилотларда янги маълумотлар базаси ёки дастурий таъминот ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилганда, Хавф-таҳлил марказининг сўровига кўра янги маълумотлар базаси ва дастурий таъминотлар Хавф-таҳлил марказига тақдим этилади ҳамда интеграция қилинади;

вазирлик, идора ва ташкилотларнинг реал вақт режимида маълумотлар базасидан фойдаланишга рухсат дастурий комплекс функцияларига ва маълумотлар базаси таркибига аралашиш ҳуқуқисиз берилади;

Хавф-таҳлил марказининг сўровига кўра ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар ва вазифалар доирасида вазирлик, идора ва ташкилотлар билан маълумотлар алмашиш амалга оширилади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Хавф-таҳлил марказига давлат харидларининг электрон тизими операторларининг маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланиш имконияти яратилишини таъминлайди.

Мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари билан келишилган ҳолда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги
ПФ–270-сон Фармонига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида масъул бўлган махсус ваколатли миллий даражадаги давлат органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

4. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир.

5. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

6. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарор ва буйруқлари барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятла-

ри, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Fазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

8. Агентликнинг расмий номланиши:

(а) давлат тилида тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, қисқартирилган номи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

(б) инглиз тилида тўлиқ номи — The Anti-corruption agency of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Anti-corruption agency;

(в) рус тилида тўлиқ номи — Агентство по противодействию коррупции Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Агентство по противодействию коррупции.

9. Агентликнинг жойлашган манзили (почта манзили): 100070, Тошкент шаҳри Ш.Руставели кўчаси 8А-уй.

2. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

(б) мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(в) давлат органлари ва ташкилотларининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

(г) давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг замонавий ва таъсирчан воситаларини жорий этиш;

(д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш;

(ж) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(з) давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали ишлашини ташкил этиш;

(и) давлат хизматига ҳалоллик стандарти ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш стандартларини жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

(к) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш;

(л) Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича

миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

(м) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

11. Агентлик ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

(а) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш соҳасида:

(i) илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқади;

(ii) коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегия ва давлат дастурларини, шунингдек, ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, амалга оширишни ташкил этади ва ижросини мониторинг қилиб боради;

(iii) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун ваколатли органларга киритади;

(iv) ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

(v) халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

(vi) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

(б) мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

(i) коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказади, шу жумладан, социологик, илмий ва бошқа тадқиқотлар ўтказилишини ташкиллаштиради;

(ii) коррупция ҳолатини ўрганиш бўйича тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида сўровлар, шу жумладан, аноним сўровлар ўтказади;

(iii) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

(в) давлат органлари ва ташкилотларининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

(i) коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорлик механизмларини шакллантиради ва амалга оширилишини таъминлайди;

(ii) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ вазифалар ижро қилинмаган тақдирда уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

(iii) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») жорий этилиши ва самарали фаолият юритишини ташкил этади;

(iv) давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий жиҳатдан таъминлайди, ушбу бўлинма ходимларини стажировкага юбориш ва аттестациядан ўтказиш, ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда сертификациялаш ишларини ташкил этади;

(v) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолатини ўрганади;

(vi) коррупция ҳолатларига доир ахборотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади;

(г) давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг замонавий ва таъсирчан воситаларини жорий этиш соҳасида:

(i) замонавий усуллар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва халқаро стандартларга асосланган воситаларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

(ii) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этишда ижобий натижаларга эришган давлат органлари ва ташкилотларининг тажрибасини кенг оммалаштиради;

(iii) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

(iv) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолайди ва рейтингини эълон қилади;

(v) фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалардаги коррупция даражасини баҳолайдиган коррупцияни қабул қилиш Миллий индексини тузишни ташкил этади;

(д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш соҳасида:

(i) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади;

(ii) давлат органлари ва ташкилотларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича методологик кўмак кўрсатади;

(iii) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга қарши экспертизаси тизимининг самарадорлигини таҳлил қилади ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

(iv) 2027 йилдан бошлаб:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестрини юритади;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилади ва мониторингини амалга оширади;

ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили асосида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг йиллик режа-графигини ҳар йили 1 апрелга қадар тасдиқлайди ва эълон қилади, шунингдек, унинг ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

экспертиза натижалари бўйича аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тегишли таклиф ишлаб чиқиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига кўрсатма киритиб боради;

(ж) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

(i) фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва коррупцияга қарши муросасиз муносабатини шакллантиришга ва ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

(ii) коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирларга фуқаролик жамияти институтлари вакилларини фаол жалб этади ҳамда уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда самарали фаолият олиб боришига кўмаклашади;

(iii) коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ижтимоий шериклик дастурларини шакллантиради ҳамда амалга оширади;

(iv) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид материаллар, медиа контентлар ва ахборотлар тайёрланиши ҳамда тарқатилишини ташкил этади;

(v) халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари учун семинар, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил қилади;

(vi) коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида ёшлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари учун махсус курслар ишлаб чиқилишига, мазкур аудиториянинг жалб этилишига кўмаклашади;

(vii) коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати, коррупциявий хавф-хатарлар ва тадқиқот натижаларини инобатга олиб, янги ўқув модулларини жорий этиш бўйича таклифлар киритади;

(з) давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали ишлашини ташкил этиш соҳасида:

(i) давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

(ii) давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки бўйича декларацияларининг ҳаққонийлигини ва ишончлилигини текширади;

(iii) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади;

(и) давлат хизматига ҳалоллик стандарти ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш стандартларини жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

(i) коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари контингентини шакллантиради;

(ii) давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш бўйича ҳамкорликда ўқув курсларини ташкиллаштиради;

(iii) давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида юқори касбий этика, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича комплекс режа ва дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

(iv) манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш стандартларини жорий этишга қаратилган таъсирчан чораларни кўради, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

(v) манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ахборотни ва материалларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олади ва ўрганади;

(vi) манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда, битимни бекор қилиш, қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритади ёхуд уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво киритади;

(vii) манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарноманинг ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шаклларини тасдиқлайди;

(viii) манфаатлар тўқнашуви натижасида фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

(ix) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённомани тузади ва уни кўриб чиқиш учун судга юборади;

(к) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш соҳасида:

(i) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштиради ва доимий мониторинг қилиб боради;

(ii) очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини такомиллаштириб ва янгилаб бориш, шунингдек, очиқликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ва улар-

да назарда тутилган механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашади;

(iii) «Очиқлик индекси»ни баҳолаш индикатор ва мезонларида кўрсатилган маълумотларни ўз вақтида очиқлаб бориш ва белгиланган талаблар ижро этилишини ўрганади, даврий баҳолаб боради ҳамда давлат идораларининг бу борадаги фаолиятини яхшилашга кўмаклашади;

(iv) нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштирилади;

(v) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллайди;

(vi) давлат органлари ва ташкилотларидаги ишонч телефонларининг (Call-марказ) ҳамда уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинган телефон рақамларининг доимий равишда ишчи ҳолатдалиги, маълумотлар алмашинуви самарадорлиги, қайта алоқанинг мавжудлиги, шу жумладан, тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши даражасини «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирини ўтказиш орқали текширади;

(л) Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш соҳасида:

(i) Миллий кенгаш йиғилишлари, кун тартиби ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва уларда белгиланган масалалар юзасидан ташкилий чораларни амалга оширади;

(ii) Миллий кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан вазифа ва топшириқларни ишлаб чиқиш борасида таклиф беради;

(iii) Миллий кенгаш томонидан белгиланган вазифа ва топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш юзасидан ташкилий чораларни амалга оширади;

(iv) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

(м) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

(i) мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширади;

(ii) коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқлигини ўрганади, шунингдек, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

(iii) коррупцияга қарши курашиш соҳасида хорижий давлатларнинг вако-

латли органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди ва ахборот алмашинувини амалга оширади;

(iv) БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифасини бажаради;

(v) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўяди ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик шаклларини ривожлантиради;

(vi) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида халқаро ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга оширади;

(vii) хорижий экспертлар ва халқаро ҳамкорлар иштирокида коррупциянинг олдини олиш соҳасида тадқиқот ва таҳлил ишларини ташкил этади;

(viii) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини ташкиллаштиради.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3. Агентликнинг ҳуқуқлари

12. Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

(б) ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари ҳамда ўзига юклатилган вазифа ва функциялар бўйича таклифлар киритиш;

(г) жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

(д) ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят

ишларини қўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

(ж) тадқиқотлар ўтказиш ҳамда таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича қўшма ишчи гуруҳларини тузиш;

(з) коррупция фактлари тўғрисидаги хабарларни текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумотни талаб қилиб олиш;

(и) ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;

(к) давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантиришлар ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

(л) фуқароларнинг коррупцияга оид мурожаатлари ва маълумотлар юзасидан тегишли давлат органларида текширишлар ўтказиш;

(м) ўзига юклатилган вазифаларни тезкор ва ўз вақтида бажариш мақсадида вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаси, рўйхати ва бошқа кўринишдаги ахборот тизимларидан фойдаланиш;

(н) давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларациялаш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қонуний чора қўллаш ёки бошқа тегишли чораларни қўллаш учун материалларни ваколатли органларга юбориш;

(о) коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини, коррупция ҳолатини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ва ҳужжатлар билан танишиш;

(п) Ўзбекистон Республикасининг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда давлат ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зарар етказадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан қонуний таъсир чоралари кўрилишини ташкиллаштириш;

(р) ўз ваколатлари доирасида судларга кўриб чиқиш учун даъво аризалар (ариза, шикоят) киритиш;

(с) давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб бориш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида кўриб чиқилиши ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

4. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

14. Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ унинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

(a) Агентлик директори:

(i) Агентлик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

(ii) Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш мажлисларида иштирок этади ва Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланишига масъул ҳисобланади;

(iii) давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Агентлик номидан иш кўради;

(iv) Агентликнинг ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

(v) Агентлик директори ўринбосарлари ва ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, шунингдек, ўринбосарлари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

(vi) Агентлик ҳамда давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тавсия этади;

(vii) буйруқ, қарор ва кўрсатмалар чиқаради ҳамда Агентликнинг таркибий тузилмалари тўғрисида низомларни, шунингдек, Агентлик фаолияти юзасидан бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

(viii) Агентликнинг харажатлар сметасини ва белгиланган штатлар сони доирасида штатлар жадвалини тасдиқлайди;

(ix) ижро интизомига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

(x) Агентлик директори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Агентлик директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари директорнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса директорнинг бошқа ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади;

(б) директорнинг ўринбосарлари:

(i) Агентликнинг зиммасига юклатилган вазифалар бўйича соҳа ва йўналишларни бошқаради;

(ii) коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашни ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

(iii) Агентлик директорининг топшириқларига биноан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасига оид дастурий ҳужжатларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

(iv) ўзлари мутасаддилик қилаётган Агентлик таркибий бўлинмаларида кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ишларни тизимли асосда ташкиллаштиради;

(v) Агентлик директори вақтинча бўлмаганида унинг вазифаларини бажаради;

(vi) қонун ҳужжатлари ва Агентлик директорининг қарорларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради.

5. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

15. Агентликнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

16. Агентлик директори бошқарув ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентликнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

17. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

18. Агентлик директори лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

19. Агентлик директори ўринбосарлари Агентлик директори тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

20. Агентлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликни кенг жалб қилиш мақсадида Агентлик ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилади. Агентлик ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг таркиби Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

21. Агентликка ходимларни ишга қабул қилиш Агентлик директори томонидан белгиланган тартибга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

22. Агентлик директори ва унинг ўринбосарларига хизмат гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан, бошқа ходимларга Агентлик директори томонидан берилади. Агентлик ходимларининг хизмат гувоҳномаси шакли Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

23. Ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатида назарда тутилган ҳолларда Агентликдаги иш фаолияти даврида аттестациядан ўтказилади.

24. Агентлик ходимларига илгари ишлаган жойида кўп йиллик меҳнати учун берилган устамалар ва қўшимча ҳақ, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) сақланиб қолади.

25. Агентликда ишлаган вақт ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) олиш учун зарур бўлган иш стажига киритилади.

26. Агентликка лавозимга тайинланган (юборилган) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш даврида пул таъминоти сақланмаган ҳолда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг амалдаги захирасига тўғридан-тўғри киритилади.

27. Агентлик ходимлари меҳнат фаолиятини тўхтатганларидан сўнг уларга аввалги иш жойи бўйича эгаллаган ёки унга тенг бўлган лавозим бериш кафолатлари таъминланади.

6. Агентликнинг давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

28. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

29. Агентликнинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан мутасаддилик қилинади.

7. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

30. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

31. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

(а) Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

(б) Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

8. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

32. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

(б) Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

(в) вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

(г) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

33. Ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметр-

ларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар назарда тутилади.

34. Агентлик ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур моддий-техника воситалари ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланади.

35. Агентликни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғарма манбалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

36. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

37. Хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган Агентликнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига юқори малакаси учун Агентлик директори томонидан Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

9. Агентликнинг ҳисобдорлиги

38. Агентлик директори ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлиси палаталарига мунтазам равишда ҳисобот беради.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаси Агентликка юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

10. Якунловчи қоида

40. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

820 2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Йўловчиларни шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва вилоятлараро йўналишларда темир йўл транспортида ташиш улушини ошириш, аҳолига хавфсиз транспорт хизматлари кўрсатилишини таъминлаш, республиканинг барча ҳудудларини юқори тезликда ҳаракатланувчи ва тезюрар электропоездлар қатнови билан қамраб олиш ҳамда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятининг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва истиқболли кўрсаткичлар

1. Мазкур қарорнинг асосий мақсади этиб 2030 йилгача темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йиллик йўловчи ташиш кўрсаткичини 10,5 млн нафардан 23,5 млн нафарга, электропоездлар қатнови ташкил этилган йўналишлар сонини 40 тадан 53 тага етказиш белгилансин.

2. Қуйидагилар:

(а) 2026 — 2030 йилларда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

(б) 2026 — 2030 йилларда маҳаллий йўналишларда электропоездлар ҳаракати амалга ошириладиган йўналишлар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

(в) 2026 — 2030 йилларда темир йўл транспортида йўловчи ташиш инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

II. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш инфратузилмасини яхшилаш

3. Қуйидагилар темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш бўйича Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

(а) мазкур қарорнинг 1 — 3-иловаларида белгиланган мақсадлар ва истиқболли кўрсаткичларга сўзсиз эришилиши, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури бажарилишини таъминлаш;

(б) узунлиги 465 км бўлган ва электрлаштириш ишлари якунланган «Бухоро — Хива» темир йўл линияси орқали 2026 йилдан бошлаб Тошкент — Урганч — Хива йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини ташкил этиш;

(в) узунлиги 196 км бўлган «Мискин — Нукус» темир йўлини электр-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштириш ишларини 2026 йил якунига қадар тугатиб, ушбу йўналишларда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини ташкил этиш;

(г) Ангрен-Поп ҳамда Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл участкаларини модернизация қилган ҳолда 2030 йилгача Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларига тезюрар электропоездлар қатновларини йўлга қўйиш;

(д) 2030 йилгача 6 та юқори тезликда ҳаракатланувчи, 8 та тезюрар ва 20 та замонавий электропоездлар, 2 та йўловчи тепловоз, 10 та электровоз, 200 та йўловчи вагонлари ва 50 та манёвр локомотивларини харид қилиш ҳисобига ҳаракат таркибини янгилаш. Бунда биринчи босқичда энергия самарадорлиги юқори бўлган замонавий ва паст полли 4 та тезюрар ва 10 та электропоездни харид қилиш ва қолган 4 та тезюрар ва 10 та электропоездни аҳолига қулайлиги юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда харид қилиш.

4. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошкент метрополитени» ДУК ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2026 йил якунига қадар:

(а) Тошкент шаҳрига Тошкент агломерацияси ҳудудларидан кириб келадиган электропоездларни жамоат транспорти билан интеграция қилувчи транспорт боғламалари яратилишини, шу жумладан, камида 3 та метро бекатлари яқинида темир йўл бекатлари ишга туширилишини таъминласин;

(б) Нукус шаҳри ва вилоят марказларига кириб келувчи йўловчилар оқимини ўрганиб, шаҳар атрофи йўналишларида ҳаракатланувчи электропоездларни жамоат транспорти билан интеграция қилувчи транспорт боғламаларини ишга тушириш чораларини кўрсин;

(в) амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Транспорт вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар «Нурафшон — Пискент — Бўка — Янгиер йўналишида янги темир йўл линиясини қуриш» лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, қурилиш ишларини бошласин.

6. Транспорт вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш доирасидаги лойиҳаларни (жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш) молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Транспорт вазирлиги Тошкент давлат транспорт университети билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар республика ҳудудлари ўртасида йўловчи оқимини ўрганиб, темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортида йўловчи ташувларини ўзаро уйғунлаштирувчи комплекс ривожланиш стратегиясини, заруратга кўра, хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки:

(а) ушбу қарорнинг 3-иловасидаги лойиҳалар, заруратга кўра, хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда белгиланган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳани баҳолаш ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда лойиҳалар доирасида харид қилинадиган ҳаракат таркиблари, шунингдек, товар ва хизматлар бўйича шартномалар ўрнатилган тартибда «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилади;

(б) Вазирлар Маҳкамасига лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари натижаларига асосан ушбу қарорнинг 3-иловасидаги лойиҳалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда ўзгартириш киритиш ваколати берилсин.

9. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 2026 йил якунига қадар:

(а) 2023-2024 йиллар учун ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти талаблари асосида ташқи аудитдан ўтказиш;

(б) халқаро капитал бозоридан давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятини яратиш мақсадида халқаро кредит рейтингини олиш;

(в) жамият ва тизим корхоналарида харидларни тартибга солишга қаратилган «Fазначилик тўлови» тизимини жорий этиш;

(г) 2025 йил учун харид жараёнларини форензик аудитдан ўтказиш;

(д) юкларни ташишда вақтни тежаш ҳамда магистрал йўлнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида юк поездларининг йўналиш бўйича чекланган тезлигини 30 км/соатдан 50 км/соатга ошириш;

(ж) темир йўл чипталарини сотишда автоматлаштирилган ҳамда онлайн сотиш тизимига ўтишни тўлиқ якунлаш;

(з) жамият ва тизим корхоналари даромадларини ошириш, харажатларни мақбуллаштириш ва бошқарувни самарали йўлга қўйиш ҳамда хорижий тажриба асосида янги тариф методологиясини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

10. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда мавжуд автомобиль ва темир йўл кесишмаларида янги йўл ўтказгичларни барпо этиш дастурини уч ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда юқоридаги дастурда назарда тутиладиган тадбирларни ҳар йилги Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилсин.

11. Транспорт вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда 2026 йил 1 майга қадар «Тошкент — Самарқанд йўналишида алоҳида ажратилган икки йўлли юқори тезликдаги темир йўл магистралини қуриш» лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Энергетика вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида электр энергияси истеъмолига бўлган талабни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда мунтазам равишда ташқи электр таъминоти учун электр узатиш тармоғи ва подстанцияларни модернизация қилиб бориш чораларини кўрсин.

13. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 2026 йил якунига қадар «8 та тезюрар электропоездларни харид қилиш» лойиҳасини молиялаштириш манбаларига аниқлик киритган ҳолда мазкур лойиҳанинг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Навоий ва Қўқон шаҳарларида жойлашган темир йўл вокзаллари инфратузилмасини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖнинг 90 фоиз акциялар пакетини ишончли бошқарувга бериш тўғрисидаги битимни кейинчалик босқичма-босқич хусусийлаштириш шарти билан 1 йилга узайтирсин.

III. Темир йўл транспорти ҳаракат таркибини янгилаш

16. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар томонидан локомотив паркини янгилаш мақсадида харид қилинадиган 2 та йўловчи тепловоз ва 10 та электровоз, шунингдек, «50 та манёвр локомотивларини харид қилиш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар технологик ҳужжатлар бўйича етказиб бериш ва кафолат муддати якунлангунга қадар импорт божхона божидан озод этилсин ҳамда жамият таркибидаги корхоналарга қўшилган қиймат солиғини белгиланган тартибда 120 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилсин.

17. Мазкур қарорнинг 3-иловасида келтирилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2026-2027 йилларда 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада «200 та йўловчи вагонлар таркибини янгилаш» лойиҳаси доирасида 143 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар кафиллиги асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга ажратсин;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мурожаати келиб тушган вақтдан бошлаб бир ой муддатда тегишли ер участкалари уларни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги корхоналарга бепул ижарага бериш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин. Бунда тегишли ер участкалари тоифала-

рини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишли тоифага ўзгартириш бўйича таклифлар Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритилсин;

(в) қурилиш ҳудудига тушган муҳандислик-коммуникация тармоқлари (электр, табиий газ, ичимлик суви ва оқова сув, алоқа, ерости ва ерусти ирригация тармоқлари) тегишли тармоқ ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан бошқа ҳудудларга кўчирилсин.

18. «Шовот — Қораўзак янги темир йўл линиясини қуриш» ва «Навоий — Бухоро электрлаштирилган иккинчи темир йўл линиясини қуриш» лойиҳалари доирасида ажратилган ер участкалари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар ундирилмайди ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ устав фондидаги давлат улушини ошириш орқали ҳисобга олинади.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–329-сон қарорига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

21. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 27 декабрь,
ПҚ–391-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

821 2026 — 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишни янада жадаллаштириш, атроф-муҳитни асраш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ҳудудларда, айниқса, маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун қулай муҳит яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. 2026 — 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг (кейинги ўринларда — Дастур) асосий устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) қурилиш объектларини лойиҳалашда «яшил» технологияларни кенг жорий қилиш, энергия самарадорлиги стандартлари ва ёндашувларига тўлиқ амал қилиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишни инобатга олиш;

(б) давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, бунда, биринчи навбатда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг 3,4 триллион сўм маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

(в) илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини жорий этиш;

(г) илғор касбий маҳорат техникумлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 150 миллиард сўм маблағ йўналтириш;

(д) ижтимоий соҳа объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қўшимча қувват яратиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 2 триллион сўм маблағ ажратиш;

(ж) умумтаълим мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари учун ажратилаётган маблағлар миқдорини 1,6 баробарга ошириш;

(з) ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида зарур инфратузилмани барпо этиш учун ажратиладиган маблағларни 1,7 баробарга ошириб, 700 миллиард сўмга етказиш;

(и) иссиқлик таъминоти объектларининг энергия самарадорлигини оши-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 декабрда эълон қилинган.

риш мақсадида замонавий энергия тежамкор ускуналар ўрнатиш ишларига 70 миллиард сўм маблағ йўналтириш;

(к) автомобиль йўлларида пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида 100 миллиард сўм маблағ ҳисобидан ерости пиёдалар йўлларини қуриш;

(л) вегетация даврида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш имкони бўлмаган ирригация тизими объектларида суғориш мавсуми бўлмаган (новегетация) даврда қурилиш-монтаж ишларини олиб боришни молиялаштириш учун олдиндан 120 миллиард сўм маблағ ажратиш;

(м) Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган инфратузилма объектларида ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқсиз муҳит яратиш.

II. Дастурни тасдиқлаш ва унинг амалга оширилишини ташкил этиш

2. Дастур Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар таклифлари асосида, кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

(а) 2026 — 2028 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

(б) 2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари 1а-иловага* мувофиқ;

(в) 2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва янги қувватлар ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

(г) 2026 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар 3 — 16-иловаларга* мувофиқ;

(д) 2026 йилда махсус иқтисодий зоналар ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича объектларнинг манзилли рўйхати 17-иловага* мувофиқ;

(ж) 2026 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат 18-иловага* мувофиқ;

(з) 2026 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 19-иловага* мувофиқ;

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(и) 2027 йилда амалга ошириладиган янгидан бошланувчи ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари (объектлари)нинг дастлабки манзилли рўйхати 20-иловага* мувофиқ;

(к) келгуси йилларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар (объектлар)нинг манзилли рўйхати 21-иловага* мувофиқ;

(л) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 22-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бош вазир ўринбосари А. Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари (кейинги ўринларда — Дастур параметрлари) ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Белгилансинки:

(а) Дастур доирасида янгидан бошланадиган объектларни лойиҳалаштиришда қурилишнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, замонавий стандартларни жорий этиш, жумладан, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан, экологик тоза ва энергия самарадорлиги юқори бўлган қурилиш материалларидан фойдаланиш инобатга олинмаган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишга йўл қўйилмайди;

(б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан янгидан бошланадиган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилишда мазкур бандда келтирилган талабларга риоя этилишини таъминлаш чоралари кўрилади;

(в) Дастур доирасида фақатгина асосий капитални яратишга (шаклланишга) йўналтирилган лойиҳалар қамраб олинади (ижтимоий соҳа объектларини мукаммал таъмирлаш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ишлари ҳамда аввалги йиллар дастурлари доирасида амалга оширилган лойиҳалар бўйича кредитор қарздорликларни сўндириш бундан мустасно);

(г) Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари асосида Дастур параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар (объектлар) киритилиши, амалга оширилмаган лойиҳалар (объектлар) чиқариб ташланиши, шунингдек, капитал қўйилмаларнинг буюртмачилар (ташаббускорлар) ўртасида қайта тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин. Бунда:

(i) тегишли йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган қувватларнинг йўналишлар (соҳалар) кесимида камайтирилишига йўл қўйилмайди;

(ii) Дастур параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг

---

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

асосланган таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан киритилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари — буюртмачилар:

(а) 2026 йил 15 январга қадар молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқ ҳолда 2026 йил учун йилдан йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқласин;

(б) бир ой муддатда 2026 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда давлат харидлари тартиб-таомилларини ўтказиш ва якуний натижалар бўйича аниқланган ғолиблар билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

(в) харид қилиш тартиб-таомиллари якунланганидан сўнг бир ҳафта муддатда 2026 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар)нинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

(г) 2026 йил 15 февралга қадар Дастур параметрларини бажариш, шу жумладан, лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин. Бунда:

(i) 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича йиллик режалаштирилган ўзлаштириш ҳажмларининг камида 40 фоизини, шу жумладан, йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича камида 50 фоизини бажариш;

(ii) 2026 йилда ишга тушириладиган таълим муассасалари объектларини — 1 сентябрга қадар, иссиқлик таъминоти объектларини — 1 октябрга қадар, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар ҳамда бошқа объектларни — 1 декабрга қадар фойдаланишга топшириш;

(iii) ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар Дастурдаги ҳар бир лойиҳа (объект)нинг прогноз кўрсаткичи ва Дастур параметрлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб бориш назарда тутилсин.

7. Қуйидагилар:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилишини ҳамда натижалари юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини;

(б) Вазирлар Маҳкамаси тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Дастурнинг ижро ҳолати тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар Олий Мажлис палаталарига киритиб борилишини таъминласин.

III. Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш

8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ–454-сон қарори 4-банди «в» кичик банди билан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича синов тариқасида жорий қилинган тартибни амалиётга тўлақонли жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга оширишга рухсат берилган муддатларга амал қилинмаган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилгунга қадар қурилиш ишларини бажариш ва молиялаштириш қатъий тақиқлансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баробаридан юқори бўлган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қамраб олинади. Бунда:

(а) Дастурга киритилмаган янги қурилиш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш объектлари учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш тақиқланади;

(б) лойиҳаларни қисмларга бўлиш орқали амалга оширишга йўл қўйилмайди;

(в) бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш ишларини амалга оширишда лойиҳаларни бошқариш ва техник назорат хизматларига эга бўлган буюртмачи хизматини жалб қилиш мажбурий ҳисобланади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йил 1 апрелга қадар вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида 2025 йил якуни билан шаклланган қолдиқ маблағларнинг 50 фоизини ижтимоий соҳа объектларида қўшимча қувват яратиш ишлари учун йўналтириш чораларини кўрсин (мазкур қарорнинг 19-иловасида назарда тутилган объектлар учун ажратилган маблағлар бундан мустасно).

12. Қуйидагилар:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари — буюртмачилар мазкур қарорнинг 20-иловасига мувофиқ тасдиқланган 2027 йилда амалга ошириладиган янгидан бошланувчи лойиҳалар бўйича:

(i) 2026 йил 1 мартга қадар лойиҳа ташкилотлари аниқланиши, 2026 йил 1 июлга қадар лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва 2026 йил 1 августга қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

(ii) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргалик-

да 2026 йил 1 ноябрга қадар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида пудрат ташкилотларини аниқлаш учун тендер савдолари ўтказилишини ҳамда 2027 йил январь ойидан бошлаб қурилиш ишларини бошлаш чораларини кўрсин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастур доирасида 2027 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар)нинг лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

(а) 2026 йил 1 июлга қадар лойиҳалар (объектлар) доирасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми ва фойдаланишга топширилган қувватлар бўйича Миллий статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини йўлга қўйсин;

(б) 2026 йил 1 сентябрга қадар Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш, фойдаланишга топшириш ва инвестициядан кейинги мониторинг жараёнларини қамраб олувчи барча босқичлар рақамлаштирилишини таъминласин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат

14. Бош вазир ўринбосари А. Раматов Дастурнинг амалга оширилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриб борсин.

15. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (С. Самадов) қуйидагилар устидан тизимли назорат ўрнатсин:

(а) туман (шаҳар) ва ҳудудлар даражасида Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-пудрат ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида сифатли бажарилиши жойига чиққан ҳолда ўрганилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши;

(б) консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаган, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилинмасдан танланган лойиҳалар (объектлар) бўйича харажатлар амалга оширилмаслиги;

(в) танлов (тендер) савдолари ўтказилгандан сўнг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш чекланиши;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш

билан айни бир вақтда амалга оширишга рухсат берилган муддатларга амал қилмаган масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланиши;

(д) Дастур доирасида 2026 йилда якунланиши назарда тутилган объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши.

16. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган объектлар бўйича қурилишга рухсат бериш, тендер жараёнлари ва объектларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларга қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни бузган ҳолда ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган, бироқ Дастурда назарда тутилмаган лойиҳаларни хатловдан ўтказсин;

(б) 2026 йил 1 майга қадар ушбу лойиҳаларнинг устуворлигидан келиб чиқиб, уларни амалга ошириш муддатларини қайта кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

20. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 27 декабрь,
ПҚ–393-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

822 Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш ва самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги «Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–201-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари

1. Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ стратегик режалаштириш ҳужжатларининг самарадорлик кўрсаткичларини мониторинг қилиш Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) (кейинги ўринларда — Рақамли платформа) орқали амалга оширилади. Бунда:

(а) мақсадли кўрсаткичларга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига эришиш бўйича ҳақиқий маълумотлар, натижалар ва тасдиқловчи ҳужжатлар доимий равишда киритиб борилади;

(б) миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича давлат органлари рейтинги тузилади ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтингини шакллантиришда инобатга олинади;

(в) соҳа, тармоқ, ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни (чора-тадбирлар, «йўл хариталари», режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформанинг тегишли модулидаги маълумотларга боғлаш орқали асослантирилади;

(г) Рақамли платформада соҳа, тармоқ, ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар асослантирилмаган лойиҳа Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан келишилмайди.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 декабрда эълон қилинган.

II. Стратегик ривожланишга қаратилган ташаббусларни янгича ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан ҳудудларни ривожлантириш бўйича таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида тузилган «Ислоҳотлар штаблари» билан яқин ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

(а) ҳар бир ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва инсон ресурсларига кўра ихтисослашувини белгилаш;

(б) ҳар бир ҳудуд учун ишончли ва тўлиқ маълумотлар асосида соҳа ва тармоқлар кесимида ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

(в) иқтисодий номутаносибликларни камайтириш, бунда оғир тоифадаги туман ва шаҳарлар учун алоҳида солиқ, молиявий ва инфратузилмавий имкониятлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) ҳудудлараро ҳамкорлик ва кооперацияни ривожлантириш, йирик шаҳарлар ва атрофидаги ҳудудлар ўртасида иқтисодий ва инфратузилмавий алоқаларни кучайтириш;

(д) ҳудудларда бошқарувни тўлиқ рақамлаштириш, шу жумладан, геоахборот тизимлари (GIS), очиқ маълумотлар платформалари ва интерактив онлайн кузатув воситаларини жорий қилиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳар ойда тегишли давлатларнинг илғор тажрибаси ва амалиёти тўғрисидаги батафсил маълумотни Агентликка тақдим этиб боради;

(б) Агентлик дипломатик ваколатхоналар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, консалтинг компаниялар, хорижий илмий-тадқиқот ва экспертлик муассасалари ҳамда мутахассисларнинг ахборот ва ҳисоботлари асосида маълумотлар базасини шакллантиради;

(в) маълумотлар базаси асосида Агентлик тегишли лойиҳа офислари ҳамда таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари билан биргаликда таклиф ва ташаббуслар бўйича ахборот-таҳлилий маълумотномани Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам киритиб боради.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

5. Стратегик режалаштириш соҳасида Агентликка юклатилаётган қўшимча вазифалардан келиб чиқиб, 2026 йил 1 январдан бошлаб мазкур қарорнинг 2-иловасига* мувофиқ вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига Агентликка қўшимча 10 та бошқарув ходими штат бирлиги ажратилсин ва

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талаб этиладиган қўшимча харажатлар Агентликка 2026 йилда ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Агентлик:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда маҳаллий ва чет эллик экспертларни жалб этган ҳолда 2026 йил 1 декабрга қадар илғор хорижий тажриба асосида мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий мақсадларини белгиловчи концепция ва бошқа стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Бунда узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиялари чуқур ўрганилиши ҳамда аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш орқали янги ташаббуслар ишлаб чиқилиши инобатга олинсин;

(б) Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан хорижий консультант ва экспертларни ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб қилиш ишларини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

8. Агентлик ва унинг тузилмасидаги лойиҳа офислари беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳри Ислом Каримов кўчаси 43-уйдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг биносига жойлаштирилсин.

9. Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва уни йўлга қўйишнинг бошқа ташкилий масалалари 4-иловадаги* тартиб-таомилларга мувофиқ белгилансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йилдан бошлаб ҳар йили ижтимоий-иқтисодий, технологик, гуманитар, экологик ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар ҳамда замонавий чақириқларга бағишлаб таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирокида Тошкент глобал тараққиёт форумини ўтказиб бориш амалиёти жорий қилинади.

11. Тошкент глобал тараққиёт форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита 5-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

12. Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Агентлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

---

* 3, 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 29 декабрь,
ПҚ–394-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 29 декабрдаги
ПҚ–394-сон қарорига
1-ИЛОВА

Стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштириш ҳужжатлари, уларнинг иерархияси ва ўзаро нисбатини, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан стратегик режалаштириш ҳужжатларини ягона, комплекс ва тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиш, ҳисобот бериш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботларни ўрганиш, стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилишини баҳолаш, шунингдек, мазкур жараёнларни ташкил қилишни мувофиқлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

стратегик режалаштириш — давлат органлари, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари, самарадорлик кўрсаткичларини белгилашга, шу жумладан, уларга эришиш ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган принциплар, мақсадлар ва ҳаракатларни белгилаш ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжати сифатида қабул қилишга қаратилган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари — қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, давлат кўрсатмалари сифатида стратегик режалаштиришни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва зарур ташкилий чораларни белгилайдиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган расмий ҳужжат;

стратегик режалаштириш ҳужжатини тайёрлаш ва қабул қи-

лиш — стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ташаббус қилиш, режалаштириш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишни қамраб оладиган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш — қабул қилинган стратегик режалаштириш ҳужжатининг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва унга мутаносиб ҳолатда бўлаётган ўзгаришлар мунтазам мониторинг қилиниб, натижалари бўйича ҳисобот тайёрланадиган ва ҳисоботлар ўрганиб бориладиган жараён;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилишини баҳолаш — белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш даражаси ва динамикасини, уларга эришиш жараёнида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, қўйилган мақсадларнинг стратегик аҳамияти ҳамда улар орқали эришилган натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, баҳолаш натижалари асосида ҳисобот тайёрлаш ва заруратга кўра режалаштирилган тадбирларга тузатишлар киритиладиган жараён;

самарадорлик кўрсаткичлари — стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган мақсадларга эришиш даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган ўлчовли индикатор бўлиб, стратегик мақсадларнинг бажарилиши, аниқ вазифаларнинг амалга оширилиши ва чора-тадбирларнинг ижроси даражасини баҳолаб, мақсадларга эришилганлиги ёки эришилмаганлигини ҳамда амалга оширилган тадбирлар доирасида қандай натижалар қўлга киритилганини аниқлаш учун хизмат қилади;

бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичлари — стратегик режалаштириш ҳужжати доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва фойдаланилган ресурсларнинг бевосита ва аниқ натижаларини ўлчайдиган кўрсаткич;

натижа (outcome) кўрсаткичлари — стратегик режалаштириш ҳужжати доирасидаги фаолият натижасида юзага келган қисқа ва ўрта муддатли таъсирларни ифодаловчи ҳамда амалга оширилган чора-тадбирлар, ҳаракатлар туфайли юзага келган ўзгаришларни акс эттирувчи кўрсаткич;

таъсир (impact) кўрсаткичлари — стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш доирасида эришиладиган натижаларнинг узоқ муддатли ва барқарор таъсирини акс эттирувчи ўлчовли кўрсаткич.

3. Стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнининг асосий устувор мақсади бўлиб, стратегик режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилишида инсон манфаатлари, халқ фаровонлиги ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган вазифалар акс эттирилиши ҳамда фуқароларнинг стратегик режалаштириш ҳужжатларини шакллантириш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолашда фаол иштирок этишини назарда тутади;

мувофиқлик (уйғунлик) принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатида уни қабул қилиш зарурати етарлича асосланган бўлиши, стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархиясига риоя этган ҳолда юқори даражадаги стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиши, тармоқ/соҳа ва ҳудудий стратегиялар билан мувофиқликни таъминлаши ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари жиҳатидан бир-бирини тўлдириши, ўзаро мос келиши ва зиддиятга йўл қўймаслиги лозимлигини белгилайди;

иқтисодий самарадорлик принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатларида давлат сиёсати сифатида чора-тадбирларни амалга оширишдан келиб чиқадиган фойда қилинган харажатларни оқлаши лозимлиги уларни танлашда ҳисобга олинишини назарда тутади;

молиявий барқарорлик принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатлари бюджетлаштириш жараёни билан синхрон ҳолда етарли молиявий ресурсларга боғлиқ ишлаб чиқилиши, ундаги мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирлар молиявий, иқтисодий, моддий-техник ва инсон ресурсларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозимлигини назарда тутади;

ҳисобдорлик принципи — барча стратегик режалаштириш ҳужжатларида уларни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш учун масъул (ташкилот ёки шахслар) белгиланганлигини назарда тутади;

шаффофлик принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилиши бўйича мониторингини олиб боришда кенг жамоатчилик ва экспертларни жалб қилган ҳолда шаффоф жараённи (давлат сирлари, тижорат сири ва қонун билан муҳофаза қилинадиган сир бўлган бошқа ҳужжатлар бундан мустасно) таъминлашни назарда тутади;

узлуксиз режалаштириш принципи — режалаштириш, мониторинг ва самарадорликни баҳолаш жараёнларида ҳар бир янги стратегик режалаштириш ҳужжати олдинги стратегик режалаштириш ҳужжатларига ва амалга оширилган давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш натижаларига асосланганлигини белгилайди;

мазмунга қўйилган муҳим талабларнинг тўлиқлиги принципи — стратегик режалаштириш ҳужжатлари мазмунида мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча масалалар ва механизмларнинг қамраб олиниши зарурлиги белгилайди.

4. Давлат органлари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари биринчи навбатда стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган самарадорлик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

5. Стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқиш, маълумотларни тўплаш, унинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва геохаритада акс эттириш, ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш ва баҳолаш, стратегик режалаштириш ҳужжатларига тузатишлар киритиш тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси (dashboard) (кейинги ўринларда — Рақамли платформа) орқали амалга оширилади.

6. Рақамли платформанинг таркибий модуллари, унинг функцияларини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотларининг вазифалари рўйхати мазкур низомнинг 1-иловасига* мувофиқ белгиланади.

Рақамли платформадан фойдаланиш учун ҳар бир вазирлик ва идорага Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан алоҳида логин ва пароль берилади.

Вазирлик ва идора раҳбари Рақамли платформадан фойдаланиш ва тегишли маълумотларни киритиб бориш учун масъул бўлган ходимларни белгилайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

7. Рақамли платформада:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари мақсадларига масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир самарадорлик кўрсаткичи, шу жумладан, бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичларига эришиш бўйича ҳақиқий маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар доимий равишда киритиб борилади;

давлат органлари томонидан мамлакат миқёсида тармоқларни ривожлантиришда талаб этиладиган давлат маблағлари юзасидан демография, атроф-муҳит, иқлим ўзгариши, миграция, урбанизация ва бошқа омиллар билан боғлиқ аниқлик киритилади;

маълумотлар стратегик режалаштириш ва давлат инвестицияларини бошқаришнинг ягона ахборот экотизимини шакллантириш мақсадида барча тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари билан «Электрон ҳукумат» тизими доирасида интеграция қилиш орқали, шунингдек, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда тўпланади;

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва кейинги стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган мақсадлар, вазифалар ва асосий самарадорлик кўрсаткичлари Рақамли платформада геоахборот шаклида визуал акс эттирилади ҳамда давлат инвестицияларининг мақсадли сарфланиши мониторинг қилинади ва баҳоланади;

ривожланиш билан боғлиқ дастурлар (чора-тадбирлар, «йўл харитала-ри», режалар ва бошқалар) назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидаги (шу жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларидаги) маблағ ажратилишини талаб қиладиган масалалар Рақамли платформанинг «Геопортал» модулидаги маълумотларга боғлаш орқали асослантирилади ҳамда мазкур жараёнда лойиҳа ташаббускорига асослантириш учун зарур бўлган бошқа вазирлик ва идоралардаги маълумотлар Агентлик сўровига асосан Рақамли платформага киритиш орқали тақдим этилиши шарт бўлиб ҳисобланади;

миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича давлат органлари рейтинги шакллантирилади ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтингини шакллантиришда инобатга олинади;

вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформанинг «Геопортал» модулига жойлаштириладиган барча маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари, атрибутлар рўйхати, формат, янгиланиш даврийлиги ва ахборот тузилмаси Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Рақамли платформа ва унинг техник топшириғини ишлаб чиқиш, ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб борилади.

9. Рақамли платформани «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига жойлаштириш ва сақлаш бепул асосда амалга оширилади.

Агентлик Рақамли платформанинг ягона ишлаб чиқувчиси ва оператори бўлиб ҳисобланади.

2-боб. Стратегик режалаштириш босқичлари ва субъектлари, стратегик режалаштириш ҳужжатларининг иерархияси

10. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш мазкур Низом ҳамда қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишга оид белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Стратегик режалаштириш жараёнлари қуйидаги 4 босқичдан иборат:

биринчи босқичда жорий вазият таҳлили асосида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси тайёрланади ва қабул қилинади;

иккинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган тадбирлар амалга оширилади;

учинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши мониторинг қилинади, ҳисобот берилади ва ҳисоботлар ўрганилади;

тўртинчи босқичда стратегик режалаштириш ҳужжатининг бажарилиши самарадорлиги баҳоланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, давлат таҳлилий марказлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг стратегик режалаштириш ва ривожланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган идоралараро коллегиал орган ҳисобланади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, технологик, гуманитар, экологик ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар ҳамда чақириқларни таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатни стратегик ривожлантириш бўйича ғоя ва ташаббусларни шакллантириш;

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси, концепциялар, стратегиялар ва дастурлар («йўл хариталари», чора-тадбирлар режалари) билан мувофиқлигини таъминлаш нуқтаи назаридан стратегик ташаббусларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишни мувофиқлаштириш;

концепциялар, стратегиялар ва дастурларнинг («йўл хариталари», чора-тадбирлар режалари) «Ўзбекистон — 2030» стратегияси мақсадлари билан тўлиқ боғлиқлиги ва уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг амалга оширилиши самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш;

жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳалари кесимида мамлакат ривожланишини узоқ муддатли режалаштириш бўйича фаолиятни ташкил этиш.

13. Стратегик режалаштириш субъектлари ҳисобланадиган вазирлик ва идоралар (миллий даражадаги, республика даражасидаги (вазирликлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари) ва ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари) рўйхати Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

14. Агентлик стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини ташкил этиш, уни самарали жорий қилишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқиш, шунингдек, стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат орган ҳисобланади ҳамда унинг бу борадаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазирликлар ва идораларни услубий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш тизими бўйича тавсиялар ва услубий кўрсатмалар тайёрлаш;

илғор халқаро тажриба ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг стратегик режалаштириш ва ривожланиш ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва иерархияга мувофиқ ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросини мониторинг қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича тақдим этилган ҳисоботларни текшириш йўли билан хулоса бериш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсадларига эришилишини мониторинг қилиш.

15. Вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнлари вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республи-

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари (кейинги ўринларда — Таркибий бўлинмалар) томонидан мувофиқлаштирилади ва улар билан мажбурий тартибда келишилади.

Таркибий бўлинмаларнинг стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш борасидаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари иерархия ва қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилаётганлигини текшириш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари ва талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатларининг амалга оширилиши мониторинг қилинишини мувофиқлаштириш, тайёрланган ҳисоботларни дастлабки тарзда ўрганиш ҳамда Агентликка тақдим этиб бориш;

ҳисобот натижалари асосида стратегик режалаштириш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва ҳисоботлар тўғрисидаги ахборотларни тизимли равишда сақлаш.

Таркибий бўлинмалар вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш ҳужжати ҳисобланмайдиган стратегияси ва иш режаларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш функцияларини ҳам амалга оширади.

16. Стратегик режалаштириш ҳужжатларининг иерархияси қуйидагича белгиланади:

а) биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари мамлакатни, унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришда давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ устувор йўналишларни, бошқарувнинг концептуал ёндашувларини белгиловчи концепциялар шаклида қабул қилинади. Бунда концепция мувофиқлаштириш, ресурслар билан таъминлаш ва уларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг умумий механизмларини ўз ичига олган муайян стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

б) иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакат, ҳудуд, тармоқ ёки давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳасини ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, мақсадли кўрсаткичларига эришишга қаратилган ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ белгиланган механизмлари ва ресурсларини ўз ичига олган стратегиялар шаклида қабул қилинади ва қуйидаги кетма-кетликка риоя қилинади:

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда кейинги йиллар учун қабул қилинадиган мамлакатни кенг қамровли ривожлантириш стратегиялари;

барқарор ривожланиш соҳасидаги кенг қамровли миллий мақсад ва вазифалар;

республика ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлан-

тиришни режалаштириш схемалари, агломерацияларни ривожлантириш стратегияси;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятлари;

тармоқ, соҳа ва (ёки) ҳудудларни ривожлантириш стратегиялари;

Ўзбекистон Республикасининг фискал стратегияси;

в) учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ батафсил чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи дастурлар («йўл хариталари», чора-тадбирлар режалари) шаклида қабул қилинади ва қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда кейинги йиллар учун қабул қилинадиган мамлакатни ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш тадбирлари ва механизмлари тизимини белгилайдиган Давлат дастурлари;

бир ёки бир нечта ҳудуд, тармоқ ёки соҳани ривожлантириш стратегияларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва механизмлар тизимини белгилайдиган давлат дастурлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш дастурлари, «йўл хариталари» ёки чора-тадбирлар режалари.

17. Биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 7 йилдан ортиқ муддатга ишлаб чиқилади ва қоида тариқасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланади.

Иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 4 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан тасдиқланади. Бунда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва бошқа шу каби кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатлари нисбати бўйича муайян ёки бир неча соҳа, тармоқ ёки ҳудуд бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларидан юқори бўлиб ҳисобланади.

Учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқилади ва қуйидаги тартибда тасдиқланади:

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва бошқа шу каби кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари;

иккинчи даражали бошқа стратегик режалаштириш ҳужжатларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинади.

3-боб. Стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқиш тартиби

18. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини қабул қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишга оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидаларга ҳамда мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг лойиҳасини тайёрлашда қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар билан бир қаторда, стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрловчи ташкилот (кейинги ўринларда — Ишлаб чиқувчи) томонидан қуйидаги қўшимча тадбирлар амалга оширилади:

стратегик режалаштириш ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда Ишлаб чиқувчи томонидан келишувга кўра таркибига Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, илмий тадқиқот институтлари, таҳлил марказлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, хорижий консультант ва экспертлар ҳамда Таркибий бўлинмалар вакиллари киритилган ишчи гуруҳи тузилади ва бу ҳақида мазкур вазирлик ва идоранинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда эълон берилади;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ишчи гуруҳ тайёрлаган лойиҳа тегишли материаллар билан биргаликда мазкур Низомнинг 3-иловасидаги* Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини ўрганиш бўйича назорат варақасига асосан дастлабки сифат текширувидан ўтказиш учун Агентликка юборилади;

ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳасини якуний сифат текширувидан ўтказиш учун Агентликка юборилади;

Агентликнинг дастлабки ва якуний сифат текшируви хулосасига мувофиқ стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси қайта ишланади ҳамда лойиҳа сифат текшируви бўйича Агентликнинг ижобий хулосасидан кейин келишиш учун бошқа ташкилотларга юборилади ёки тегишли ваколатли органга киритилади.

20. Биринчи ва иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатини ишлаб чиқишда Ишчи гуруҳ томонидан қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар билан бир қаторда қуйидагилар амалга оширилади:

мавжуд муаммолар ва уларнинг асосий сабаблари аниқлаштирилади, ички ва ташқи омилларни баҳолаш ҳамда илгари амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган стратегиялар ва бошқа ҳужжатларнинг таҳлили самарадорлиги натижаларига (шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш ҳисоботларига) асосланган ҳолда ишларнинг жорий ҳолати таҳлили амалга оширилади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишда устувор мақсадлар ва мавжуд ресурсларга мувофиқ долзарблиги, аҳамияти ёки ҳажмига кўра ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар танлаб олинади;

тегишли соҳадаги таҳдид ва кутилмалар таҳлил қилинади, ички ва ташқи омиллар инобатга олинган ҳолда прогноз ва сценарийлаштириш амалга оширилади;

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

танлаб олинган ва ҳал этилиши лозим деб топилган муаммолар бўйича жорий ҳолатдаги вазиятдан келиб чиқиб, эришилиши кўзланаётган натижалар ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аниқлаштирилади;

аниқланган муаммолар ва уларнинг сабабларидан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш ҳужжатининг асосий мақсад ва вазифалари белгиланади ва шакллантирилади;

кўзланган мақсадларга эришиш даражасини ўлчаш усуллари ва самарадорлик даражасини акс эттирувчи натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари белгилаб олинади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган механизмлар ва вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар (усул ва воситалар), бажариш муддатлари, талаб этиладиган инсон ва молиявий ресурслар, молиялаштириш манбалари, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар (мансабдор шахслар), самарадорликнинг бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари акс эттириладиган режа тайёрланади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда режалаштирилган тадбирларни (ислоҳотларни) амалга ошириш ва кутилаётган ўзгаришларга эришиш учун зарур бўлган молиявий харажатлар ҳисоб-китоб қилинади ва молиялаштириш манбалари аниқлаштирилади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда мониторинг ва ҳисобот бериш механизми белгиланади, бунда маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва ҳисобот учун масъуллар, шунингдек, мониторинг даврийлиги ва муддатлари ҳамда умумлашган ҳисоботни тайёрлаш учун масъуллар аниқ кўрсатилади;

иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш ҳужжатларини баҳолаш механизми ва муддатлари белгиланади.

21. Биринчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларининг:

а) мазмуни стратегик режалаштиришнинг асосий принципларига мос бўлиши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархияга мувофиқ ишлаб чиқилиши, ўзаро зид бўлмаслиги ва заруриятга кўра бир-бирини тўлдириши;

концептуал ғоя, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирларни мониторинг қилиш механизмлари белгиланган бўлиши;

б) тузилмасида қуйидагилар алоҳида боб сифатида кўрсатилиши керак:

жорий ҳолат таҳлили;

концептуал ғоя, мақсад ва вазифалар;

тамойиллар ва ёндашувлар;

асосий йўналишлар;

кутилаётган натижалар;

мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари.

22. Иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларининг:

а) мазмуни стратегик режалаштиришнинг асосий принципларига мос бўлиши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархияга мувофиқ ишлаб чиқилиши, ўзаро зид бўлмаслиги ва заруриятга кўра бир-бирини тўлдириши;

мақсад ва вазифаларни, самарадорлик кўрсаткичлари ва чора-тадбирларни ҳамда уларнинг қийматини баҳолаган ҳолда амалга ошириш имконияти мавжудлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг ўзида тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмлари белгиланганлиги;

ҳар бир мақсад ва вазифаларнинг ўлчаш имконияти мавжуд бўлган самарадорлик кўрсаткичлари белгиланганлиги;

чора-тадбирлар белгиланган мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичларга эришишга қаратилганлиги;

чора-тадбирларни амалга ошириш учун реал муддатлар белгиланганлиги;

мақсад ва вазифалар ҳамда чора-тадбирлар молиявий, моддий-техник, инсон ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлар ва чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмлари белгиланганлиги;

б) тузилмасида қуйидагилар алоҳида боб сифатида кўрсатилиши керак:

жорий ҳолат таҳлили;

мақсад ва вазифалар, самарадорлик кўрсаткичлари;

стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

стратегик режалаштириш ҳужжатини амалга оширишдан кутилаётган натижалар;

мониторинг ва ҳисобот бериш механизмлари;

баҳолаш механизмлари;

в) чора-тадбирлар режаси боби мазкур Низомнинг 4-иловасидаги* намунага мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади ва унда қуйидагилар акс эттирилади:

таъсир (impact) ва натижа (outcome) кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги, ҳисоблаш формуласи, бошланғич кўрсаткич, йиллар кесимида оралиқ кўрсаткичлар, якуний кўрсаткич, маълумотлар манбаси ва уни тақдим этилишига масъул бўлган вазирлик/идора, маълумотларни тақдим этиш даврийлиги;

бевосита фаолият натижаси (output) кўрсаткичи бўйича чора-тадбир номи, мазкур чора-тадбирни амалга ошириш натижаси, ўлчов бирлиги, бошланғич кўрсаткич, якуний кўрсаткич, молиялаштириш ҳажми ва унинг манбаси, чора-тадбир ижросига масъул ташкилот/идора, ижро этилганлигини аниқлаштириш бўйича маълумотлар манбаси ва уни тақдим этилишига масъул бўлган вазирлик/идора, бажариш муддати.

г) миллий даражадаги кенг қамровли стратегик режалаштириш ҳужжат-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари доирасига кирувчи лойиҳаларда жорий ҳолат таҳлили ва чора-тадбирлар режасининг акс эттирилиши талаб қилинмайди.

23. Учинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари иккинчи даражали стратегик режалаштириш ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар учун белгиланган жадвал шаклида ишлаб чиқилади.

Бунда амалга оширилаётган стратегия доирасида ҳар бир мақсад, ушбу мақсадга эришишга қаратилган вазифалар, уларни амалга ошириш бўйича батафсил чора-тадбирлар ҳамда мазкур чора-тадбирларнинг бевосита фаолият натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар (output) ўзаро тааллуқлилигига мувофиқ равишда кетма-кетликда акс эттирилади.

24. Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрлашда мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш бобида қуйидагилар акс эттирилади:

маълумотларни йиғиш, уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш, ҳисобот бериш учун масъул ташкилот(лар), шунингдек, бир нечта ташкилот бўлганда умумлашган ҳисоботни тақдим этиш учун масъул ташкилот;

ҳисобот бериш ва мониторингни амалга оширишнинг даврийлиги ва муддатлари.

Бунда бевосита фаолият натижаси кўрсаткичлари (output) бўйича ҳисобот камида ҳар ой ёки ҳар чоракда, натижа кўрсаткичлари (outcome) бўйича ҳисобот камида ҳар чорак ёки ярим йилда, таъсир кўрсаткичлари (impact) бўйича ҳисобот камида ҳар йилда бир марта топширилиши белгиланиши керак.

25. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида Агентликдан ташқари қуйидаги вазирлик ва идоралар билан мажбурий тартибда келишилади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан:

соҳаларга режалаштирилаётган маблағларнинг иқтисодий параметрлари билан мувофиқлиги;

тегишли ҳудуд, тармоқ ва соҳадаги иқтисодий таҳдид ва кутилмалар, прогноз ва турли сценарийлар асосида таҳлилнинг амалга оширилганлиги;

самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар тўлиқ ва тўғри баҳоланганлиги, молиялаштириш манбаларининг аниқ белгиланганлиги ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлиги масалалари;

лойиҳа стратегик режалаштиришнинг иқтисодий самарадорлик принципига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан Ўзбекистон Республикасининг ички хавфсизлиги, барқарор тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалалари ҳамда минтақа, халқаро ва глобал хавфсизликнинг бугунги тенденцияларининг стратегик мақсадларни амалга оширишга бўлган таъсирини таҳлил қилиш орқали прогноз ва сценарийлар ишлаб чиқилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан мақсад ва вазифалар ҳамда самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида

давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳамда атроф-муҳит ва экологик ҳолатга таъсири масалалари.

26. Ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича Адлия вазирлигининг тавсиялари асосида лойиҳа Агентликка якуний сифат текшируви хулосасини олиш учун юборилади.

Агентликнинг лойиҳа бўйича якуний сифат текшируви хулосасида назарда тутилган масалалар инобатга олинмаган тақдирда стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига киритилмайди.

4-боб. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши бўйича ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш тартиби

27. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилиши бўйича ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

қонунийлик — стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолашни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга ошириш;

бетарафлик — мониторинг ва баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар ходимлари ўз ваколат ва вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қатъи назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши;

холислик — мониторинг қилиш ва баҳолашни субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;

очиқлик ва шаффофлик — мониторинг ва баҳолаш фаолияти ҳақидаги маълумот ва ахборотлардан тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, уларни белгиланган ахборот ресурсларига жойлаштириш;

махфийликни таъминлаш — давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат, шунингдек, ошкор этилиши натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ёхуд давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни эълон қилишда қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя қилиш;

ишончлилик — стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ёки баҳолаш учун тегишли вазирлик ва идора томонидан тақдим қилинган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материалларнинг талаб қилиб олиниши, уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда мустақил манбалар орқали ўрганишнинг амалга оширилиши.

28. Стратегик режалаштириш ҳужжатидаги бевосита фаолият натижаси (output), натижа (outcome) ва таъсир (impact) кўрсаткичлари «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига тегишли муддатлар ўрнатилган ҳолда назоратга олинади. Бунда ҳар бир самарадорлик кўрсаткичининг топшириғи тегишли стратегик режалаштириш ҳужжати бўйича

умумлаштирилган ҳисоботни тақдим этишга масъул бўлган ташкилотнинг розилиги билан назоратдан ечилиши мумкин.

29. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот беришда тегишли ҳужжат ёки ундаги муайян мақсадни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммолар аниқланади ва уларни ҳал этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Масъул ижрочиларнинг Рақамли платформага киритган маълумотларини таҳлил қилиш (шу жумладан, ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини интеграция қилиш) орқали стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган муддатларда ва умумлашган ҳисобот учун масъул давлат органи ёки ташкилоти томонидан ҳисобот тайёрланади ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжатининг бевосита фаолият натижаси (output) ва натижа (outcome) кўрсаткичлари бўйича дастлабки мониторинг амалга оширилади ҳамда Рақамли платформага юкланади.

30. Агентлик томонидан ҳисобот ва дастлабки мониторинг ҳужжатларига асосан стратегик режалаштириш ҳужжатининг бевосита фаолият натижаси (output) ва натижа (outcome) кўрсаткичларига эришиш даражаси тўлиқ мониторинг ўтказиш орқали ўрганилади ҳамда топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масалалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашга умумлаштирилган ахборот киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклифлар киритилади.

31. Стратегик режалаштириш ҳужжатининг амалга оширилишини баҳолашда стратегиянинг мақсадлари ёки ундаги муайян мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш динамикаси ва самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига мазкур ҳужжатда белгиланган муддатлардан келиб чиқиб баҳо берилади.

32. Баҳолаш Агентлик томонидан стратегик режалаштириш ҳужжати якунлангунга қадар оралиқ баҳолашдан (заруратга кўра) ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжати якунлангандан сўнг якуний баҳолашдан ўтказилади.

Оралиқ ва якуний баҳолаш тартиби, муддатлари ва баҳолаш учун Агентлик билан бир қаторда қўшимча масъул ташкилот(лар), уларнинг вазифалари, шунингдек, баҳолаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари тегишли стратегик режалаштириш ҳужжатида белгилаб қўйилади.

33. Стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган баҳолаш муддатларида, заруратга кўра ҳисобот ва бошқа маълумотлар баҳоловчи ташкилот сўровига кўра ижро учун масъул вазирлик ва идора томонидан тақдим этилиши шарт.

34. Оралиқ баҳолашда стратегик режалаштириш ҳужжатининг ёки ундаги муайян мақсадларга эришилаётганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо берилади ҳамда муайян мақсадларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларга эришиш механизмларини такомил-

лаштириш, самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Оралиқ баҳолаш натижаларига асосан аниқланган камчиликлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш усул ва воситаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар, шунингдек, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масалалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашга умумий ахборот киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига тегишли стратегик режалаштириш ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклифлар киритилади.

35. Якуний баҳолашда стратегик режалаштириш ҳужжатида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражаси, ривожланиш самарадорлиги, таъсири ва барқарорлигига баҳо берилади ҳамда келгусидаги муайян стратегик режалаштириш ҳужжатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Якуний баҳолаш натижаларига асосан ишлаб чиқилган таклифлар Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритилади.

36. Оралиқ ёки якуний баҳолашга масъул ташкилот вакиллари зарур ҳолларда, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда баҳолаш жараёнида тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини уч кун ичида жойига чиқиб ўрганиши мумкин.

Ўрганиш натижасида маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу ҳақда камчилик аниқланган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари камчилик аниқланган кундан эътиборан бир кун ичида огоҳлантирилади ҳамда баҳолаш хулосасида уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар берилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

37. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бунда қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар, Агентликнинг асослантирилган таклифига кўра Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан мазкур Низом предмети доирасидаги масалаларни тартибга солувчи қоидалардан бошқача ёки қўшимча тартиб-қоидалар белгиланиши, шу жумладан, давлат органлари, вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига қўшимча вазифа ва функциялар юклатилиши мумкин.

38. Вазирлик ва идоралар томонидан Рақамли платформага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 29 декабрдаги
ПҚ–394-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва уни йўлга қўйишнинг бошқа ташкилий масалаларига оид тартиб-таомиллар

1. Вазирлик ва идораларнинг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари (кейинги ўринларда — Таркибий бўлинмалар) тегишли ташкилотга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга йўналтирилган стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш, унинг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилишга масъул ҳисобланади.

Мазкур тартиб-таомиллар татбиқ этиладиган вазирлик ва идоралар (миллий даражадаги, республика даражасидаги (вазирликлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари) ва ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) томонидан тасдиқланади.

2. Вазирликлар ҳамда алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органларида Таркибий бўлинмалар Стратегик режалаштириш ва ахборот-таҳлил бўлинмаси (департаменти, бошқармаси, бўлими) этиб ташкил этилади ҳамда мустақил бўлинма сифатида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига бўйсунади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида стратегик режалаштириш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга уларнинг тузилмасидаги ахборот-таҳлил гуруҳлари масъул ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Таркибий бўлинмалар фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланади:

тегишинча вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида стратегик режалаштириш тизимининг жорий қилиниши ва амалга оширилишини ҳамда уларнинг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш;

вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари ва талабларига, шу

жумладан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари иерархиясига мувофиқлигини таъминлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштириш, тайёрланган ҳисоботларни ўрганиб бориш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш натижалари асосида уларнинг мақсад ва вазифаларига зарур тузатишлар киритиш ҳамда ҳужжатларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида тегишли ташкилот масъул бўлган мақсадларга эришиш ҳолатини доимий баҳолаб бориш, самарадорлик кўрсаткичлари бўйича натижаларни таҳлил қилиш, жорий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган асосланган таклифларни шакллантириш;

соҳавий устувор йўналишлар, мақсадли кўрсаткичлар ва кутилаётган натижаларни инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга оширишга оид қабул қилинадиган ҳар йилги давлат дастурлари лойиҳаларига киритилиши зарур бўлган ташаббуслар юзасидан асосланган таклифлар тайёрлаш;

тегишли вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун малакали хорижий консультант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларни ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари, грантлар ва бошқа манбалар ҳисобидан жалб этиш ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш;

аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган устувор ташаббуслар, соҳавий муаммолар ва истиқболдаги мақсадлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланадиган Мурожаатнома лойиҳасига киритиш учун тегишли таклифларни шакллантириб бориш;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва ҳисоботларни тизимли равишда сақлаш.

4. Вазирлик ва идоралардаги Таркибий бўлинмаларга:

вазирлик ва идораларнинг уч йилга мўлжалланган иш режаларини стратегик мақсадлар ҳамда молиявий имкониятларга мувофиқлигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

ҳудудларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)да дастлабки сифат текширувидан ўтказишда таклиф ва мулоҳазаларини билдириш вазифалари ҳам юклатилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидаги Таркибий бўлинмаларга:

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича кўп йиллик стратегик режа-

лаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисобот тайёрланишини мувофиқлаштириш;

туман (шаҳар)ларни ривожлантириш бўйича уч йилга мўлжалланган комплекс дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

соҳа ёки тармоқларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва Агентликда дастлабки сифат текширувидан ўтказишда таклиф ва мулоҳазалар билдириш вазифалари ҳам юклатилади.

6. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Таркибий бўлинмаларга уларнинг фаолият йўналишларига кирмайдиган топшириқларни бериш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган вазифа ва функцияларни юклатишга, шунингдек, уларнинг зиммасидаги вазифа ва функцияларни ҳамда ваколати доирасига кирувчи масалаларни тўлиқ ёки қисман бошқа таркибий тузилмаларга, лойиҳа офисларига ўтказишга йўл қўйилмайди.

Бунда вазирлар, алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг фаолиятини стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтириш ҳамда кунлик (жорий) иш юкламасини мақбуллаштириш мақсадида улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлил, назорат ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган раҳбар котибияти ёки ижро аппарати таркибий бўлинма ташкил қилиниши мумкин.

7. Таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган намунавий низом Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.

8. Таркибий бўлинмалар ходимлари лавозимларини эгаллаш учун камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган ва хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган номзодларга устуворлик берилади, шунингдек, номзодлардан қуйидаги йўналишларда билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади:

таҳлил ва прогнозлаштириш — соҳавий ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, сценарий ҳисоб-китобларини амалга ошириш, эҳтимолий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш;

ахборот-таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш — аниқ ва мантиқий асосланган таҳлилий маълумотлар, хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш, стратегик режалаштириш ва стратегик ислоҳотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига оид ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

замонавий таҳлил инструментларидан фойдаланиш — «SWOT», «PESTEL», «GAP» ва бошқа таҳлил инструментларидан фойдаланган ҳолда вазиятни тизимли таҳлил қилиш, муаммолар ва имкониятларни аниқлаш;

таҳлилий маълумотлар билан ишлаш, рақамли инструментлардан фойдаланиш — Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари, расмий статистика маълумотлари базалари, вазирлик ва идораларнинг маъмурий маълумотлари ва бошқа маълумотлар базалари билан ишлаш;

хорижий тажриба ва халқаро рейтинглар методологиясини билиш — соҳавий ва глобал тенденцияларни ўрганиш, тегишли рейтинглар ва индекслар бўйича таҳлил тайёрлаш.

9. Таркибий бўлинмалар раҳбарлари:

стратегик режалаштириш бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда тўғридан-тўғри тегишли вазирлик ва идора раҳбарига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига бўйсунади;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра тегишли давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган тартибда Агентлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳар уч йилда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган тартибда Агентликда аттестациядан ўтказилади.

10. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Таркибий бўлинмалар ходимлари йилига камида бир марта Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида стратегик режалаштириш ва ривожланиш, таҳлил ва натижадорликни бошқариш бўйича махсус ўқув курсларида ўқитилади.

11. Таркибий бўлинмалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирлик ва идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, уларнинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар, статистик маълумотлар ва ахборотларни олиш;

раҳбарият томонидан стратегик режалаштириш масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларни ўтказиш таклифини киритиш ҳамда бу каби йиғилишларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва стратегик ислоҳотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, шунингдек, стратегик режалаштириш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тизимига кирадиган тузилмаларда Таркибий бўлинма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

вазирлик ва идоранинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, шунингдек, уларнинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг стратегик режалаштириш масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш.

12. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқа таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган стратегик режалаштириш ҳужжатлари ва стратегик ислоҳотларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Таркибий бўлинмалар билан мажбурий тартибда келишилади.

13. Вазирликлар ҳамда алоҳида мақомга эга мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Таркибий бўлинмалари ходимлари лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан малака оширади ва Агентликда стажировка ўтайди.

Бунда малака ошириш ва стажировка ўташ тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

14. Таркибий бўлинмаларнинг ходимлари бўйича маълумотлар Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформасига (dashboard) Бошқарув самарадорлиги агентлигининг «hrm.gov.uz» платформасини интеграция қилиш орқали Агентликка бепул асосда тақдим этилади.

15. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ҳар йил якунлари бўйича Таркибий бўлинмаларнинг тегишли ташкилот фаолиятида стратегик режалаштириш ва уни амалга ошириш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади.

16. Мувофиқлаштирувчи кенгашга ташаббускорлик кўрсатиб, хизмат вазифаларини намунали ва сифатли бажарган Таркибий бўлинмалар ва Агентлик ходимларини тегишли ташкилот ёки идора ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ёки бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан икки ойлик иш ҳақи фонди миқдорига рағбатлантириш ёки лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 50 фоизидан ошмаган миқдорларда устама тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

823 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг махсус жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;

Жамғарма фаолиятини бошқариш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб, ҳисобот ва назорат тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарорига 2-иловага** мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 декабрда эълон қилинган.

Ж.А. Қўчқоров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 23 декабрь,
814-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 23 декабрдаги 814-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг (кейинги ўринларда — Санэпидқўм) бюджетдан ташқари махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди.

Жамғарма Санэпидқўмнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритилади.

3. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади ва тушумлар доирасида ушбу Низомда белгиланган мақсадлар бўйича сарфланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

санитария қонунчилигини бузганлик учун Санэпидқўм марказий аппарати ходимлари томонидан қўлланилган жарималар ва жарималарни тўлаш кечиктирилгани учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи (назорат тадбирлари бошқа давлат органлари билан биргаликда амалга оширилганда, жарима ҳамда жарималарни тўлаш кечиктирилгани учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 25 фоизи);

Санэпидқўмнинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пулли хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг 5 фоизи;

турли соҳа ходимларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича тўлов-контракт асосида малакасини оширишдан тушган маблағлар (уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қопланган-дан кейин қолган суммаси);

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари Жамғармага қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

6. Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

7. Даромадлар ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Санэпидқўм раиси томонидан тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

8. Жамғарманинг даромад ва харажатлар сметасига, қоида тариқасида, ҳар чоракда бир маротаба ўзгартиришлар белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

9. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Санэпидқўм марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, турар жой ижараси билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

б) ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш (маҳаллий ва хорижий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлар) ҳамда конференция, семинар ва бошқа тадбирларда қатнашиши учун хорижий хизмат сафари харажатларини қоплаш;

в) Санэпидқўмнинг бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва тиббий профилактика бўйича комплекс чора-тадбирларни, юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларини, фуқароларни гигиена қоидаларига ўқитишни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш харажатларини қоплаш;

г) Санэпидқўм тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан:

капитал ва жорий таъмирлаш, зарур тиббий, диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ва уларни сақлаш харажатларини қоплаш;

ахборот-коммуникация, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, техника воситалари ҳамда дастурий таъминотлар, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш, видеокузатув, назорат воситалари ҳамда қурилмалари билан таъминлаш;

д) санитария-гигиена, радиацион гигиена, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли юқумли касалликларга ташхис қўйиш бўйича лабораториялар фаолиятини узлуксиз ва самарали тарзда йўлга қўйиш, хусусан, тиббий, диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, тиббий ва сарфлаш буюмларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

е) Санэпидқўм фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий институтлар, компаниялар, мутахассислар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

ж) халқаро ва маҳаллий конференциялар, форум, илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан:

хорижий делегацияларни кутиб олиш билан боғлиқ (меҳмонларни кутиб олиш, транспорт, таржимонларни ёллаш, эсдалик совғаларини харид қилиш ва бошқа) харажатларни қоплаш;

ўтказиладиган тадбирларнинг ташкилий харажатларини қоплаш.

10. Санэпидқўм раиси Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

4-боб. Санэпидқўм марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш

11. Санэпидқўм марказий аппарати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги Санэпидқўм раиси томонидан мунтазам баҳоланиб борилади.

12. Санэпидқўм марказий аппарати ходимлари меҳнатига тўланадиган иш ҳақи асосий (базавий) ва қўшимча (ўзгарувчан) қисмлардан иборат бўлади.

Бунда иш ҳақининг:

асосий (базавий) қисми ушбу иш берувчида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими асосида белгиланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак;

қўшимча (ўзгарувчан) қисмини қўшимча тўловлар, устамалар, шунингдек, мукофотлар ва компенсация ёки рағбатлантириш хусусиятига эга бошқа тўловлар ташкил этади.

13. Санэпидқўм марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотларга байрамлар, шу жумладан, касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан бериладиган мукофотлар ва давлат мукофотлари киради.

14. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Санэпидқўм марказий аппарати ходимларига ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимига кирувчи қуйидаги тўловлар тўланади:

а) тегишли бошқарма ёки бўлим бошлиғининг тавсиясига кўра алоҳида муҳим топшириқларни бажаришда жамоа орасида жонбозлик кўрсатаётган, бажараётган ишининг мураккаблиги, меҳнатда эришган натижалари ва шахсий ташаббуслари учун ойлик лавозим маошига нисбатан 200 фоизгача (40 фоиз рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) бўлган миқдорда ойлик устамалар;

б) узоқ муддатли хизмати учун қуйидаги миқдорлардаги ойлик устама (40 фоиз рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

3 йилдан 5 йилгача — 0,5;

5 йилдан 10 йилгача — 0,8;

10 йилдан 15 йилгача — 1,0;

15 йилдан 20 йилгача — 1,5;

20 йилдан ортиқ — 1,8.

Бунда узоқ муддатли хизмати учун ойлик устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Санэпидқўм раиси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади;

в) овқатланиш харажатларини қоплаш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача, йўлкира харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваригача бўлган компенсация (қўшимча) тўловлари;

г) ходимлар ва уларнинг фарзандларининг никоҳ тўйи муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида моддий ёрдам.

15. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Санэпидқўм марказий аппарати ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган қуйидаги мукофотлар берилади:

а) Ўзбекистон Республикасида белгиланган умумхалқ байрамлари (ишланмайдиган байрам кунлари), шунингдек, тиббиёт ходимлари куни муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 бараваригача бўлган мукофот пуллари;

б) Санэпидқўмнинг юбилей саналарида, пенсия ёшига тўлиши муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 бараваригача миқдорда мукофот пуллари.

16. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Санэпидқўмнинг марказий аппарати ходимларига қуйидаги ҳолатларда ва миқдорларда моддий ёрдам ажратилади:

а) бир йилда бир маротаба қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 бараваригача миқдорда моддий ёрдам;

б) бахтсиз ҳодиса, ходимнинг касаллиги сабабли даволаниш билан боғлиқ харажатларни қисман қоплаш учун бир марталик лавозим маошининг бир баравари миқдорида моддий ёрдам;

в) ходимнинг вафоти сабабли унинг яқин қариндошларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 бараваригача миқдорда моддий ёрдам.

17. Ушбу Низомнинг 16-банди «б» кичик бандида келтирилган миқдордаги моддий ёрдам ходимга ажратилиши учун ходим томонидан тегишли мазмундаги ариза ва асословчи ҳужжатларни Санэпидқўмга тақдим этиш талаб этилади.

18. Санэпидқўм марказий аппарати ходимларига ушбу Низомнинг 14 — 16-бандларида келтирилган тўловлар Санэпидқўм раисининг буйруғига асосан амалга тўланади.

5-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш

19. Жамғарма фаолияти Жамғарма фаолиятини бошқариш комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан бошқарилади ва унинг маблағлари тақсимланади.

Санэпидқўм раиси Комиссия раиси ҳисобланади.

Комиссия Санэпидқўм раисининг буйруғи билан камида етти нафардан иборат Санэпидқўм раисининг ўринбосарлари, Санэпидқўмнинг бошқарма, бўлим бошлиқларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Комиссия аъзоларнинг иштирок этиш ихтиёрийлиги ва кўрилаётган масалаларни ҳал этишда тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида шакллантирилади.

Комиссия йиғилиши аъзоларнинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг учдан икки қисми йиғилмаганда, Комиссия йиғилиши бошқа санага кўчирилади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

Комиссия йиғилишининг баённомаси ва қарори Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

20. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Комиссия йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш;

Санэпидқўмни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича таклифлар киритиш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш;

ҳар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғармага халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари жалб этилишига кўмаклашиш.

Комиссияга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

21. Комиссия раиси:

Комиссия йиғилиши кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Комиссия қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Комиссия томонидан белгиланган лимитлар доирасида харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва уларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади, шунингдек, Жамғарманинг захира маблағларидан фойдаланишни белгилайди.

22. Комиссия котиби:

Комиссия йиғилишига кун тартиби бўйича барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича Комиссия йиғилиши ўтказилишини ташкил этади;

Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларни йиғилишнинг санаси, вақти, жойи ва кун тартибидан хабардор қилади;

Комиссия йиғилиши қарорларининг бажарилиши бўйича мониторинглар ўтказади;

Комиссия баённомаларини расмийлаштиради ва қабул қилинган қарорларни Комиссия аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

23. Комиссия ўз йиғилишларини ҳар чоракда камида бир марта ўтказади.

24. Комиссия йиғилишини Комиссия раиси, у бўлмаган тақдирда — Комиссия раисининг ўринбосари бошқаради.

25. Санэпидқўмнинг Молия-иқтисод бўлими Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган:

Жамғарманинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаларини тайёрлайди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келишиш учун киритади;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига қонунчилик ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

тушумлар манбалари бўйича Жамғарманинг даромадлари ҳамда харажатларининг асосий йўналишлари ҳисобини юритади;

ҳар чоракда камида бир марта Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ва уни Комиссияга тақдим этади.

6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб, ҳисобот ва назорат

26. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Санэпидқўмнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида юритилади.

27. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида

белгиланган тартибда тузилади (чораклар, тушумлар манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича) ва Комиссия томонидан тасдиқланади.

28. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг бажарилиши бўйича йиллик ҳисобот Комиссиянинг йиғилишида кўриб чиқилади ва ҳар йили 15 мартгача Комиссия томонидан тасдиқланади. Йиллик ҳисобот нусхаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

29. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

30. Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган манбалардан Жамғармага ажратмалар тегишли ташкилотлар томонидан ҳисобот ойи учун кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай ўтказилади.

Жамғармага ажратмалар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун жавобгарлик Санэпидқўмнинг тизим ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

31. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

32. Комиссия Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавобгар ҳисобланади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

824 Давлат хизматларини кўрсатишда талаб этиладиган ишончномаларни расмийлаштириш жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармонига мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи «Vakolat.uz» платформасини (кейинги ўринларда — Платформа) ишга тушириш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин:

давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат хизмати натижаларини олиш бўйича бошқа шахсларга ишончномаларни расмийлаштириш;

юридик шахслар томонидан расмийлаштирилган ишончномаларни ихтиёрий рўйхатдан ўтказиш;

барча турдаги ишончномаларнинг ҳақиқийлигини онлайн режимда текшириш;

Платформадан бепул фойдаланиш.

2. Электрон ишончномаларни расмийлаштириш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, ишончномаларнинг реестрини юритиш бўйича «Vakolat.uz» платформаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) Платформа орқали расмийлаштирилган ва унда қайд этилган ишончномалар:

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар учун мажбурий тартибда тан олинади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишончномаларнинг қоғоз шакли жисмоний ва юридик шахслардан талаб қилинмайди ҳамда «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади;

ишончли вакил орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун мажбурий ҳисобланади;

б) «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида расмийлаштирилган ишончномалар Платформада қайд этилади ва уларнинг Платформадаги электрон нусхалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз шаклига тенглаштирилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 декабрда эълон қилинган.

4. Адлия вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Платформани «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини;

Платформада электрон давлат хизматларидан фойдаланишда ишончномаларни электрон равишда текшириш имкониятини таъминласин;

б) икки ой муддатда:

«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотларнинг Платформага юборилишини таъминласин;

Платформанинг мобиль иловасини ишга туширсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 25 декабрь,
825-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 25 декабрдаги 825-сон қарорига
1-ИЛОВА

Электрон ишончномаларни расмийлаштириш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, ишончномаларнинг реестрини юритиш бўйича «Vakolat.uz» платформаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний шахслар томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат хизмати натижаларини олиш учун ҳамда юридик шахслар томонидан ўз ихтиёрига кўра электрон ишончномаларни «Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштириш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ишончномаларнинг реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«Vakolat.uz» платформаси (кейинги ўринларда — Платформа) — ишончномаларни электрон расмийлаштириш, ўзгартириш, бекор қилиш ва уларнинг реестрини юритишга мўлжалланган ахборот тизими;

электрон ишончнома (кейинги ўринларда — ишончнома) — жисмоний ва юридик шахслар томонидан «Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончнома;

ишонч билдирувчи — ўз номидан муайян ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини бошқа шахсга берувчи жисмоний ва юридик шахс;

ишончли вакил — ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб борувчи жисмоний ва юридик шахс.

3. Мазкур Низом қоидалари ишончнома асосида фойдаланиш мумкин бўлган давлат хизматларига нисбатан татбиқ этилади.

4. Платформа орқали расмийлаштирилган ишончномалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал тасдиқланган ишончномалар билан тенг юридик кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Платформа мулкдори ва оператори ҳисобланади.

6. Ишончномаларни расмийлаштириш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Ишончнома жисмоний ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра сўровномада кўрсатилган, бироқ 3 йилдан ошмаган муддатга берилади.

8. Платформада ишончномаларни расмийлаштириш, ўзгартириш ва бекор қилиш бепул амалга оширилади.

2-боб. Ишончномаларни расмийлаштириш тартиби

9. Ишонч билдирувчи ишончномани расмийлаштириш учун «Рақамли

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳукумат» тизимининг ягона идентификация тизими (OneID) орқали Платформада рўйхатдан ўтади ва ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ сўровномани тўлдиради.

Давлат органлари ва ташкилотлари сўровномада кўрсатилган маълумот ва ҳужжатларни «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилишини таъминлайди.

10. Сўровнома электрон рақамли имзони ёки шахсни биометрик идентификация қилиш (Face ID) технологиясини мажбурий тартибда қўллаш орқали тасдиқланади.

11. Сўровнома тасдиқлангандан сўнг Платформа орқали ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ ишончнома автоматик равишда шаклланади ва томонларга юборилади.

12. Жисмоний ва юридик шахс бўлган ишонч билдирувчи сўровномада ишончли вакилга ишончномада акс эттирилган ваколатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини кўрсатиши мумкин.

3-боб. Ишончномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

13. Қуйидаги ҳолларда ишончнома ишонч билдирувчи томонидан ўзгартирилиши мумкин:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда;

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда;

жисмоний шахснинг биометрик паспорти (ID-карта) маълумотлари ўзгарганда;

ишончноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда.

14. Ишончномани ўзгартириш ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

15. Ишончномадаги ваколатлар ҳамда ишонч билдирилган шахслар доираси кенгайтирилганда ёки қисқартирилганда, ишончнома мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда умумий асосларда янгидан расмийлаштирилади.

16. Қуйидаги ҳолларда ишончнома Платформа томонидан автоматик равишда бекор қилинади:

ишончноманинг муддати тугаганда;

жисмоний шахс вафот этганда;

юридик шахс тугатилганда.

Жисмоний шахснинг вафот этганлиги ва юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги маълумотлар «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан реал вақт режимида тақдим этилади.

17. Ишонч билдирувчи истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончли вакил эса ундан воз кечиши мумкин.

---

* 2, 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Ишончномалар реестрини юритиш тартиби

18. Реестр Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

юридик шахс учун — номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, биометрик паспорт (ID-карта) маълумотлари ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

ишончнома берилган сана ва уникал рақами;

ишончноманинг амал қилиш муддати;

ишончномада кўрсатилган ваколатлар;

ишончномада кўрсатилган ваколатларни бошқа шахсга бериш ҳуқуқи ҳақидаги маълумотлар;

ишончноманинг ўзгартирилганлиги ва бекор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар.

Реестр электрон шаклда юритилади.

19. Реестр ишончномаларни уникал рақам орқали қидириш учун барча учун очиқ ҳисобланади.

20. «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида расмийлаштирилган ишончномалар Реестрга автоматик равишда киритилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ишончномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишонч билдирувчи жавобгар ҳисобланади.

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 25 декабрдаги 825-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-илованинг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар Тизим орқали «Vakolat.uz» платформасида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади. Бунда ишончноманинг қоғоз шаклини тақдим қилиш талаб қилинмайди»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2. 2-илованинг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар Тизим орқали «Vakolat.uz» платформасида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади. Бунда ишончноманинг қоғоз шаклини тақдим қилиш талаб қилинмайди»;

учинчи ва тўртинчи хатбошлар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3. 3-илованинг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар Тизим орқали «Vakolat.uz» платформасида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади. Бунда ишончноманинг қоғоз шаклини тақдим қилиш талаб қилинмайди»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4. 4-илованинг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар Тизим орқали «Vakolat.uz» платформасида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади. Бунда ишончноманинг қоғоз шаклини тақдим қилиш талаб қилинмайди»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5. 5-илованинг 17-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Vakolat.uz» платформаси орқали расмийлаштирилган ишончномалар ҳақидаги маълумотлар Тизим орқали «Vakolat.uz» платформасида текшири-

лади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади. Бунда ишончноманинг қоғоз шаклини тақдим қилиш талаб қилинмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

825 Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 4 сентябрдаги ПФ–153-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, хўжалик операцияларининг шаффофлигини ошириш, солиқ хавфларини камайтириш ва қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларда рақамли бошқариш механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган товарларни айнан битта етказиб бериш занжири бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишда электрон ҳисобварақ-фактураларни хавф даражасига қараб реал вақт режимида автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш тизимини 2026 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг хавф даражасини аниқлаш ва уларда акс эттирилган операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ўн беш кун муддатда:

электрон ҳисобварақ-фактураларни хавф даражасига қараб реал вақт режимида автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш имконини берувчи дастурни ишлаб чиқсин ҳамда ушбу дастурни доимий такомиллаштириб бориш чораларини кўрсин;

солиқ тўловчининг шахсий кабинетида электрон ҳисобварақ-фактураларнинг хавф даражасини акс эттирган ҳолда тўлов ҳужжатларини шакллантириш ва қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ мажбурияти бажарилишини назорат қилиш функциясини яратсин;

ушбу механизмни қўллаш масалалари, унинг зарурати ва лозим даражада эҳтиёткорлик қилишдаги аҳамияти тўғрисида солиқ тўловчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 26 декабрь,
830-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 26 декабрдаги 830-сон қарорига
ИЛОВА

Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг хавф даражасини аниқлаш ва уларда акс эттирилган операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом электрон ҳисобварақ-фактураларнинг (кейинги ўринларда — ЭҲФ) товарларни (хизматларни) айнан битта етказиб бериш занжири бўйича хавф даражасини баҳолаш, уларни тегишли тоифаларга ажратиш тартибини, шунингдек, хавф даражасига қараб ЭҲФлар бўйича қўшилган қиймат солиғини (кейинги ўринларда — ҚҚС) тўлаш ва ҳисобга олиш хусусиятларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши фаолият тури ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҚҚС тўловчиси бўлган солиқ тўловчилар томонидан ЭҲФлар тизимида белгиланган тартибда расмийлаштирилган барча ЭҲФларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

инсофли солиқ тўловчи — охирги бир йилда энг кўп солиқ тўлаган, товар айланмаси энг юқори бўлган ва активлари қиймати энг юқори бўлган солиқ тўловчиларнинг бир фоизи, шунингдек, ишчилар сони 500 нафар (ҳар бир ходимга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки баробаридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисобланган) ва ундан юқори бўлган солиқ тўловчи;

хавф даражаси аниқланган ЭҲФлар реестри — белгиланган тартибда ҚҚС тўловчилари томонидан расмийлаштирилган ЭҲФлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуаси бўлиб, унда ушбу ЭҲФларга белгиланган хавф даражаси, ҚҚС суммаси, унинг тўлангани ҳолати ҳамда мазкур хавф даражасини инобатга олган ҳолда ҚҚСни тўлаш ва ҳисобга олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплами;

шубҳали солиқ тўловчи — хўжалик операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олишга доир белгиланган талабларга риоя этмаслик, солиқ мажбуриятларини тўлиқ ёки ўз вақтида бажармаслик, аниқ иқтисодий мақсадга эга бўлмаган битимларда иштирок этиш ёхуд бюджет олдидаги мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликка оид солиқ хавфини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларида ифодаланадиган солиқ қонунчилиги ҳужжатларини бузиш аломатлари аниқланган солиқ тўловчилар;

ЭҲФнинг хавф даражаси — ҳар бир ЭҲФ бўйича ҚҚСни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига (кейинги ўринларда — бюджет) тўламаслик хавфининг юзага келиши мумкин бўлган эҳтимоли ва унинг оқибатларига боғлиқ тарзда аниқланадиган хавфнинг ҳолати;

ЭҲФлар хавф даражасини баҳолаш тизими (кейинги ўринларда —

ахборот тизими) — хавф мезонлари ва алгоритмлар асосида ҳар бир ЭҲФнинг ҚҚС бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришдаги хавф даражасини реал вақт режимида аниқловчи солиқ органлари автоматлаштирилган ахборот тизими.

4. Ахборот тизими асосида аниқланган юқори хавф даражасига эга бўлган ЭҲФларнинг улуши ҳисобот даврида ҚҚС тўловчилари томонидан расмийлаштирилган жами ЭҲФлар сонининг ўн фоизидан ошмаслиги лозим.

2-боб. ЭҲФларнинг хавф даражасини баҳолаш тартиби

5. ЭҲФларга бериладиган хавф даражаси ахборот тизими томонидан қуйидаги манбалардан олинадиган маълумотлар асосида аниқланади:

солиқ органларида мавжуд манбалардаги солиқ ва молиявий ҳисоботлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан солиқ органлари билан ахборот алмашинуви доирасида тақдим этиладиган маълумотлар;

халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан олинган ахборот;

солиқ текширувлари материаллари;

камерал текширувдан олдинги таҳлил доирасида аниқланган маълумотлар;

суд қарорларидаги маълумотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳужжатлари;

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган манбалардан олинган ахборотлар.

6. ЭҲФларнинг хавф даражаси мезонлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — Солиқ қўмитаси) томонидан қуйидагиларни инобатга олган ҳолда белгиланади:

солиқ тўловчининг тарихи;

солиқ тўловчининг молиявий ва мулкий ҳолати;

тадбиркорлик субъектлари тоифаси;

солиқ тўловчининг рўйхатга олиш маълумотлари;

юридик шахснинг муассислари ва раҳбари тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчининг молия-хўжалик операциялари хусусияти;

солиқ тўловчи томонидан ЭҲФларни расмийлаштириш тартиби;

солиқ тўловчиларнинг хўжалик операциялари, улар билан тузилган битимларнинг иқтисодий мазмуни тўғрисидаги маълумотлар.

7. ЭҲФнинг хавф даражасини бошқариш стратегияси ва тактикаси, ахборот йиғиш, қайта ишлаш, ЭҲФнинг хавф даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шубҳали солиқ тўловчилар рўйхати, ЭҲФнинг хавф даражасини бошқаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

8. Ушбу Низомни қўллаш мақсадида ЭҲФлар хавф даражалари бўйича қуйидаги тоифаларга мувофиқ таснифланади:

хавф даражаси паст ЭҲФлар;

хавф даражаси юқори ЭҲФлар.

Ахборот тизими орқали солиқ қонунчилигини бузиш эҳтимоли кам ёки бўлмаган операциялар бўйича расмийлаштирилган ЭҲФлар хавф даражаси паст ЭҲФлар деб баҳоланади.

Ахборот тизими орқали солиқ қонунчилигини бузиш эҳтимоли юқори, шу жумладан, солиқни тўламаслик аломатлари мавжуд бўлган операциялар бўйича расмийлаштирилган ЭҲФлар хавф даражаси юқори ЭҲФлар деб баҳоланади.

9. ЭҲФлар ахборот тизимида назарда тутилган ҳар бир мезон бўйича тегишли баллар сонини қўшиш орқали автоматик тарзда баҳоланади.

ЭҲФлар хавф даражалари бўйича ушбу Низомга мувофиқ қўлланадиган ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган умумий балл асосида таснифланади.

10. Солиқ тўловчининг тегишли тоифага киритилишига қараб, ЭҲФларга бериладиган хавф даражаси қуйидагича аниқланади:

инсофли солиқ тўловчилар реестрига киритилган солиқ тўловчилар томонидан расмийлаштирилган ЭҲФлар автоматик равишда паст хавф даражасига киритилади, бироқ мазкур солиқ тўловчиларда солиқдан қочиш мақсадида турли схемалардан фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган тартибда иш юритилади;

шубҳали солиқ тўловчилар реестрига киритилган солиқ тўловчилар томонидан расмийлаштирилган ЭҲФлар автоматик равишда юқори хавф даражасига киритилади;

инсофли солиқ тўловчилар ёки шубҳали солиқ тўловчилар реестрига киритилмаган солиқ тўловчилар томонидан расмийлаштирилган ЭҲФларнинг хавф даражаси ахборот тизими томонидан аниқланади.

11. ЭҲФларга берилган хавф даражаси автоматик тарзда шакллантирилади ва солиқ тўловчи томонидан уни расмийлаштириш ва тақдим этишда кўрсатилади, ушбу кўрсатилган маълумотлар солиқ сири ҳисобланмайди.

12. Солиқ тўловчи томонидан ЭҲФни расмийлаштиришда (қабул қилишда) паст деб баҳоланган хавф даражаси ушбу ЭҲФ тасдиқлангандан (қабул қилингандан) сўнг ўзгартирилмайди (ЭҲФга тузатиш (қўшимча) киритилган ҳоллар бундан мустасно).

3-боб. Белгиланган хавф даражасини инобатга олган ҳолда ЭҲФлар бўйича ҚҚСни тўлаш тартиби

13. Ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилган ЭҲФларни таҳлил қилиш натижаларидан солиқ тўловчилар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммаларини аниқлаш учун фойдаланилади.

14. Белгиланган тартибда хавфнинг юқори даражаси тоифасига киритилган ЭҲФлар бўйича ҚҚС суммаси бюджетга тўлиқ тўлангандан кейин ҳисобга олинади.

ҚҚС тегишли ЭҲФнинг идентификация рақамини мажбурий кўрсатган ҳолда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тўланади.

15. Хавф даражаси юқори бўлган ЭҲФлар бўйича ҚҚС:

етказиб берувчи ҳисобидан ўз солиқ мажбуриятини бажариш тартибида;

сотиб олувчи ҳисобидан ихтиёрий равишда етказиб берувчининг солиқ мажбуриятини бажариш тартибида тўланади.

Хавфнинг юқори даражасига киритилган ЭҲФлар бўйича ҚҚС тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ суммаси ҳақиқатда тўланган сумма доирасида ҳисобга олинади.

16. Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан тўловлар ЭҲФларнинг идентификация рақамлари кўрсатилмасдан ҚҚС тўланган ҳолларда, сотиб олувчиларда тегишли солиқ даври учун тўланган қисмига нисбатан ҚҚС суммаси расмийлаштирилган сана ва вақти бўйича хавфлилик даражаси автоматик тарзда ажратилади.

17. Товарларни (хизматларни) сотиб олувчи томонидан хавф даражаси юқори бўлган ЭҲФлар бўйича тўланган ҚҚС суммаси етказиб берувчи ҳисобда турган солиқ органининг шахсий ҳисобварағида акс эттирилади.

Агар солиқ даври якуни бўйича товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси салбий ёки ортиқча тўланган бўлса, етказиб берувчига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олинади.

Бунда етказиб берувчининг товарлар (хизматлар) реализациясини амалга оширгунга қадар сотиб олувчидан 100 фоиз миқдорида тўлов қабул қилингандан кейин ЭҲФ расмийлаштирилганда, хавф даражаси юқори деб баҳоланганда, ҚҚСнинг сотиб олувчи томонидан қайта тўланиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 317-моддасига мувофиқ бошқа шахслар учун тўланган солиқлар сифатида эътироф этилади.

18. Ушбу Низомга мувофиқ ҚҚС Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган муддатларга мувофиқ тўланади.

ҚҚС белгиланган муддатдан кейин тўланган тақдирда, тўланган суммалар товарларни (хизматларни) сотиб олувчида ҚҚС амалда тўланган солиқ даврида акс эттирилади.

19. Илгари юқори хавф даражасига киритилган ЭҲФлар бўйича қўшимча ва (ёки) тузатиш киритилганда ёхуд ҚҚС тўланганда, ҳисобга олинадиган солиқ суммаси киритилган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

2026 йил 1 январга қадар расмийлаштирилган ЭҲФлар бўйича тузатиш (қўшимча) киритилганда, ушбу Низомда белгиланган тартибда хавф даражаси баҳоланади ва ҚҚС тўланади.

20. Солиқ органлари тегишли ЭҲФ расмийлаштирилган хўжалик операцияси амалга оширилганини тасдиқлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда солиқ текширувларини ўтказишга ҳақли.

Қалбаки (кўзбўямачилик учун тузилган) битимлар ЭҲФнинг хавф да-

ражасидан қатъи назар, солиқ солиш мақсадида ҳисобга олинмайди. Агар бундай битимлар бошқа битимларни ниқобласа, солиқларни ҳисоблаш учун ҳақиқий битимларнинг иқтисодий мазмуни ва натижалари ҳисобга олинади.

4-боб. ЭҲФлар ҳисобини юритиш

21. Солиқ қўмитаси хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда, ЭҲФларнинг марказлаштирилган электрон реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) юритади.

22. ЭҲФлар Реестр ахборот тизимидан келиб тушадиган ҳамда ҚҚС тўлангани тўғрисидаги маълумотлар асосида автоматик тарзда шаклланти-рилади.

23. Реестрга қуйидаги маълумотлар киритилади:

ЭҲФнинг идентификация рақами;

ЭҲФни расмийлаштириш санаси ва вақти;

етказиб берувчи ва сотиб олувчининг идентификация маълумотлари;

ҚҚС миқдори;

белгиланган хавф даражаси тоифаси;

солиқ тўлангани ҳақидаги маълумотлар;

ЭҲФнинг ҳолати.

24. Реестрдаги маълумотлар қуйидаги ҳолларда автоматик тарзда янги-ланади:

ЭҲФни расмийлаштириш, тузатиш ёки бекор қилишда;

хавф даражаси белгиланиши ёки ўзгартирилишида;

солиқ тўлангани ҳақидаги маълумотлар келиб тушганда;

ЭҲФ ҳолати ўзгартирилганда.

25. Солиқ тўловчилар Реестрда мавжуд ахборотдан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали фойдаланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчи-лик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

826 Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 18 апрелдаги ПФ–67-сон Фармони ижросини таъминлаш, мувофиқликни баҳолаш тизимини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин:

маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ҳисобга олиш;

маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олишда тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотларни шакллантириш тартиби.

2. Адлия вазирлиги давлат хизмати ахборот тизимида ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

3. Белгилансинки, ахборот тизими орқали ҳисобга олинган мувофиқлик тўғрисидаги декларациялари бозор назорати талабларига мувофиқ доимий мониторинг қилиб борилади. Бунда бозор назорати органлари тайинлангунга қадар бозор назорати вазифалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентга мувофиқ, идоралараро назоратни амалга ошириш мақсадида Солиқ қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тегишли маълумотларни доимий тақдим этиб бориш ҳамда ҳисобга олинган мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни «Ягона дарча» божхона ахборот тизимида кўриб бориш учун тегишли тизимларни интеграция қилиш чораларини кўрсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш тартибларига оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори 1-бандининг «в» кичик банди ҳамда қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 декабрда эълон қилинган.

ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 26 декабрь,
831-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 26 декабрдаги 831-сон қарорига
ИЛОВА

Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларацияси (кейинги ўринларда — мувофиқлик декларацияси) мувофиқлик декларациясини берувчи шахс ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) орқали ҳисобга олинади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бозор назорати — маҳсулотлар бозорга муомалага киритилганидан сўнг уларнинг хавфсизлигини, инсон ҳаёти, соғлиғига, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат манфаатларига, атроф-муҳитга зарар етказмаслигини таъминлашга қаратилган, бозор назорати органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва чоралар мажмуи;

бозор назорати органи — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолияти йўналиши бўйича бозор назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органи;

дистрибютор — таъминот занжирида маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчидан фарқли равишда муомалага чиқарувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ишлаб чиқарувчи — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга эга бўлган ҳамда ўз номи ёки товар белгиси остида сотувчи юридик шахс;

импорт қилувчи — бошқа давлатдан маҳсулотларни Ўзбекистон Рес-

публикаси бозорига киритувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахс;

иқтисодий оператор — маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки уларни бозорга киритиш ёки муомалага чиқариш ҳуқуқига эга юридик ёхуд жисмоний шахс, хусусан, ишлаб чиқарувчи, унинг ваколатли вакили, импорт қилувчи ёки дистрибютор;

маҳсулот тўпи — мувофиқлик декларациясини берувчи томонидан тақдим этилган юк ҳужжатига мувофиқ (агар мавжуд бўлса) бир турдаги, бир номдаги ва белгидаги маҳсулот бирлиги;

мувофиқлик декларациясини берувчи — мувофиқлик декларациясини ҳисобга олиш ташаббуси билан мурожаат қилган иқтисодий оператор;

мувофиқлик декларацияси — мувофиқлик декларациясини берувчининг, бозорга киритиладиган ёки муомалага чиқариладиган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан жавобгарликни зиммасига олгани тўғрисидаги расмий баёноти. Бунда мувофиқлик декларацияси, ҳар бир маҳсулот тўпига ёки ягона (якка) маҳсулотга нисбатан расмийлаштирилади;

МХИК коди — маҳсулотлар (товар ва хизматларнинг) Ягона электрон миллий каталогидаги идентификация коди;

ТИФ ТН коди — Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ маҳсулот коди;

юкка илова қилинадиган ҳужжатлар — маҳсулот номенклатураси ва миқдорини белгиловчи ҳужжатлар;

ягона (якка) маҳсулот — бир дона, алоҳида ҳолда ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилаётган маҳсулотнинг ягона нусхаси;

ҳисобга олиш — мувофиқлик декларациясини берувчи шахс томонидан мувофиқлик декларациясини ахборот тизимида ҳисобга олиш.

4. Мувофиқлик декларацияси:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун улар ишлаб чиқарилгандан сўнг, аммо реализация қилингунга қадар;

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган (импорт) маҳсулотлар учун улар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштирилгунга қадар ахборот тизимида ҳисобга олиниши лозим.

5. Мувофиқлик декларациясини ҳисобга олишда унда кўрсатилган маҳсулот тури, тўпи ёки ягона (якка) маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлари айнан ушбу маҳсулот тури, тўпи ёки ягона (якка) маҳсулотга тегишлилиги талаб этилади.

Ҳисобга олинган мувофиқлик декларацияси, унда кўрсатилган маҳсулотнинг яроқлилик муддатидан қатъи назар, ушбу маҳсулот тури, тўпи ёки ягона (якка) маҳсулот учун амал қилади.

Ҳисобга олинган мувофиқлик декларациясида хатолик (модель, марка, тўпи, ишлаб чиқарувчи номи ва шунга ўхшаш маълумотлар) ўтган бўлса, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

Бунда хато ҳисобга олинган мувофиқлик декларациясига ўзгартириш ва

(ёки) қўшимчалар янги декларацияни ҳисобга олиш тарзида амалга оширилиб, эскиси ахборот тизимида сақланади.

6. Ҳисобга олинган мувофиқлик декларациялари Божхона қўмитасининг «Ягона дарча» ахборот тизимига интеграция қилинади ва улар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизими орқали манфаатдор томонлар танишишлари учун очиқ бўлади.

7. Мувофиқлиги декларация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

2-боб. Мувофиқлик декларациясини ҳисобга олиш тартиби

8. Мувофиқлик декларацияси ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган Маҳсулотларнинг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олиш схемаси асосида ҳисобга олинади.

9. Мувофиқлик декларациясини ҳисобга олишда, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикасида мувофиқлик декларацияси бериладиган маҳсулот учун белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) менежмент тизимининг мувофиқлик сертификати (мавжуд бўлганда);

в) маҳсулот тўпи ёки ягона (якка) маҳсулот учун маҳсулот ҳажмини белгиловчи шартнома (етказиб бериш шартномаси) ва юк кузатув ҳужжатлари нусхаси.

10. Мувофиқлик декларациясини берувчи ахборот тизимида ўзи томонидан тўлдирилган маълумотларнинг тўғрилигига ва унда илова қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига жавобгар ҳисобланади.

11. Мувофиқлик декларациясини берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ахборот тизими ёки давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб ёхуд давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.

12. Мувофиқлик декларациясини берувчи:

давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг номидан рўйхатдан ўтказувчи орган ходими;

ЯИДХП орқали мустақил равишда замонавий воситалар (электрон рақамли имзо, мобил-ID, One-ID тизими, дактилоскопия ва бошқалар) ёрдамида;

ахборот тизими орқали мустақил равишда замонавий воситалар (мобил-ID, One-ID тизими ва бошқалар) ёрдамида мувофиқлик декларациясига оид тегишли маълумотларни ахборот тизимида ҳисобга олиш учун киритади.

Мувофиқлик декларациясини берувчи ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали мурожаат қилган тақдирда, мувофиқлик декларациясини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мувофиқлик декларацияси ахборот тизимида бепул ҳисобга олинади.

13. Мувофиқлик декларацияси ушбу Регламентга 2-иловада* келтирил-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган Мувофиқлик декларацияси шакли бўйича ҳисобга олинади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) мувофиқлик декларациясини берувчи шахс тўғрисида маълумотлар (юридик ёки жисмоний шахс номи, СТИР ёки ЖШШИР, юридик ва жойлашган манзили, телефон рақами ва электрон почта манзили), ЭРИ орқали декларацияни беришга ваколатли шахснинг Ф.И.О.);

б) мувофиқлик декларацияси берилаётган маҳсулотга нисбатан Ўзбекистон Республикасида белгиланган талаб(лар)ни ўз ичига олувчи ҳужжат(лар) рақам(лари)и ва банд(лар)и;

в) ишлаб чиқарувчининг тўлиқ номи ва манзили (агар, 13-банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган мувофиқлик декларациясини берувчи шахс ишлаб чиқарувчидан бошқа иқтисодий оператор бўлса);

г) маҳсулот номи, рўйхатдан ўтказилган товар белгиси (мавжуд бўлса), модель ва маркаси, ТИФ ТН ва МХИК кодлари, маҳсулот тури, тўпи ва (ёки) серия рақами (тегишли ҳолларда), товар йўл ҳужжатларига ҳавола ва маҳсулотларнинг ҳажми (сони ёки ягона (якка) маҳсулот);

д) мазкур банднинг «г» кичик бандига мувофиқ акс эттирилган маълумотларда келтирилган маҳсулотга нисбатан Миллий аккредитация тизимида рўйхатга олинган лабораторияларда ахборот тизими орқали расмийлаштирилган синов баённомаси рақами ва санасига ҳавола;

е) менежмент тизимининг мувофиқлик сертификати рақами ва санаси (мавжуд бўлганда);

ж) мувофиқлик декларациясида кўрсатилган маълумотларни тўғри ва ҳаққонийлиги кафолати юзасидан баёнот.

Мувофиқлик декларацияси ҳисобга олинган сана, унинг рақами ҳамда мувофиқлик декларацияси ҳисобга олинганини тасдиқловчи махсус QR-код ахборот тизими орқали берилади.

14. Мувофиқлик декларацияси ахборот тизимида ҳисобга олинган кундан бошлаб амал қилади ва ушбу Регламентнинг 13-бандида келтирилган маълумотлардаги маҳсулотларга тегишли ҳисобланади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Ҳисобга олинган мувофиқлик декларацияси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда маълумотлар ахборот тизимига киритилган кундан бошлаб ўн йил мобайнида сақланиши ҳамда тегишли ваколатли органларга уларнинг сўрови бўйича тақдим этилиши керак.

16. Ваколатли бозор назорати органи ҳисобга олинган мувофиқлик декларациялари тўғрисидаги маълумотлар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар билан ахборот тизими орқали танишишлари мумкин. Ваколатли бозор назорати органи ахборот тизими орқали ҳисобга олинган мувофиқлик декларацияларини доимий мониторинг қилиб боради.

17. Мувофиқлик декларациясида кўрсатилган маҳсулотлар мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган тақдирда ёки мувофиқлик декларациясини берувчи томонидан мувофиқлик декларациясини ҳисобга олишда илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳаққонийлиги ҳамда ишончлилигининг

акси исботланганда, ваколатли бозор назорати органи томонидан мувофиқлик декларациясини берувчига нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсир чоралари кўрилади.

18. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

827 Баҳоловчи ва риэлторлар малака сертификатини, баҳоловчи тоифа гувоҳномасини ҳамда суд бошқарувчиси малака аттестатини бериш тартибларини тасдиқлаш ҳақида*

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юкини камайтириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва ўзини ўзи бошқариш механизмини ривожлантириш орқали соҳалардаги профессионал жамоат бирлашмалари томонидан малака сертификатларини (аттестатларини) бериш шаффофлигини таъминлайдиган замонавий тизимни жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–78-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Баҳоловчиларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Риэлторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Суд бошқарувчилари малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

малака имтиҳонини мазкур қарор билан белгиланган тартибга мувофиқ имтиҳон ўтказиш учун тегишли соҳадаги жамоат бирлашмалари биргаликда имтиҳон марказларини ташкил этиши ёки ихтисослаштирилган юридик шахсларни шартнома (аутсорсинг) асосида жалб қилиши мумкин;

малака имтиҳонининг ташкил этилиши, тавсия этилган материаллар ва ўқув дастурлари, шунингдек, тест саволлари ва уларнинг жавоблари, малака имтиҳонлари натижалари тўғрисидаги маълумотлар соҳадаги жамоат бирлашмалари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади;

Малака сертификатлари (аттестатлари) ва тоифага эга баҳоловчилар реестрлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан электрон шаклда юритилади;

малака имтиҳонини ўтказувчи ҳамда тоифа бериш бўйича комиссиялар иши ҳақида ахборот, баҳоловчилар, риэлторлар ва суд бошқарувчиларининг малака сертификатларининг (аттестатларининг) амал қилиши тўхтатилгани, тугатилгани ёки бекор қилингани тўғрисида маълумотлар соҳадаги жамоат бирлашмалари ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтларида мунтазам жойлаштирилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 декабрда эълон қилинган.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

соҳадаги жамоат бирлашмаларига малака имтиҳонини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича техник ва услубий ёрдам кўрсатилишини, шу жумладан, амалдаги имтиҳон ўтказиш электрон платформаси беғараз ўтказиб берилишини;

республиканинг барча ҳудудларида экстерриториаллик тамойили асосида малака имтиҳони ўтказилишини ташкил этиш ва талабгорларнинг малакасини ошириш мақсадида соҳадаги жамоат бирлашмалари билан биргаликда халқаро стандартлар ва дастурларга мос келадиган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаб боришни;

соҳадаги жамоат бирлашмалари билан биргаликда халқаро стандартлар тамойиллари асосида бозор конъюнктурасини ҳисобга олишни таъминлайдиган соҳага оид миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва янгилаб боришни таъминласин.

4. Соҳадаги жамоат бирлашмалари Давлат активларини бошқариш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ хизматларнинг Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилишини таъминласин;

ЯИДХПда хизматлар кўрсатилишининг ҳар қандай босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

хизматларни кўрсатиш учун зарур ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкаларини тасдиқласин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги бир ой муддатда баҳоловчилар, риэлторлар ва суд бошқарувчиларига берилган QR-кодли сертификатнинг (аттестатнинг) амал қилиш муддати тугаганлиги ёки амал қилиши тўхтатилгани ёхуд бекор қилинганлигини ушбу сертификатнинг (аттестатнинг) QR-кодини текшириш (сканер қилиш) орқали аниқлаш тизимини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 30 декабрь,
838-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорига
1-ИЛОВА

Баҳоловчиларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари томонидан жисмоний шахсларга баҳоловчининг малака сертификатини бериш учун малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тўхтатиш, тугатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари — камида элликта баҳоловчи ташкилотнинг аъзолигига асосланган, баҳоловчиларнинг профессионал даражасини оширишга ва сақлаб туришга кўмаклашиш, уларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, судларда ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар (кейинги ўринларда — жамоат бирлашмалари);

баҳоловчи — белгиланган тартибда жамоат бирлашмалари томонидан берилган баҳоловчи малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

электрон тизим — малака комиссияси томонидан талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилувчи, малака сертификатини берувчи ва жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатли давлат органи ўртасида интеграция қилинган махсус электрон тизим;

имтиҳон ташкилотчиси — Кенгаш қарори асосида жамоат бирлашмалари томонидан аутсорсингни ўтказиш бўйича очиқ танлов натижаларига кўра тайинланадиган, малака сертификатини олиш учун ариза берувчиларни компьютер тестларидан ўтказиш имкониятига эга бўлган юридик шахс;

Кенгаш — малака комиссиясини тасдиқловчи ва унинг ишини белгиловчи, баҳолаш фаолияти соҳасидаги камида иккита жамоат бирлашмаларидан таркиб топган идоралараро ишчи орган;

малака сертификати — жамоат бирлашмаси томонидан берилган ҳамда жисмоний шахсга, агар у баҳоловчи ташкилотнинг масъул ходими бўлса ёки у баҳоловчи ташкилот билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолаш ҳуқуқини берадиган сертификат;

малака имтиҳони — талабгорнинг билим даражаси баҳоловчига қўйилган талабларга мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан тест синови шаклида, шу жумладан, экстерриториал тамойил асосида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган имтиҳон;

малака комиссияси — малака имтиҳонини ўтказишда ва малака сертификатини беришда жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи вакиллардан таркиб топган, Кенгаш томонидан тасдиқланган ва унинг ишчи органи ҳисобланган комиссия;

малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш — малака сертификатининг амал қилиши 5 йил ўтгандан сўнг узайтирилиши;

малака сертификатини қайта расмийлаштириш — малака сертификатига эга шахснинг паспорт маълумотлари (серияси, рақами, идентификацияловчи ID-картаси серияси, рақами, агар мавжуд бўлса) ўзгарганда қайта расмийлаштирилиши;

малака сертификатини бекор қилиш — малака сертификатини берилган кундан бошлаб юридик кучининг тўлиқ бекор қилиниши ва мазкур сертификат билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва ваколатлар тугатилиши;

малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш — малака сертификатининг юридик кучи вақтинча тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилгунга қадар, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши;

малака сертификатининг амал қилишини тугатиш — малака сертификатини бериш шартларининг бузилиши ёки мазкур Низомда назарда тутилган асослар бўйича талабгор малака сертификатининг юридик кучини йўқотилиши;

Малака сертификатлари реестри (кейинги ўринларда — Реестр) — ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган малака сертификатига эга баҳоловчилар ҳақидаги ахборотни тўплаш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи ягона ахборот тизими;

махсус ўқиганлик ҳақида сертификат — баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал жамоат бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича баҳоловчи баҳоловчиларни тайёрлаш марказида махсус ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

талабгор — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар жисмоний шахс;

халқаро сертификат — Қироллик дипломига эга баҳоловчилар институти сертификати (Royal Institution of Chartered Surveyors — RICS), Европа баҳоловчилар уюшмалари гуруҳи сертификати (The European Group of Valuers Associations — TEGoVA).

3. Талабгорларга малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш хизматлари (кейинги ўринларда — хизмат) Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали малака сертификатини беришга масъул бўлган малака комиссияси томонидан кўрсатилади.

4. Имтиҳон ташкилотчиси қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши, замонавий ўқув талабларига жавоб бериши, шунингдек,

зарур техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминланган бўлиши лозим.

5. Кенгаш:

малака имтиҳонини ўтказишни ташкил қилади, шунингдек, ўзининг расмий веб-сайтига малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, тавсия этилган материаллар ва ўқув дастурлари, тест саволлари ва уларнинг жавоблари, малака имтиҳонлари натижалари тўғрисидаги ахборотларни жойлаштиради;

имтиҳон ташкилотчиси билан малака имтиҳонини ўтказиш бўйича аутсорсинг шартномаси тузади;

малака комиссиясини тасдиқлайди;

тест саволлари вариантлари ва уларнинг жавобларини баҳоловчиларни тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг таклифларини инобатга ва ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда, баҳоловчилар учун ўқув дастури асосида ишлаб чиқади ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ янгилаб боради;

тест синовларини ўтказиш ва имтиҳон ташкилотчисини танлаш шартлари, талаблари ва тартибини ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

республиканинг барча ҳудудларида малака имтиҳонлари ўтказилишини ва уларда иштирок этиш имкониятини таъминлайди;

талабгорларнинг аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ёки кўриб чиқишни рад этади.

Кенгаш фаолияти жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади.

6. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили баҳоловчи ташкилотлар ҳамда баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича камида 40 соатлик малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

Халқаро сертификатига эга бўлган жисмоний шахс ўз танловига кўра намунавий дастур бўйича ёки халқаро сертификат дастури доирасида малака ошириш курсларидан бирида ўқиши мумкин.

2-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

7. Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

8. Талабгор хизматдан фойдаланиш учун Марказга ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими талабгор номидан ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда — талабгор мустақил равишда мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

* 1, 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатгани тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси;

баҳоловчининг халқаро сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади, агар мавжуд бўлса);

нотариал тасдиқланган ишончнома (агар учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилинаётган бўлса).

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан ваколатли давлат органига Марказ ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши лозим.

11. Хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим ундирилади.

Сўровнома қабул қилингандан сўнг малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгор томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим тўланади.

Хизмат кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда, белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Йиғимлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Кенгаш томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмаларининг тегишли ҳисобварағига тенг улушда тақсимланади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

11,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (жумладан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Кенгаш таркиб топган жамоат бирлашмаларининг тегишли ҳисобварағига тенг улушларда тақсимланади.

Малака имтиҳонида иштирок этиш учун йиғимлар Кенгаш фаолияти юзасидан тузилган регламентга мувофиқ тақсимланиши мумкин.

13. Талабгордан сўровнома қабул қилингандан сўнг малака имтиҳонида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим имтиҳон ташкилотчисининг тегишли ҳисобварағига аутсорсинг шартномасида белгиланган миқдорда Кенгаш таркиб топган жамоат бирлашмалари томонидан тенг улушларда ўтказилади.

14. Талабгор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

иқтисодий, юридик ёки техник йўналишда бакалавр ёки магистр маълумотига, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги 5 йилда камида 1 йил иш стажига эга бўлиши;

бошқа йўналишда олий маълумотга, сўнгги 5 йилда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;

бунда хорижий давлатларда ўқиганини тасдиқловчи олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида тан олинган нострификация қилинган тақдирда инобатга олинади;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда келишилган дастур бўйича ва баҳолаш ташкилотлари ҳамда баҳоловчилар профессионал бирлашмаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда, махсус ўқиганлиги ҳақида сертификатга эга бўлиши; «Баҳолаш иши: баҳолаш фаолияти ва риэлторлик (объектлар бўйича)» ёки «Кўчмас мулкни экспертиза қилиш ва бошқариш» мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистр дипломига ёки баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгор махсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга ҳақли.

Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили баҳоловчи ташкилотлар ҳамда баҳоловчилар профессионал бирлашмаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган малака

ошириш дастурлари бўйича камида 40 соатлик малака ошириш курсларида ўқийди.

15. Талабгор хизматлардан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор хизматлардан фойдаланишдан бош тортганда, уларнинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Малака комиссияси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунида талабгорнинг малака имтиҳонида иштирокини тасдиқлайди ёки рад этади.

17. Мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ёки тўлиқ ҳолда тақдим этилмаганда, талабгор малака имтиҳонида иштирок этмайди.

18. Талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши рад этилганда, малака комиссияси томонидан рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда, уч иш куни ичида хабардор қилинади.

19. Талабгорга ҳужжатларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ўн иш кун муддатда сўровномани қайта юбориш имконияти берилади. Бунда қайта юборилган сўровномани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Малака имтиҳонида иштирок этиш учун қайта киритилган сўровнома малака комиссияси томонидан уч иш куни муддатда кўриб чиқилади.

Талабгор томонидан ўн иш куни ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, мурожаат янги деб ҳисобланади ва талабгордан йиғим ундирилади.

20. Қуйидагилар талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиш тўғрисидаги сўровномасини рад этиш учун асос бўлади:

мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар талабга жавоб бермаганда;

ҳужжатларда ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани аниқланганда;

талабгор томонидан мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган муддатларга риоя этилмаганда.

Сўровноманинг бошқа сабабларга кўра рад этилиши тақиқланади.

21. Малака имтиҳонида иштирок этувчи талабгорларнинг рўйхати малака комиссияси томонидан тасдиқланади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, талабгорларнинг сўровномаларига асосан малака комиссияси назорати остида икки ойда камида бир марта ўтказилади.

22. Малака комиссияси ваколатли давлат органи ва Кенгаш томонидан камида етти нафар аъзодан, шу жумладан, комиссия раисидан иборат таркибда тузилади.

Малака комиссияси Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ва унинг таркибига ваколатли давлат органининг икки нафар вакили ҳамда жамоат бирлашмаларининг камида икки нафар вакили киритилади.

Малака комиссияси раиси кенгаш аъзолари ва ваколатли давлат органи томонидан ҳар йили кўпчилик овоз билан жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари орасидан сайланади.

23. Малака комиссияси томонидан комиссия котиби этиб ваколатли дав-

лат органи ходими белгиланади. Бунда комиссия котиби талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилиш, имтиҳон рўйхатини шакллантириш, малака имтиҳони натижаларига кўра баённома ва малака сертификатларини расмийлаштириш, реестрни юритиш учун масъул ҳисобланади.

24. Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар имтиҳон санасидан ўн беш кун олдин жамоат бирлашмалари, ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

25. Малака имтиҳонида иштирок этувчи талабгорлар рўйхати имтиҳон санасидан беш кун олдин жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

26. Имтиҳон ташкилотчиси малака имтиҳони тестларига рухсатсиз ёки тасодифан киришнинг олдини олади, тестларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, улардан нусха кўчириш, тарқатишдан ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга оширади.

27. Талабгор томонидан малака имтиҳони вақтида ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилган талаблар бузилгани ёки имтиҳон натижаларга таъсир қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширгани аниқланганда, имтиҳон ташкилотчиси далолатнома тузади ва ушбу талабгорнинг имтиҳон натижалари малака комиссияси томонидан бекор қилинади.

28. Малака имтиҳонини топширишда талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ҳамда навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақида талабгор Марказ (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

29. Агар талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин иккинчи марта малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, талабгорга хизмат кўрсатиш рад қилинган ҳисобланади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Ҳужжатлар талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

30. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнини имтиҳон ташкилотчиси узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) тушириш учун малака имтиҳонларини ташкил этган ҳолда, алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видео камера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

31. Ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида жамоат бирлашмалари ва имтиҳон ташкилотчисига малака имтиҳонларини ўтказишни ташкил этишда техник ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёнининг видеотасвири ваколатли давлат органида камида бир йил мобайнида сақланади.

32. Тест синовлари ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 50 та саволдан иборат бўлади ҳамда умумий имтиҳон вақти давомийлиги эллик дақиқани ташкил этади.

33. Талабгорнинг тўғри жавоблари малака имтиҳонидаги тест саволлари сонининг камида 70 фоизини ташкил қилса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

34. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

малака имтиҳони хонасидан ташқарига чиқиш (тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар белгиланган тартибда тест синови ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

35. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг ушбу Низомда белгиланган тартибда малака имтиҳонидан ўтиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаат умумий тартибда кўриб чиқилади.

36. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йиғим қайтариб берилмайди.

37. Малака имтиҳонини топшириш натижалари салбий баҳоланган талабгорнинг ҳужжатлари унга қайтарилмайди.

38. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг уч иш кунида малака комиссияси баённомаси билан тасдиқланади ҳамда жамоат бирлашмалари, ваколатли давлат органи ва имтиҳон ташкилотчисининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

39. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан берилган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда комиссиянинг йиғилиш баённомалари беш йил мобайнида имтиҳон ташкилотчисида сақланади.

3-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш, бериш ва Малака сертификатлари реестрини юритиш

40. Кенгаш таркибига кирган жамоат бирлашмалари QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган малака сертификатини расмийлаштиради ҳамда реал вақт режимида талабгорга ЯИДХП орқали юборади. Ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида юридик кучга эга.

41. Малака сертификати беш йил муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йил муддатга узайтирилиши мумкин.

42. Малака сертификати мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

43. Реестр ваколатли давлат органи томонидан юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлар ва яшаш манзили;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилгани, амал қилиши тўхтатилгани, тугатилгани, бекор қилингани ва қайта расмийлаштирилгани тўғрисида маълумотлар.

Реестр шакли ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади ва электрон шаклда юритилади.

44. Реестрга киритилган баҳоловчига тааллуқли шахсини тасдиқловчи (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлари ва яшаш манзили каби шахсий маълумотлардан ташқари барча маълумотлар танишиб чиқиш учун оммабоп бўлиб, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

45. Марказ малака сертификати олингандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ҳамда талабгорни бу ҳақида хабардор қилади. Талабгорнинг сўровига кўра Марказ малака сертификатини электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этиши мумкин.

4-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

46. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ичида малака комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Малака комиссияси ўн иш куни ичида киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва белгилаган муддатда талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

47. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан малака комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини (ёзма равишда асосланган хат асосида) ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгор малака имтиҳонини топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

талабгорни такроран малака имтиҳонига қўйиш тўғрисида.

48. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелля-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

цияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

49. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорнинг малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилгани ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

50. Малака комиссияси томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтиҳони учун йиғим тўланмайди ва мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

51. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

52. Малака комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш

53. Малака сертификатида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, талабгор малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун имтиҳон ташкилотчисига ўн иш куни ичида Марказ ёхуд ЯИДХП орқали электрон шаклда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

54. Малака сертификатини қайта расмийлаштиришда тўлов ундирилмайди.

55. Малака комиссияси талабгорнинг сўровномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда малака сертификатини қайта расмийлаштиради ва ушбу Низомнинг 40-бандида белгиланган тартибда талабгорга юборади, шунингдек, бу тўғрисидаги маълумотни жамоат бирлашмалари, имтиҳон ташкилотчиси ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

56. Ваколатли давлат органи малака сертификатини қайта расмийлаштиришда Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади.

57. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун талабгордан қайта имтиҳондан ўтиш талаб қилинмайди.

Амал қилиш муддати чекланган малака сертификатини қайта расмийлаштиришда илгари берилган малака сертификатининг амал қилиш муддати ўзгармайди

58. Малака сертификати чекланган муддатга берилганда, талабгор малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашига қадар имтиҳон ташкилотчисига Марказга бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали унинг муддатини узайтириш учун мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда электрон шаклда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилиги-

ни текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

59. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Хизмат кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Хизмат кўрсатилгани учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

60. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, беш иш куни ичида хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилади.

Тўловлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

61. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор уни тасдиқлангандан сўнг мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ўн дақиқада имтиҳон ташкилотчисига электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда имтиҳон ташкилотчисига юборилади.

62. Малака сертификати муддати мазкур Низомнинг 58-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва баҳоловчилар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда узайтирилади.

Бунда сўровномани кўриб чиқиш ва малака имтиҳонини ўтказиш мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Малака сертификати қайта расмийлаштирилганда ва муддати узайтирилганда Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

6-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби

64. Малака сертификатининг амал қилишини малака комиссияси хулосасига асосан тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

талабгорнинг аризаси;

талабгор ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари ёки малака сертификати талабларини бузганда;

талабгор томонидан ваколатли давлат органининг ўз зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи кўрсатма бажарилмаганда;

баҳоловчи томонидан тайёрланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилган экспертиза натижаларига ёки судларнинг сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланадиган объектларнинг баҳолаш бўйича материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг қарорига асосан йил давомида биринчи марта ишончли эмас деб топилганда;

олий ва биринчи тоифали баҳоловчилар томонидан амалга оширилган экспертиза хулосалари юзасидан маълумотлар Экспертиза хулосаларининг ягона реестрига киритилмаган бўлса.

Баҳоловчининг малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилган талабгор баҳоловчиларни тайёрлаш дастури бўйича умумий ўқув курсларида қайта таълим олгандан сўнг малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолат бартараф этилди деб ҳисобланади.

65. Малака сертификатининг амал қилиши малака комиссияси хулосасига асосан ваколатли давлат органи томонидан тўхтатиб турилади. Малака сертификатининг амал қилиши ваколатли давлат органи томонидан олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Талабгор ушбу Низомнинг 64-бандида назарда тутилган малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли давлат органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда, ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида судга даъво аризаси киритади.

66. Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори бўйича бир иш куни ичида талабгор хабардор қилинади ва малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилгани ҳақида Реестрга тегишли ёзув киритилади.

67. Ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг талабгор томонидан бартараф этилиши учун етарли, аммо беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаган муддат беради.

68. Камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги маълумот тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида ваколатли давлат органи маълумотларни ўрганиши лозим.

Ўрганишлар натижасида малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар талабгор томонидан бартараф этилгани аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи бир иш куни ичида камчиликлар бартараф этилгани тўғрисида талабгорни хабардор қилади.

69. Малака сертификатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли давлат органининг қарорига биноан тугатилади:

талабгор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш бўйича мурожаат қилганда;

малака сертификатини бериш тартиби бекор қилинганда;

малака сертификатининг амал қилиш муддати тамом бўлганда;

талабгорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

талабгор вафот этганда;

талабгор томонидан ваколатли давлат органига малака сертификатининг амал қилишини бир йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат берилиб, мазкур муддат давомида малака сертификатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли давлат органига мурожаат қилинмаган тақдирда.

70. Ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади:

талабгор малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли давлат органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

талабгор малака сертификати ёки унга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

Малака сертификати амал қилишининг тугатилишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларга қуйидагилар киради:

баҳолаш давомида олинган маълумотларни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатисиз баҳоловчи томонидан учинчи шахсларга бериш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолашда мустақилликни таъминламаслик;

бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда эксперт хулосасини нотўғри тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

71. Малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунга хилофлиги ёки малака сертификати қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани аниқланганда, ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади.

72. Ваколатли давлат органининг малака сертификатини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори ёхуд малака сертификатини тугатиш ёки бекор қилиш бўйича судга даъво киритилганда, талабгор иш материаллари билан танишишга ҳамда улардан кўчирма олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далилларни тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, илтимос-

номалар тақдим этишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

73. Ваколатли давлат органининг ёки суднинг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида бир иш куни ичида талабгор хабардор қилинади ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

Малака сертификатининг амал қилиш тугатилганда ёки бекор қилинганда, талабгор малака сертификатини олиш бир йилдан сўнг ушбу Низомга асосан умумий тартибда мурожаат қилиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

74. Жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

Ваколатли давлат органи ушбу Низом талаблари ижроси таъминланишини доимий назорат қилади ва мониторинг юритади.

75. Талабгор жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

76. Ушбу Низомнинг талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорига
2-ИЛОВА

Риэлторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари томонидан жисмоний шахсларга малака сертификатини бериш учун малака имтиҳонини ўтказиш ва малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

электрон тизим — малака комиссияси томонидан талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилувчи, малака сертификатини берувчи ва жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатли давлат органи ўртасида интеграция қилинган махсус электрон тизим;

имтиҳон ташкилотчиси — Кенгаш қарори асосида жамоат бирлашмалари томонидан аутсорсингни ўтказиш бўйича очиқ танлов натижаларига кўра тайинланадиган, малака сертификатини олиш учун ариза берувчиларни компьютер тестларидан ўтказиш имкониятига эга бўлган юридик шахс;

Кенгаш — малака комиссиясини тасдиқловчи ва унинг ишини белгиловчи, риэлторлик фаолияти соҳасидаги камида иккита профессионал жамоат бирлашмаларидан таркиб топган идоралараро ишчи орган;

малака сертификати — жамоат бирлашмаси томонидан берилган ҳамда жисмоний шахснинг риэлторлик фаолияти соҳасида риэлторлик хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

малака имтиҳони — талабгорнинг билим даражаси риэлторга қўйилган талабларга мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан тест синови шаклида, шу жумладан, экстерриториал тамойил асосида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган имтиҳон;

малака комиссияси — малака имтиҳонини ўтказишда жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи вакиллардан таркиб топган Кенгаш томонидан тасдиқланган комиссия;

малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш — малака сертификатининг амал қилиши 5 йил ўтгандан сўнг узайтирилиши;

малака сертификатини қайта расмийлаштириш — малака сертификатига эга шахснинг паспорт маълумотлари (серияси, рақами, идентификацияловчи ID-картаси серияси, рақами, агар мавжуд бўлса) ўзгарганда қайта расмийлаштирилиши;

малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш — малака

сертификатининг юридик кучи вақтинча тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилгунга қадар, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши;

малака сертификатининг амал қилишини тугатиш — малака сертификатини бериш шартларининг бузилиши ёки мазкур Низомда назарда тутилган асослар бўйича талабгор малака сертификатининг юридик кучи йўқотилиши;

малака сертификатини бекор қилиш — малака сертификатининг берилган кундан бошлаб юридик кучи тўлиқ бекор қилиниши ва мазкур сертификат билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва ваколатлар тугатилиши;

Малака сертификати реестри (кейинги ўринларда — Реестр) — ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган малака сертификатига эга риэлторлар ҳақидаги ахборотни тўплаш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи ягона ахборот тизими;

махсус ўқиганлик ҳақида сертификат — риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторлик ташкилотларининг жамоат бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган 60 соатдан кам бўлмаган дастур бўйича риэлтор риэлторларни тайёрлаш марказида махсус ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва камида элликта риэлторлик ташкилотининг ва риэлторнинг аъзолигига асосланган жамоат бирлашмаси;

риэлтор — жамоат бирлашмалари томонидан белгиланган тартибда берилган риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар жисмоний шахс;

халқаро сертификат — «Сертификатланган тижорат кўчмас мулк ва инвестициялар бўйича мутахассис (CCIM Certifiyed Commercial Investment Member)», «Сертификатланган уй-жой бўйича мутахассис (CRS (Certifiyed Residential Specialist)», «Халқаро мулк бўйича сертификатланган мутахассис CIPS (Certifiyed International Property Specialist)», «Халқаро кўчмас мулк бўйича мутахассис (FIREC FIABCI International Real Estate Consultant)», «Сертификатланган глобал кўчмас мулк бўйича мутахассис (FCP FIABCI Certifiyed Global Real Estate Professional)» сертификатлари.

3. Талабгорларга малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш хизматлари (кейинги ўринларда — хизмат) Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали малака сертификатини беришга масъул бўлган малака комиссияси томонидан кўрсатилади.

4. Имтиҳон ташкилотчиси қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши, замонавий ўқув талабларига жавоб бериши, шунингдек,

зарур техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминланган бўлиши лозим.

5. Кенгаш:

малака имтиҳонини ўтказишни ташкил қилади, шунингдек, ўзининг расмий веб-сайтига малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, тавсия этилган материаллар ва ўқув дастурлари, тест саволлари ва уларнинг жавоблари, малака имтиҳонлари натижалари тўғрисидаги ахборотларни жойлаштиради;

имтиҳон ташкилотчиси билан малака имтиҳонини ўтказиш бўйича аутсорсинг шартномаси тузади;

малака комиссиясини тасдиқлайди;

тест саволлари вариантлари ва уларнинг жавобларини, риэлторларни тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг таклифларини инобатга ва ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда, риэлторлар учун ўқув дастури асосида ишлаб чиқади ҳамда уларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ янгилаб боради;

тест синовларини ўтказиш ва имтиҳон ташкилотчисини танлаш шартлари, талаблар ва тартибини ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

республиканинг барча ҳудудларида малака имтиҳонлари ўтказилишини ва уларда иштирок этиш имкониятини таъминлайди;

талабгорларнинг аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ёки кўриб чиқишни рад этади.

Кенгаш фаолияти жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади.

6. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир жисмоний шахс малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар уч йилда камида бир марта жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

Халқаро сертификат эгаси бўлган жисмоний шахс ўз танловига кўра намунавий дастур бўйича ёки халқаро сертификат дастури доирасида малака ошириш курсларидан бирида ўқиши мумкин.

2-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

7. Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

8. Талабгор хизматдан фойдаланиш учун Марказга ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими талабгор номидан ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда — талабгор мустақил равишда мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

* 1, 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риэлторларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси;

риэлторнинг халқаро сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади, агар мавжуд бўлса);

нотариал тасдиқланган ишончнома (агар учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилинаётган бўлса).

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан ваколатли давлат органига Марказ ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши лозим.

11. Хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим ундирилади.

Сўровнома қабул қилингандан сўнг малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгор томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим тўланади.

Хизматни кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда, белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Йиғимлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирли-

ги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Fазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Кенгаш томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмаларининг тегишли ҳисобварағига тенг улушда тақсимланади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

11,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Fазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (жумладан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Кенгаш таркиб топган жамоат бирлашмаларининг тегишли ҳисобварағига тенг улушларда тақсимланади.

Малака имтиҳонида иштирок этиш учун йиғимлар Кенгаш фаолияти юзасидан тузилган регламентга мувофиқ тақсимланиши мумкин.

13. Талабгордан сўровнома қабул қилингандан сўнг малака имтиҳонида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган йиғим имтиҳон ташкилотчисининг тегишли ҳисобварағига аутсорсинг шартномасида белгиланган миқдорда Кенгаш таркиб топган жамоат бирлашмалари томонидан тенг улушларда ўтказилади.

14. Талабгор хизматлардан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор хизматлардан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Малака комиссияси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунида талабгорнинг малака имтиҳонида иштирокини тасдиқлайди ёки рад этади.

16. Мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ёки тўлиқ ҳолда тақдим этилмаганда, талабгор малака имтиҳонида иштирок этмайди.

17. Талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши рад этилганда, малака комиссияси томонидан рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда уч иш куни ичида хабардор қилинади.

18. Талабгорга ҳужжатларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ўн иш кун муддатда сўровномани қайта юбориш имконияти берилади. Бунда қайта юборилган сўровномани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Малака имтиҳонида иштирок этиш қайта киритилган сўровнома малака комиссияси томонидан уч иш куни муддатда кўриб чиқилади.

Талабгор томонидан ўн иш куни ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, мурожаат янги деб ҳисобланади ва талабгордан йиғим ундирилади.

19. Қуйидагилар талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиш тўғрисидаги сўровномасини рад этиш учун асос бўлади:

мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар талабга жавоб бермаганда;

ҳужжатларда ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани аниқланганда;

талабгор томонидан мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган муддатларга риоя этилмаганда.

Сўровноманинг бошқа сабабларга кўра рад этилиши тақиқланади.

20. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорларнинг рўйхати малака комиссияси томонидан тасдиқланади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, талабгорларнинг сўровномаларига асосан малака комиссияси назорати остида икки ойда камида бир марта ўтказилади.

21. Малака комиссияси ваколатли давлат органи ва Кенгаш томонидан камида етти нафар аъзодан, шу жумладан, комиссия раисидан иборат таркибда тузилади.

Малака комиссияси Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ва таркибига ваколатли давлат органининг икки нафар вакили ҳамда жамоат бирлашмаларининг камида икки нафар вакили киритилади.

Малака комиссияси раиси Кенгаш аъзолари ва ваколатли давлат органи томонидан ҳар йили кўпчилик овоз билан жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари орасидан сайланади.

22. Малака комиссияси томонидан комиссия котиби этиб ваколатли давлат органи ходими белгиланади. Бунда комиссия котиби талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилиш, имтиҳон рўйхатини шакллантириш, малака имтиҳони натижаларига кўра баённома ва малака сертификатларини расмийлаштириш, Реестрни юритиш учун масъул ҳисобланади.

23. Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисида маълумотлар имтиҳон санасидан ўн беш кун олдин жамоат бирлашмалари, ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

24. Малака имтиҳонида иштирок этувчи талабгорлар рўйхати имтиҳон санасидан беш кун олдин жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

25. Имтиҳон ташкилотчиси малака имтиҳони тестларига рухсатсиз ёки тасодифан киришнинг олдини олади, тестларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, улардан нусха кўчириш, тарқатишдан ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга оширади.

26. Талабгор томонидан малака имтиҳони вақтида ушбу Низомнинг 33-бандида кўрсатилган талаблар бузилгани ёки имтиҳон натижаларга таъсир қилувчи хати-ҳаракатлар амалга оширгани аниқланганда, имтиҳон ташкилотчиси далолатнома тузади ва ушбу талабгорнинг имтиҳон натижалари малака комиссияси томонидан бекор қилинади.

27. Малака имтиҳонини топширишда талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ҳамда навбат-

даги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақида талабгор Марказ (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

28. Агар талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин иккинчи марта малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, талабгорга хизмат кўрсатиш рад қилинган ҳисобланади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Ҳужжатлар талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

29. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун имтиҳон ташкилотчиси малака имтиҳонини ташкил этган ҳолда, алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

30. Ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида жамоат бирлашмалари ва имтиҳон ташкилотчисига малака имтиҳонларини ўтказишни ташкил этишда техник ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёнининг видеотасвири ваколатли давлат органида камида бир йил мобайнида сақланади.

31. Тест синови ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 50 та саволдан иборат бўлади ҳамда умумий имтиҳон вақти давомийлиги эллик дақиқани ташкил этади.

32. Талабгорнинг тўғри жавоблари малака имтиҳонидаги тест саволлари сонининг камида 70 фоизини ташкил қилса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

33. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

малака имтиҳони хонасидан ташқарига чиқиш (тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар белгиланган тартибда тест синови ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

34. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг ушбу Низомда белгиланган тартибда малака имтиҳонидан

ўтиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаат умумий тартибда кўриб чиқилади.

35. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йиғим қайтариб берилмайди.

36. Малака имтиҳонини топшириш натижалари салбий баҳоланган талабгорнинг ҳужжатлари унга қайтарилмайди.

37. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг уч иш кунида малака комиссияси баённомаси билан тасдиқланади ҳамда жамоат бирлашмалари, ваколатли давлат органи ва имтиҳон ташкилотчисининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

38. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан берилган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда комиссиянинг йиғилиш баённомалари беш йил мобайнида имтиҳон ташкилотчисида сақланади.

3-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш, бериш ва Малака сертификатларининг реестрини юритиш

39. Кенгаш таркибига кирган жамоат бирлашмалари QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган малака сертификатини расмийлаштиради ҳамда реал вақт режимида талабгорга ЯИДХП орқали юборади. Ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида юридик кучга эга.

40. Малака сертификати беш йил муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йил муддатга узайтирилиши мумкин.

41. Малака сертификати мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва берилган Реестрга тегишли ёзув киритилади.

42. Реестр ваколатли давлат органи томонидан юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлар ва яшаш манзили;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилгани, амал қилиши тўхтатилгани, тугатилгани, бекор қилингани ва қайта расмийлаштирилгани тўғрисида маълумотлар.

Реестр шакли ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади ва электрон шаклда юритилади.

43. Реестрга киритилган талабгорнинг шахсини тасдиқловчи (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлари ва яшаш манзили каби шахсий маълумотлардан ташқари барча маълумотлар танишиб чиқиш учун оммабоп бўлиб, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

44. Марказ малака сертификати олингандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ҳамда талабгорни бу ҳақида хабардор қилади. Талабгорнинг сўровига кўра Марказ малака сертификатини электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этиши мумкин.

4-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

45. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз иш куни ичида малака комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Малака комиссияси ўн иш куни ичида киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва белгилаган муддатда талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

46. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан малака комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини (ёзма равишда асосланган хат асосида) ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгор малака имтиҳонини топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

талабгорни такроран малака имтиҳонига қўйиш тўғрисида.

47. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

48. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорнинг малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилгани ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

49. Малака комиссияси томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтиҳони учун йиғим тўланмайди ва мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

50. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

51. Малака комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш

52. Малака сертификатида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, талабгор малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун имтиҳон ташкилотчисига ўн иш куни ичида Марказ ёхуд ЯИДХП орқали электрон шаклда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилиги-

ни текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

53. Малака сертификатини қайта расмийлаштиришда тўлов ундирилмайди.

54. Малака комиссияси талабгорнинг сўровномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда малака сертификатини қайта расмийлаштиради ва ушбу Низомнинг 37-бандида белгиланган тартибда талабгорга юборади, шунингдек, бу тўғрисидаги маълумотни жамоат бирлашмалари, имтиҳон ташкилотчиси ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

55. Ваколатли давлат органи малака сертификатини қайта расмийлаштиришда Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади.

56. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун талабгордан қайта имтиҳондан ўтиш талаб қилинмайди.

Амал қилиш муддати чекланган малака сертификатини қайта расмийлаштиришда илгари берилган малака сертификатининг амал қилиш муддати ўзгармайди.

57. Малака сертификати чекланган муддатга берилганда талабгор малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашига қадар имтиҳон ташкилотчисига Марказга бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали унинг муддатини узайтириш учун мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда электрон шаклда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

58. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Хизмат кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Хизмат кўрсатилгани учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

59. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки

бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, беш иш куни ичида хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилади.

Тўловлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

60. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор уни тасдиқлагандан сўнг ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ўн дақиқада имтиҳон ташкилотчисига электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда имтиҳон ташкилотчисига юборилади.

61. Малака сертификати муддати мазкур Низомнинг 57-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва риэлторлар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда узайтирилади.

Бунда сўровномани кўриб чиқиш ва малака имтиҳонини ўтказиш мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

62. Малака сертификати қайта расмийлаштирилганда ва муддати узайтирилганда, Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

6-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби

63. Малака сертификатининг амал қилишини малака комиссияси хулосасига асосан тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

талабгорнинг аризаси;

талабгор ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари ёки малака сертификати талабларини бузганда;

талабгор томонидан ваколатли давлат органининг талабгор зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи кўрсатма бажарилмаганда.

Риэлторнинг малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилган талабгор риэлторларни тайёрлаш дастури бўйича умумий ўқув курсларида қайта таълим олгандан сўнг малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолат бартараф этилди деб ҳисобланади.

64. Малака сертификатининг амал қилиши малака комиссияси хулосасига асосан ваколатли давлат органи томонидан тўхтатиб турилади. Малака сертификатининг амал қилиши ваколатли давлат органи томонидан олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Талабгор ушбу Низомнинг 62-бандида назарда тутилган малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли давлат органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда, ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида судга даъво аризаси киритади.

65. Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори бўйича бир иш куни ичида талабгор

хабардор қилинади ва малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилгани ҳақида Реестрга тегишли ёзув киритилади.

66. Ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг талабгор томонидан бартараф этилиши учун етарли, аммо беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаган муддат беради.

67. Камчиликлар бартараф этилгани тўғрисидаги маълумот тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида ваколатли давлат органи маълумотларни ўрганиши лозим.

Ўрганишлар натижасида малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар талабгор томонидан бартараф этилгани аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи бир иш куни ичида камчиликлар бартараф этилгани тўғрисида талабгорни хабардор қилади.

68. Малака сертификатининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли давлат органининг қарорига биноан тугатилади:

талабгор малака сертификатини амал қилишини тугатиш бўйича мурожаат қилганда;

малака сертификатини бериш тартиби бекор қилинганда;

малака сертификатининг амал қилиш муддати тамом бўлганда;

талабгорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

талабгор вафот этганда;

талабгор томонидан ваколатли давлат органига малака сертификатининг амал қилишини бир йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат қилиниб, мазкур муддат давомида малака сертификатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли давлат органига мурожаат қилинмаган тақдирда.

69. Ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади:

талабгор малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни ваколатли давлат органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

талабгор малака сертификати ёки унга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда.

Малака сертификати амал қилишининг тугатилишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларга қуйидагилар киради:

риэлтор томонидан риэлторлик хизматларини кўрсатиш давомида олинган маълумотлар буюртмачининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга бериш;

малака сертификатини риэлторлик фаолиятида фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилгани аниқлангани;

муайян мансабни эгаллаш ёки хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирган;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирган.

70. Малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунга хилофлиги ёки малака сертификати қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани аниқланганда, ваколатли давлат органи малака сертификатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади.

71. Ваколатли давлат органининг малака сертификатини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори ёхуд малака сертификатини тугатиш ёки бекор қилиш бўйича судга даъво киритилганда, талабгор иш материаллари билан танишишга ҳамда улардан кўчирма олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далилларни тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, илтимосномалар тақдим этишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

72. Ваколатли давлат органининг ёки суднинг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриши, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида бир иш куни ичида талабгор хабардор қилинади ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

Малака сертификати амал қилиш тугатилганда ёки бекор қилинганда, талабгор малака сертификатини олиш бўйича бир йилдан сўнг ушбу Низомга асосан умумий тартибда мурожаат қилиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

73. Жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

Ваколатли давлат органи томонидан ушбу Низом талаблари ижросини таъминланишини доимий назорат қилади ва мониторинг юритади.

74. Талабгор жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

75. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорига
3-ИЛОВА

Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом баҳоловчиларга тоифалар бериш ва уларни пасайтириш, тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

баҳоловчининг тоифаси — баҳоловчининг профессионал малака даражаси;

баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва камида элликта баҳоловчи ташкилотнинг аъзолигига асосланган жамоат бирлашмаси;

баҳоловчи — жамоат бирлашмалари томонидан белгиланган тартибда берилган баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

электрон тизим — малака комиссияси томонидан талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилувчи, тоифа гувоҳномаларини берувчи ва бошқа тоифа бериш талабларини ўз ичига олувчи баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатли давлат органи ўртасида интеграция қилинган махсус электрон тизим;

тоифа гувоҳномаси — профессионал жамоат бирлашмалари томонидан талабгорга иккинчи, биринчи ва олий тоифали гувоҳномалар берилади. Мазкур гувоҳнома баҳоловчининг малака сертификати билан ҳақиқий ҳисобланади. Тоифа гувоҳномаси беш йил муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йил муддатга узайтирилиши мумкин;

Кенгаш — баҳоловчи тоифасини олиш учун малака комиссиясини тасдиқловчи ва унинг ишини белгиловчи, баҳолаш фаолияти соҳасидаги камида иккита профессионал жамоат бирлашмаларидан (кейинги ўринларда — жамоат бирлашмалари) таркиб топган идоралараро ишчи орган;

малака сертификати — жисмоний шахсга белгиланган тартибда мулкни баҳолаш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

малака комиссияси — тоифа гувоҳномасини беришда жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органи вакилларидан таркиб топган, Кенгаш томонидан тасдиқланган ва унинг ишчи органи ҳисобланган комиссия;

талабгор — баҳоловчи тоифасини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга талабгор бўлган сертификатланган баҳоловчи;

тоифа гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш — тоифа гувоҳномасининг амал қилиши 5 йил ўтгандан сўнг узайтирилиши;

тоифа гувоҳномасини қайта расмийлаштириш — тоифа гувоҳно-

масига эга шахснинг паспорт маълумотлари (серияси, рақами, идентификацияловчи ID-картаси серияси, рақами, агар мавжуд бўлса) ўзгарганда қайта расмийлаштирилиши;

тоифа гувоҳномасининг амал қилишини тугатиш — тоифа гувоҳномасини бериш шартларининг бузилиши ёки мазкур Низомда назарда тутилган асослар бўйича талабгор тоифа гувоҳномасининг юридик кучи йўқотилиши;

тоифа гувоҳномасини бекор қилиш — тоифа гувоҳномасининг берилган кундан бошлаб юридик кучи тўлиқ бекор қилиниши ва мазкур сертификат билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва ваколатлар тугатилиши;

Тоифа гувоҳномаси реестри — ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган тоифа гувоҳномасига эга баҳоловчилар ҳақидаги ахборотни тўплаш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи ягона ахборот тизими.

3. Малака комиссияси баҳоловчиларга қуйидаги тоифаларни беради:

иккинчи тоифали баҳоловчи;

биринчи тоифали баҳоловчи;

олий тоифали баҳоловчи.

Баҳоловчиларга тоифа бериш хизматлари мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

4. Талабгор баҳоловчи тоифасини олиш учун тоифа берилиш вақтида қуйидаги мажбурий талабларга жавоб бериши лозим:*

** Биринчи марта баҳоловчи тоифасини олиш мақсадида ҳужжатларни топширган талабгорлар учун баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги талаби қўлланилмайди.*

иккинчи тоифа — баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида бир йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, баҳолаш бўйича камида мустақил 15 та иш бажарилгани, шунингдек, малака ошириш курсларида ўқигани;

биринчи тоифа — баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида уч йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, баҳолаш бўйича камида мустақил 25 та иш бажарилгани, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги, шунингдек, малака ошириш курсларида ўқигани;

олий тоифа — баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида беш йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, баҳолаш бўйича камида мустақил 35 та иш бажарилгани, ҳар йили ҳар хил турдаги мулкларни баҳолаш, жумладан, бизнесни баҳолаш йўналишида тажрибага эга эканлиги, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги, шунингдек, малака ошириш курсларидан ўқигани.

Бунда биринчи ва олий тоифани олиш ёки унинг муддатини узайтириш учун талабгор баҳоловчиларга қуйида келтирилган талабларнинг ихтиёрий камида иккитасини бажаргани инобатга олинади:

оммавий ахборот воситаларида касбий фаолияти тўғрисидаги мақолалар чиқаргани;

---

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳаллий ёки халқаро тақдимот ва анжуманларда баҳолаш соҳасига оид маъруза билан чиққанлиги;

баҳолаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этгани ёки таклифлар киритгани;

назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказадиган текширишларда ва бошқа тадбирларда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этгани;

баҳолаш соҳасидаги педагогик фаолиятни амалга оширгани.

5. Сертификатланган баҳоловчилар тоифасига кўра қуйидаги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига эга:

олий тоифали баҳоловчи — бизнесни (мулкий комплекс сифатидаги корхонани, барча турдаги моддий ва номоддий активларни), кўчмас мулкни, қимматбаҳо қоғозларни, улушларни, интеллектуал мулк объектларини ва бошқа номоддий активларни ҳамда кўчар мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш;

биринчи тоифали баҳоловчи — кўчмас мулкни ва кўчар мол-мулкни (қимматбаҳо қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш.

Иккинчи тоифали баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

2-боб. Тоифаларни бериш тартиби

6. Талабгорларга тоифа бериш учун унинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш хизматлари (кейинги ўринларда — хизмат) Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали тоифа беришга масъул бўлган малака комиссияси томонидан кўрсатилади.

Тоифа бериш учун Марказ орқали талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, марказ ходими талабгор номидан ёки Ўзбекистон Республикаси ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда — талабгор мустақил равишда мазкур Низомга 6-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

талабгор ишлайдиган баҳолаш ташкилоти томонидан тасдиқланган, мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар реестри;

талабгор ишлайдиган баҳолаш ташкилоти томонидан тасдиқланган, мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосалари реестри.

Кенгаш баҳоловчининг малака сертификати ҳақидаги маълумотларни ваколатли давлат органинг маълумотлар базасидан (баҳоловчилар малака сертификатлари реестридан) олади.

* 6, 2, 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Кенгаш фаолияти баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади.

7. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

8. Тоифа бериш хизматларини (кейинги ўринларда — хизматлар) кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Хизматларни кўрсатиш учун йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи хизматлар кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, тегишли прейскурантга асосан йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Йиғимлар мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

9. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

қолган маблағлар — Кенгаш томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмаларига тегишли ҳисобварақка тенг улушда тақсимланиб ўтказилади.

Келиб тушган йиғимлар Кенгаш фаолияти юзасидан тузилган регламентга мувофиқ белгиланган тартибда тақсимланиши мумкин;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳисобварағига;

Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 фоизи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварақка;

қолган маблағлар — Кенгаш томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмаларига тегишли ҳисобварағига тенг улушда тақсимланиб ўтказилади.

Келиб тушган йиғимлар Кенгаш фаолияти юзасидан тузилган регламентга мувофиқ белгиланган тартибда тақсимланиши мумкин.

10. Талабгор ўз хоҳишига кўра ўзининг профессионал фаолияти ҳақида қўшимча маълумотларни ўз ичига олган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши мумкин:

баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотига аъзолиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхасини;

мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббускорлик тартибида таклифлар ишлаб чиқилгани ҳақидаги ахборотни;

янги стандартларни ишлаб чиқишда ва амалдаги мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда иштирок этгани ҳақидаги ахборотни;

оммавий ахборот воситаларидаги баҳолаш фаолияти масалалари бўйича мақолалар нусхалари, веб-сайтлардан скриншотлар ва бошқаларни;

ўзи иштирок этган ёки маъруза қилган баҳолаш фаолияти масалалари бўйича конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар материаллари;

хорижий ўқув марказларида баҳолаш фаолияти соҳасида малака ошириш курсларида ўқигани ҳақидаги сертификатлар нусхалари;

хорижда баҳолаш фаолияти бўйича конференциялардаги иштироки ҳақидаги сертификатлар нусхалари;

баҳолаш фаолияти соҳасидаги халқаро сертификатлар (RICS, TEGoVA, Appraisal Institute ва бошқалар) ҳамда ариза берилган санада сертификатнинг амал қилишини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (сертификатни берган ташкилот томонидан ёки унинг сайтидан скриншот билан тасдиқланган);

баҳолаш фаолияти бўйича фанлар ўтилгани ҳақида таълим муассасаларидан маълумотнома.

Талабгор ўз хоҳишига кўра ўзининг профессионал фаолиятини тавсифловчи бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этиши мумкин.

11. Баҳоловчининг тоифаси мазкур Низомга мувофиқ берилади.

12. Талабгорларга баҳоловчи тоифасини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган камида етти нафар аъзодан иборат баҳоловчи тоифаси малака комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия) беради.

13. Комиссия Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ва таркибига ваколатли давлат органининг икки нафар вакили ҳамда жамоат бирлашмаларининг камида икки нафар вакили киритилади.

Комиссия раиси кенгаш аъзолари ва ваколатли давлат органи томонидан ҳар йили кўпчилик овоз билан жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари орасидан сайланади.

14. Марказ ва Кенгаш ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

15. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор тасдиқлагандан сўнг мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ўн дақиқада комиссияга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда комиссияга юборилади.

16. Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун талабгор қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

17. Талабгор томонидан тақдим этилган сўровнома тоифа бериш электрон тизимига келиб тушгандан сўнг комиссия уч иш кунида талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

18. Комиссия талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиб, ҳужжатлар қабул қилгани ёки рад этгани тўғрисида аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда, бир иш куни ичида талабгорга хабарнома юборади.

Талабгор томонидан мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилмаган ҳолат аниқланса, комиссия ўн иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни қайта тақдим этиш имкониятини беради.

Талабгор томонидан юқорида назарда тутилган муддатда камчиликлар бартараф этилмаган ёки етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, комиссия сўровномани қабул қилишни рад этади ва шу куни бу ҳақида талабгорни тоифа бериш электрон тизими орқали хабардор қилади.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

Талабгор тоифа олишда ҳар қандай босқичда аризани қайтариш ҳуқуқига эга. Талабгор тоифа олишдан (аризани қайтарганда) бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Ҳужжатлари қайтарилган талабгор беш иш куни ичида рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда сўровномани қайта тақдим этиши мумкин.

20. Ҳужжатлари қайтарилган талабгор беш иш куни ичида рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда, марказга қайта мурожаат қилганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, уни талабгор тасдиқлайди ҳамда камчиликлар илова қилиниб, ўн дақиқада комиссияга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда комиссияга юборилади.

Белгиланган муддатда қайта мурожаат қилинганда, талабгордан қўшимча йиғим ундирилмайди.

21. Белгиланган муддат тугагандан кейин талабгор марказ ёки ЯИДХП орқали такроран мурожаат қилган тақдирда, ариза янги тақдим қилинган

ҳисобланади ва умумий асосларда кўриб чиқилади, йиғим суммаси эса қайтариб берилмайди.

22. Малака комиссия томонидан комиссия котиби ваколатли давлат органи ходими этиб белгиланади ва котиб талабгорлардан келиб тушадиган аризаларни қабул қилиш, тоифа олувчилар рўйхатини шакллантириш, комиссия баённомаси ҳамда тоифа гувоҳномаларини расмийлаштириш ҳамда уларнинг реестрини шакллантириш бўйича маълумотларни тайёрлаш юзасидан масъул ҳисобланади.

23. Комиссия йиғилишлари талабгорлардан аризалар тушишига қараб ўтказилади. Комиссия йиғилиши унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

24. Комиссия фаолиятининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида тоифа бериш бўйича комиссия йиғилишини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеотасвирга (овозли) туширилади, видеотасвир ваколатли давлат органида уч йил мобайнида сақланади.

Тоифа бериш бўйича комиссия йиғилишини ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда видеотасвирга (овозли) тушириш учун Кенгаш ташкил этилган баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан алоҳида хона ажратилади ҳамда замонавий техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилади.

25. Комиссия йиғилишларида талабгор томонидан тегишли тоифани олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилади.

Ҳар бир комиссия аъзоси мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда баҳолаш варақасини тўлдиради.

26. Тоифа бериш ёки тоифа беришни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

Комиссия қабул қилган қарор талабгорга қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабарнома билан юборилади.

27. Талабгор мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган мажбурий талабларга жавоб берган тақдирда, комиссия томонидан талабгорга тоифа бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

28. Талабгорга тегишли баҳоловчи тоифасини бериш ҳақида қарор қабул қилинганда, унга бир иш куни мобайнида мазкур Низомга 5-иловада* келтирилган шаклда тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Кенгаш таркибига кирган жамоат бирлашмалари QR-код (матрик штрихли код) қўйилган баҳоловчиларга тоифа бериш ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиради ҳамда реал вақт режимида талабгорга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ахборот-коммуникация тизими, ЯИДХП орқали юборади. Ушбу баҳоловчиларга тоифа бериш ҳақидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эга.

29. Баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳнома тоифа бериш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб беш йил муддатга берилади ҳамда баҳоловчининг малака сертификати билан бирга амал қилади.

---

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

30. Баҳоловчининг малака сертификати амал қилиши муддатининг тугаганлиги ёки амал қилиши тўхтатилгани ёхуд бекор қилингани баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига олиб келади.

31. Тоифа берилгани ҳақида гувоҳнома берилган баҳоловчининг маълумотлари тоифага эга баҳоловчилар реестрига киритилади. Тоифага эга баҳоловчилар реестрини ваколатли давлат органи юритади.

32. Комиссия ҳар бир йиғилиши якунларига кўра баҳоловчилар реестрига тегишли маълумотларни киритади.

33. Комиссия томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия номидан талабгорга марказ ёки ЯИДХП орқали электрон кўринишда сўралган тоифани бериш рад этилгани сабаблари кўрсатилган ҳолда хабар берилади. Бунда комиссия талабгорга мазкур Низомнинг 4-банди талабларига мувофиқ бўлиши шарти билан пастроқ тоифа беришни таклиф қилиши мумкин.

34. Комиссия томонидан талабгорга тоифа беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

талабгор мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тоифа учун белгиланган мажбурий талабларга жавоб бермаса;

талабгор тақдим этган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки бузиб кўрсатилгани аниқланса;

талабгор ёзма равишда унга сўралаётганидан пастроқ тоифа берилишини рад этса;

ушбу талабгор малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилса, тугатилса ёки бекор қилинса.

35. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали ҳозир бўлган аъзоларнинг оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

36. Комиссия раиси ва комиссия аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмас.

Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

37. Комиссия талабгорга сўралган тоифани беришни рад этган тақдирда, талабгор мазкур Низомга мувофиқ ҳужжатларни марказ ёки ЯИДХП орқали қайта тақдим этишга ҳақли.

38. Ҳужжатлар мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

3-боб. Баҳоловчи тоифасини пасайтириш, баҳоловчига тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш ҳамда муддатини узайтириш ва уни қайта расмийлаштириш тартиби

39. Ваколатли давлат органи илгари берилган баҳоловчи тоифасини пасайтириш ёки баҳоловчига тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тартиботи ташаббусини билдиришга ҳақли.

Баҳоловчи тоифасини пасайтириш, баҳоловчига тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш масалалари комиссия томонидан кўриб чиқиш жараёнида баҳолаш ташкилотларидан, баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларидан ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан баҳоловчи ишининг натижалари ҳамда сифати бўйича келиб тушган ахборот тўпланиши ва таҳлил қилиниши мумкин.

40. Баҳоловчи ташкилотлар профессионал жамоат бирлашмаларининг тақдимномаси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Экспертиза хулосаларининг ягона реестрига киритилган маълумотлар ёки тегишли суд қарорларига асосан баҳоловчининг ҳисоботи ёки эксперт хулосаси йил бошидан биринчи марта ҳаққоний эмас деб тан олингани асосида комиссия қарори билан баҳоловчи тоифаси пасайтирилади.

Бунда олий тоифа — биринчи тоифага, биринчи тоифа — иккинчи тоифага пасайтирилади.

Буюртмачи (жисмоний ёки юридик шахс) ва баҳолаш ташкилоти ўртасида имзоланган шартномага асосан тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказганлик ҳақидаги эксперт хулосасигина ҳаққоний ёки ҳаққоний эмас деб тан олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорига мувофиқ судларнинг сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланадиган объектларни баҳолаш бўйича материаллар экспертизадан ўтказиш эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тегишли суд қарорига асосан эксперт хулосалари ҳаққоний ёки ҳаққоний эмас деб тан олинади.

Бунда эксперт хулосалари юзасидан маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг Экспертиза хулосаларининг ягона реестрига киритилади.

41. Тоифаси пасайтирилган баҳоловчи тоифасини тиклаш юзасидан комиссияга тоифаси пасайтирилган санадан бошлаб бир йилдан сўнг мурожаат этишга ҳақли.

42. Баҳоловчига тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати комиссия қарори билан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

баҳоловчи малака сертификати амал қилишининг ваколатли давлат органи томонидан бекор қилиниши;

баҳоловчининг ҳисоботлари ёки эксперт хулосалари мунтазам равишда (йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) қонунчиликка мувофиқ ҳаққоний эмас деб тан олиниши;

баҳоловчининг аризаси.

43. Баҳоловчига тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳнома комиссия қарори билан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

баҳоловчига тоифа бериш ҳақидаги қарорнинг суд томонидан ноқонуний деб тан олиниши;

баҳоловчига тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг сохта ҳужжатлардан фойдаланиб олингани аниқланиши.

44. Тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳномасининг амал қилиши тугатилган ёки бекор қилинган баҳоловчи гувоҳнома тугатилгани ёки бекор қилингани ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир йил ичида қайта тоифа беришни сўраб ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

45. Баҳоловчининг тоифаси пасайтирилгани, баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда, ваколатли давлат органи баҳоловчилар реестрига тегишли маълумотларни киритади.

46. Баҳоловчи баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугайдиган санадан бир ой кечиктирмасдан, комиссияга тоифани кейинги беш йилга тасдиқлашни сўраб ариза беради. Тоифани тасдиқлаш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш тартиби тоифа бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш тартиби билан бир хил.

47. Комиссия томонидан тоифани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинганда, илгари берилган баҳоловчи тоифасини бериш ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб кейинги беш йилга узайтирилади, Кенгаш таркибига киритилган жамоат бирлашмаларининг QR-кодлари (матрик штрихли код) қўйилади ва идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқланади ҳамда шу вақтнинг ўзида марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборилади.

48. Агар баҳоловчи баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаши пайтигача баҳоловчи тоифасини тасдиқлаш ҳақида ариза бермаган бўлса, гувоҳнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

49. Паспортда кўрсатилган талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки паспорти ўзгартирилган тақдирда, баҳоловчи икки ой давомида комиссия баҳоловчи тоифаси берилгани ҳақидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, марказ ёки ЯИДХП орқали ариза билан мурожаат қилади.

50. Баҳоловчининг тоифа гувоҳномаси баҳоловчи томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилади, бунда тегишли ўзгартиришлар реестрга киритилади.

Баҳоловчининг тоифа гувоҳномасини қайта расмийлаштиришда баҳоловчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йиғимлар мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

51. Комиссиянинг баҳоловчига тоифа беришни рад этиш, тоифасини па-

сайтириш ёхуд тоифа берилгани ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан баҳоловчи қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

52. Комиссия иши ҳақидаги ахборот, тоифалар берилган, тоифалари пасайтирилган баҳоловчиларнинг, шунингдек, гувоҳномаларнинг амал қилиши тугатилган ёки бекор қилинган баҳоловчиларнинг рўйхатлари баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида мунтазам жойлаштирилади.

53. Комиссия аъзолари баҳоловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги махфий ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

54. Комиссия аъзолари иш давомида ўзларига маълум бўлган талабгорлар ҳақидаги ахборотни фош этмасликлари лозим.

55. Комиссия ва ваколатли давлат органи ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

56. Ваколатли давлат органи томонидан ушбу Низом талаблари ижросини таъминланиши юзасидан доимий назорат қилади ва мониторинг юритади.

57. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорига
4-ИЛОВА

Суд бошқарувчилари малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суд бошқарувчилари талабгорларига суд бошқарувчиси аттестатини бериш учун малака имтиҳонини ўтказиш ва малака аттестатини бериш хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус ўқув курсида ўқигани ҳақидаги гувоҳнома (кейинги ўринларда — гувоҳнома) — суд бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсида ўқигани ва суд бошқарувчиси аттестатини олишга асос бўлувчи ҳужжат;

малака имтиҳони — малака аттестатини олиш учун қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини аниқлашга йўналтирилган ва тегишли ваколатли ташкилот томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

суд бошқарувчиси — ваколатли ташкилот томонидан суд бошқарувчиси аттестати берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

суд бошқарувчиси аттестати (кейинги ўринларда — аттестат) — Ўзбекистон Республикаси фуқаросига суд ҳужжатига мувофиқ тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш — суд бошқарувчисининг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари ёки малака аттестати талабларини бузганлик ёки Давлат активларини бошқариш агентлигининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи кўрсатмасини бажармаслик (Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) қарорига асосан суд бошқарувчилари аттестатининг амал қилиши олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилади);

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини бекор қилиш — суд бошқарувчисининг малака аттестати ёки унга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганлик ёки малака аттестати қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани (суд қарорига, ушбу Низомда кўрсатилган бошқа ҳолларда Агентликнинг қарорига асосан суд бошқарувчилари аттестатининг амал қилиши бекор қилинади);

суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси — комиссия таркиби Агентлик томонидан тасдиқланадиган суд бошқарувчилари фаолиятини кўриб чиқувчи коллегиал орган;

Суд бошқарувчилари рейтинги — суд бошқарувчилари фаолияти

самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш натижасида эълон қилинадиган рўйхат;

талабгор — аттестатни олишга даъвогар бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

ваколатли ташкилот — Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси.

3. Суд бошқарувчилари талабгорларига аттестат бериш хизмати (кейинги ўринларда — хизмат) Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали малака аттестатини беришга масъул бўлган ваколатли ташкилот томонидан кўрсатилади.

4. Марказ ва ваколатли ташкилот ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Иқтисодий суд тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилидан келиб чиқиб қуйидаги турдаги суд бошқарувчиларини тайинлайди:

кузатув тартиб-таомилини амалга ошириш учун — муваққат бошқарувчи;

суд санацияси тартиб-таомилини амалга ошириш учун — санация қилувчи бошқарувчиси;

ташқи бошқарув тартиб-таомилини амалга ошириш учун — ташқи бошқарувчи;

тугатиш ишлари тартиб-таомилини амалга ошириш учун — тугатиш бошқарувчи;

жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун — молиявий бошқарувчи.

6. Суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси суд бошқарувчиси ҳисобланади ва у иқтисодий суд томонидан суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолаш ва суд бошқарувчилари аттестат тоифаси ҳисобга олинган ҳолда:

кузатув ва жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ёки мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини жорий этишда — кредитор (кредиторлар) томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади. Муваққат бошқарувчи номзоди кредитор (кредиторлар) томонидан таклиф этилмаган тақдирда, у Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаси ёхуд ваколатли ташкилот ёки унинг ҳудудий бўлинмаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади;

суд санацияси тартиб-таомилини амалга оширишда — кредиторлар йиғилиши ёки қарздорнинг мажбуриятлари бўйича таъминот берган шахслар ёхуд Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади;

ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини амалга оширишда — кредиторлар йиғилиши ёки Агентлик ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда тўловга қобилиятсизликнинг ҳар қандай тартиб-таомилларини амалга оширишда — Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади.

7. Ваколатли ташкилот Агентлик томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолайди ва суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштиришни таъминлайди.

2-боб. Суд бошқарувчилари талабгорларига малака аттестатини бериш хизматини кўрсатиш тартиби

8. Суд бошқарувчилари талабгорларига малака аттестатини бериш хизмати ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

Талабгор хизматдан фойдаланиш учун Марказга ўзи келиб мурожаат этади ёки электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни йигирма тўрт соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли ташкилотга тушган ва ваколатли ташкилот томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

9. Талабгор ёки унинг номидан ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома илова қилинади.

10. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилади:

ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақида маълумотлар кўрсатилади);

паспорт маълумотлари (серияси, рақами, идентификацияловчи ID-картаси серияси, рақами, агар мавжуд бўлса);

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

туғилган санаси;

яшаш манзили;

электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;

хизматдан фойдаланиш сабаби (аттестат олиш, аттестатни қайта расмийлаштириш, аттестат тоифасини ошириш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш).

11. Қуйидаги ҳужжатлар ваколатли ташкилот томонидан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда сўраб олади:

олий маълумот тўғрисидаги диплом маълумотлари;

---

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

хорижий таълим муассасасида ўқиганини тасдиқловчи олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида маълумотлар (мавжуд бўлса);

суд бошқарувчисини тайёрлаш бўйича ўқув курсида ўқигани тўғрисидаги маълумотлар;

фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашуви бўйича адвокат лицензияси тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).

судлангани бекор бўлганлиги ёки олиб ташлангани тўғрисидаги маълумот;

ариза кўриб чиқилгани учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи маълумот;

талабгорнинг паспорт (идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлари.

12. Суд бошқарувчиси қуйидаги асосий малака талабларига мос келиши зарур:

олий маълумотли бўлиши;

иқтисод, молия, бухгалтерия ҳисоби ёки аудит, солиқ маслаҳатчиси ёхуд ҳуқуқ соҳасида камида икки йил меҳнат стажига эга бўлиши;

ваколатли ташкилотда малака имтиҳонидан ўтиши.

Мазкур бандда кўрсатилган асосий талаблардан ташқари суд бошқарувчиларига қуйидаги қўшимча малака талаблари қўйилади:

ташқи бошқарув тартиб-таомилини амалга оширувчиларга — иккинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида камида икки марта суд санацияси ва (ёки) икки йил тугатишга доир ишларни юритиш тартиб-таомилини амалга оширишда суд бошқарувчиси сифатида меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари рейтингида йил давомида юқори даражадан тушмаган бўлиши ёки иккинчи тоифада суд бошқарувчиси сифатида ўн икки ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ҳамда аввал раҳбарлик (давлат бошқаруви ёки маҳаллий ҳокимлик ёхуд суд органларида раҳбар ва раҳбар ўринбосари, хўжалик жамиятларида раҳбар ва бошқалар) лавозимида беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари рейтингида кетма-кет уч чоракда камида юқори даражани қайд этган бўлиши;

суд санацияси тартиб-таомилини амалга оширувчиларга — учинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида камида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари рейтингида йил давомида етарли даражадан тушмаган бўлиши ёки учинчи тоифада суд бошқарувчиси сифатида ўн икки ойдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши ҳамда аввал раҳбарлик (давлат бошқаруви ёки маҳаллий ҳокимлик ёхуд суд органларида раҳбар ва раҳбар ўринбосари, хўжалик жамиятларида раҳбар ва бошқалар) лавозимида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари рейтингида кетма-кет уч чоракда камида етарли даражани қайд этган бўлиши;

кузатув ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини амалга оширувчиларга — тўртинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари

рейтингида йил давомида ўрта даражадан тушмаган бўлиши ёки тўртинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида камида ўн икки ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ҳамда аввал раҳбарлик (республика даражасидаги ташкилотларда бўлим бошлиғи ва бошқалар) лавозимларида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши ва суд бошқарувчилари рейтингида кетма-кет уч чоракда камида ўрта даражани қайд этган бўлиши;

тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини ҳамда жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга оширувчиларга — иқтисод, молия, бухгалтерия ҳисоби ёки аудит, солиқ маслаҳатчиси ёхуд ҳуқуқ соҳасида икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш.

Аттестат тоифасини ошириш учун мурожаат қилган суд бошқарувчиси суд бошқарувчилари рейтингида уч чоракда кетма-кет паст даража қайд қилган бўлса, унинг амалдаги аттестати тоифаси оширилмайди ва у имтиҳонга қўйилмайди.

13. Уч йилдан кам бўлмаган узлуксиз иш стажига эга «фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш» ихтисослашувидаги адвокатлар суд бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича ўқув курсида ўқимасдан, имтиҳонга киришга ҳақли.

Суд бошқарувчиси:

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

бухгалтерия ҳисоби, мол-мулкни баҳолаш ва менежментга оид билимлар асосига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосларини билиши;

қарздорни молиявий соғломлаштириш ва кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш ечимларини топиши;

тўловга қобилиятсизлик соҳасида профессионал билимларга эга бўлиши, уларни доимий равишда такомиллаштириши;

юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши — топширилган ишга виждонан муносабатда бўлиши, ўз фаолиятини амалга оширишда ижрочи, ташаббускор, интизомли, босиқ, эмоционал ва руҳий барқарор бўлиши зарур.

14. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

15. Сўровномани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда йиғим ундирилади.

Хизмат кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу бандда белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий ре-

естрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган йиғимнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Хизмати кўрсатилгани учун йиғим тўловлари Ягона биллинг тизими орқали тўланади.

16. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Fазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — ваколатли ташкилотга;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

17 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

11,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Fазначилик қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (жумладан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — ваколатли ташкилотга ўтказилади.

17. Талабгор хизматдан фойдаланишда уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор хизматдан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

18. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ўн дақиқада ваколатли ташкилотга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда ваколатли ташкилотга юборилади.

19. Ваколатли ташкилот сўровнома тушган кундан бошлаб уч иш кунида талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

20. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб

кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, ваколатли ташкилот талабгорга беш иш куни ичида хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Бунда талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган бўлса, ваколатли ташкилот унинг шахсий кабинетига сўровномани қабул қилмаслик тўғрисида асослантирилган хабарнома юборади ёки талабгор Марказ орқали мурожаат этган бўлса, Марказ уни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Талабгор беш иш куни ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, мурожаат янги берилган деб ҳисобланади ва талабгордан йиғим ундирилади.

21. Қуйидагилар талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилмаслиги учун асос бўлади:

талабгор ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаганда;

ҳужжатларда ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани аниқланганда;

талабгорнинг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судлангани олиб ташланмаганлик ҳолати аниқланганда;

талабгор томонидан мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган муддатда ҳужжатлар қайта тақдим этилмаганда.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

22. Ваколатли ташкилот томонидан талабгордан малака имтиҳонини олиш бўйича имтиҳон комиссияси тузилиши мумкин. Бунда имтиҳон комиссияси таркибига тегишли соҳадаги мутахассислар, нодавлат ташкилотлар вакиллари киритилиши мумкин.

Ваколатли ташкилот томонидан имтиҳон комиссияси таркиби, унинг фаолияти тартиби ва тест саволлари тасдиқланади ҳамда тест саволлари жавоб вариантлари билан расмий веб-сайтида мунтазам тарзда жойлаштириб борилади.

23. Малака имтиҳони сўровнома ваколатли ташкилотга келиб тушган кундан бошлаб икки ойдан кечикмай имтиҳон шаклида ўтказилади.

24. Имтиҳон компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда, талабгор танлаган тилда 50 та тест саволларига жавоб бериш шаклида ўтказилади ва жавоблар учун талабгорга бир соат вақт ажратилади.

Тест саволлари ва жавоблар вариантлари ваколатли ташкилот томонидан суд бошқарувчиларини ўқитиш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган махсус ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволларининг мазмуни ва жавоблар вариантлари тўловга қобилиятсизлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади.

Имтиҳон ваколатли ташкилот томонидан экстерриториал тамойил асосида ўтказилиши мумкин.

25. Имтиҳон топшириш вақтида имтиҳон комиссиясининг камида икки аъзоси кузатувчи сифатида иштирок этади.

26. Имтиҳон якунлангандан кейин талабгор натижалар билан танишиб, кузатувчилар билан биргаликда имтиҳон натижалари бланкасини имзолайди.

27. Агар аттестат талабгори имтиҳон натижаларидан норози бўлса ёки натижалар бланкасини имзоламаса, бланка ваколатли ташкилотнинг кузатувчилари томонидан имзоланади. Ваколатли ташкилотнинг иштирок этган ходимлари томонидан имзоланган натижалар бланкаси имтиҳони натижаларини қайд этиш учун асос ҳисобланади.

28. Имтиҳон якунлари бўйича талабгор олинган натижалар асосида малака имтиҳонидан ўтган ёки малака имтиҳонидан ўтмаган деб тан олинади.

Имтиҳон натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва ваколатли ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

29. Талабгор аттестат олиш ёки суд бошқарувчиси аттестати тоифасини ошириш ёхуд аттестатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тест саволларининг камида 70 фоизига тўғри жавоб берганда аттестациядан ўтган ҳисобланади.

Агар талабгор раҳбарлик (давлат бошқаруви ёки маҳаллий ҳокимлик ёхуд суд органларида раҳбар ва раҳбар ўринбосари, йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмаларида раҳбар ҳамда бошқалар) лавозимида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлса, учинчи тоифадаги аттестат олиш учун тест саволларининг камида 70 фоизига тўғри жавоб берганда аттестациядан ўтган ҳисобланади.

Иккинчи ва (ёки) учинчи тоифадаги аттестати мавжуд бўлган суд бошқарувчиси аттестати тоифасини ошириш учун такрорий тест имтиҳонидан ўтмаганда, унинг амалдаги тоифаси бир поғона пасайтирилади.

Малака имтиҳонининг натижалари имтиҳон ўтказилган кундан сўнг уч иш кунида ваколатли ташкилотнинг веб-сайтида жойлаштирилади.

Ваколатли ташкилот малака имтиҳонининг натижалари тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида ушбу Низомга 2 — 4-иловаларга* мувофиқ шаклда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган аттестатни расмийлаштиради.

Суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиш муддати беш йил, ушбу муддат яна беш йил муддатга узайтирилиши мумкин.

30. Малака имтиҳонидан ўтмаган ёки аттестат тоифасини ошириш истаги бўлган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг белгиланган тартибда имтиҳондан ўтишга ёки аттестат тоифасини ошириш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли.

Аттестат тоифасини ошириш учун талабгор имтиҳондан ўта олмаса, у тоифасини ошириш учун камида олти ойдан кейин такроран мурожаат қилиши мумкин.

31. Малака имтиҳони топшириш якунларига кўра талабгор имтиҳондан ўтмаган тақдирда, талабгор навбатдаги имтиҳонга фақат суд бошқарувчиларини тайёрлаш дастури бўйича ўқув курсида белгиланган тартибда такроран ўқигандан кейин қўйилади.

---

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Талабгор имтиҳон натижалари юзасидан охирги имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб, бир ой мобайнида апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Талабгор асосли эътирозлари баён қилинган апелляцияни ваколатли ташкилот раҳбари номига беради. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у берилган кундан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак. Апелляцияни кўриб чиқиш натижаси баённома билан расмийлаштирилади.

32. Суд бошқарувчиси аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида Агентликнинг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч йил давомида малака имтиҳонидан қайта ўтишига йўл қўйилмайди, суд бошқарувчисининг аризаси асосида унинг аттестатининг амал қилиши тўхтатилган (бекор қилинган) ҳоллар бундан мустасно.

33. Суд бошқарувчиси сифатидаги фаолият ваколатли ташкилот томонидан қуйидаги тўрт тоифага мувофиқ берилган аттестат асосида амалга оширилади:

кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомиллари ва тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомили ва жисмоний шахс қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун — биринчи тоифадаги аттестат;

кузатув, суд санацияси, тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомиллари ва тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомили ва жисмоний шахс қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун — иккинчи тоифадаги аттестат;

кузатув, тугатишга доир иш юритиш, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомили ва жисмоний шахс қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун — учинчи тоифадаги аттестат;

юридик шахслар тўловга қобилиятсизлигининг соддалаштирилган тартиб-таомили ва жисмоний шахсни қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун — тўртинчи тоифадаги аттестат.

34. Малака имтиҳонига қўйилиши рад этилган талабгор Марказ ёки ЯИДХП орқали рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг ўн иш кунида қайта сўровнома бериши мумкин.

Такрорий топширилган ҳужжатлар кўриб чиқилгани учун йиғим ундирилмайди.

Камчиликлар бартараф этилгани ҳақидаги сўровнома олинган кундан бошлаб уч иш куни давомида ваколатли ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар такроран кўриб чиқилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли ташкилот томонидан аввалги рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

35. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли ташки-

лотнинг расмий веб-сайтида белгиланган имтиҳон санасидан беш кун олдин жойлаштирилади.

36. Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисидаги маълумот ваколатли ташкилотнинг расмий веб-сайтида белгиланган имтиҳон санасидан ўн кун олдин жойлаштирилади.

37. Малака имтиҳонини топширишда талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ҳамда навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақида талабгор Марказ (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

38. Агар талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин иккинчи марта малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, талабгорга хизмат кўрсатиш рад қилинган ҳисобланади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Ҳужжатлар мазкур Низомда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

39. Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда овозли видеотасвирга туширилади, видеотасвир ваколатли ташкилотда камида бир йил мобайнида сақланади.

Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун ваколатли ташкилот малака имтиҳонларини ташкил этган ҳолда, алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

40. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

малака имтиҳони хонасидан ташқарига чиқиш (тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синови ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

41. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг ушбу Низомда белгиланган тартибда малака имтиҳонидан ўтиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаат умумий тартибда кўриб чиқилади.

42. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг уч иш кунида ваколатли ташкилотнинг буйруғи билан тасдиқланади ҳамда ваколатли ташкилотнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

43. Талабгорнинг тест жавоблари ҳамда малака имтиҳони якунлари бўйича тузилган баённомалар ваколатли ташкилотда сақланади.

44. Ваколатли ташкилот малака имтиҳонининг натижалари тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган малака аттестатини расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда Марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) орқали юборади, ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

45. Ваколатли ташкилот малака аттестатини расмийлаштиради ҳамда уни суд бошқарувчилари реестрига киритиш учун бир иш кунида Агентликка идоралараро электрон маълумот алмашинуви орқали юборади.

46. Марказ малака аттестати олингандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ҳамда талабгорни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Талабгорнинг сўровига кўра Марказ малака сертификатини электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этиши мумкин.

3-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

47. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз иш куни ичида ваколатли ташкилотга апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Ваколатли ташкилот ўн иш куни ичида киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ЯИДХП орқали хабар беради.

48. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли ташкилот қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини (ёзма равишда асосланган хат асосида) ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгор малака имтиҳонини топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

талабгорни такроран малака имтиҳонига қўйиш тўғрисида.

49. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

50. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорнинг малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилгани ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

51. Ваколатли ташкилот томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақ-

дирда, такрорий малака имтиҳони мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

Бунда малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилгани аниқланган тақдирда, апелляцияга берган талабгор учун малака имтиҳони такроран ўтказилишини инобатга олган ҳолда, малака имтиҳони такроран бепул ўтказилади.

52. Ўтказилган бир малака имтиҳони юзасидан такроран апелляция берилмайди.

53. Ваколатли ташкилотнинг қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга судга шикоят қилиниши мумкин.

4-боб. Суд бошқарувчиси малака аттестатини қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш

54. Малака аттестатида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, талабгор малака аттестатини қайта расмийлаштириш учун ваколатли ташкилотга ўн иш куни ичида, Марказга бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда электрон шаклда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

55. Малака аттестатини қайта расмийлаштиришда тўлов ундирилмайди.

56. Ваколатли ташкилот талабгорнинг сўровномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда малака аттестатини қайта расмийлаштиради ва ушбу Низомнинг 32-бандида белгиланган тартибда талабгорга юборади, шунингдек, бу тўғрисидаги маълумотни ваколатли ташкилотнинг веб-сайтига жойлаштиради.

57. Ваколатли ташкилот малака аттестатини қайта расмийлаштирганидан сўнг уч иш кунида бу ҳақида суд бошқарувчилари реестрига тегишли ўзгартириш киритиш учун Агентликни хабардор қилади.

Амал қилиш муддати чекланган малака аттестатини қайта расмийлаштиришда илгари берилган малака аттестатининг амал қилиш муддати ўзгармайди.

58. Малака аттестатини қайта расмийлаштириш учун талабгордан қайта имтиҳондан ўтиш талаб қилинмайди.

59. Малака аттестатининг амал қилиш муддати талабгорнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

60. Талабгор малака аттестатининг амал қилиш муддати тугашига қадар ваколатли ташкилотга, Марказга бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда электрон шаклда ушбу Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда сўровномани тўлдиради.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

61. Малака аттестати муддатини узайтирганлик учун ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, Паспортларда белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг «камбағал оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур бандда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида, Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига белгиланган тўловнинг 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма Ижтимоий реестрнинг:

«давлат таъминотидаги оила» ёки «камбағал оила» тоифасидан «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига ўтказилган оилаларга, уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ миқдорда;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида «камбағаллик чегарасидаги оила» тоифасига киритилган оилаларга «камбағал оила» тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда қўлланилади.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Тўловлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

62. Талабгор хизматдан фойдаланишда уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор хизматдан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

63. Талабгор Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ўн дақиқада ваколатли ташкилотга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли ташкилотга юборилади.

5-боб. Суд бошқарувчилари реестри

64. Агентлик Суд бошқарувчилари реестрини юритади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака аттестати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи маълумотлар (ЖШШИР маълумотлари), яшаш манзили;

иш жойи (мавжуд бўлса);

боғланиш учун маълумотлар;

малака аттестатининг ҳисобга олиш серияси, рақами, берилган санаси;

малака аттестати тоифаси ёки тури;

малака аттестатининг амал қилиш муддати (агар аниқ муддатга берилиши назарда тутилганда);

малака аттестатининг амал қилиш муддати узайтирилгани, амал қили-

ши тўхтатилгани, бекор қилингани ва қайта расмийлаштирилгани тўғрисида маълумотлар.

Реестр электрон шаклда юритилади.

Реестр шакли Агентлик томонидан тасдиқланади.

65. Реестрга киритилган, талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, яшаш манзили каби шахсий маълумотлардан ташқари барча маълумотлар улар билан танишиб чиқиш учун оммабоп бўлиб, Агентлик ва ваколатли ташкилотнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

6-боб. Суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш

66. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари суд бошқарувчиси томонидан ўз вазифаларига риоя этилишини назорат қилади.

67. Агентлик ўз ваколатлари доирасида:

суд бошқарувчиси фаолиятини қонунчиликка мувофиқ текшириш;

текширишлар ўтказишда пайдо бўладиган масалалар юзасидан суд бошқарувчисидан зарур тушунтиришлар ва материалларни сўраш;

текширишлар натижаларига асосида аниқланган қонун бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

суд бошқарувчисига аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

суд бошқарувчисини огоҳлантириш;

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) ёки тўхтатиб туриш;

суд бошқарувчиси томонидан унга юкланган вазифаларнинг тегишли даражада бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

68. Суд бошқарувчиси Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан текширишлар ўтказиш учун шарт-шароитларни таъминлаши, шу жумладан, зарур ахборот ва материалларни тақдим этиши шарт.

Суд бошқарувчиси унинг фаолиятини текшириш жараёнида ваколатли ташкилот ёки унинг ҳудудий бўлинмаси ходими кузатувчи сифатида иштирок этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

69. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида:

қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги жараёнлари мониторингини юритади;

қонунчиликка мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилади;

қонунчиликка мувофиқ суд бошқарувчиси фаолиятини текширади;

қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги жараёнлари ҳақида керакли бўлган маълумот ва материалларни суд бошқарувчисидан сўраб олади;

текширишлар натижалари асосида аниқланган қонун бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатнома тузади ва Суд бошқарувчилари аттестация комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади;

суд бошқарувчиси томонидан унга юкланган вазифаларнинг тегишли

даражада бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

7-боб. Суд бошқарувчилари аттестация комиссиясининг иш фаолияти

70. Суд бошқарувчилари аттестация комиссияси (кейинги ўринларда — Аттестация комиссияси) суд бошқарувчилари фаолиятини кўриб чиқувчи коллегиал орган ҳисобланади. Аттестация комиссиясининг шахсий таркиби Агентлик томонидан тасдиқланади. Комиссия таркибига Агентлик раҳбар ходимлари, Солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда Ўзбекистон суд бошқарувчилари ваколатли ташкилот раиси (келишувга кўра) киритилади.

71. Аттестация комиссияси таркиби раис, бир нафар раис ўринбосари, тўрт нафар аъзо ва комиссия котибидан иборат бўлади. Комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Агентлик директорининг ўринбосари лавозимига кўра аттестация комиссияси раиси ҳисобланади.

72. Аттестация комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва кўрсатмалари мазкур Низомга мувофиқ суд бошқарувчилари учун мажбурий ҳисобланади.

73. Аттестация комиссиясининг мажлислари зарурат бўлганда ўтказилади. Аттестация комиссияси раиси унинг мажлисларини ўтказади, баённомаларни ва бошқа ҳужжатларини имзолайди. Аттестация комиссияси раиси йўқлигида, унинг ваколатларини ушбу комиссия раисининг ўринбосарларидан бири амалга оширади. Аттестация комиссияси котиби комиссия мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

Аттестация комиссияси мажлиси зарурат бўлганда, комиссия раисининг рухсати билан масофадан туриб онлайн тарзда ўтказилиши мумкин.

74. Аттестация комиссияси мажлислари зарурат бўлганда ўтказилади ва унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ҳуқуқий ваколатга эга бўлади.

75. Аттестация комиссиясининг қарорлари Аттестация комиссияси мажлисида қатнашадиган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аттестация комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

76. Аттестация комиссиясининг навбатдаги мажлисини ўтказиш (санаси, жойи ва вақти) тўғрисида Аттестация комиссияси аъзоларига комиссияси котиби томонидан хабар берилади.

Аттестация комиссияси мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида ўзига нисбатан иш кўрилаётган суд бошқарувчиси мажлис бошланишидан камида бир ҳафта олдин хабардор қилинади. Агар суд бошқарувчиси хабардор қилинган бўлиб мажлисга келмаган бўлса, Аттестация комиссияси ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиши мумкин.

77. Аттестация комиссияси суд бошқарувчиси томонидан йўл қўйилган

қонун бузилиши ҳолатларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади.

78. Аттестация комиссияси суд бошқарувчиси томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини кўриб чиқади ҳамда улар бўйича қарорлар қабул қилади. Қуйидагилар суд бошқарувчилари томонидан содир этилган қонун бузилиши юзасидан ишнинг кўрилиши учун асос ҳисобланади:

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари назорат қилиш бўйича ўз ваколатларини амалга оширишда суд бошқарувчилари фаолиятида қонун бузилиши аломатлари тўғрисидаги маълумот ва текшириш далолатномалари;

давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тушган ахборот, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятлари, оммавий ахборот воситаларидаги қонун бузилиш аломатлари тўғрисидаги маълумотлар ва хабарлар;

суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан суд бошқарувчиси томонидан қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани тўғрисидаги хабарлар, тақдимнома ва хусусий ажримлар.

79. Ўзига нисбатан иш кўрилаётган суд бошқарувчиси иш материаллари билан танишишга ва улардан кўчирма олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далилларни тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, ишнинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришга, илтимосномалар тақдим этишга ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

80. Аттестация комиссияси ишни кўриш натижалари бўйича қонун бузилиши ҳолатлари аниқлаган ҳолларда, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича кўрсатма юбориш ёки суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарорни Агентликка киритади.

81. Агентлик суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилиши тўғрисида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва иқтисодий судни ёзма равишда хабардор қилади ва бир вақтнинг ўзида иқтисодий судга аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилган суд бошқарувчисининг ўрнига номзодни тақдим этади.

82. Агентлик иқтисодий суд томонидан янги тайинланган суд бошқарувчисига аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради.

83. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ваколатли ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда суд бошқарувчисининг аттестатини тиклаш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида Аттестация комиссиясига кўриб чиқиш учун таклиф киритади.

84. Аттестация комиссиясининг қарори суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тиклаш ёки тўхтатишга (бекор қилишга) асос бўлади.

85. Суд бошқарувчилари томонидан содир этилган қонун бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш натижалари Аттестация комиссияси баённомаси билан расмийлаштирилади.

86. Агентликнинг қарори (кўрсатмаси) ишда иштирок этувчиларга иш

бўйича қарор (кўрсатма) чиқарилган кундан бошлаб уч кун ичида юборилиши керак.

87. Суд бошқарувчиси кўрсатмада белгиланган муддатда қонун бузилиши ҳолатларининг бартараф этилгани тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи далиллар билан бирга Агентликка тақдим этиши лозим.

8-боб. Суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби

88. Суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

суд бошқарувчисининг аризаси;

суд бошқарувчиси ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари ёки малака аттестати талабларини бузганда;

суд бошқарувчиси томонидан Агентликнинг унинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи кўрсатмаси бажарилмаганда.

89. Аттестатнинг амал қилиши Агентлик томонидан тўхтатиб турилади. Аттестатнинг амал қилиши Агентлик томонидан олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Талабгор ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган аттестатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни Агентлик белгилаган муддатда бартараф этмаганда, Агентлик аттестатни бекор қилиш тўғрисида судга даъво аризаси киритади.

90. Агентликнинг аттестат амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори бўйича бир иш куни ичида суд бошқарувчиси хабардор қилинади ва аттестатнинг амал қилиши тўхтатиб турилгани ҳақида Агентлик томонидан юритиладиган Суд бошқарувчилари реестрига тегишли ёзув киритилади.

91. Аттестатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда Агентликнинг қарорига биноан бекор қилинади:

суд бошқарувчиси аттестатини амал қилишини бекор қилиш бўйича мурожаат қилганда;

аттестат бериш тартиби бекор қилинганда;

суд бошқарувчисининг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суд бошқарувчиси вафот этганда;

суд бошқарувчиси томонидан Агентликка аттестатининг амал қилишини бир йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат берилиб, мазкур муддат давомида аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида Агентликка мурожаат қилинмаган тақдирда.

92. Агентлик қуйидаги ҳолларда аттестатнинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади:

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни Агентлик белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли ташкилотнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қароринг қонунга хилофлиги аниқланганда;

суд бошқарувчиси қонунчилик ҳужжатлари талабларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

суд бошқарувчиси аттестати қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олингани аниқланганда.

93. Агентликнинг суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори ёхуд мазкур Низомнинг 62-бандида назарда тутилган асосларда Агентлик томонидан суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини бекор қилиш бўйича судга даъво киритилганда, аттестатининг амал қилиши бекор бўлган шахс иш материаллари билан танишишга ҳамда улардан кўчирма олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далилларни тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, илтимосномалар тақдим этишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

94. Агентликнинг суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида бир иш куни ичида аттестати амал қилиш бекор бўлган шахс хабардор қилинади ва унинг аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилгани ёки бекор қилинганлиги ҳақида Агентлик томонидан юритиладиган Суд бошқарувчилари реестрига тегишли ёзув киритилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

95. Марказ ва ваколатли ташкилот ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

96. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Марказ ушбу Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

97. Талабгор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

98. Суд бошқарувчиларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни ва ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

99. Ушбу Низомни қўллашда келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

100. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 декабрдаги 838-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 24 сентябрдаги 799-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 714-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 4 октябрдаги 564-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентининг 2, 3 ва 6-иловалари.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2024 йил 15 майдаги 282-сон қарорига 1-илованинг 72-банди «б» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2025 йил 8 апрелдаги 211-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

828 Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2696-5

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2015-yil 13-iyundagi 14/5-son qarori (ro‘yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 28-son, 374-modda) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 5-dekabr,
31/10-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
5-dekabrdagi 31/10-son qaroriga
ILOVA

Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha

1. 28-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“aktivning asosiy qismi va (yoki) foizlarining to‘lash muddati kechiktirilishi yoki uzaytirilishi, mijozni moliyalashtirishni boshlash muddati o‘zgarishi hisobiga to‘lov grafigining yoki to‘lovlar to‘lanadigan oy ichida to‘lov sanasining o‘zgartirilishi hamda mazkur Nizomning 33^8-bandida belgilangan holatlarda to‘lovlar muddati kechiktirilishi yoki uzaytirilishi bundan mustasno;”.

2. Quyidagi mazmundagi 4^2-bob bilan to‘ldirilsin:

“4^2-bob. To‘lovlar muddati kechiktirilgan yoki uzaytirilgan kreditlar sifatini tasniflash

33^8. Qarz oluvchining murojaatiga ko‘ra bank tomonidan kredit shartnomasi muddati mobaynida to‘lovlar muddati birinchi marotaba quyidagi holatlar natijasida kechiktirilganda yoki uzaytirilganda kredit tasnifi o‘zgartirilmaydi va shartlari qayta ko‘rib chiqilgan aktivlar deb tasniflanmaydi:

qarz oluvchining ikki oydan ortiq davr mobaynida vaqtincha mehnatga layoqatsiz bo‘lib qolishi;

qarz oluvchining mehnat shartnomasi bekor qilinishi va ish qidirayotgan shaxs sifatida tuman (shahar) kambag‘allikni qisqartirish va bandlikka ko‘maklashish bo‘limlarida ro‘yxatga olinishi;

qarz oluvchining birgalikda qarz oluvchisi va (yoki) kafili bo‘lgan turmush o‘rtog‘i vafot etishi;

I yoki II guruh nogironligi bo‘lgan shaxslar qarz oluvchining qaramog‘iga olinishi yoki uning qaramog‘idagi I yoki II guruh nogironligi bo‘lgan shaxslar sonining ortishi;

qarz oluvchiga nisbatan nogironlikning I yoki II guruhi belgilanishi;

tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarning yuzaga kelishi;

qarz oluvchining homiladorlik va tug‘ish ta’tiliga chiqishi.

Bunda, mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilarida nazarda tutilgan holatlar yuzasidan qarz oluvchi tomonidan kredit shartnomasi bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirish to‘g‘risida bankka murojaat qilinganda mazkur murojaat sanasidan oldingi ikki oy davomida qarz oluvchining o‘rtacha oylik daromadlari so‘nggi o‘n ikki oy ichidagi o‘rtacha oylik daromadlariga nisbatan kamida 30 foizga kamaygan bo‘lishi lozim.

Mazkur bandning ikkinchi — sakkizinchi xatboshilarida belgilangan holatlar qarz oluvchi kredit shartnomasi bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki

uzaytirish yuzasidan bankka murojaat qilgan sanadan oldingi to‘rt oy ichida ro‘y bergan bo‘lishi lozim.

Kredit tasnifi o‘zgartirilmasligi va shartlari qayta ko‘rib chiqilgan aktivlar deb tasniflanmasligi uchun kredit shartnomasi bo‘yicha to‘lovlar mazkur bandning:

ikkinchi — yettinchi xatboshilarida belgilangan holatlarda 6 oydan;

sakkizinchi xatboshisida belgilangan holatda 10 oydan ko‘p bo‘lmagan muddatga kechiktirilgan yoki uzaytirilgan bo‘lishi lozim.

33^{9}. Bank qarz oluvchining murojaatiga ko‘ra kredit shartnomasi bo‘yicha to‘lovlar muddatini kechiktirish yoki uzaytirishda qarz oluvchi tomonidan taqdim etilgan tasdiqlovchi hujjatlardan yoki boshqa ma’lumotlardan foydalanishi mumkin. Bunda, bank mazkur ma’lumotlarning haqqoniyligini tekshirish choralarini ko‘rishi lozim.”.

3. 36^{1}-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Standart aktivlarga yaratiladigan zaxiralar sifati standart deb tasniflangan jami aktivlar qoldig‘iga nisbatan har oyning yakuniga qadar aktiv qaysi valyutada vujudga kelgan bo‘lsa, ushbu valyutada yoki milliy valyutada shakllantirilishi lozim.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

829 Kredit tashkilotlarida iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishini ta’minlash yuzasidan “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3731

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Kredit tashkilotlarida iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishini ta’minlash yuzasidan “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 2-dekabr,
31/2-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
2-dekabrdagi 31/2-son qaroriga
ILOVA

Kredit tashkilotlarida iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishini ta’minlash yuzasidan “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Ushbu Nizom kredit tashkilotlari tomonidan moliyaviy xizmatlar iste’molchilari (bundan buyon matnda iste’molchi deb yuritiladi) bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirish chog‘ida ularning faoliyatiga qo‘yiladigan talablarga rioya etilishini tekshirish maqsadida “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom maqsadida quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

kredit tashkilotlari — banklar, mikromoliya tashkilotlari va lombardlar yoki ularning hududiy xizmat ko‘rsatish bo‘linmasi (filial, bank xizmatlari ko‘rsatish markazi va boshqalar);

“sirli mijoz” — kredit tashkilotlari tomonidan iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirish chog‘ida ularning faoliyatiga qo‘yiladigan talablarga rioya etilishini tekshirish maqsadida kredit tashkilotining faoliyati doirasida bitimlar tuzish yoki operatsiyalarni bajarish bo‘yicha harakatlarni amalga oshiradigan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) yoki uning hududiy boshqarmasining mas’ul xodimlari;

“sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlari (bundan buyon matnda nazorat tadbiri deb yuritiladi) — kredit tashkilotlari tomonidan iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirish chog‘ida ularning faoliyatiga qo‘yiladigan talablarga rioya etilishini tekshirish bo‘yicha amalga oshiriladigan tadbirlar.

2. Nazorat tadbiri bevosita joyiga chiqqan holda yoki masofadan turib amalga oshiriladi.

3. Nazorat tadbiri qonuniylik, tadbir o‘tkazilayotganligining sir saqlanishi, beg‘arazlik va xolislik, kredit tashkilotining moliyaviy-xo‘jalik faoliyatiga aralashmaslik, korrupsiyaga va manfaatlar to‘qnashuviga yo‘l qo‘ymaslik prinsiplariga asoslangan holda “sirli mijoz” tomonidan amalga oshiriladi.

4. Nazorat tadbiri kredit tashkilotini oldindan xabardor qilmagan holda amalga oshiriladi.

5. Nazorat tadbirining vazifalari quyidagilardan iborat:

kredit tashkilotlari faoliyatida iste’molchilarning huquqlari himoya qilinishini ta’minlash;

kredit tashkilotlari tomonidan iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlarni

amalga oshirishda ularning faoliyatiga qo‘yiladigan qonunchilik talablariga rioya qilinishini o‘rganish va ushbu talablar buzilishining oldini olish;

kredit tashkilotlarining moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish jarayonlaridagi mavjud tizimli kamchiliklarini va ularni keltirib chiqarayotgan sabablarni tahlil qilish;

iste’molchilarning murojaatlari, ommaviy axborot vositalari, Internet jahon axborot tarmog‘i va ijtimoiy tarmoqlardagi materiallarda bayon etilgan holatlarga hamda jamoatchilik fikrini o‘rganish natijasida yuzaga kelgan masalalarga aniqlik kiritish;

o‘tkazilgan nazorat tadbiri natijalari asosida amaldagi qonunchilik hujjatlari talablarini takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish;

nazorat tadbiri natijalariga ko‘ra, kamchilikka yo‘l qo‘ygan kredit tashkilotlariga mavjud muammoni bartaraf etish yuzasidan ko‘rsatmalar, shuningdek, xizmatlar ko‘rsatish sifatini yaxshilash bo‘yicha tavsiyalar berish;

aniqlangan qoidabuzarlik holatlari bo‘yicha kredit tashkilotlariga nisbatan qonunchilikka muvofiq tegishli choralar ko‘rish.

6. Nazorat tadbirini o‘tkazishda kredit tashkilotining moliyaviy-xo‘jalik faoliyatiga aralashish, iste’molchi sifatida tanishish mumkin bo‘lmagan hujjatlarni so‘rash va talab qilishga yo‘l qo‘yilmaydi.

2-bob. Nazorat tadbirini tashkil etish va o‘tkazish

7. Nazorat tadbiri quyidagi ma’lumotlar asosida tashkil etiladi:

iste’molchilarning ko‘rsatilayotgan moliyaviy xizmatlar bilan bog‘liq murojaatlarida qayd etilgan asosli e’tiroz va kamchiliklar;

ommaviy axborot vositalari, Internet jahon axborot tarmog‘i va ijtimoiy tarmoqlarda iste’molchilarning huquqlari buzilishiga oid materiallar;

kredit tashkilotlari faoliyatida qonunchilik talablari buzilishi alomatlari mavjudligi yuzasidan jamoatchilik fikri;

amaldagi qonunchilik hujjatlari talablarining kredit tashkilotlari amaliyotida qo‘llanilayotganligini (ijrosini) o‘rganish bo‘yicha tahlillar;

iste’molchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilishini oldini olishga qaratilgan nazorat choralarini qo‘llash bo‘yicha ma’lumotlar.

8. Nazorat tadbiri mazkur Nizomning 7-bandida nazarda tutilgan ma’lumotlar asosida va (yoki) iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishi va qoidabuzarliklarni oldini olish maqsadida Markaziy bank raisining o‘rinbosari yoki Markaziy bank hududiy bosh boshqarmasi boshlig‘ining nazorat tadbirini o‘tkazish to‘g‘risidagi farmoyishiga (bundan buyon matnda farmoyish deb yuritiladi) muvofiq amalga oshiriladi.

9. Nazorat tadbiri farmoyishda ko‘rsatilgan “sirli mijoz” tomonidan amalga oshiriladi. Bunda bevosita joyiga chiqqan holda nazorat tadbiri kamida 2 nafar “sirli mijoz” ishtirokida o‘tkazilishi talab etiladi.

10. Farmoyishda ko‘rsatilgan “sirli mijoz”ni o‘zgartirish zarurati yuzaga kelsa, farmoyishga tegishli o‘zgartirish kiritiladi va ushbu Nizomning 8-bandida ko‘rsatilgan Markaziy bank yoki uning hududiy bosh boshqarmasining mansabdor shaxslaridan biri tomonidan imzolanadi.

11. Farmoyishda bir kredit tashkilotida nazorat tadbirini o‘tkazish uchun uch

ish kunigacha, davomli operatsiyalar (harakatlar) uchun ushbu operatsiyaning (harakatning) oxirgi kunigacha bo‘lgan muddat belgilanishi mumkin.

12. Farmoyishda quyidagi ma’lumotlar aks ettirilgan bo‘lishi lozim:

nazorat tadbiri o‘tkaziladigan kredit tashkiloti nomi;

nazorat tadbiri o‘tkazilishi lozim bo‘lgan muddat;

o‘tkaziladigan nazorat tadbirining turi (bevosita joyiga chiqqan holda yoki masofadan turib);

nazorat tadbiri davomida amalga oshirilishi lozim bo‘lgan operatsiyalar (harakatlar);

nazorat tadbirini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan pul mablag‘lari (zarur bo‘lganda);

“sirli mijoz”larning familiyasi, ismi, otasining ismi va lavozimi;

nazorat tadbiri natijalarini rasmiylashtirish;

nazorat tadbiri davomida foto, audio va videotasvirlarning zarurligi to‘g‘risida ma’lumot.

13. Nazorat tadbiri pul mablag‘laridan foydalangan holda yoki ulardan foydalanmasdan turib amalga oshirilishi mumkin.

14. Nazorat tadbirini bevosita joyiga chiqqan holda o‘tkazish jarayonida kredit tashkiloti xodimini huquqbuzarlik sodir etishga undash taqiqlanadi.

15. “Sirli mijoz” kredit tashkilotiga iste’molchi sifatida boradi va farmoyishda ko‘rsatilgan operatsiyalarni (harakatlarni) amalga oshiradi.

16. Nazorat tadbiri masofadan turib amalga oshirilganda kredit tashkilotining rasmiy veb-sayti, masofaviy xizmat ko‘rsatish tizimlari va boshqa axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalaniladi.

17. Nazorat tadbiri davomida yashirin audio yoki video kuzatuv moslamalaridan foydalanilishi mumkin.

Masofadan turib amalga oshiriladigan nazorat tadbiri dasturiy-texnik vositalar yoki kompyuter, planshet va smartfon ekranida namoyon bo‘ladigan tasvirlarni texnik vositalar yordamida videoyozish orqali amalga oshirilishi lozim.

18. Nazorat tadbiri davomida yozib olingan audio yoki video kuzatuv moslamalaridagi ma’lumotlardan faqat mazkur Nizom doirasida Markaziy bank tomonidan nazorat choralarini amalga oshirishda hamda o‘tkazilgan nazorat tadbirlari bo‘yicha nizoli vaziyatlarga aniqlik kiritish maqsadida foydalaniladi.

Nazorat tadbiri natijalari, uni o‘tkazish davomida to‘plangan foto va video materiallar shaxsga doir ma’lumotlar bo‘yicha amaldagi qonunchilik talablariga rioya qilgan holda iste’molchilarning xabardorligini oshirish uchun Markaziy bankning rasmiy veb-saytida yoki ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalarida e’lon qilinishi mumkin.

19. Nazorat tadbiri yakunlangandan so‘ng, “sirli mijoz” tomonidan mazkur Nizomning ilovasida* keltirilgan shaklda dalolatnoma tuziladi.

20. Dalolatnomada quyidagi ma’lumotlar aks ettiriladi:

nazorat tadbiri amalga oshirilgan sana;

farmoyishning raqami va sanasi;

nazorat tadbiri o‘tkazilgan kredit tashkilotining nomi;

---

* Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

nazorat tadbiri bevosita joyiga chiqqan holda yoki masofadan turib o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi ma’lumot;

“sirli mijoz” tomonidan nazorat tadbiri davomida amalga oshirilgan operatsiyalar (harakatlar);

nazorat tadbiri davomida amalga oshirilgan naqd yoki naqd pulsiz to‘lovlar to‘g‘risida ma’lumot (agar shunday to‘lovlar amalga oshirilgan bo‘lsa);

“sirli mijoz” tomonidan kredit tashkiloti faoliyatida aniqlangan xato va kamchiliklar (yoki ularning mavjud emasligi) to‘g‘risida ma’lumot;

nazorat tadbirini amalga oshirgan “sirli mijoz”ning familiyasi, ismi va otasining ismi;

qo‘shimcha ma’lumotlar (agar mavjud bo‘lsa).

Dalolatnoma “sirli mijoz” tomonidan imzolanadi.

21. Dalolatnoma rasmiylashtirilgan kunning o‘zida uning nusxasi nazorat tadbiri o‘tkazilgan kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosariga “sirli mijoz” tomonidan qog‘oz shaklida topshiriladi va bu haqda dalolatnomaga belgi (dalolatnoma nusxasini qabul qilib olgan kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosari imzosi, lavozimi, familiyasi, ismi, otasining ismi) qo‘yiladi.

Kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosari dalolatnoma nusxasini olishdan bosh tortgan taqdirda, “sirli mijoz” dalolatnomaga uning nusxasini olishdan bosh tortganligi to‘g‘risida belgi (kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosari dalolatnoma nusxasini olishdan bosh tortdi deb yozadi va imzosi bilan tasdiqlaydi) qo‘yiladi.

Bunda kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosari dalolatnoma nusxasini olishdan bosh tortganda yoki nazorat tadbiri yakunida kredit tashkilotining rahbari yoki uning o‘rinbosarini topishning imkoni bo‘lmaganda, dalolatnoma nusxasi mazkur dalolatnoma tuzilgan sanadan boshlab besh ish kunidan kechiktirmay nazorat tadbiri o‘tkazilgan kredit tashkilotiga yuboriladi.

22. Nazorat tadbiri natijasiga asosan kredit tashkiloti tomonidan qonunchilik hujjatlari talablari buzilganligi holatlari aniqlangan taqdirda, dalolatnoma nusxasi mazkur dalolatnoma tuzilgan sanadan boshlab besh ish kunidan kechiktirmay nazorat tadbiri o‘tkazilgan kredit tashkilotining bosh ofisiga yuboriladi.

23. Agar kredit tashkilotida o‘tkazilgan nazorat tadbiri yuzasidan e’tirozlar (fikr-mulohazalar) mavjud bo‘lsa, bu to‘g‘risida dalolatnoma nusxasini olgan kundan boshlab o‘n ish kunidan kechiktirmay Markaziy bank yoki uning hududiy boshqarmasiga asoslantirilgan tushuntirish yuborishi lozim.

24. Agar nazorat tadbiri kredit tashkilotida o‘tkazilayotgan inspeksiya tekshiruvi davomida amalga oshirilgan bo‘lsa, dalolatnoma nusxasi kredit tashkilotida o‘tkazilgan inspeksiya hisobotiga ilova qilinadi.

25. Dalolatnoma kredit tashkiloti tomonidan qabul qilingan kundan boshlab:

uch kundan kechiktirmay Shaxsga doir ma’lumotlarga ishlov berishning namunaviy tartibiga (ro‘yxat raqami 3478, 2023-yil 15-noyabr) muvofiq, nazorat tadbiri paytida olingan shaxsiy ma’lumotlarni qayta ishlashni to‘xtatadi yoki uning tugatilishini ta’minlaydi va yo‘q qiladi yoki ularning yo‘q qilinishini ta’minlaydi;

o‘ttiz ish kunidan kechiktirmay “sirli mijoz” tomonidan olingan Markaziy

bankning mablag‘larini ushbu “sirli mijoz”ning so‘roviga asosan qaytarish choralarini ko‘radi.

26. Kredit tashkiloti nazorat tadbirini o‘tkazish davomida tadbirda ishtirok etgan “sirli mijoz” bilan amalga oshirilgan harakatlar bo‘yicha ma’lumotlarni kredit byurolariga yuborgan taqdirda, kredit tashkiloti dalolatnoma nusxasini olgan kundan keyingi o‘n ish kunidan kechiktirmay kredit tarixi yozuvlarini va (yoki) boshqa ma’lumotlarni bekor qilish yoxud kredit hisobotlariga kiritiladigan ma’lumotlardan chiqarish bo‘yicha zaruriy chora-tadbirlarni amalga oshirishi lozim.

27. Dalolatnomaning qog‘oz shakli va skaner qilingan pdf formati hamda audio va videoyozuvlar bir yil muddat davomida Markaziy bank yoki uning hududiy boshqarmasida saqlanadi.

28. Nazorat tadbirlari davomida aniqlangan qonunchilik hujjatlari talablari buzilishi holatlari bo‘yicha kredit tashkilotlariga nisbatan javobgarlik choralarini qo‘llash masalasi Markaziy bank tomonidan belgilangan tartibda ko‘rib chiqiladi.

3-bob. Yakuniy qoida

29. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA’LIM
SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

830 Oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3732

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **B. YULDASHEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 2-dekabr,
5-son

Kelishildi:

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri ***K. SHARIPOV***

2025-yil 19-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-dekabrda e’lon qilingan.
** Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

831 Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3733

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar va idoralar me’yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash, qabul qilish, huquqiy ekspertiza va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalariga (ro‘yxat raqami 3686, 2025-yil 9-oktabr) muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasi “Davlat tili haqida”gi Qonunining 8-moddasiga asosan davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinishi va e’lon etilishi kerakligi;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonining 5-bandiga asosan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni yuqoriroq yuridik kuchga ega bo‘lgan qonunchilik hujjatlariga tezkor va to‘liq muvofiqlashtirish maqsadida belgilangan muddatda o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilmagan yoki o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilmagan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarilishi hamda buning natijasida yuzaga keladigan oqibatlar uchun vazirlik va idoralar rahbarlari javobgar hisoblanishi;

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son qarori bilan tasdiqlangan Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni huquqiy ekspertizadan va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga asosan Adliya vazirligiga vazirlik va idoralarning qonunchilikka nomuvofiq bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarini Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarishga haqli ekanligi belgilanganligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-dekabrda e’lon qilingan.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir **A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 23-dekabr,
28-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 23-dekabrdagi
28-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 1997-yil 15-mayda tasdiqlangan Xorijiy fuqarolar, fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga O‘zbekiston Respublikasiga kelish va ketish vizalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 349, 1997-yil 4-iyun).

2. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 2008-yil 7-maydagi 518-son “Xorijiy fuqarolar, fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga O‘zbekiston Respublikasiga kelish va ketish vizalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 349-1, 2008-yil 19-may).

3. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 2018-yil 4-maydagi 30-son “Xorijiy fuqarolar, fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga O‘zbekiston Respublikasiga kelish va ketish vizalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 349-2, 2018-yil 18-iyun).

4. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 2018-yil 29-iyundagi 32-son “O‘zbekiston Respublikasiga qaytish uchun guvohnoma (sertifikat) berish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 349-3, 2018-yil 15-avgust).

5. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2002-yil 4-oktabrdagi 128-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186, 2002-yil 2-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 21-son).

6. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2004-yil 19-noyabrdagi 157-son “O‘zbekiston

Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-1, 2004-yil 30-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 48-49-son, 498-modda).

7. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 27-oktabrdagi 118-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-2, 2006-yil 6-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 48-50-son, 496-modda).

8. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2007-yil 20-apreldagi 62-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-3, 2007-yil 26-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 22-son, 229-modda).

9. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2008-yil 7-apreldagi 70-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-4, 2008-yil 9-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 14-15-son, 113-modda).

10. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2010-yil 28-yanvardagi 11-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-5, 2010-yil 23-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 12-son, 88-modda).

11. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2010-yil 5-oktabrdagi 114-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-6, 2010-yil 6-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 44-45-son, 392-modda).

12. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2012-yil 30-iyuldagi 5n-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-7, 2012-yil 9-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 32-son, 383-modda).

13. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2013-yil 29-apreldagi 20n-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi

buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-8, 2013-yil 29-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 22-son, 288-modda).

14. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2015-yil 1-iyundagi 62-N-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-9, 2015-yil 8-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 23-son, 306-modda).

15. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2016-yil 8-apreldagi 73-N-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (1186-10, 2016-yil 25-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 17-son, 179-modda).

16. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2016-yil 14-sentabrdagi 84-n-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomning 3-ilovasi 10-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-11, 2016-yil 21-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 38-son, 454-modda).

17. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 22-iyundagi 7-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186-12, 2023-yil 17-iyul) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 17.07.2023-y., 10/23/1186-12/0483-son).

18. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2003-yil 9-yanvardagi 9-son “Oliy ta’lim to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222, 2003-yil 22-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2003-y., 4-son).

19. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2010-yil 29-oktabrdagi 406-son “Oliy ta’lim to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222-1, 2010-yil 12-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 46-son, 416-modda).

20. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2013-yil 13-dekabrdagi 469-son “Oliy ta’lim to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222-2, 2013-yil 13-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 50-son, 658-modda).

21. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2017-yil 28-avgustdagi 6-2017-son “Oliy ta’lim to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222-3, 2017-yil 13-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 16.10.2017-y., 10/17/1222-3/0108-son).

22. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2023-yil 7-iyundagi 256-son “Oliy ta’lim to‘g‘risidagi nizomning 52-bandiga

o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222-4, 2023-yil 22-iyun) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 23.06.2023-y., 10/23/1222-4/0420-son).

23. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi, O‘zbekiston Kasaba uyushmasi federatsiyasi Kengashining 2003-yil 7-apreldagi 8, 46 va 14-10-son “Narkomaniya bilan kasallangan shaxslarning shug‘ullanishi uchun cheklovlar belgilangan kasbiy faoliyat turlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1233, 2003-yil 15-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2003-y., 7-8-son).

24. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2004-yil 11-fevraldagi 31, 2004-22, 03-02/8-14-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320, 2004-yil 3-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 9-son, 110-modda).

25. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2007-yil 8-yanvardagi 3, 2007-01, 01-02/8-1-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320-1, 2007-yil 3-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 4 — 6-son, 49-modda).

26. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2009-yil 13-martdagi 34, 2009-14, 01-02/8-7-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320-2, 2009-yil 20-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 13-son, 149-modda).

27. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2011-yil 14-martdagi 23, 2011-10, 01-02/8-3-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320-3, 2011-yil 28-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 12-13-son, 126-modda).

28. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2013-yil 27-fevraldagi 19, 2013-13, 01-02/8-23-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320-4, 2013-yil 20-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 12-son, 159-modda).

29. O‘zbekiston Respublikasi davlat patent idorasi direktorining 2004-yil 2-fevraldagi 9-son “Ixtiroga O‘zbekiston Respublikasining patentini berish uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalari to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1329, 2004-yil 22-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-yil, 12-son, 147-modda).

30. O‘zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2005-yil 30-martdagi 27-son “Ixtiroga O‘zbekiston Respublikasi patentini berish uchun talabnoma tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1329-1, 2005-yil 27-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 17-18-son, 136-modda).

31. O‘zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2009-yil 5-fevraldagi 23-son “Ixtiroga O‘zbekiston Respublikasining patentini berish uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1329-2, 2009-yil 12-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 10-11-son, 120-modda).

32. O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2011-yil 26-avgustdagi 26-son “Ixtiroga O‘zbekiston Respublikasining patenti berilishi uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1329-3, 2011-yil 30-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 40-son, 429-modda).

33. O‘zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2004-yil 15-martdagi 14-son “Foydali modelga O‘zbekiston Respublikasining patenti berilishi uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1343, 2004-yil 29-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 17-son, 202-modda).

34. O‘zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2009-yil 11-martdagi 35-son “Foydali modelga O‘zbekiston Respublikasining patentini berish uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1343-1, 2009-yil 25-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 13-son, 150-modda).

35. O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2011-yil 26-avgustdagi 29-son “Foydali modelga O‘zbekiston Respublikasining patenti berilishi uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1343-2, 2011-yil 30-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 40-son, 428-modda).

36. O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi bosh direktorining 2017-yil 20-dekabrdagi 27-son “Foydali modelga O‘zbekiston Respublikasining patenti berilishi uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1343-3, 2018-yil 25-yanvar) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 25.01.2018-y., 10/18/1343-3/0619-son).

37. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 3, 78-son “Portlovchi moddalarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, transportda tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat

raqami 1491, 2005-yil 8-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 27-son, 199-modda).

38. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa’rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2018-yil 19-fevraldagi 15, 11-son “Portlovchi moddalarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, transportda tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1491-1, 2018-yil 17-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 18.03.2018-y., 10/18/1491-1/0930-son).

39. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa’rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2018-yil 15-avgustdagi 55, 52-son “Portlovchi moddalarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, transportda tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma muqaddimasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1491-2, 2018-yil 7-sentabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 08.09.2018-y., 10/18/1491-2/1857-son).

40. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 4, 79-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida portlovchi materiallarni avtomobil transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1492, 2005-yil 8-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 27-son, 200-modda).

41. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa’rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2018-yil 19-fevraldagi 16, 12-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida portlovchi materiallarni avtomobil transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1492-1, 2018-yil 17-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 18.03.2018-y., 10/18/1492-1/0929-son).

42. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 5, 80-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida portlovchi materiallarni temir yo‘l transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori (ro‘yxat raqami 1493, 2005-yil 8-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 27-son, 201-modda).

43. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yer qa’rini geologik o‘rganish, sanoatda, konchilikda va kommunal-maishiy sektorda ishlarning bexatar olib borilishini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2018-yil 19-fevraldagi 17, 13-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida portlovchi materiallarni temir yo‘l transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1493-1, 2018-yil 17-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 18.03.2018-y., 10/18/1493-1/0928-son).

44. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2005-yil 31-dekabrdagi 06-3/440, 11/5132, 109-son “Tibbiyot muassasalarini moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘larini tasarruf etish uchun tibbiyot muassasalaridagi maxsus komissiyalar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1536, 2007-yil 14-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 3-son, 14-modda).

45. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 2006-yil 18-yanvardagi 73-son “Xorijiy havo kemalariga O‘zbekiston Respublikasi samoviy hududidan foydalanish uchun diplomatik (maxsus) ruxsatnomalar berish tartibi haqidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1544, 2006-yil 26-yanvar).

46. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 23-yanvardagi 15-son “Issiqlikdan foydalanuvchi uskunalar va issiqlik tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1549, 2006-yil 28-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 9-son, 66-modda).

47. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2011-yil 26-yanvardagi 1-son “Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1549-1, 2011-yil 8-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 6-son, 53-modda).

48. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasining 2006-yil 5-apreldagi 58-son “Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1572, 2006-yil 6-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 19-son, 167-modda).

49. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2010-yil 3-avgustdagi 149-son “Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarining 9-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1572-1, 2010-yil 17-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 33-son, 282-modda).

50. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2011-yil 26-yanvardagi 2-son “Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1572-2, 2011-yil 8-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 6-son, 54-modda).

51. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Milliy xavfsizlik xizmatining 2006-yil 12-maydagi 7, 2, 1/4-529, 46-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida yaroqsiz holatga kelgan (xizmat muddati tugagan) yoki yo‘qotilgan moddiy va pul mablag‘larini hisobdan chiqarish, moddiy mablag‘lar hisobi va ular bo‘yicha hisobot yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat

raqami 1592, 2006-yil 5-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 27-son, 256-modda).

52. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Milliy xavfsizlik xizmatining 2014-yil 25-dekabrdagi 21, 44, 9, 131-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida yaroqsiz holatga kelgan (xizmat muddati tugagan) yoki yo‘qotilgan moddiy va pul mablag‘larini hisobdan chiqarish, moddiy mablag‘lar hisobi va ular bo‘yicha hisobot yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1592-1, 2015-yil 29-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 4-son, 50-modda).

53. O‘zbekiston Respublikasi Temir yo‘llarda yuk va yo‘lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2006-yil 30-oktabrdagi 51-son “Vazirliklar, idoralar, muassasalar, korxonalar va tashkilotlarda temir yo‘l transporti sohasida faoliyat olib boruvchi xodimlarning temir yo‘llardan texnik foydalanish qoidalari hamda yo‘riqnomalarni bilishini komissiya tuzib tekshirishni amalga oshirish bo‘yicha nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1645, 2006-yil 30-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 48-50-son, 494-modda).

54. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2009-yil 14-dekabrdagi 77-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 10 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 2-ro‘yxatiga qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2066, 2010-yil 14-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 1-2-son, 16-modda).

55. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2011-yil 9-sentabrdagi 57, 60-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 5 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 3-ro‘yxatiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2276, 2011-yil 7-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 40-son, 447-modda).

56. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2012-yil 27-noyabrdagi 72-Q, 83-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 10 va 5 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 2 va 3-ro‘yxatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2409, 2013-yil 3-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 1-son, 12-modda).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SANOAT, RADIATSIYA
VA YADRO XAVFSIZLIGI QO‘MITASINING
QARORI

832 Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablarini tasdiqlash to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3734

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-dekabrdagi PF–224-son “Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi sohasida davlat nazoratini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atom energiyasi agentligi va O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **A. RAFIQOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 5-dekabr,
32-son

Kelishildi:

Sog‘liqni saqlash vaziri ***A. XUDAYAROV***

2025-yil 18-noyabr

Favqulodda vaziyatlar vaziri ***B. KUDRATXODJAYEV***

2025-yil 21-noyabr

Atom energiyasi agentligi direktori ***A. AXMEDXADJAYEV***

2025-yil 20-noyabr

Fanlar akademiyasi prezidenti ***SH. AYUPOV***

2025-yil 21-noyabr

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat,
radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining
2025-yil 5-dekabrdagi 32-son qaroriga
ILOVA

Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablari

Mazkur hujjat radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablarini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu hujjatda quyidagi tushunchalar qo‘llaniladi:

atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalar — atom energiyasidan foydalanish obyektlarining va mazkur sohadagi faoliyatning xavfsizligi talablarini belgilovchi normativ-huquqiy hujjatlar hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar;

ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot — O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tashkil etilgan hamda yadroviy qurilma va (yoki) saqlash punkti uchun mas’ul etib tayinlangan hamda o‘z kuchlari bilan yoki boshqa yuridik shaxslarni jalb etgan holda yadroviy qurilmani va (yoki) saqlash punktini ekspluatatsiya qilishga qodir bo‘lgan yuridik shaxs;

radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun maqbullik mezonlari (bundan buyon matnda maqbullik mezonlari deb yuritiladi) — radioaktiv chiqindilarni xavfsiz ko‘mish maqsadida ularning fizik-kimyoviy xossalari hamda sig‘imlariga qo‘yiladigan talablar majmuasi;

radioaktiv chiqindilar — foydalanish uchun mo‘ljallanmagan, yo‘l qo‘yilishi mumkin bo‘lgan eng ko‘p miqdordan oshadigan faollik darajasiga ega radionuklidlarni o‘z ichiga olgan har qanday agregat holatidagi materiallar va moddalar.

2. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilotlarning loyiha va (yoki) foydalanish hujjatlarida radioaktiv chiqindilarning maqbullik mezonlariga muvofiqligi belgilanishi lozim.

3. Atom energiyasidan foydalanish jarayonida hosil bo‘ladigan radioaktiv chiqindilarni ko‘mishga topshirish maqbullik mezonlariga muvofiq amalga oshirilishi kerak.

4. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilotlar chiqindilar bilan muomalada bo‘lishda SanQvaM 0251-08 “Radioaktiv chiqindilar bilan muomalada bo‘lishning sanitariya qoidalari”ga rioya qilishi kerak.

5. Ko‘mish punkti radioaktiv chiqindilar bilan bog‘liq faoliyatni atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalarga muvofiq amalga oshirishi lozim.

2-bob. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish punktiga joylashtirish uchun maqbullik mezonlarini ishlab chiqish

6. Radioaktiv chiqindilarni joylashtirish nazarda tutilgan har bir ko‘mish punktida radioaktiv chiqindilar ushbu hujjatning 1 va 2-ilovalariga* muvofiq qabul qilinishi kerak.

7. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish punktining loyihasi hamda xavfsizlikni asoslash hisobotida radioaktiv chiqindilarni joylashtirish uchun maqbullik mezonlari va ruxsat etilgan ko‘rsatkichlar belgilanishi lozim.

8. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish punktiga joylashtirish uchun belgilanadigan maqbullik mezonlari radioaktiv chiqindilar joylashtiriladigan ko‘mish punktining har bir inshooti bo‘yicha, suyuq radioaktiv chiqindilar uchun esa ko‘mish punktidan foydalanish gorizontiga ko‘ra alohida belgilanishi zarur.

Ushbu hujjatning talablariga muvofiq kelmaydigan radioaktiv chiqindilarni ko‘mish punktiga qabul qilish faqat ko‘mish punktining xavfsizlikni asoslash bo‘yicha hisobotida ilmiy jihatdan asoslantirilgan taqdirda yo‘l qo‘yiladi.

3-bob. Qattiq radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun maqbullik mezonlari

9. Maqbullik mezonlarining A, B, D, E va F sinflariga mansub radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun maqbullik mezonlariga oid ko‘rsatkichlar ushbu hujjatning 3-ilovasi* 1 — 6-jadvallarida keltirilgan qiymatlarga muvofiq bo‘lishi lozim.

10. Radioaktiv chiqindilar tarkibida mavjud radionuklidlarning solishtirma faolligi asosida ularning maqbullik mezonlariga muvofiq qaysi sinfga mansubligi aniqlangan bo‘lishi lozim.

11. Radioaktiv chiqindilar sig‘imidagi radionuklidlarning solishtirma faolligi radioaktiv chiqindilar massasiga (konteyner yoki sig‘imlar to‘plami hamda uning tarkibiy qismlari massasini hisobga olmagan holda) nisbatini aniqlash orqali belgilanishi lozim.

12. Qadoqlanmagan radioaktiv chiqindilar sig‘imining tashqi yuzasidagi va (yoki) belgilangan masofadagi doza quvvati, shuningdek sig‘im yuzasining radioaktiv ifloslanish darajasi ushbu hujjatning 3-ilovasida keltirilgan qiymatlardan oshmasligi lozim.

13. Quyidagi xususiyatlarga ega bo‘lgan radioaktiv chiqindilarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri ko‘mishga yo‘l qo‘yilmaydi:

portlash xususiyatiga ega bo‘lgan, shu jumladan qizdirilganda yoki zarba hamda ishqalanish ta’siri natijasida portlash xavfi mavjud bo‘lgan;

o‘z-o‘zidan yonish xususiyatiga ega bo‘lgan;

suv, havo yoki boshqa moddalar bilan o‘zaro ta’sirlashganda yong‘in yoki portlash xavfi tug‘diradigan (o‘z-o‘zidan va tez alangalanadigan yoki portlovchi gazlar ajratib chiqaradigan) moddalar mavjud bo‘lgan;

suv, havo yoki boshqa moddalar bilan o‘zaro ta’sirlashganda zaharli gazlar yoki aerozollar ajratib chiqaradigan moddalar mavjud bo‘lgan;

* 1 — 3-ilovalar «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

tarkibida infeksiyalovchi (patogen) materiallar mavjud bo‘lgan.

Ushbu xususiyatdagi radioaktiv chiqindilar maxsus ishlovdan o‘tkazilib, xavfsiz holga keltirilgandan so‘ng, ko‘mish punktlariga joylashtirilishi lozim.

14. Bitta sig‘imdagi, qadoqlanmagan radioaktiv chiqindilar o‘zaro, bir turdagi materiallar, konteyner materiallari hamda ko‘mish punktining boshqa xavfsizlik to‘siqlari bilan kimyoviy va fizik jihatdan mos bo‘lishi lozim.

15. Radioaktiv chiqindilar tarkibidagi materiallarning korroziyalanishi, radiolizi, biokimyoviy parchalanishi, shuningdek boshqa radiokimyoviy, kimyoviy va biologik jarayonlar natijasida hosil bo‘ladigan gazlar yonuvchan va portlovchi aralashmalar paydo bo‘lishiga, radioaktiv chiqindi sig‘imining deformatsiyalanishiga va yaxlitligining buzilishiga yo‘l qo‘ymasligi hamda radionuklidlarning atrof-muhitga chiqarilishi SanQvaM 0193-06 “Radiatsiya xavfsizligi normalari (RXN-2006)” va “Radiatsiya xavfsizligini ta’minlashning asosiy sanitariya qoidalari (RXTASQ-2006)”ga muvofiq amalga oshirilishi lozim.

16. Radioaktiv chiqindilar tarkibidagi organik chiriydigan, parchalanadigan yoki biologik faol moddalarning miqdori SanQvaM 0251-08 “Radioaktiv chiqindilar bilan muomalada bo‘lishning sanitariya qoidalari”ga muvofiq bo‘lishi kerak.

17. Radioaktiv chiqindilar sig‘imida kimyoviy zaharli moddalar mavjud bo‘lmasligi zarur.

18. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imidagi erkin suyuqlik miqdori ushbu hujjatning 3-ilovasi 1 — 3-jadvallarida belgilangan qiymatlardan oshmasligi kerak.

19. Radioaktiv chiqindilar sig‘imining radioaktiv tarkibidan ajralib chiqadigan energiya natijasida, sig‘imning mexanik mustahkamligi, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlarining pasayishiga olib kelmasligi kerak.

Maqbullik mezonlarining A va B sinflariga mansub radioaktiv chiqindi sig‘imlarida ajraladigan energiya qiymati mazkur hujjatning 3-ilovasi 1 va 2-jadvallarida belgilangan qiymatlardan oshmasligi lozim.

20. Mazkur hujjatdagi maqbullik mezonlarining A, B va D sinflarga mansub radioaktiv chiqindilar joylangan sig‘imlarning geometrik shakli o‘zgarmasligi kerak.

21. Radioaktiv chiqindilarni bir xillashtirishsiz yoki qadoqlanmagan holda ko‘mishga faqat ular E sinfidagi qadoqlanmagan radioaktiv chiqindilar uchun belgilangan maqbullik mezonlariga muvofiq bo‘lganda yo‘l qo‘yiladi.

22. Tabiiy radionuklidlar miqdori yuqori bo‘lgan mineral yoki organik xomashyoni qazib olish va qayta ishlash jarayonida hosil bo‘lgan F sinfiga mansub radioaktiv chiqindilarni uran rudalarini qazib olish va qayta ishlash mahsulotlarini ko‘mishga mo‘ljallangan ko‘mish punktlarida, shuningdek qattiq radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun mo‘ljallangan ko‘mish punktlarida, agar ular ushbu hujjatda belgilangan maqbullik mezonlariga muvofiq bo‘lganda yo‘l qo‘yiladi.

23. Ishlatib bo‘lingan yopiq ionlashtiruvchi nurlanish manbalari maqbullik mezonlari asosida radioaktiv chiqindilar sig‘imi tarkibida ko‘milishi lozim.

24. Tarkibida ishlatib bo‘lingan yopiq ionlashtiruvchi nurlanish manbalari bo‘lgan chiqindilar sig‘imlari, ko‘mishga mo‘ljallangan radioaktiv chiqindilar

va konteynerlarga qo‘yiladigan talablar mazkur hujjatning 3-ilovasi 1-jadvalida belgilangan qiymatlarga mos bo‘lishi kerak.

25. Ishlatib bo‘lgan yopiq ionlashtiruvchi nurlanish manbalaridan ajraladigan energiya sig‘imning mexanik mustahkamligiga, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlariga zarar yetkazmasligi lozim.

4-bob. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun sig‘imlarga va konteynerlarga (sig‘imlar to‘plamiga) qo‘yiladigan talablar

26. Radioaktiv chiqindilarni sig‘imlarga joylashtirish jarayonida xodimlar, aholi va atrof-muhitning radiatsiyaviy xavfsizligi SanQvaM 0193-06 “Radiatsiya xavfsizligi normalari (RXN-2006) va Radiatsiya xavfsizligini ta’minlashning asosiy sanitar qoidalari (RXTASQ-2006)”ga muvofiq ta’minlanishi lozim.

27. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imlari ko‘mish joyida buzilishlar yuz berganda (avariyalar bundan mustasno), yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan ta’sirlar va yuklamalarga (sinib ketmasligi, yorilib ochilib ketmasligi, radioaktiv chiqindini tashqi muhitga chiqarmasligi va boshqalar, himoya va izolyatsiya vazifasini saqlab qolishi) bardosh berishi lozim.

28. Radioaktiv chiqindilar sig‘imlari o‘z-o‘zidan alangalanmasligi lozim.

29. Radioaktiv chiqindilar sig‘imlarini transport-texnologik sxemasidagi shtabellarga (qatlamlab, ustma-ust) joylashtirish imkoni ta’minlanishi lozim.

30. Radioaktiv chiqindilar sig‘imining mexanik mustahkamligi, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlari ko‘mish jarayonida xavfsizlik talablariga muvofiq bo‘lmaganda, bunday sig‘im qo‘shimcha himoya ta’minlaydigan konteynerga (sig‘imlar to‘plamiga) joylashtirilishi lozim.

31. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindi sig‘imlari mexanik mustahkam, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlariga ega bo‘lishi lozim.

32. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imlari radiatsiyaga chidamli bo‘lishi hamda ushbu hujjatda belgilangan nurlanishning yutilgan dozasi sig‘imning mexanik mustahkamligi, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlariga ta’sir qilmasligi lozim.

33. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imlari biologik ta’sirlarga chidamli bo‘lishi, shuningdek chirish jarayonlarini keltirib chiqaruvchi bakteriyalar, zamburug‘lar, mikroorganizmlar va boshqa zararli biologik omillar ta’sirida sig‘imning mexanik mustahkamligiga, himoya va izolyatsiya xususiyatlariga salbiy ta’sir ko‘rsatmasligi lozim.

34. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imlarga joylashtirilgan paytdan boshlab ko‘mish joyi to‘liq yopilgunga qadar sig‘imlarning mexanik mustahkamligi, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlari saqlanishi lozim.

35. Tarkibida yadroviy xavfli bo‘linuvchi radionuklidlar mavjud bo‘lgan radioaktiv chiqindilar sig‘imlari atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalarga muvofiq bo‘lishi lozim.

36. Radioaktiv chiqindilar sig‘imlarining massa va o‘lcham xususiyatlari (geometrik o‘lchamlari, massasi, hajmi va konstruksiyasi) hamda yuk ko‘tarish

mexanizmlarining imkoniyatlari ko‘mish punkti inshootlarining joylashuv yechimlariga muvofiq bo‘lishi lozim.

37. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun mo‘ljallangan sig‘imlarni tayyorlashda qo‘llaniladigan konteynerlar (sig‘imlar to‘plami) atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalarga muvofiq bo‘lishi lozim.

38. Maqbullik mezonlarining A, B va D sinflariga mansub radioaktiv chiqindilar sig‘imlarini tayyorlash uchun mo‘ljallangan konteynerlar (sig‘imlar to‘plamlari) konstruksiyasi ko‘mish jarayonida sig‘imlarni bevosita yoki masofadan turib boshqarish imkonini ta’minlashi lozim.

39. Gaz ajratib chiqarishi xususiyatga ega bo‘lgan radioaktiv chiqindilarni joylashtirish uchun mo‘ljallangan konteynerlar (sig‘imlar to‘plamlari) konstruksiyasi radioaktiv chiqindilar sig‘imidan gazsimon moddalarning chiqishini ta’minlashi lozim.

40. Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun mo‘ljallangan har bir sig‘im tamg‘alangan yoki QR-kod (matrik shtrixli kod) qo‘yilgan bo‘lishi lozim.

Tamg‘ada (tamg‘alash yozuvida) radioaktiv chiqindini aniqlash va ko‘mishga topshirish uchun zarur bo‘lgan quyidagi asosiy ma’lumotlar keltirilishi lozim:

radiatsiyaviy xavf belgisi;

radioaktiv chiqindilar sig‘imining ishlab chiqaruvchi (yoki yetkazib beruvchi) korxona belgisi ko‘rsatilgan individual raqam (identifikatsiya kodi);

radioaktiv chiqindining maqbullik mezoniga muvofiq sinfi (A, B, D, E yoki F);

sig‘im sirtidagi doza quvvati va umumiy faolligi;

radioaktiv chiqindining sig‘imga joylashtirilgan sanasi;

sig‘imning netto va brutto massasi.

41. Radioaktiv chiqindilar sig‘imining tamg‘alangan yozuvi aniq va tushunarli bo‘lishi, ko‘z bilan (vizual) tarzda oson o‘qilishi uchun qulay bo‘lishi zarur.

42. Tamg‘a iqlim sharoitlari ta’siriga chidamli bo‘lishi, sig‘im bilan tashqi ta’sirlar natijasida yaroqsiz holga kelib qolmasligi, oson yechib olinmasligi va radioaktiv chiqindilar sig‘im joylashtirilgan ko‘mish katakchasi (yacheyka) yopilguniga qadar axborot mazmunini saqlab qolishi lozim.

5-bob. Suyuq radioaktiv chiqindilarning maqbullik mezonlari

43. Maqbullik mezonlarining G sinfiga mansub radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun zarur bo‘lgan sifat va miqdoriy ko‘rsatkichlari ushbu hujjatning 3-ilovasi 7-jadvalida keltirilgan.

44. Suyuq radioaktiv chiqindilarni chuqur ko‘mish punktiga yuborishda radioaktiv chiqindilardagi radionuklidlarning faolligi loyiha hujjatlarida belgilangan ruxsat etilgan qiymatlardan oshmasligi lozim.

45. Ko‘miladigan suyuq radioaktiv chiqindilarda yadroviy xavfli bo‘linuvchi radionuklidlar bo‘lmasligi hamda suyuq radioaktiv chiqindilarni qabul qilish, joylashtirish va uzoq muddat davomida yutuvchi qatlamlar bo‘ylab joylashtirilishi, o‘z-o‘zidan bo‘linishi (zanjirli reaksiyasi) yuzaga kelmasligi zarur.

46. Ko‘mishga yuborilayotgan suyuq radioaktiv chiqindilar yutuvchi suvli gorizontlar (qatlam-kollektor) va unga yaqin jinslar bilan mos bo‘lishi, bunda ularning o‘zaro ta’siri quyidagilarning sodir bo‘lishiga olib kelmasligi lozim:

cho‘kma hosil bo‘lishiga;

qatlam-kollektor g‘ovaklarining mayda zarrachalar bilan to‘lib qolishiga (kolmatatsiyaga);

kuchli gaz hosil bo‘lishiga;

qatlam-kollektor jinslarining kuchli ishqorlanishiga;

ortiqcha issiqlik ajralib, qatlam-kollektorning loyihada ko‘rsatilgan darajadan yuqori qizib ketishiga.

47. Suyuq radioaktiv chiqindilarning tarkibiy qismlari chuqur ko‘mish punktidagi xavfsizlik to‘siqlarini tashkil etuvchi materiallar bilan o‘zaro ta’sirlashganida ularning mexanik mustahkamligi, himoya va izolyatsiyalash xususiyatlari loyihaga asosan aniqlanishi lozim.

6-bob. Radioaktiv chiqindilar sig‘imlariga rasmiylashtiriladigan pasport

48. Ko‘mishga topshirilayotgan radioaktiv chiqindilar (sig‘imlarda qadoqlangan holda, qattiq yoki suyuq ko‘rinishda) ko‘mish uchun belgilangan maqbullik mezonlariga muvofiq bo‘lishi hamda ushbu muvofiqlik radioaktiv chiqindilar sig‘imlariga rasmiylashtiriladigan pasportda aks ettirilishi lozim.

49. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan radioaktiv chiqindilarni ko‘mish uchun har bir sig‘imga alohida mazkur hujjatning 4 va 5-ilovalariga* muvofiq radioaktiv chiqindilar sig‘imlariga rasmiylashtiriladigan pasport ishlab chiqilishi lozim.

50. Radioaktiv chiqindilar sig‘imiga rasmiylashtiriladigan pasport sig‘imning asosiy tavsiflari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga olishi va mazkur sig‘imning maqbullik mezonlariga muvofiqligini tasdiqlashi lozim.

7-bob. Yakuniy qoida

51. Mazkur hujjatning buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

* 4-5-ilovalar «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

833 Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3002-5

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 11-fevraldagi O‘RQ–1026-son “Mikromoliyalashtirish faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 31-martdagi 12/8-son qarori (ro‘yxat raqami 3002, 2018-yil 25-aprel) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 26.04.2018-y., 10/18/3002/1102-son) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 12-dekabr,
34/3-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
12-dekabrdagi 34/3-son qaroriga
ILOVA

Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. Muqaddima “tijorat banklari” degan so‘zlardan keyin “, shu jumladan mikromoliya banklari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

2. 6-banddagi “tijorat banklari” degan so‘zlar “banklar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

3. 1-ilovaning nomidagi “Tijorat banklarining” degan so‘zlar “Banklarning” degan so‘z bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

834 Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-19

O‘zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 20-avgustdagi 65-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 40-41-son, 356-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 17-dekabr,
312-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
17-dekabrdagi 312-son buyrug‘iga
ILOVA

Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 77-banddagi “Adliya vazirligi” va “Narkotiklarni nazorat qilish milliy markazini” degan so‘zlar tegishli ravishda “Ichki ishlar vazirligi” va “Narkotiklar va o‘qotar qurollarni nazorat qilish agentligini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 80-bandning uchinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi huzuridagi O‘rmon xo‘jaligi agentligini” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi huzuridagi O‘rmon va yashil hududlarni ko‘paytirish, cho‘llanishga qarshi kurashish agentligini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 89-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 120-banddan “O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-dekabrda e’lon qilingan.

vazirligi huzuridagi Maktabgacha ta'lim agentligi va uning hududiy bo'linmalarini saqlash xarajatlari," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

5. 1-ilovada:

1) 2 007 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining Davlat ijtimoiy sug'urta jamg'armasi";

2) 3 022 0 0 qatordagi "Xorijda mehnat faoliyatini amalga oshiruvchi shaxslarni qo'llab-quvvatlash hamda ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish jamg'armasi" degan so'zlar "Migratsiya jamg'armasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 3 036 0 0 qatordagi "Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi huzuridagi Mutaxassislarni xorijda tayyorlash va vatandoshlar bilan muloqot qilish bo'yicha" degan so'zlar "Istiqbolli kadrlarni tayyorlash bo'yicha" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4) 3 041 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"O'zbekiston Respublikasi Turizm qo'mitasining budjetdan tashqari Turizmni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi";

5) 3 066 0 0 qatordagi "Vazirlar Mahkamasi huzuridagi" degan so'zlar "Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

6) 3 078 0 0 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to'ldirilsin:

"3 078 1 0 Respublika mablag'lari;

3 078 2 0 Hududiy mablag'lar;

3 078 2 1 Qoraqalpog'iston Respublikasining respublika darajasidagi hamda viloyatlarning viloyat darajasidagi mablag'lari;";

7) 3 082 1 0 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to'ldirilsin:

"3 083 0 0 Ijtimoiy himoya milliy agentligi huzuridagi maxsus jamg'arma;

3 083 1 0 Respublika mablag'lari;

3 084 0 0 Farmatsevtika tarmog'ini qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish jamg'armasi;

3 084 1 0 Respublika mablag'lari;

3 085 0 0 Yengil sanoatni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi;

3 085 1 0 Respublika mablag'lari;

3 086 0 0 Ekologiya va iqlim o'zgarishi milliy qo'mitasi huzuridagi Umummilliy ekologik muammolarni bartaraf etish davlat maqsadli jamg'armasi;

3 086 1 0 Respublika mablag'lari".

6. 2-ilovada:

1) 3 422 114 va 3 422 135 qatorlardagi "Adliya vazirligi" degan so'zlar "Ichki ishlar vazirligi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 3 422 204 qatordagi "Ichki ishlar vazirligi Yo'l harakati xavfsizligi bosh boshqarmasi" degan so'zlar "Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamentining Yo'l harakati xavfsizligi xizmati" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 3 422 449 va 3 422 450 qatorlardagi "doimiy yashash va vaqtincha turgan joyi" degan so'zlar "yashash va turgan joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4) 3 430 136 qatordagi "Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi

huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 3 430 172 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3 430 172 Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksining 186[1]-moddasiga asosan etil spirti, alkogolli va tamaki mahsulotlarini, shuningdek tamakini hamda nikotinni iste’mol qilish moslamalarini qonunga xilof ravishda muomalaga kiritganlik uchun jarima”;

6) 3 450 515 qatordagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 4-ilovada:

1) 7 018 110 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 018 111 Jismoniy shaxslarga beriladigan ssudalar”;

2) 7 018 532 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 018 533 Davlat aktivlarini xususiylashtirishdan tushgan mablag‘lar hisobidan tumanlar va shaharlar byudjetlariga beriladigan mablag‘lar”;

3) 7 031 120 qatordagi “Milliy gvardiyasining qo‘riqlash xizmatini” degan so‘zlar “Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Qo‘riqlash departamentini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 7 031 120 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 031 121 O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Qo‘riqlash departamentining kriminogen vaziyati og‘ir hududlarda, turistik infratuzilma obyektlarida hamda ommaviy dam olish joylarida mahalliy byudjet mablag‘lari hisobidan saqlanadigan qo‘riqlash-patrul xizmati naryadlarini saqlash xarajatlari”;

5) 7 039 910 qatordagi “Adliya vazirligi” degan so‘zlar “Ichki ishlar vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 7 039 920 qatordagi “Narkotiklarni nazorat qilish milliy markazini” degan so‘zlar “Narkotiklar va o‘qotar qurollarni nazorat qilish agentligini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 7 041 910 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik rivojlanish va islohotlar agentligi saqlash xarajatlari”;

8) 7 041 912 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 041 913 O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yengil sanoatni rivojlantirish agentligi”;

9) 7 042 117 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 042 118 O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Agrar sohada to‘lovlar agentligini saqlash xarajatlari”;

10) 7 042 201 va 7 042 204 qatorlardagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi huzuridagi O‘rmon xo‘jaligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi huzuridagi O‘rmon va yashil

hududlarni ko‘paytirish, cho‘llanishga qarshi kurashish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 7 042 205 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi qo‘mitasi O‘rmon va yashil hududlarni ko‘paytirish, cho‘llanishga qarshi kurashish agentligi, viloyatlar o‘rmon va yashil hududlarni ko‘paytirish, cho‘llanishga qarshi kurashish boshqarmalarini saqlash xarajatlari”;

12) 7 046 901 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg‘armasi”;

13) 7 047 301, 7 047 302 va 7 047 904 qatorlardan “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi huzuridagi” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

14) 7 049 100 va 7 049 200 qatorlardagi “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 7 049 500 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“7 049 600 Kadastr sohasidagi boshqa muassasalar xarajatlari;

7 049 610 Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash milliy markazini saqlash xarajatlari”;

16) 7 049 970 qatordagi “markazini” degan so‘z “agentligini” degan so‘z bilan almashtirilsin;

17) 7 056 100 va 7 056 200 qatorlardagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

18) 7 056 901 qatordagi “unitar korxonalarini” degan so‘zlar “muassasalarini” degan so‘z bilan almashtirilsin;

19) 7 069 100 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 069 500 O‘zbekiston Respublikasi Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasini saqlash xarajatlari”;

20) 7 092 903 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Istiqbolli kadrlarni tayyorlash bo‘yicha “El-yurt umidi” jamg‘armasi”;

21) 7 098 100 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 098 200 Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Kasbiy ta’lim agentligini saqlash xarajatlari”;

22) 7 098 300 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Kasbiy ta’lim agentligining hududiy boshqarmalarini saqlash xarajatlari”;

23) 7 098 600, 7 098 601 va 7 098 602 qatorlar chiqarib tashlansin;

24) 7 098 906 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligini saqlash xarajatlari”;

25) 7 106 330 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining Davlat ijtimoiy sug‘urta jamg‘armasi”;

26) 7 109 604 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“7 109 605 Ijtimoiy himoya milliy agentligi huzuridagi maxsus jamg‘arma xarajatlari”.

8. 5-ilovada:

1) 42 34 930 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 34 940 Axborot tizimi va resurslarini texnik qo‘llab-quvvatlash va modernizatsiyalash”;

2) 42 34 990 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 35 000 Saqlab turish va joriy ta’mirlash bo‘yicha energiya samaradorlikka oid boshqa turdagi xarajatlar”;

3) 42 52 130 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 52 140 Energiya samaradorlik bo‘yicha tovar-moddiy zaxiralar”;

4) 42 92 200 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 92 300 Kiberxavfsizlik xizmatlari”;

5) 42 99 000 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“42 99 960 Axborot tizimi va resurslarini ishlab chiqish va sotib olish;

42 99 970 Energiya samaradorlik bo‘yicha xizmatlar sotib olish xarajatlari”;

6) 43 54 960 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“43 54 970 Energiya samaradorligi bo‘yicha boshqa texnika”.

9. 5a-ilovada:

1) 42 34 930 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 34 940 Axborot tizimi va resurslarini texnik qo‘llab-quvvatlash va modernizatsiyalash”;

2) 42 34 990 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 35 000 Saqlab turish va joriy ta’mirlash bo‘yicha energiya samaradorlikka oid boshqa turdagi xarajatlar”;

3) 42 52 130 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 52 140 Energiya samaradorligi bo‘yicha tovar-moddiy zaxiralar”;

4) 42 92 200 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“42 92 300 Kiberxavfsizlik xizmatlari” xarajat moddasi”;

5) 42 99 000 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:

“42 99 960 Axborot tizimi va resurslarini ishlab chiqish va sotib olish;

42 99 970 Energiya samaradorlik bo‘yicha xizmatlar sotib olish xarajatlari”;

6) 43 54 960 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“43 54 970 Energiya samaradorlik bo‘yicha boshqa texnika”;

7) 48 21 410 qator chiqarib tashlansin;

8) 48 21 400 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to‘ldirilsin:

“48 21 410 Talabalarni moddiy rag‘batlantirish jamg‘armasidan to‘lovlar”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

835 “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-3

O‘zbekiston Respublikasining Suv kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-oktabrdagi PF–158-son “Kasbiy ta’limda malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va xalqaro ta’lim dasturlarini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 12-iyundagi 26-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 3255, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3255/1031-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 18-dekabr,
313-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
18-dekabrdagi 313-son buyrug‘iga
ILOVA

“O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 1-bandning yettinchi xatboshisidan “kasb-hunar maktablari, kollejlar va” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

2. 6-ilovada:

nomidan “kasb-hunar maktablari, kollejlar va” degan so‘zlar chiqarib tashlansin;

matnidagi “kasb-hunar kollejlarida” degan so‘zlar “texnikumlarda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 16-ilovaning matnidagi “Suv iste’molchilari” degan so‘zlar “Suvdan foydalanuvchilar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 22-ilovada:

“1940 — 1943-toifalar” pozitsiyalaridagi “kasb-hunar kollejlarida” degan so‘zlar “texnikumlarda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“9270-toifa” va “9280-toifa” pozitsiyalaridagi “suv iste’molchilari” degan so‘zlar “suvdan foydalanuvchilar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“9272-toifa” va “9282-toifa” pozitsiyalaridagi “Suv iste’molchilari” va “suv iste’molchilari” degan so‘zlar tegishli ravishda “Suvdan foydalanuvchilar” va “suvdan foydalanuvchilar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 23-ilovaning matnidagi “kasb-hunar kollejlari” va “Kasb-hunar kollejlari” degan so‘zlar “texnikumlar” va “Texnikumlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

836 Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги ПФ–137-сон «Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2025 йил 19 августдаги ПФ–138-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 27 июлдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3386, 2022 йил 12 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2022 й., 10/22/3386/0820-сон) билан тасдиқланган Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вазир **А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 16 декабрь,
13-сон

Келишилди:

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари Ж. УРУНОВ

2025 йил 21 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори ***А. ЖУМАНАЗАРОВ***

2025 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ***Д. ВАХАБОВ***

2025 йил 24 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил
16 декабрдаги 13-сон буйруғига
ИЛОВА

Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2-бандниng саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**фармацевтика маҳсулотлари** — дори воситалари ва тиббий жиҳозлар;».

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Сертификатлаштириш ишларига ҳақ тўлаш мувофиқликни баҳолаш ишлари натижаларидан қатъи назар, ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, аризачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидаларига (рўйхат рақами 2516, 2013 йил 11 октябрь) мувофиқ амалга оширилади.».

3. 15-бандда:

а) «а» кичик бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2027 йил 1 январга қадар «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти» — (GMP) сертификати (дори воситаларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар учун), 2027 йил 1 январдан бошлаб «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» миллий сертификати (маҳаллий ва хорижий дори воситалари учун);»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2027 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчининг «ISO: 13485» миллий стандартига мувофиқлик сертификати (тиббий жиҳозлар учун);»;

б) «б» кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «техникани» деган сўз «жиҳозни» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«2027 йил 1 январдан бошлаб «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» миллий сертификати (маҳаллий ва хорижий дори воситалари учун);

2027 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчининг «ISO: 13485» миллий стандартига мувофиқлик сертификати (тиббий жиҳозлар учун);»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Қуйидаги мазмундаги 15[1]-банд билан тўлдирилсин:

«15[1]. Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар учун мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» ҳамда «ISO:13485» миллий стандартларига мувофиқлик сертификати қуйидагиларга нисбатан талаб қилинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда импорт қилинган орфан дори воситалари ҳамда орфан касалликларга ташхис қўйишда ва уларни даволашда қўлланадиган тиббий жиҳозлар, ўта хавфли инфекциялар, шунингдек, эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ҳамда уларни даволашда қўлланадиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар учун;

мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш мажбурий бўлмаган тиббий жиҳозлар;

тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар.».

5. 18-бандning олтинчи хатбошисидаги «тиббий буюмларни» деган сўзлар «тиббий жиҳозларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 26-бандning биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «технологик ускуна ёки тиббий техникаларни» деган сўзлар «тиббий жиҳозларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 28-банддаги «икки нусхада тузилади ва бир нусхаси аризачи вакилига тақдим этилади» деган сўзлар «сертификатлаштириш органи ходими томонидан «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимида расмийлаштирилади ва электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади ҳамда унинг электрон шакли аризачи ёки унинг вакилига тақдим этилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 29-бандning иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сертификатлаштириш органи ходими томонидан намуналарни идентификация қилиш ва танлаб олиш далолатномаси «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимида расмийлаштирилади ва электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади ҳамда унинг электрон шакли аризачи ёки унинг вакилига тақдим этилади.».

9. 30-бандning иккинчи хатбошисидаги «тиббий техникалар» деган сўзлар «тиббий жиҳозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 3 ва 4-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

---

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

837 Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3735

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 28-yanvardagi PF–13-son “Farmatsevtika tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda 2019-yil 30-dekabrdagi PQ–4554-son “O‘zbekiston Respublikasi farmatsevtika tarmog‘ida islohotlarni chuqurlashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi, 2022-yil 26-oktabrdagi PQ–411-son “Aholini sifatli dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta’minlash yuzasidan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Soliq qo‘mitasi, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil va O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir **A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 10-dekabr,
23-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri ***J. KUCHKAROV***

2025-yil 28-noyabr

Soliq qo‘mitasi raisi ***Sh. KUDBIYEV***

2025-yil 22-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 27-dekabrda e’lon qilingan.

Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mita raisi *H. TURAXUJAYEV*

2025-yil 26-noyabr

Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil o'rinbosari *J. URUNOV*

2025-yil 21-noyabr

Savdo-sanoat palatasi raisi *D. VAXABOV*

2025-yil 24-noyabr

O'zbekiston Respublikasi
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil
10-dekabrdagi 23-son buyrug'iga
1-ILOVA

Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan mahalliy va import dori vositalari narxlarini qayd etish tartibini belgilaydi.

Ushbu Nizom O'zbekiston Respublikasi hududida tibbiyot amaliyotida qo'llash uchun ruxsat etilgan hamda davlat ro'yxatidan o'tkazilganlik guvohnomasining amal qilish davrida ishlab chiqarilgan retsept bilan beriladigan dori vositalariga nisbatan tatbiq etiladi.

Referent narx shakllantirish tizimi doirasida narxlarni qayd etish dori moddalari (substansiyalar), kam uchraydigan kasalliklarni davolash uchun mo'ljallangan orfan dori vositalari hamda kam uchraydigan (orfan) kasalliklarga tashxis qo'yish va ularni davolash uchun mo'ljallangan tibbiy buyumlar ro'yxatida (ro'yxat raqami 3258, 2020-yil 30-iyun) keltirilgan orfan dori vositalariga va retseptsiz beriladigan dori vositalariga tatbiq etilmaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

referent narx shakllantirish tizimi — dori shakli, qadoqdagi soni, dozasi, konsentratsiyasi, hajmi va qadoqlanishini hisobga olgan holda xuddi shunday faol moddaga ega dori vositalarini ishlab chiqaruvchi mamlakatda va referent mamlakatlarda, Pharmaceutical Inspection Co-operation Scheme" (PIC/S) xalqaro tashkilotiga a'zo mamlakatlarda va O'zbekiston Respublikasida

sotish narxlarini tahlil qilish natijasi asosida har bir savdo nomi uchun referent narxlarni qayd etish tizimi;

referent mamlakatlar — Jahon bankining aholi jon boshiga nisbatan yalpi ichki mahsulotning hisoblangan daromadlar darajasidan yuqori, o‘rtachadan yuqoriroq va o‘rtachadan pastroq bo‘lgan davlatlar guruhiga kiruvchi O‘zbekiston Respublikasi bilan makroiqtisodiy jihatdan taqqoslanadigan mamlakatlar;

referent narx — referent narx shakllantirish tizimi doirasida qayd etilgan narx;

cheklangan narxlar — referent narx shakllantirish tizimi doirasida referent narxlarga cheklangan savdo ustamalarini qo‘llash yo‘li bilan hisoblangan ulgurji va chakana narxlar;

referent va cheklangan narxlar reyestri — dori shakli, qadoqdagi soni, dozasi, konsentratsiyasi, hajmi va qadoqlanishini hisobga olgan holda retsept bilan beriladigan dori vositalarining har bir savdo nomi uchun O‘zbekiston Respublikasida qayd etilgan referent va cheklangan narxlarning elektron (onlayn) reyestri;

avtomatlashtirilgan axborot tizimi (bundan buyon matnda axborot tizimi deb yuritiladi) — arizalarni qabul qilish, referent narx shakllantirish tizimi doirasidagi ma’lumotlarni qayta ishlash va saqlash, referent narxlarni qayd etish hamda referent va cheklangan narxlar reyestrini yuritish uchun mo‘ljallangan maxsus elektron tizim;

vakolatli organ — referent narxlarni qayd etish va qayta qayd etish uchun mas’ul bo‘lgan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligi;

ishchi organ — referent narxlarni qayd etish uchun arizalarni qabul qilish va ko‘rib chiqish hamda axborot tizimining uzluksiz va barqaror ishlashini ta’minlash uchun mas’ul bo‘lgan vakolatli organning referent narxlar bilan ishlovchi mas’ul bo‘linmasi;

retsept bilan beriladigan dori vositalari — iste’molchilarga qonunchilikda belgilangan talablarga muvofiq shakldagi retsept (elektron retsept) taqdim etilgandan keyingina realizatsiya qilinadigan dori vositalari;

ariza — retsept bilan beriladigan dori vositalarining referent yoki ilgari qayd etilgan referent narxlarini qayta qayd etish haqidagi murojaat;

ariza beruvchi — dori vositalarining davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganlik guvohnomasi egasi bo‘lgan yuridik shaxs yoki uning ishonchli vakili;

mahalliy ishlab chiqaruvchi — O‘zbekiston Respublikasida dori vositalarini ishlab chiqarish uchun litsenziyaga ega bo‘lgan yuridik shaxs;

mahalliy dori vositalari — O‘zbekiston Respublikasi hududida mahalliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan ishlab chiqarilgan dori vositalari;

import dori vositalari — xorijiy farmatsevtika korxonalari tomonidan ishlab chiqarilib, O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kirilgan va ushbu hududdan qaytarib olib chiqish majburiyatisiz erkin muomalaga chiqarilgan dori vositalari;

original dori vositasi — sifati, samaradorligi va xavfsizligi klinik oldi va klinik tadqiqotlar natijalari asosida tasdiqlangan, dunyo farmatsevtika bozorida

birinchi bo‘lib ro‘yxatga olingan yangi ta’sir etuvchi moddaga yoki moddalarga ega bo‘lgan dori vositasi;

jenerik dori vositasi — original (patentlangan) dori vositasining faol moddasi bilan sifat va miqdoriy jihatdan bir xil tarkibga, dori shakliga ega bo‘lgan, lekin patent muddati tugagandan so‘ng ishlab chiqarilgan dori vositasi bo‘lib, xavfsizligi, ta’sir kuchi, xossalari, qo‘llanilish sohasi hamda bioekvivalentligi original dori vositasiga nisbatan tasdiqlangan dori vositasi. Faol moddaning turli tuzlari, efirlari, izomerlari, izomerlar aralashmalari, komplekslari yoki hosilalari xavfsizligi va samaradorligi jihatidan sezilarli farq qilmasa, bir xil faol modda sifatida e’tirof etiladi. Og‘iz orqali qabul qilish uchun mo‘ljallangan va ta’sir etuvchi moddasi tez ajraladigan turli dori shakllari biokiraolishlikni o‘rganish doirasida bir xil dori shakli sifatida tan olinadi;

biosimilyar dori vositasi — tabiiy manbalardan olinadigan, tarkibida ro‘yxatdan o‘tkazilgan original (referens) dori vositasining ta’sir etuvchisini saqlovchi hamda sifati, biologik faolligi, samaradorligi va xavfsizligi ko‘rsatkichlari bo‘yicha original (referens) dori vositasiga solishtirish tadqiqotlari asosida o‘xshashligi isbotlangan biologik dori vositasi;

ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasi (bundan buyon matnda guvohnoma deb yuritiladi) — dori vositasining davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligini va uning O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan tibbiyot amaliyotida qo‘llanilishiga ruxsat berilganini tasdiqlovchi hujjat.

2. Vakolatli organ doimiy tarzda Internet jahon axborot tarmog‘idagi o‘z rasmiy veb-saytida hamda Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalida xronologik tartibda qayd etilgan va qayta qayd etilgan referent narxlar haqidagi ma’lumotlarni joylashtirib boradi. Bunda avvalgi ma’lumotlar saqlangan holda o‘zgartirishlar kiritiladi hamda referent narxlar haqidagi ma’lumotlardan erkin foydalanish imkoniyati yaratiladi.

3. Qayd etilgan referent narxlar haqidagi ma’lumotlar axborot tizimida ro‘yxatdan o‘tganlik guvohnomasining amal qilish muddati davrida va muddati tugagan kundan keyin besh yil davomida saqlanadi.

2-bob. Referent va cheklangan narxlarni qayd etish va qayta qayd etish

4. Ariza beruvchi referent narxlarni qayd etish va qayta qayd etish uchun elektron raqamli imzo bilan axborot tizimiga kirib, referent narxlarni qayd etish yoki qayta qayd etish huquqini tasdiqlovchi hujjatlarini (guvohnoma, ishonchnoma) hamda referent narxlar qayd etiladigan O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan dori vositalari haqida ma’lumotni kiritadi va ishchi organga yuboradi.

5. Ishchi organ ariza qabul qilingan sanadan boshlab ikki ish kuni ichida ariza beruvchining guvohnoma egasi yoki uning ishonchli vakili ekanligini tekshiradi.

Ishchi organ ariza beruvchini haqiqatdan ham guvohnomaning egasi yoki uning ishonchli vakili ekanligini tasdiqlagandan so‘ng uni axborot tizimida ro‘yxatdan o‘tkazadi va bu haqidagi ma’lumotni ariza beruvchiga darhol axborot tizimi yoki elektron pochta manzili orqali yuboradi.

Ариза берувчи аxборот тизимида ро‘yxатдан o‘тkазилганидан со‘нг аризада ko‘рсатилган дори воситаларига референт нархларни қайд етиш учун ма’лумотларни киритиш huquqiga ega bo‘ladi.

Агарда ариза берувчининг гувоҳнома egasi yoki uning ishonchli vakili ekanligini tasdiqlovchi hujjatlari noto‘g‘ri yoki buzib ko‘рсатилган bo‘lsa, ishchi organ ro‘yxatдан o‘тkazish rad etilganligi to‘g‘risidagi elektron xabarni darhol аxборот тизими orqali ariza beruvchiga jo‘natadi.

6. Ариза берувчи (mahalliy дори воситалари учун) аxборот тизими orqali ishchi organga дори shakli, qadoqdagi soni, dozasi, konsentratsiyasi, hajmi va qadoqlanishini hisobga olgan holda retsept bilan beriladigan дори воситаларининг har bir savdo nomi uchun O‘zbekiston Respublikasi milliy valyutasida референт нархларни (ҚҚСni qo‘shmagan holda) аxборот тизимига kiritadi.

Arizaga retsept bilan beriladigan дори vositasining sotish qiymatini shakllantirish bo‘yicha ushbu Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq hisob-kitob va boshqa narxni shakllantirishga oid ma’lumotlar ilova qilinadi.

Bunda kiritilgan референт нархларнинг to‘g‘ri shakllanganligi yuzasidan javobgarlik ariza beruvchi zimmasiga yuklatiladi.

7. Ариза берувчи (import дори воситалари учун) аxборот тизими orqali ishchi organiga дори shakli, qadoqdagi soni, dozasi, konsentratsiyasi, hajmi va qadoqlanishini hisobga olgan holda retsept bilan beriladigan дори воситаларининг har bir savdo nomi uchun quyidagi ma’lumotlarni taqdim etadi:

mazkur Nizomning 2-ilovasida* ko‘рсатилган референт мамлакатларда ushbu дори vositasini ishlab chiqaruvchi uchun belgilangan rasmiy narxlar (agar rasmiy narxlar ulgurji yoki chakana savdo uchun belgilangan narxlar bo‘lsa, ularning ustamalari, shuningdek bojxona to‘lovlari, ҚҚС va boshqa qo‘shimcha to‘lovlar chegirib tashlanadi);

ushbu дори vositasini ishlab chiqaruvchi mamlakatda ishlab chiqaruvchi uchun belgilangan rasmiy narx (agar rasmiy narxlar ulgurji yoki chakana savdo uchun belgilangan narxlar bo‘lsa, ularning ustamalari, shuningdek ҚҚС va boshqa qo‘shimcha to‘lovlar chegirib tashlanadi);

so‘nggi o‘n ikki oy davomida import qilingan дори воситаларини O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi tomonidan Inkoterms xalqaro qoidalarining CIP (tashish va sug‘urta haqi to‘langan) sharti (bundan buyon matnda Inkoterms CIP sharti deb yuritiladi) asosida berilgan miqdor va narxlar.

Mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilaridagi ma’lumotlarni taqdim etish imkoniyati bo‘lmasa, arizachi tomonidan ishlab chiqaruvchi mamlakatda, “Pharmaceutical Inspection Co-operation Scheme” (PIC/S) xalqaro tashkilotiga a’zo mamlakatlarda hamda O‘zbekiston Respublikasidagi bir xil faol modda va bir xil дори shaklidagi quyidagilar asosida rasmiy narxlar taqdim etiladi:

bir xil faol modda dozasiga ega bo‘lgan bir xil qadoq va miqdordagi дори воситаларининг eng arzon narxi. Bunda ushbu ma’lumot mavjud bo‘lmasa, bir xil faol modda dozasiga ega eng yaqin katta qadoq hajmidagi дори vositasining narxiga nisbatan proporsional hisoblangan narx;

---

* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

mazkur bandning oltinchi xatboshisidagi holatlar mavjud bo‘lmasa, bir xil faol modda dozasiga ega eng yaqin kichik qadoq hajmidagi dori vositasining narxi.

Ishlab chiqaruvchi mamlakat referent mamlakatlar ro‘yxatiga kiritilgan bo‘lsa, mazkur mamlakat referent mamlakat sifatida emas, balki ishlab chiqaruvchi mamlakat sifatida hisobga olinadi.

Ariza beruvchi tomonidan axborot tizimiga narx QQS summasi qo‘shilmagan holda kiritiladi.

8. Ishchi organ axborot tizimi orqali yetti ish kuni ichida arizani ko‘rib chiqadi. Axborot tizimiga kiritilgan ma’lumotlar to‘liq bo‘lmasa yoki taqdim etilgan ma’lumotlarga aniqlik kiritish zarurati mavjud bo‘lsa, ishchi organ kamchiliklarni bartaraf etish zarurligi to‘g‘risidagi xabarnomani darhol ariza beruvchiga yuboradi.

9. Ishchi organ tomonidan xabarnoma yuborilgan kundan boshlab yigirma ish kuni ichida ariza beruvchi ma’lumotlaridagi noaniqliklar va kamchiliklarni bartaraf etgan holda ikki martagacha referent narxlarni qayd etish yoki qayta qayd etish uchun arizani topshirishi mumkin.

10. Ariza beruvchi tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlar to‘g‘ri va to‘liq taqdim etilgandan so‘ng vakolatli organ ishchi organning tavsiyasiga binoan uch ish kuni ichida taklif etilgan referent narxlarni qayd etadi yoki qayta qayd etadi hamda referent va cheklangan narxlar reyestriga kiritadi.

Ishchi organ talab qilgan ma’lumotlar ariza beruvchi tomonidan axborot tizimiga o‘z vaqtida kiritilmasa yoki to‘liq bo‘lmasa, kamchiliklar bartaraf etilmasa, referent narx ishchi organ tavsiyasiga binoan vakolatli organ tomonidan qayd etiladi hamda bu haqida arizachi xabardor qilinadi.

11. Axborot tizimi retsept bilan beriladigan import dori vositalari narxlari bo‘yicha ma’lumotlarni qabul qilib, quyidagilarni avtomatik tarzda hisoblab chiqadi:

referent mamlakatlardagi narxlarning umumlashtirilgan o‘rtacha qiymati;

retsept bilan beriladigan dori vositalarini ishlab chiqaruvchi mamlakatda belgilangan referent narxga mahsulot narxining 15 foizidan ko‘p bo‘lmagan sug‘urta va transportda tashish xarajatlarining qo‘shilgan qiymati;

so‘nggi o‘n ikki oy davomida import qilingan retsept bilan beriladigan dori vositalarining O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi tomonidan Inkoterms CIP sharti asosida berilgan narxlarining o‘rtacha qiymati.

Axborot tizimi mazkur bandning ikkinchi — to‘rtinchi xatboshilarida ko‘rsatilgan asoslar bo‘yicha hisoblangan qiymatlardan eng kam qiymatni, ariza to‘ldirilgan kunda O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan valyutalarning rasmiy ayirboshlash kursi bo‘yicha ariza beruvchining tanloviga asosan AQSH dollari, yevro yoki Rossiya rublida referent narxlar sifatida qabul qilishni tavsiya etadi.

Referent narxlar O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan valyutalarning rasmiy ayirboshlash kursi bo‘yicha milliy valyutada shakllantiriladi.

12. Jenerik dori vositalarining referent narxlari original dori vositalari

referent narxlarining 80 foizidan qimmat bo‘lishi mumkin emas. Bunda narxlar proporsional asosda taqqoslanadi.

Biosimilyar dori vositalarining referent narxlari original dori vositalarining referent narxlaridan qimmat bo‘lishi mumkin emas. Bunda, narxlar proporsional asosda taqqoslanadi.

Original dori vositalari O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tmagan hollarda, ularning referent narxlari mazkur Nizomning 2-ilovasida ko‘rsatilgan referent mamlakatlardagi dori vositalarining umumlashtirilgan o‘rtacha narxi asosida shakllantiriladi.

Bir ishlab chiqaruvchi tomonidan turli savdo nomlari ostida tarkibi bir xil bo‘lgan dori vositalarining barchasiga nisbatan eng past referent narx qo‘llanadi (dori moddalari (substansiya) ishlab chiqaruvchilarida farq bo‘lgan hollar bundan mustasno).

13. Ariza beruvchi qayd etilgan referent narxlardan norozi bo‘lgan taqdirda, referent narxlar qayd etilgan sanadan boshlab o‘n ish kuni ichida vakolatli organning Apellyatsiya kengashiga shikoyat berish huquqiga ega.

Vakolatli organ rahbarining buyrug‘iga asosan kamida yetti nafar mutaxassislardan iborat tarkibda Apellyatsiya kengashi tashkil etiladi.

Bunda Apellyatsiya kengashi tarkibiga boshqa davlat organlari va tashkilotlaridan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

14. Apellyatsiya kengashi qayd etilgan referent narx bo‘yicha shikoyatni ko‘rib chiqadi.

Apellyatsiya kengashi tomonidan shikoyatni ko‘rib chiqishda ariza beruvchi ishtirok etishi mumkin. Bunda Apellyatsiya kengashi ariza beruvchini shikoyat ko‘rib chiqilishidan ikki ish kuni oldin uni ko‘rib chiqish vaqti va joyi haqida ogohlantiradi.

15. Apellyatsiya kengashi shikoyat kelib tushgan kundan boshlab, o‘n ish kuni ichida ariza beruvchining shikoyatini ko‘rib chiqib, qaror qabul qilishi shart.

16. Shikoyatni ko‘rib chiqish natijalari bo‘yicha Apellyatsiya kengashi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

referent narxini o‘zgarishsiz qoldirish;

referent narxga o‘zgartirish kiritish.

17. Apellyatsiya kengashi qarori ustidan ariza beruvchi tomonidan yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilinishi mumkin.

18. Tibbiyot amaliyotida qo‘llanishiga ruxsat etilgan dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika davlat reyestriga kiritilgan retsept bilan beriladigan dori vositalarining referent narxlari vakolatli organ tomonidan ariza beruvchining tegishli ariza taqdim etishidan qat’i nazar qayd etiladi.

19. Import qilinadigan, shuningdek mahalliy ishlab chiqaruvchilardan sotib olinadigan retsept bilan beriladigan dori vositalarini ulgurji va chakana sotish ularni yetkazib berishda ishtirok etuvchi vositachilar sonidan qat’i nazar, ulgurji savdo uchun sotib olingan qiymatidan 15 foizdan, chakana savdo uchun ulgurji narxidan 20 foizdan ortiq bo‘lmagan qiymatlarda cheklangan savdo ustamalarini qo‘llash orqali amalga oshiriladi.

Import qilinadigan dori vositalarining cheklangan ulgurji va chakana narxi quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

ChUN = (Rn + B + Bx + QQS) * UU;
ChChN = ChUN * CHU;

bunda:
ChUN — cheklangan ulgurji narx;
Rn — referent narx;
B — O‘zbekiston Respublikasining milliy valyutasida hisoblangan bojxona to‘lovlari (QQSdan tashqari);
Bx — boshqa xarajatlar (referent narxning 2 foizi);
QQS — qo‘shilgan qiymat solig‘i (12 foiz);
UU — ulgurji ustama (15 foiz = 1,15);
ChChN — cheklangan chakana narx;
ChU — chakana ustama (20 foiz = 1,20).

Mahalliy dori vositalarining cheklangan ulgurji va chakana narxi quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

ChUN = (Rn + QQS) * UU;
ChChN = ChUN * ChU;

bunda:
ChUN — cheklangan ulgurji narx;
Rn — referent narx;
QQS — qo‘shilgan qiymat solig‘i (12 foiz);
UU — ulgurji ustama (15 foiz = 1,15);
ChChN — cheklangan chakana narx;
ChU — chakana ustama (20 foiz = 1,20).

Referent va cheklangan narxlar reyestrida chet el valyutasidagi narxlar butun sondan so‘ng yuzdan bir qismgacha, milliy valyutadagi narxlar butun songacha yaxlitlangan holda aks ettiriladi.

20. Referent va cheklangan narxlar reyestri axborot tizimida qayd etilgan cheklangan narxlarni, shuningdek ariza to‘ldirilgan kunga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan valyutalarning rasmiy ayirboshlash kursi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining milliy valyutasida mazkur Nizomning 19-bandiga muvofiq hisoblangan cheklangan narxlarni aks ettiradi.

Referent va cheklangan narxlar reyestrida cheklangan narxlar QQS summasi qo‘shilgan holda aks ettiriladi.

Vakolatli organ tomonidan referent va cheklangan narxlar reyestrida ko‘rsatilgan retsept bilan beriladigan import dori vositalarining referent narxlari har yili 1-yanvar va 1-iyul sanalarida O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan valyutalarning rasmiy ayirboshlash kursi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining milliy valyutasiga avtomatik tarzda indeksatsiya qilinadi.

Bunda avtomatik tarzda indeksatsiya qilish faqat xorijiy valyutadagi referent narxning joriy kunda milliy valyutadagi qiymati oxirgi qayd etilgan milliy valyutadagi referent narxga nisbatan kamida 3 foizga oshgan dori vositalariga nisbatan tatbiq etiladi.

Agar xorijiy valyutadagi referent narxning milliy valyutadagi qiymati oxirgi qayd etilgan milliy valyutadagi referent narxga nisbatan 5 foizdan oshgan hollarda avtomatik indeksatsiya belgilangan muddatdan qat'i nazar amalga oshiriladi.

21. Ariza beruvchi vakolatli organ tomonidan referent narxlar qayd etilgan sanadan e'tiboran kamida olti oy o‘tgandan so‘ng ishchi organga referent narxlarni qayta qayd etish uchun ariza topshirishga haqli.

Bunda, ariza beruvchi tomonidan arizada narxlar o‘sishining aniq sabablarini ko‘rsatgan holda tasdiqlovchi hujjatlarni arizaga ilova qiladi.

Referent narxlarni olti oydan kam bo‘lgan muddatda qayta qayd etish uchun faqat dori vositalari ishlab chiqariladigan mamlakatda yengib bo‘lmaydigan kuch (fors-major) holatlarining yuz berishi asos bo‘lishi mumkin.

22. Vakolatli organ tomonidan har olti oyda referent va cheklangan narxlar reyestri tahlil qilinadi hamda o‘rganish natijasida retsept bilan beriladigan dori vositalarining narxlari qayd etilgan narxlarga nisbatan 15 va undan yuqori foizga pasayganligi, shuningdek, noto‘g‘ri yoki ishonchli bo‘lmagan ma'lumotlar taqdim etilganligi aniqlansa, vakolatli organ axborot tizimi yoki elektron pochta manzili orqali ariza beruvchiga ko‘rsatilgan dori vositalariga referent narxlarni qayta qayd etish lozimligi to‘g‘risida xabar beradi.

Bunda ariza beruvchi o‘n ish kuni ichida ushbu dori vositasiga referent narxni qayta qayd etish to‘g‘risida ishchi organga ariza bilan murojaat qilishi lozim.

Ariza beruvchi tomonidan mazkur muddat ichida referent narxni qayta qayd etish to‘g‘risida ariza taqdim etilmasa, vakolatli organ tomonidan retsept bilan beriladigan dori vositasining pasaytirilgan referent narxi va cheklangan ulgurji narxi referent va cheklangan narxlar reyestrida qayta qayd etiladi va e'lon qilinadi. Bunda cheklangan chakana narxlar uch oydan so‘ng o‘zgartiriladi.

23. Ishchi organ ariza beruvchi tomonidan referent narxni qayd etish yoki qayta qayd etish uchun taqdim etilgan ma'lumotlarni oshkor qilishi mumkin emas.

3-bob. Yakuniy qoida

24. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil
10-dekabrdagi 23-son buyrug‘iga
2-ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2020-yil 24-martdagi 115-son “Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3242, 2020-yil 10-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 10.06.2020-y., 10/20/3242/0752-son).

2. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 14-apreldagi 3-son “Referent narx shakllantirish tizimi doirasida dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3242-1, 2025-yil 12-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.05.2025-y., 10/25/3242-1/0431-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

838 Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va auditiga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3736

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 15-sentabrdagi PQ–282-son “Moliyaviy hisob tizimini xalqaro talab va standartlarga muvofiq takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va auditiga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi, Istiqbolli loyihalar milliy agentligi, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror 2026-yil 1-yanvardan kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri **J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 16-dekabr,
311-son

Markaziy bank raisi **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 16-dekabr,
34/7-son

Kelishildi:

Soliq qo‘mitasi raisi ***F. PULATOV***

2025-yil 3-dekabr

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-dekabrda e’lon qilingan.

Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktori *L. DMITRIY*

2025-yil 28-noyabr

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktori *A. ORTIKOV*

2025-yil 10-dekabr

Savdo-sanoat palatasi raisi *D. VAXABOV*

2025-yil 6-dekabr

O‘zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
16-dekabrdagi 311-son va Markaziy bank
boshqaruvining 2025-yil 16-dekabrdagi
34/7-son qaroriga
ILOVA

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va auditiga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va ushbu moliyaviy hisobotlarni auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (bundan buyon matnda MHXS deb yuritiladi) muvofiq buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzish maqsadida Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarga nisbatan tatbiq etiladi.

2. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar — mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq faoliyat turi, aktivlari hamda yillik tushumi, dividend shaklidagi daromadlari miqdori yoki xodimlarining soni tufayli yuqori ijtimoiy va iqtisodiy ta’sirga, shuningdek, keng doiradagi manfaatdor tomonlarga ega bo‘lish kabi mezonlarga javob beradigan tijorat tashkilotlari;

maxsus vakolatli davlat organi — O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi;

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestri (bundan buyon matnda Reyestr deb yuritiladi) — maxsus vakolatli davlat organi va O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki tomonidan shakllantiriladigan hamda O‘zbekiston Respublikasi Hukumati portali yagona platformasi va Ochiq ma’lumotlar portaliga joylashtiriladigan Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar ro‘yxati.

2-bob. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari

3. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari (bundan buyon matnda mezonlar deb yuritiladi) 1-ilovaga muvofiq belgilanadi.

4. Mezonlarga javob beradigan tashkilotlar har yili 1-iyulga qadar maxsus vakolatli davlat organi tomonidan, O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki nazorati ostidagi tashkilotlar esa Markaziy bank tomonidan Reyestrga kiritiladi.

3-bob. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning moliyaviy hisobotlariga qo‘yiladigan talablar

5. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar Reyestrga kiritilgan yildan keyingi yilning 1-yanvaridan boshlab MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi hamda navbatdagi (ikkinchi) yil yakuniga ko‘ra moliyaviy hisobotlarni MHXSga muvofiq tuzish va ularni auditorlik xulosalari bilan birga e’lon qilishni amalga oshiradi, qonunchilik hujjatlarida MHXSga o‘tishning ertaroq muddatlari nazarda tutilgan yuridik shaxslar bundan mustasno.

Bunda yangi tashkil etilgan yoki faoliyat turini o‘zgartirish orqali qayta tashkil etilgan tashkilotlar mezonlarga javob bersa, ular Reyestrga kiritiladi hamda Reyestrga kiritilgan sanadan boshlab MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etishi mumkin.

6. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar tomonidan moliyaviy hisobotlarni tuzish va taqdim qilish muddatlari Moliyaviy hisobotlarni taqdim etish muddatlari hamda ularning tarkibi va mazmuni to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3567, 2024-yil 4-noyabr) asosan belgilanadi. Bunda mazkur Nizom talablari tatbiq etilmaydigan Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar tomonidan moliyaviy hisobotlar hisobot yilidan keyingi yilning 15-iyunidan kechiktirmay taqdim etiladi.

7. O‘z nazorati ostidagi tashkilotlar, shuningdek, shu’ba xo‘jalik jamiyatlariga ega bo‘lgan Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar guruh bo‘yicha konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotni hamda o‘zining alohida moliyaviy hisobotini tuzadi.

8. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar tomonidan “MHXSning barqarorlik to‘g‘risidagi ma’lumotlarni oshkor etish standartlari” (IFRS Sustainability Disclosure Standards) 2027-yil 1-yanvardan boshlab qo‘llaniladi, bundan qonunchilik hujjatlarida ertaroq muddatlar nazarda tutilgan yuridik shaxslar mustasno.

9. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar o‘zining moliyaviy hisobotini (ushbu Nizomning 7-bandidagi tashkilotlar konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotini ham) hamda “MHXSning barqarorlik to‘g‘risidagi ma’lumotlarni oshkor etish

standartlari” asosida tuzilgan hisobotini auditorlik xulosasi bilan birga o‘z veb-saytida va Korporativ axborot yagona portalida aksiyadorlarning yoki tashkilotning boshqa yuqori boshqaruv organining yillik umumiy yig‘ilishi o‘tkaziladigan sanadan kamida ikki hafta oldin, ammo hisobot yilidan keyingi yilning 15-iyunidan kechiktirmay e’lon qiladi.

Maxsus vakolatli davlat organi Reyestr ma’lumotlari asosida Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning MHXSga muvofiq tuzilgan moliyaviy hisobotlari o‘z vaqtida e’lon qilinishini monitoring qilib boradi.

4-bob. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning moliyaviy hisobotlarini auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishga qo‘yiladigan talablar

10. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning MHXSga muvofiq tuzilgan moliyaviy hisoboti (bundan buyon matnda moliyaviy hisobot deb yuritiladi) auditorlik tashkiloti tomonidan O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni hamda auditorlik faoliyati standartlarida belgilangan tartibda auditorlik tekshiruvidan o‘tkaziladi.

Bunda moliyaviy hisobotning auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishga qo‘yiladigan talablar Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar Reyestrga kiritilgan yildan keyingi yillar uchun tuzilgan moliyaviy hisobotlarga nisbatan qo‘llaniladi.

11. Moliyaviy hisobotning auditorlik tekshiruvi Auditorlik tashkilotlarining reyestriga kiritilgan hamda majburiy auditorlik tekshiruvini o‘tkazadigan auditorlik tashkilotlari uchun O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonunida belgilangan talablarga muvofiq bo‘lgan auditorlik tashkilotlari tomonidan o‘tkaziladi.

Tijorat banklari, shu jumladan mikromoliya banklarining auditorlik tekshiruvi Bank va banklar guruhida auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazishning o‘ziga xos xususiyatlari hamda banklarning auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazish huquqi uchun auditorning malaka sertifikatini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 3432, 2023-yil 8-may) belgilangan talablarga mos keluvchi auditorlik tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi.

12. Auditorlik xulosasi Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi tomonidan e’lon qilinadigan auditning xalqaro standartlariga (International Standards on Auditing) muvofiq tayyorlanadi va unga tegishli moliyaviy hisobot ilova qilinadi.

13. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar auditorlik tashkilotini mustaqil tanlaydi, bunda davlat buyurtmachisi tomonidan auditorlik tashkilotini tanlash davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunchilikka muvofiq amalga oshiriladi.

5-bob. Reyestrni shakllantirish va yuritish tartibi

14. Mezonlarga javob beradigan tashkilotlar bo‘yicha ushbu Nizomning 19-bandida keltirilgan ma’lumotlar (bundan buyon matnda ma’lumotlar deb yuritiladi) O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi tomonidan, O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki nazorati ostidagi tashkilotlar bo‘yicha Markaziy bank tomonidan, davlat ishtirokidagi korxonalar bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan har yili 1-iyunga qadar maxsus vakolatli davlat organiga taqdim etib boriladi.

15. Taqdim etilgan ma'lumotlar asosida maxsus vakolatli davlat organi tomonidan har yili 1-iyulga qadar Reyestr shakllantiriladi.

Reyestrni shakllantirishda ushbu Nizomga 1-ilovaning 6-bandida ko'rsatib o'tilgan yuridik shaxslarni Reyestrga kiritish masalasi ushbu masala ko'rib chiqilayotgan yildan oldingi ikki kalendar yil yakuni bo'yicha soliq organlariga taqdim etilgan moliyaviy hisobotlardagi ko'rsatkichlarga asosan aniqlanadi.

16. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi, Markaziy banki va Davlat aktivlarini boshqarish agentligi har chorakda hisobot choragidan keyingi oyning 10-sanasidan kechiktirmay maxsus vakolatli davlat organiga mezonlarga javob beradigan tashkilotlar yoki mezonlarga javob bermaydigan Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar bo'yicha ma'lumotlarni elektron shaklda taqdim etib boradi.

17. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi, Markaziy banki hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan maxsus vakolatli davlat organiga mezonlarga javob beradigan tashkilot bo'yicha ma'lumotlar kelib tushgan kundan boshlab o'n ish kuni ichida maxsus vakolatli davlat organi tomonidan ushbu tashkilot Reyestrga kiritiladi.

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilot Reyestrga kiritilganligi haqida maxsus vakolatli davlat organi tomonidan Reyestrga kiritilgan vaqtdan boshlab o'n kun ichida xabardor qilinadi.

18. Jamoat ahamiyatiga ega tashkilot mezonlarga javob bermaslik fakti aniqlangan vaqtdan boshlab navbatdagi ikki yil mobaynida Reyestrda qoladi.

Agar Jamoat ahamiyatiga ega tashkilot keyingi ikki yil davomida mezonlarga javob bermasa, maxsus vakolatli davlat organi tomonidan Reyestrdan chiqarib yuboriladi hamda Reyestrdan chiqarib yuborilgan tashkilot bu haqida o'n kun ichida xabardor qilinadi.

19. Reyestrda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar to'g'risidagi quyidagi ma'lumotlar elektron shaklda yuritiladi:

nomi;

Reyestrga kiritilgan yili;

belgilangan mezon tartib raqami;

tashkiliy-huquqiy shakli;

soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR);

faoliyat yuritadigan hududi;

aktivlarining balans qiymati;

mahsulot, tovarlar va xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan yillik tushumlari;

xodimlarini o'rtacha yillik soni;

oxirgi ikki yildagi e'lon qilingan moliyaviy hisobotlari va auditorlik xulosalariga havolalar;

xalqaro buxgalter sertifikatiga ega xodimlari soni va xalqaro buxgalter sertifikati turi (agar mavjud bo'lsa);

oxirgi auditorlik tekshiruvini o'tkazgan auditorlik tashkilotining nomi;

auditorlik tashkiloti tomonidan berilgan auditorlik xulosasi turi;

auditorlik tekshiruvi natijasida aniqlangan asosiy masalalar (agar mavjud bo‘lsa).

20. Reyestr ushbu Nizomning 2-ilovasiga* muvofiq shaklda har yili 1-iyulga qadar maxsus vakolatli davlat organi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Hukumati portali yagona platformasi hamda Ochiq ma’lumotlar portaliga joylashtiriladi.

6-bob. Yakuniy qoidalar

21. Maxsus vakolatli davlat organi Reyestrning yuritilishini va unga zarur o‘zgartirishlar o‘z vaqtida kiritib borilishini ta’minlaydi.

22. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga
kiritish mezonlari hamda Jamoat ahamiyatiga
ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va
yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari

1. Qimmatli qog‘ozlari fond birjasining listingiga kiritilgan va ommaviy savdolarga chiqariladigan (Publicly Traded Entity) tashkilotlar.

2. Tijorat banklari, mikromoliya banklari, mikromoliya tashkilotlari, faktoring tashkilotlari, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari va kafolatlar berish tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari, to‘lov tashkilotlari.

3. Investitsiya fondlari.

4. Birjalar.

5. Ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi ellik foiz va undan ortiq bo‘lgan hamda bir vaqtning o‘zida ketma-ket oxirgi ikki kalendar yil davomida mazkur Mezonlarning 6-bandi “a” kichik bandiga muvofiq keladigan hamda mahsulot, tovarlar va xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan yillik sof tushumi va dividend shaklidagi daromadlari birgalikda bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq bo‘lgan davlat ishtirokidagi korxonalar.

6. Bir vaqtning o‘zida ketma-ket oxirgi ikki kalendar yil davomida hisobot yili yakunlariga ko‘ra:

a) aktivlarining balans qiymati bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq;

b) mahsulot, tovarlar va xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan yillik sof tushumi bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq;

d) xodimlarining o‘rtacha yillik soni besh yuz nafardan kam bo‘lmagan tashkilotlar.

---

* 2-ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

839 Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilar va talabalar bilan yuz bergan baxtsiz hodisalarni tekshirish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2184-2

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 23-oktabrdagi PF–190-son “Kasbiy ta’lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 23-dekabrdagi 202-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2184, 2011-yil 18-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 3-son, 29-modda) bilan tasdiqlangan Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilar va talabalar bilan yuz bergan baxtsiz hodisalarni tekshirish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 22-dekabr,
28-2025/B-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 22-dekabrdagi 28-2025/B-son
buyrug‘iga
ILOVA

Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilar va talabalar bilan yuz bergan baxtsiz hodisalarni tekshirish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 1-banddagi “professional ta’lim muassasalari” degan so‘zlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 16-bandda:

birinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar boshqarmalari” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Kasbiy ta’lim agentligi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kasbiy ta’lim agentligi, viloyatlar va Toshkent shahri kasbiy ta’lim boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri o‘rinbosari, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri, viloyatlar va Toshkent shahar oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar boshqarmalari boshliqlari” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri o‘rinbosari, Kasbiy ta’lim agentligi direktori o‘rinbosari, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kasbiy ta’lim agentligi direktori, viloyatlar va Toshkent shahri kasbiy ta’lim boshqarmalari boshliqlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 17-bandda:

birinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Kasbiy ta’lim agentligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri o‘rinbosari, Maktabgacha va maktab ta’limi vaziri o‘rinbosari raislik qiladilar hamda uning tarkibiga Qoraqalpog‘iston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri, viloyatlar va Toshkent shahar oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar boshqarmalari” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri o‘rinbosari, Kasbiy ta’lim agentligi direktori o‘rinbosari, Maktabgacha va maktab ta’limi vaziri o‘rinbosari raislik qiladilar hamda uning tarkibiga Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kasbiy ta’lim agentligi direktori, viloyatlar va Toshkent shahri kasbiy ta’lim boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

840 Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomning 4-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3260-1

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni hamda Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 27-iyundagi 15/6-son qarori (ro‘yxat raqami 3260, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3260/1079-son) bilan tasdiqlangan Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomning 4-bandi uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“amalga oshirilgan to‘lovlarga oid ma’lumotlarni elektron tarzda 5 yil davomida saqlash;”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 25-dekabr,
35/15-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-dekabrda e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

841 O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3558-3

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-oktabrdagi PQ–298-son “Alohida tuman (shahar) va mahallalarni aholining yashashi va tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanishi uchun namunali hududga aylantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 21-avgustdagi 168-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3558, 2024-yil 7-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 10.10.2024-y., 10/24/3558/0803-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi va Soliq qo‘mitasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 9-dekabr,
307-son

Kelishildi:

Hisob palatasi raisning birinchi o‘rinbosari ***M. ABDULLAYEV***

2025-yil 29-noyabr

Soliq qo‘mitasi raisi ***F. PULATOV***

2025-yil 3-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
9-dekabrdagi 307-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. 180-bandda:

quyidagi mazmundagi beshinchi — yettinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Qoraqalpog‘iston Respublikasining respublika byudjetiga, viloyatlarning viloyat byudjetlariga, Toshkent shahrining shahar byudjetiga, tumanlar va shaharlar byudjetlariga davlat aktivlarini xususiylashtirishdan tushgan mablag‘lar;

O‘zbekiston Respublikasining respublika byudjetidan ajratiladigan mablag‘lar O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi va (yoki) O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi tomonidan kamaytirilishi natijasida maqbullashtirilgan mablag‘lar;

O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi va (yoki) O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi tomonidan qo‘shimcha aniqlangan daromadlardan respublika byudjetiga undirilgan mablag‘lar;”;

beshinchi xatboshi tegishli ravishda sakkizinchi xatboshi deb hisoblansin.

2. 183-bandning yettinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, O‘zbekiston Respublikasi respublika byudjetining erkin qoldiq mablag‘lari O‘zbekiston Respublikasining respublika budjeti taqchilligini qoplashga, joriy moliya yili uchun belgilangan aylanma kassa mablag‘larining miqdorini to‘ldirishga, qolgan qismi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti hujjatlari asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish tadbirlarini moliyalashtirishga yo‘naltiriladi.”.

3. 184-bandning o‘n to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, O‘zbekiston Respublikasi respublika byudjetining prognozdan ortiqcha bajarilgan miqdori O‘zbekiston Respublikasining respublika byudjeti taqchilligini qoplashga, joriy moliya yili uchun belgilangan aylanma kassa mablag‘larining miqdorini to‘ldirishga, qolgan qismi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti hujjatlari asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish tadbirlarini moliyalashtirishga yo‘naltiriladi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA’LIM SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

842 O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3737

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor **B. YULDASHEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 19-dekabr,
7-son

Kelishildi:

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri ***K. SHARIPOV***

2025-yil 17-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-dekabrda e’lon qilingan.
** Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

843 Banklar va ularning filiallari binolarida kassa tarmoqlarini tuzilishiga qo‘yiladigan texnik talablarga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2816-3

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2016-yil 25-iyundagi 18/2-son qarori (ro‘yxat raqami 2816, 2016-yil 26-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 30-son, 366-modda) bilan tasdiqlangan Banklar va ularning filiallari binolarida kassa tarmoqlarini tuzilishiga qo‘yiladigan texnik talablarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
26 dekabr 2025,
35/10-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
26-dekabrdagi 35/10-son qaroriga
ILOVA

Banklar va ularning filiallari binolarida kassa tarmoqlarini tuzilishiga qo‘yiladigan texnik talablarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Kassa tarmog‘i tarkibiga valyuta ayirboshlash shoxobchasi va chakana amaliyot kassa xonalarini joylashtirish naqd pul va boshqa qimmatliklar bilan ishlash (sanash, saralash, o‘rab-bog‘lash va kassa operatsiyalarini bajarish), ularning but saqlanishini ta’minlashni inobatga olgan holda Bosh bank tomonidan belgilanadi.”.

2. 45^1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45^1. Bank bo‘linmalarining (filial, bank xizmatlari ofisi, bank xizmatlari markazi) naqd pullari va qimmatliklarini inkassatsiya xizmati va “Respublika maxsus aloqa bog‘lamasi” davlat unitar korxonasi tomonidan saqlash uchun qabul qilishda, ularning pul ombori mazkur texnik talablarda ko‘rsatilgan banklarning pul omboriga qo‘yilgan talablarga muvofiq bo‘lishi lozim.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

844 Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3042-6

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 28-apreldagi 16/23-son qarori (ro‘yxat raqami 3042, 2018-yil 25-iyul) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 25.07.2018-y., 10/18/3042/1573-son) bilan tasdiqlangan Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais **T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 25-dekabr,
35/17-son

Kelishildi:

Raqamli texnologiyalar vaziri ***SH. SHERMATOV***

2025-yil 3-dekabr

Savdo-sanoat palatasi raisi ***D. VAXABOV***

2025-yil 6-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
25-dekabrdagi 35/17-son qaroriga
ILOVA

Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 3-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kredit byurosida dasturiy-texnik vositalar, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlashga qo‘yiladigan talablar”.

2. 9-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Kredit byurosi o‘z faoliyatida axborot tizimlarida qo‘llaniladigan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga muvofiq bo‘lgan, litsenziyalangan va sertifikatlangan dasturiy-texnik vositalarga ega bo‘lishi hamda ular quyidagilarni ta’minlashi kerak:”;

o‘n ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kredit byurosi axborot tizimlarida qo‘llaniladigan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga muvofiq bo‘lgan, litsenziyalangan va sertifikatlangan dasturiy-texnik vositalar bilan himoyalangan skoring bo‘yicha dasturiy ta’minotiga ega bo‘lishi lozim.”.

3. 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Kredit byurosining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta’minlash Kredit byurolarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3679, 2025-yil 23-sentabr) muvofiq tashkil etiladi.”.

4. 11 — 18-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

845 Ichki audit milliy standartlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3394-1

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 16-iyuldagi 446-son “2025 — 2027-yillarda respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarida ichki nazorat tizimini yanada takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2022-yil 3-oktabrdagi 52-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3394, 2022-yil 24-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 24.10.2022-y., 10/22/3394/0957-son) bilan tasdiqlangan Ichki audit milliy standartlariga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 22-dekabr,
315-son

Kelishildi:

Hisob palatasi raisning birinchi o‘rinbosari ***M. ABDULLAYEV***

2025-yil 17-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
22-dekabrdagi 315-son buyrug‘iga
ILOVA

Ichki audit milliy standartlariga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddimadagi “vazirlik va idoralarning” degan so‘zlar “davlat organlari va tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 1-bandda:

quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“**byudjet to‘g‘risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish** — davlat organlari va tashkilotlarida moliyaviy operatsiyalar bajarilguniga qadar hamda bajarilishi jarayonida moliyaviy xato va kamchiliklarni aniqlash va oldini olish jarayoni;”;

ikkinchi — o‘n to‘rtinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — o‘n beshinchi xatboshilar deb hisoblansin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**davlat organlari va tashkilotlari** — ichki audit xizmati tashkil etilgan respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari, davlat maqsadli jamg‘armalari, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari hamda boshqa byudjet tashkilotlari;”;

oltinchi va yettinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**ichki audit obyekti** — ichki audit tadbiri amalga oshirilishi nazarda tutilgan davlat organlari va tashkilotlarining tegishincha markaziy apparati va boshqaruv apparati tarkibiy bo‘linmalari, tizim tashkilotlari hamda tasarrufidagi byudjet tashkilotlari;

ichki audit faoliyati — davlat organlari va tashkilotlarida byudjet intizomini mustahkamlash, byudjet to‘g‘risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish, budjet tizimi byudjetlari hamda qonunchilik hujjatlari bilan taqiqlanmagan boshqa manbalardan foydalanish natijadorligini baholash, ichki nazorat va xavflarni boshqarish tizimlari samaradorligini o‘rganishga qaratilgan mustaqil faoliyat;”;

o‘n birinchi xatboshidagi “vazirlik va idora” degan so‘zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n ikkinchi xatboshidagi “vazirlik va idoralarda” degan so‘zlar “davlat organlari va tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n uchinchi xatboshidagi “vazirlik va idorani” degan so‘zlar “davlat organi va tashkilotini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n to‘rtinchi xatboshidagi “vazirlik va idoralarning” degan so‘zlar “davlat organlari va tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 9-banddagi “vazirlik va idoraning” hamda “vazirlik va idora” degan so‘zlar tegishli ravishda “davlat organi va tashkilotining” hamda “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 11-bandning birinchi xatboshisi hamda 56-banddagi “Vazirlik va idora” degan so‘zlar “Davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 12-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “vazirlik va idoraning” degan so‘zlar “davlat organi va tashkilotining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “vazirlik yoki idora” degan so‘zlar “davlat organi yoki tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “vazirlik va idora” degan so‘zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 13-bandning uchinchi va to‘rtinchi xatboshilari, 19, 28, 30, 46, 55 va 58-bandlardagi “vazirlik va idora” degan so‘zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 14-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ichki audit obyekti moliyaviy faoliyati, ichki nazorat tizimi va xavflarni boshqarish jarayoniga taalluqli bo‘lgan ma’lumotlarning mavjudligi hamda ishonchliligini baholash;”;

to‘rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ichki audit obyektida byudjet intizomiga amal qilinishini, moliyaviy boshqaruv, ichki nazorat tizimi va xavflarni boshqarish jarayonlarining samaradorligini o‘rganish;”;

oltinchi xatboshidagi “moliyaviy faoliyatini takomillashtirish” degan so‘zlar “moliyaviy faoliyati va ichki nazorat tizimini takomillashtirish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. 24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Tashqi baholash O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan mazkur Standart va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-avgustdagi 377-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmatlari faoliyatini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”.

9. 25 va 26-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. Ichki audit xizmati tomonidan bir kalendar yil davomida o‘tkaziladigan ichki audit tadbirlarini aniqlash maqsadida ichki audit yillik rejasi loyihasi Davlat moliyaviy nazorat organlari va ichki audit xizmatlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasining “Davlat auditi” dasturiy kompleksidan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3704, 2025-yil 12-noyabr) muvofiq “Davlat auditi” dasturiy kompleksida shakllantiriladi, kelishiladi va tasdiqlanadi.

26. Ichki audit yillik rejasi xavf tahlili asosida hamda ichki audit xizmatida mavjud vaqt va inson resurslarini hisobga olgan holda shakllantiriladi va O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasiga kelishish uchun yuboriladi.”.

10. 29-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Bunda ichki audit xizmati tomonidan ichki audit yillik rejasiga kiritilgan ichki audit obyektlarida ichki audit tadbirlari o‘tkazilishi majburiy hisoblanadi.”.

11. 32-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, xabarnoma ichki audit obyektiga ichki audit tadbiri boshlanishidan besh ish kuni (rejadan tashqari o‘tkaziladigan ichki audit tadbiri boshlanishidan bir ish kuni) avval yuboriladi.”.

12. 36-bandda:

uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“byudjet to‘g‘risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishni amalga oshirish;”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“davlat organlari va tashkilotlarining tizimidagi byudjet hisobidan moliyalashtirilmaydigan nobyudjet muassasa hamda tashkilotlarning moliyaviy-xo‘jalik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirish.”.

13. 37-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Ichki audit tadbirini o‘tkazish guruhi (ichki audit xizmati xodimi) ushbu Standart va Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasiga (ro‘yxat raqami 3406, 2022-yil 27-dekabr) muvofiq ichki audit obyektida ichki audit tadbirlarini o‘tkazish uchun bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishi lozim.

Bunda ichki audit tadbirini o‘tkazish guruhi tomonidan maxsus kasbiy bilimlarni talab etadigan masalalarni ko‘rib chiqish uchun davlat organlari va tashkilotlarining tuzilmasidagi mutaxassislar jalb etilishi mumkin.”.

14. 41 va 51-bandlardagi “vazirlik yoki idora” degan so‘zlar “davlat organi yoki tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

15. 57-banddagi “vazirlik va idoralarning” hamda “vazirlik va idora” degan so‘zlar tegishli ravishda “davlat organlari va tashkilotlarining” hamda “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

16. 59-bandda:

yettinchi xatboshidagi “vazirlik yoki idora” degan so‘zlar “davlat organi yoki tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “vazirlik” degan so‘z “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘qqizinchi xatboshidagi “vazirlik va idora” degan so‘zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

846 “Davlat xizmatlari yagona reyestrini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3467-7

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–157-son “Davlat xizmatlarini ko‘rsatish tizimini takomillashtirish hamda sohada byurokratik tartibotlarni tubdan qisqartirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq 2026-yil 1-yanvardan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 29-dekabr,
29-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 31-dekabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 29-dekabrdagi
29-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-oktabrdagi 14-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestrini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467, 2023-yil 27-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 30.10.2023-y.,10/23/3467/0806-son).

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 24-apreldagi 9-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-1, 2024-yil 24-aprel) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 26.04.2024-y., 10/24/3467-1/0301-son).

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 25-dekabrdagi 32-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-2, 2024-yil 26-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 27.12.2024-y., 10/24/3467-2/1072-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 4-martdagi 5-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-3, 2025-yil 5-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.03.2025-y., 10/25/3467-3/0221-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi 15-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-4, 2025-yil 28-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 29.05.2025-y., 10/25/3467-4/0481-son).

6. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 21-mh-son“Davlat xizmatlari yagona reyestriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-5, 2025-yil 26-avgust) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 28.08.2025-y., 10/25/3467-5/0783-son).

7. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 5-noyabrdagi 24-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467-6, 2025-yil 11-noyabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.11.2025-y., 10/25/3467-6/1042-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

847 Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-3

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 августдаги 500-сон «Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 9 июндаги 484-сон «Ўзбекистон Республикасида Тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2247, 2011 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 30-сон, 318-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир **А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 23 декабрь,
11-мҳ-сон

Келишилди:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ***К. ШАРИПОВ***

2025 йил 13 декабрь

Мактабгача ва мактаб таълими вазири ***Э. КАРИМОВА***

2025 йил 27 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2026 йил 5 январда эълон қилинган.

Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири *Б. ЗАХИДОВ*

2025 йил 4 декабрь

Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Раиси *К. РАФИКОВ*

2025 йил 27 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазирининг 2025 йил 23 декабрдаги
11-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 августдаги 500-сон «Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

1) 1-бобнинг номидаги «I.» рақами «1-боб.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 2-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«**спорт тури** — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«**спорт федерацияси (уюшмаси)** — бир ёки бир нечта спорт турини ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ҳамда спортчиларни — Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилоти;»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«**тренер** — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун малака сертификатига эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбир-

ларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;»;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«малака ошириш муддати ўтган (ёки малака оширишдан ўтмаган) тренер-ўқитувчиларга меҳнат фаолиятини давом эттириш.»;

4) 2-бобнинг номидаги «II.» рақами «2-боб.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 7-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи — тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ўқув гуруҳларини танлаш ва тўлдириш;

ўқувчи-спортчилар тиббий кўрикдан ва диспансер кўригидан ўз вақтида ўтишини назорат қилиш;

ўқувчи-спортчилар учун уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-машқ режаларини ишлаб чиқиш.»;

6) 9-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

7) 14-банддаги «катта ёшдагилар, ёшлар (юниорлар), ўсмирлар ва болалар спорт» деган сўзлар «кичик ўсмирлар, ўсмирлар, ёшлар, U-23 ва катталар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 15-бандда:

иккинчи хатбошидаги «профессионал» деган сўз «касбий» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши — бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9) 16-банддаги «иттифоқлар, ассоциациялар» деган сўзлар «уюшмалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) 17-бандниng учинчи хатбошисидаги «шаҳар, кўнгилли» деган сўзлар «туман (шаҳар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 19-бандда:

иккинчи хатбошидаги «профессионал» деган сўз «касбий» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12) 3-бобдаги «III.»рақами «3-боб.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 22-бандниng иккинчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«халқаро тоифали тренер;

олий тоифали тренер;

биринчи тоифали тренер;

иккинчи тоифали тренер.»;

14) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Тренер-ўқитувчиларга иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларини бериш улар томонидан тайёрланган спортчиларнинг спорт мусобақаларида эришган натижаси Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш ва спорт захирасини тайёрлашда қўшган ҳиссаси бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилади.»;

15) 25-банддаги «иттифоқлар, ассоциациялар» деган сўзлар «уюшмалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) 4-бобнинг номидаги «IV.» деган рақам «4-боб.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 5-бобнинг номидаги «V.»деган рақам «5-боб.» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

848 Akademik litsey va texnikumlar boshqaruv, texnik, xizmat ko‘rsatuvchi va o‘quv-yordamchi xodimlarining namunaviy shtatlariga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3119-5

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-noyabrdagi PF–232-son “O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va ilm-fanni yanada isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi va 2025-yil 22-sentabrdagi 602-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining Kasb-hunar ta’limi markazi, Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi, Moliya vazirligining 2018-yil 29-dekabrdagi 78-q/q, 13/qq, 32-q/q, 162-son qarori (ro‘yxat raqami 3119, 2019-yil 11-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 14.01.2019-y., 10/19/3119/2469-son) bilan tasdiqlangan Akademik litsey va texnikumlar boshqaruv, texnik, xizmat ko‘rsatuvchi va o‘quv-yordamchi xodimlarining namunaviy shtatlariga ilovaga** muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri **K. SHARIPOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 25-dekabr,
61-qq-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2026-yil 5-yanvarda e’lon qilingan.
** Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vaziri **B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 6-dekabr,
33-2025/Q-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 19-dekabr,
314-son

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGINING
QARORI

849 “Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3214-1

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-fevraldagi 91-son “Maktabgacha va umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish hamda ta’lim sifati monitoringini amalga oshirish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi va Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Maktabgacha ta’lim vazirligi, Xalq ta’limi vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi hamda Innovatsion rivojlanish vazirligining 2019-yil 16-dekabrdagi 16-mh, 16, 19-mh, 12-2019 va 18-q/q-son “Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3214, 2020-yil 27-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 27.01.2020-y., 10/20/3214/0087-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri **K. SHARIPOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 25-dekabr,
63-q-q-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2026-yil 5-yanvarda e’lon qilingan.

Maktabgacha va maktab ta'limi vaziri **E. KARIMOVA**

Toshkent sh.,
2025-yil 9-dekabr,
17-mh-son

Kelishildi:

Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi direktori ***B. YULDASHEV***

2025-yil 25-dekabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

850 Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3738

O‘zbekiston Respublikasining “Dori vositalari va farmatsevtika faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 12-dekabr,
14-son

Kelishildi:

Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil o‘rinbosari ***J. URUNOV***

2025-yil 25-noyabr

O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktori ***A. JUMANAZAROV***

2025-yil 13-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2026-yil 6-yanvarda e’lon qilingan.

Savdo-sanoat palatasi raisi *D. VAXABOV*

2025-yil 13-noyabr

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil
12-dekabrdagi 14-son buyrug‘iga
ILOVA

Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibi to‘g‘risida NIZOM

Mazkur Nizom umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi tushunchalar qo‘llaniladi:

Davlat farmakopeyasi — dori vositalariga va tibbiy jihozlarga doir talablarni, umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini, dori vositalarining va tibbiy buyumlarning sifatini nazorat qilish usullarini o‘z ichiga olgan hujjatlar to‘plami bo‘lgan rasmiy nashr;

umumiy farmakopeya maqolalari — dori vositalarining, tibbiy jihozlarning sifatiga, dorivor o‘simlik xom ashyosiga, ularning sifatini nazorat qilish usullariga, dori vositalarining sifatini nazorat qilishda foydalaniladigan standart namunalarga, reaktivlarga, dori vositalarini ishlab chiqarishda foydalaniladigan joylash-o‘rash materiallariga qo‘yiladigan umumiy talablarni belgilaydigan hujjatlar;

farmakopeya maqolalari — muayyan dori vositasining, tibbiy jihozning, dorivor o‘simlik xom ashyosining, yordamchi moddaning sifatiga doir talablarni belgilaydigan hujjatlar;

dunyoning yetakchi farmakopeyalari — Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti Xalqaro farmakopeyasi, shuningdek, Farmakopeya diskussion guruhi (PDG) — xalqaro tashkilotiga a’zo davlatlar farmakopeyalari;

dori vositalari — kasalliklar profilaktikasi, ularga tashxis qo‘yish va ularni davolash, shuningdek odam organizmining holati va funksiyalarini o‘zgartirish uchun tibbiyot amaliyotida qo‘llanilishiga ruxsat etilgan dori moddalari (substansiyalar) va yordamchi moddalar asosida olingan vositalar, dori moddalari (substansiyalar), dori preparatlari;

tibbiy jihozlar — kasalliklar profilaktikasi, tashxis qo‘yish, davolash, bemorlarni reabilitatsiya qilish va (yoki) sanab o‘tilgan jarayonlarni ta’minlash uchun, shuningdek odam organizmining holati va funksiyalarini aniqlash, tiklash, almashtirish hamda o‘zgartirish, monitoring qilish, homiladorlikning oldini olish uchun tibbiyot amaliyotida qo‘llanilishiga ruxsat etilgan, qo‘llanilishi

natijasida odam organizmiga farmakologik, immunologik yoki metabolik ta'sir ko‘rsatmaydigan, ayrim holda, majmua yoki tizimlar sifatida qo‘llaniladigan jihozlar, apparatlar, uskunalar, priborlar, asboblar, qurilmalar, majmualar va dasturiy ta'minotlar;

ariza beruvchi — korxona farmakopeya maqolasida nazarda tutilgan talablarni Davlat farmakopeyasiga kiritish uchun takliflar berish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi "Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi" davlat muassasasiga (bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) murojaat qiluvchi dori vositalari yoki tibbiy jihozlarni ro‘yxatdan o‘tkazilganlik guvohnomasi egasi;

manfaatdor shaxslar — Davlat farmakopeyasiga dori vositalari va tibbiy jihozlarning sifatiga va ularni nazorat qilish usullariga oid yangi talablarni kiritish uchun takliflar berish maqsadida Markazga murojaat qiluvchi, farmatsevtika faoliyati bilan shug‘ullanuvchi tashkilotlar, oliy ta'lim muassasalari va ilmiy tashkilotlar.

2. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari quyidagilarga nisbatan tatbiq etilmaydi:

transfuziologiyada ishlatiladigan qon va uning tarkibiy qismlariga;

dori vositalarini tayyorlash uchun keyinchalik sanoat yo‘li bilan qayta ishlanishi talab etiladigan kelib chiqishi hayvonotga mansub xomashyolarga;

dorixonalarda tayyorlanadigan dori vositalariga;

veterinariyada qo‘llaniladigan dori vositalari va jihozlarga.

2-bob. Umumiy farmakopeya maqolalarining, farmakopeya maqolalarining tuzilishi va ularga qo‘yiladigan talablar

3. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari ularning mazmuniga muvofiq bo‘lgan aniq va ravon qisqa nomga ega bo‘lishi kerak.

4. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining matni lo‘nda, oddiy va ravon tilda bayon etilishi kerak. Bunda umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining har bir bandi to‘liq va tugallangan ma'no hamda mazmunga ega bo‘lishi lozim.

5. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarida quyidagilarning qo‘llanilishiga yo‘l qo‘yilmaydi:

og‘zaki nutq shakllari;

davlat tilida teng ma'noli so‘zlar va tushunchalar bo‘lgan taqdirda, xorijiy tillarning atamalari;

eskirgan hamda ko‘p ma'noni anglatadigan so‘zlar va iboralar, majoziy taqqoslashlar, sifatlashlar, kinoyalar.

6. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining matni umume'tirof etilgan grammatik, orfografik va punktuatsiya qoidalari asosida tuziladi.

7. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarida qo‘llaniladigan atamalarning ta'riflari ushbu umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarida keltiriladi.

8. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarida umumiy

qabul qilingan qisqartmalar qo‘llanilishi va boshqa qisqartmalarga tushunchalar berilishi mumkin.

9. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining matni quyidagi tuzilish elementlariga bo‘linishi mumkin: bo‘limlar, kichik bo‘limlar, boblar, bandlar, kichik bandlar. Bo‘limlar bandlarga yoki tegishli bandlar bilan kichik bo‘limlarga bo‘linishi mumkin. Bandlar kichik bandlarga bo‘linishi mumkin.

Har bitta band yoki kichik band umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining alohida qoidalarini o‘z ichiga olishi hamda to‘liq va tugallangan matnga ega bo‘lishi kerak.

10. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining bo‘limlari va kichik bo‘limlari sarlavhalarga ega bo‘lishi lozim. Sarlavhalarda tegishli bo‘limlar, kichik bo‘limlar, bandlarning mazmuni aniq va qisqa aks ettirishi kerak.

11. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari sahifalarining tartib raqami sahifaning pastki markazida joylashtirilishi kerak hamda 1 raqamidan boshlab raqamlanadi.

Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari, qoida tariqasida, Misrosoft Word redaktoridan va quyidagi parametrlardan foydalangan holda tayyorlanadi:

“Times New Roman” 8 — 12 o‘lchamli shrift;

sahifaning chap hoshiyasi 3 sm, o‘ng hoshiyasi 1,5 sm, past va yuqori hoshiyalari 2 sm;

birinchi qatorning satr boshisi 0,5 sm bo‘lishi lozim.

12. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari matnini tayyorlashda grek yoki boshqa alifbolarning harflari, formulalar, alohida shartli belgilar Microsoft Word redaktoridan foydalangan holda belgilanishi kerak. Bunda yozilgan matnning zichligi, qolgan matn zichligiga yaqinlashtirilgan bo‘lishi kerak.

13. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari davlat tilida ishlab chiqiladi va boshqa tillarga tarjima qilinishi mumkin.

14. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalariga huquqiy normalar kiritilishi taqiqlanadi.

3-bob. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish

15. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish Markaz xodimlaridan iborat tarkibda O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i bilan tashkil etiladigan kotibiyat, ishchi guruh, ixtisoslashtirilgan ekspert komissiyasi, tahririyat kengashi va tahririyat hay’ati tomonidan amalga oshiriladi.

Bunda ishchi guruh, ixtisoslashtirilgan ekspert komissiyasi, tahririyat kengashi va tahririyat hay’ati tarkibiga boshqa davlat organlari va tashkilotlaridan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

16. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari ariza beruvchi va manfaatdor shaxslarning takliflari hamda ilm-fan va texnologiyalarning

rivojlanishini inobatga olgan holda Markaz rahbari tomonidan tasdiqlangan yillik reja asosida ishlab chiqiladi.

17. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari quyidagilar inobatga olingan holda ishlab chiqiladi:

ilmiy tadqiqotlarning (sinashning) va o‘lchashning natijalari;

tibbiyot, farmatsevtika hamda boshqa ilm-fan va texnikaning zamonaviy yutuqlari;

dori vositalari va tibbiy jihozlarning yangi turlarining sifati hamda ularning sifatini nazorat qilish usullarini qo‘llash orqali orttirilgan amaliy tajribalar;

dunyoning yetakchi farmakopeyalari, xalqaro (mintaqaviy) standartlar va xorijiy mamlakatlarning standartlari, dori vositalari va tibbiy jihozlarning sifatini nazorat qilish sohasidagi xalqaro tashkilotlarning tavsiyalari hamda dori vositalari va tibbiy jihozlarga doir talablarni belgilaydigan boshqa hujjatlar.

18. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish quyidagi bosqichlardan iborat:

kotibiyat umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish bo‘yicha yillik ish rejani tayyorlaydi va tasdiqlash uchun Markaz rahbariga taqdim etadi hamda ariza beruvchi va manfaatdor shaxslarning takliflarini umumlashtirib ishchi guruhga kiritadi;

ishchi guruh umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini mazkur Nizomning 17-bandida keltirilgan talablardan kelib chiqib tayyorlaydi va ularni ko‘rib chiqish uchun ixtisoslashtirilgan ekspert komissiyasiga taqdim etadi;

ixtisoslashtirilgan ekspert komissiyasi ishchi guruh tomonidan kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini o‘rganib chiqib, ularni ilmiy tahrirlaydi;

tahririyat kengashi ixtisoslashtirilgan ekspert komissiyasi tomonidan ilmiy tahrirlangan farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini mazkur Nizomning 19-bandiga asosan baholaydi va baholash natijalarini hamda farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini tahririyat hay’atiga taqdim etadi;

tahririyat hay’ati farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini va tahririyat kengashi tomonidan taqdim etilgan baholash natijalarini ko‘rib chiqib, yaxshi baholangan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini tasdiqlashni tavsiya etish uchun O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligiga (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) kiritadi yoki umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari qoniqarli va qoniqarsiz baholangan holatlarda ularni qayta ishlash uchun ishchi guruhga qaytaradi.

19. Tahririyat kengashining har bir a’zosi tomonidan boshqa a’zolaridan mustaqil holda umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini baholash 100 ballik tizimda amalga oshiriladi.

Bunda, tahririyat kengashining har bir a’zosi umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini quyidagi mezonlarga asosan baholaydi:

ilmiy asoslanganligi, dunyoning yetakchi farmakopeyalari, xalqaro (mintaqaviy) standartlar bilan uyg‘unlashganligi hamda mazkur Nizomning 2-bobida belgilangan talablar asosida ishlab chiqilganligi uchun — 80 — 100 ball (yaxshi);

ilmiy asoslanmaganligi, dunyoning yetakchi farmakopeyalari, xalqaro (mintaqaviy) standartlar bilan qisman uyg‘unlashganligi hamda mazkur Nizomning 2-bobida belgilangan talablar asosida ishlab chiqilganligi uchun — 55 — 79 ball (qoniqarli);

ilmiy asoslanmaganligi, dunyoning yetakchi farmakopeyalari, xalqaro (mintaqaviy) standartlar uyg‘unlashmaganligi hamda mazkur Nizomning 2-bobida belgilangan talablar asosida ishlab chiqilmaganligi uchun — 0 — 54 ball (qoniqarsiz).

20. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalari ishlab chiqishning boshlanishi va yakunlanishi to‘g‘risidagi axborot Markazning rasmiy veb-saytida joylashtiriladi.

4-bob. Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini Davlat farmakopeyasiga kiritish

21. Vazirlik tahririyat hay’ati tomonidan tasdiqlashni tavsiya etish uchun kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini ular kiritilgan kundan boshlab o‘n besh ish kunida ko‘rib chiqadi va quyidagi qarorlardan birini qabul qiladi:

Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini tasdiqlash va Davlat farmakopeyasiga kiritish;

umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini tasdiqlashni rad etish.

22. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini quyidagi hollarda tasdiqlash va Davlat farmakopeyasiga kiritish rad etilishi mumkin, agar:

1) qonunchilik hujjatlariga zid bo‘lsa;

2) ilmiy asoslanmagan, dunyoning yetakchi farmakopeyalari, xalqaro (mintaqaviy) standartlar uyg‘unlashmagan bo‘lsa;

3) mazkur Nizomning 2-bobida belgilangan talablar asosida ishlab chiqilmagan bo‘lsa.

23. Vazirlik tomonidan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining loyihalarini tasdiqlash va Davlat farmakopeyasiga kiritish to‘g‘risidagi qaror qabul qilinganidan so‘ng, ular Davlat farmakopeyasiga kiritiladi.

24. Umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari Davlat farmakopeyasiga kiritilganidan keyin ularni amaliyotga joriy etish muddati Vazirlik tomonidan belgilanmagan bo‘lsa, kamida olti oydan keyin kuchga kiradi.

25. Davlat farmakopeyasi Vazirlik tomonidan besh yilda kamida bir marta chop etiladi. Davlat farmakopeyasining qayta nashrlari oralig‘idagi davrda Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari ilovalar tarzida chop etiladi.

26. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari,

farmakopeya maqolalari haqida axborot Markazning rasmiy veb-saytiga joylashtiriladi.

5-bob. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalariga, farmakopeya maqolalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish yoki ularni Davlat farmakopeyasidan chiqarish

27. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalariga, farmakopeya maqolalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish ushbu Nizomning 17-bandida keltirilgan talablardagi o‘zgarishlar munosabati bilan, tibbiyot, farmatsevtika hamda fan va texnologiyalar innovatsion yutuqlari takomillashtirish talab etilgan taqdirda, shu jumladan, Vazirlik tomonidan yangi umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari tasdiqlanishi munosabati bilan, shuningdek ariza beruvchi va manfaatdor shaxslar tashabbusi bo‘yicha amalga oshiriladi.

28. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalariga, farmakopeya maqolalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish loyihasi ushbu Nizomning 2 va 3-boblarida nazarda tutilgan tartiblarda ishlab chiqilib, Vazirlikka kiritiladi.

29. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalariga, farmakopeya maqolalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritishda ularning bo‘limlar, kichik bo‘limlar, boblar, bandlar, kichik bandlarining (agar mavjud bo‘lsa) raqamlanishi o‘zgarmaydi.

30. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini Davlat farmakopeyasidan chiqarish uchun quyidagilar asos bo‘ladi:

umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablariga zid bo‘lishi;

umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining o‘rniga yangi umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalari amalga kiritilganligi;

yangi ilmiy tadqiqotlarning (sinashning) va zamonaviy texnologiyalar amaliyotga joriy etilganligi;

umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarining qo‘llashning dolzarbligi yo‘qolganligi;

ariza beruvchi va manfaatdor shaxslarning takliflari asosida (bunda takliflar asoslantirilgan bo‘lishi lozim).

31. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini Davlat farmakopeyasidan chiqarish masalalari tahririyat kengashi tomonidan ko‘rib chiqilib, mazkur Nizomning 30-bandida keltirilgan holatlar asosida tahlil qilinadi va uning natijalari tahririyat hay’atiga taqdim etiladi.

Tahririyat hay’ati tomonidan tahririyat kengashining tahlil natijalari o‘rganib chiqilib, Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalari, farmakopeya maqolalarini Davlat farmakopeyasidan chiqarish bo‘yicha tavsiyalar Vazirlikka kiritiladi.

32. Vazirlik tahririyat hay'at tavsiyasiga asosan Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini Davlat farmakopeyasidan chiqarish yoki chiqarishni rad etish haqida tavsiya kiritilgan kundan boshlab yetti ish kuni ichida qaror qabul qiladi.

33. Davlat farmakopeyasiga kiritilgan umumiy farmakopeya maqolalariga, farmakopeya maqolalariga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar yoki ularni Davlat farmakopeyasidan chiqarish haqidagi axborot Markazning rasmiy veb-saytiga joylashtiriladi.

6-bob. Yakuniy qoida

34. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA’LIM SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

851 Ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun yig‘imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3739

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun yig‘imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor **B. YULDASHEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 24-dekabr,
1-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri ***D. KUCHKAROV***

2025-yil 9-dekabr

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri ***K. SHARIPOV***

2025-yil 3-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2026-yil 5-yanvarda e’lon qilingan.

Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi raisi *H. TURAXUJAYEV*

2025-yil 28-noyabr

Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil o'rinbosari *J. URUNOV*

2025-yil 25-noyabr

Savdo-sanoat palatasi raisi *D. VAXABOV*

2025-yil 26-noyabr

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim
sifatini ta'minlash milliy agentligi direktorining
2025-yil 24-dekabrdagi 1-son buyrug'iga
ILOVA

Ta'lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish uchun yig'imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibi to'g'risidagi NIZOM

Ushbu Nizom o'rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta'limdan keyingi ta'lim, shuningdek kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish bo'yicha faoliyat yurituvchi davlat va nodavlat ta'lim tashkilotlarini (bundan buyon matnda ta'lim tashkilotlari deb yuritiladi) kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish to'g'risidagi arizani ko'rib chiqish hamda kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish uchun yig'imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

2. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

arizani ko'rib chiqish uchun yig'im — ta'lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish to'g'risidagi arizani (bundan buyon matnda ariza deb yuritiladi) ko'rib chiqish hamda ariza va unga ilova qilingan hujjatlarning to'liqligi va to'g'riligini tekshirish bilan bog'liq xarajatlarni qoplash uchun undiriladigan to'lov;

bazaviy yig'im miqdori — ta'lim tashkilotlarini kompleks va maxsus

davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish jarayonida hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun asos sifatida belgilangan boshlang‘ich to‘lov miqdori;

koeffitsiyentlar — ta’lim tashkilotidagi talabalar va dasturlar sonidan hamda arizalarni qabul qilish muddatidan kelib chiqib, akkreditatsiya jarayonidagi xarajatlar miqdorini aniqlashda bazaviy yig‘im miqdoriga nisbatan qo‘llaniladigan nisbiy ko‘rsatkichlar;

kompleks davlat akkreditatsiyasi — o‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limni va oliy ta’limdan keyingi ta’limni, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlashni va ularning malakasini oshirishni amalga oshiruvchi davlat va nodavlat ta’lim tashkilotlarini tashqi baholash natijalariga asoslangan jarayon;

maxsus davlat akkreditatsiyasi — o‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limni va oliy ta’limdan keyingi ta’limni, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni amalga oshiruvchi davlat va nodavlat ta’lim tashkilotlarida ta’lim dasturlari bo‘yicha o‘quv jarayoni boshlanishidan oldin amalga oshiriladigan jarayon.

2-bob. Kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun yig‘imlar miqdorlari

3. Oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori quyidagi formulaga asosan hisoblanadi:

$$\mathbf{KA_O = Y_{KO} * K_T * K_D + Y_K}$$

Bunda:

KA_O — oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori;

Y_{KO} — oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha bazaviy yig‘im miqdori;

K_T — talabalar soni koeffitsiyenti;

K_D — dasturlar soni koeffitsiyenti;

Y_K — oliy ta’lim tashkilotining asosiy binosi (binolar majmui, kampus) joylashgan hududdan (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri) tashqaridagi har bir o‘quv binosi (binolari majmui, kampus) uchun yig‘im miqdori.

4. O‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limdan keyingi ta’lim hamda kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori quyidagi formulaga asosan hisoblanadi:

$$\mathbf{KA_B = Y_{KB} * K_D + Y_K}$$

Bunda:

KA_B — o‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limdan keyingi ta’lim hamda kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori;

Y_{KB} — o‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limdan keyingi ta’lim hamda kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha bazaviy yig‘im miqdori;

K_D — dasturlar soni koeffitsiyenti;

Y_K — o‘rta maxsus, kasbiy, oliy ta’limdan keyingi ta’lim hamda kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotining asosiy binosi (binolar majmui, kampus) joylashgan hududdan (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri) tashqaridagi har bir o‘quv binosi (binolari majmui, kampus) uchun yig‘im miqdori.

5. Ta’lim tashkilotlarining ta’lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori quyidagi formulaga asosan hisoblanadi:

$$\mathbf{MA = Y_{MB} + Y_K}$$

Bunda:

MA — ta’lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish bo‘yicha yig‘im miqdori;

Y_{MB} — maxsus davlat akkreditatsiyasi bo‘yicha bazaviy yig‘im miqdori;

Y_K — ta’lim tashkilotining asosiy binosi (binolar majmui, kampus) joylashgan hududdan (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri) tashqaridagi har bir o‘quv binosi (binolari majmui, kampus) uchun yig‘im miqdori.

6. Arizani ko‘rib chiqish uchun bazaviy hisoblash miqdorining ikki baravari miqdorida yig‘im undiriladi.

7. Kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun quyidagi miqdorlarda bazaviy yig‘im undiriladi:

o‘rta maxsus va kasbiy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun — bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravari, maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun (har bir ta’lim dasturi uchun) — bazaviy hisoblash miqdorining o‘n sakkiz baravari;

oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun — bazaviy hisoblash miqdorining to‘rt yuz yigirma baravari, maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun (har bir ta’lim dasturi uchun) — bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravari;

oliy ta’limdan keyingi ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun — bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz o‘ttiz sakkiz baravari, maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun (har bir ta’lim dasturi uchun) — bazaviy hisoblash miqdorining sakson olti baravari;

kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun — bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravari, maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun (har bir ta’lim dasturi uchun) — bazaviy hisoblash miqdorining o‘n yetti baravari.

8. Davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun amalga oshirilgan barcha yig‘imlar, akkreditatsiya natijasidan qat’i nazar, ta’lim tashkilotiga qaytarilmaydi.

3-bob. Yig‘imlar miqdoriga ta’sir etuvchi omillar

9. Ta’lim tashkilotini kompleks yoki maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda, ta’lim tashkilotining asosiy binosi (binolar majmui, kampus) joylashgan hududdan (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri) tashqaridagi har bir o‘quv binosi (binolari majmui, kampus) uchun bazaviy hisoblash miqdorining o‘n ikki baravari miqdorida yig‘im undiriladi.

10. Oliy ta’lim tashkilotini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun bazaviy yig‘im miqdori ta’lim tashkilotidagi talabalarning umumiy soniga mutanosib ravishda talabalar soni koeffitsiyentiga ko‘paytirish orqali hisoblanadi.

Bunda koeffitsiyentning boshlang‘ich qiymati bir birlik etib belgilanadi hamda sirtqi va masofaviy ta’lim shakllaridagi har bir talaba uchun koeffitsiyentga 0,000016 birlik va boshqa shakllaridagi har bir talaba uchun koeffitsiyentga 0,00004 birlik qo‘shib boriladi.

11. Ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda bazaviy yig‘im miqdori ta’lim dasturlarining umumiy soniga mutanosib ravishda dasturlar soni koeffitsiyentiga ko‘paytirish orqali hisoblanadi.

Bunda koeffitsiyentning boshlang‘ich qiymati bir birlik etib belgilanadi hamda har bir ta’lim dasturi uchun koeffitsiyentga 0,01 birlik qo‘shib boriladi.

Ta’lim dasturlarining umumiy sonini aniqlashda o‘rta maxsus ta’lim yo‘nalishlari, kasbiy ta’limning kasb va mutaxassisliklari, bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari, magistratura mutaxassisliklari, oliy ta’limdan keyingi ta’lim ixtisosliklari hamda qayta tayyorlash va malaka oshirish kurslarining soni inobatga olinadi.

12. Maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qarorida belgilangan arizalarni qabul qilish muddatlaridan tashqari boshqa muddatlarda ariza taqdim etilganda, Agentlik va ta’lim tashkiloti o‘rtasida tuziladigan shartnoma shartlariga muvofiq maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun belgilangan bazaviy yig‘im miqdoriga 1,5 oshiruvchi koeffitsiyent qo‘llaniladi.

4-bob. Yakuniy qoida

13. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgarlikka tortiladilar.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 5-dekabrdagi 31/10-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2696-5.

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 2-dekabrdagi 31/2-son “Kredit tashkilotlarida iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish talablariga rioya etilishini ta’minlash yuzasidan “sirli mijoz” usulidagi nazorat tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3731.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 2-dekabrdagi 5-son “Oliy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3732.

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 23-dekabrdagi 28-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3733.

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining 2025-yil 5-dekabrdagi 32-son “Radioaktiv chiqindilarni ko‘mish bo‘yicha maqbullik mezonlari va talablarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3734.

6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 12-dekabrdagi 34/3-son “Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3002-5.

7. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil

17-dekabrdagi 312-son “Budjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-19.

8. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 18-dekabrdagi 313-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-3.

9. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 16 декабрдаги 13-сон буйруғига “Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар” киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386-2.

10. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 10-dekabrdagi 23-son “Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 25-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3735.

11. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 16-dekabrdagi 311-son va Markaziy bank boshqaruvining 2025-yil 16-dekabrdagi 34/7-son “Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va auditiga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3736.

12. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 22-dekabrdagi 28-2025/B-son “Ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilar va talabalar bilan yuz bergan baxtsiz hodisalarni tekshirish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2184-2.

13. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 25-dekabrdagi 35/15-son “Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomning 4-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 27-dekabrdagi ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3260-1.

14. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil

9-dekabrdagi 307-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3558-3.

15. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 19-dekabrdagi 7-son “O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3737.

16. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 26-dekabrdagi 35/10-son “Banklar va ularning filiallari binolarida kassa tarmoqlarini tuzilishiga qo‘yiladigan texnik talablarga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 30-dekabrdagi ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2816-3.

17. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 25-dekabrdagi 35/17-son “Kredit byurolarini ro‘yxatga olish va ularning faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 30-dekabrdagi ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3042-6.

18. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 22-dekabrdagi 315-son “Ichki audit milliy standartlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3394-1.

19. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 29-dekabrdagi 29-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestrini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3467-7.

20. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 23 декабрдаги 11-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-3.

21. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 25-dekabrdagi 61-qq-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 6-dekabrdagi 33-2025/Q-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-dekabrdagi 314-son “Akademik litsey va texnikumlar boshqaruv, texnik, xizmat ko‘rsatuvchi va o‘quv-yordamchi xodimlarining namunaviy shtatlariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3119-5.

22. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 25-dekabrdagi 63-q-q-son hamda Maktabgacha va maktab ta’limi

vazirligining 2025-yil 9-dekabrdagi 17-mh-son “Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3214-1.

23. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 12-dekabrdagi 14-son “Umumiy farmakopeya maqolalarini, farmakopeya maqolalarini ishlab chiqish va ularni Davlat farmakopeyasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3738.

24. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 24-dekabrdagi 1-son “Ta’lim tashkilotlarini kompleks va maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish uchun yig‘imlar miqdorlari va ularni hisoblash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 30-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3739.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 1997-yil 15-mayda tasdiqlangan Xorijiy fuqarolar, fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga O‘zbekiston Respublikasiga kelish va ketish vizalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 349-son, 1997-yil 4-iyun), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 349-1-son, 2008-yil 19-may), (ro‘yxat raqami 349-2-son, 2018-yil 18-iyun), (ro‘yxat raqami 349-3-son, 2018-yil 15-avgust).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2002-yil 4-oktabrdagi 128-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining aviatsiya xodimlarini tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1186, 2002-yil 2-noyabr), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1186-1, 2004-yil 30-noyabr), (ro‘yxat raqami 1186-2, 2006-yil 6-dekabr), (ro‘yxat raqami 1186-3, 2007-yil 26-may), (ro‘yxat raqami 1186-4, 2008-yil 9-aprel), (ro‘yxat raqami 1186-5, 2010-yil 23-mart), (ro‘yxat raqami 1186-6, 2010-yil 6-noyabr), (ro‘yxat raqami 1186-7, 2012-yil 9-avgust), (ro‘yxat raqami 1186-8, 2013-yil 29-may), (ro‘yxat raqami 1186-9, 2015-yil 8-iyun), (ro‘yxat raqami 1186-10, 2016-yil 25-aprel), (ro‘yxat raqami 1186-11, 2016-yil 21-sentabr), (ro‘yxat raqami 1186-12, 2023-yil 17-iyul).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

3. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2003-yil 9-yanvardagi 9-son “Oliy ta’lim to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1222, 2003-yil 22-fevral), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1222-1, 2010-yil 12-noyabr), (ro‘yxat raqami

1222-2, 2013-yil 13-dekabr), (ro‘yxat raqami 1222-3, 2017-yil 13-oktabr), (ro‘yxat raqami 1222-4, 2023-yil 22-iyun).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

4. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi, O‘zbekiston Kasaba uyushmasi federatsiyasi Kengashining 2003-yil 7-apreldagi 8, 46 va 14-10-son “Narkomaniya bilan kasallangan shaxslarning shug‘ullanishi uchun cheklovlar belgilangan kasbiy faoliyat turlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1233, 2003-yil 15-aprel).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

5. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2004-yil 11-fevraldagi 31, 2004-22, 03-02/8-14-son “Alkogolli va tamaki mahsulotlariga yangi namunadagi aksiz markalarini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1320, 2004-yil 3-mart), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1320-1, 2007-yil 3-fevral), (ro‘yxat raqami 1320-2, 2009-yil 20-mart), (ro‘yxat raqami 1320-3, 2011-yil 28-mart), (ro‘yxat raqami 1320-4, 2013-yil 20-mart).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

6. O‘zbekiston Respublikasi davlat patent idorasi direktorining 2004-yil 2-fevraldagi 9-son “Ixtiroga O‘zbekiston Respublikasining patentini berish uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalari to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1329, 2004-yil 22-mart), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1329-1, 2005-yil 27-aprel), (ro‘yxat raqami 1329-2, 2009-yil 12-mart), (ro‘yxat raqami 1329-3, 2011-yil 30-sentabr).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

7. O‘zbekiston Respublikasi Davlat patent idorasi direktorining 2004-yil 15-martdagi 14-son “Foydali modelga O‘zbekiston Respublikasining patenti berilishi uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko‘rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1343, 2004-yil 29-aprel), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1343-1, 2009-yil 25-mart), (ro‘yxat raqami 1343-2, 2011-yil 30-sentabr), (ro‘yxat raqami 1343-3, 2018-yil 25-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

8. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 3, 78-son “Portlovchi moddalarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, transportda tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1491, 2005-yil 8-iyul), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartishlar (ro‘yxat raqami 1491-1, 2018-yil 17-mart), (ro‘yxat raqami 1491-2, 2018-yil 7-sentabr).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

9. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 4, 79-son “O‘zbekiston Respublikasi

hududida portlovchi materiallarni avtomobil transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1492, 2005-yil 8-iyul), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartishlar (ro‘yxat raqami 1492-1, 2018-yil 17-mart).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

10. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va “Sanoatkontexnazorat” davlat inspeksiyasining 2005-yil 25-maydagi 5, 80-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida portlovchi materiallarni temir yo‘l transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori (ro‘yxat raqami 1493, 2005-yil 8-iyul) shuningdek unga kiritilgan o‘zgartishlar (ro‘yxat raqami 1493-1, 2018-yil 17-mart).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

11. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2005-yil 31-dekabrdagi 06-3/440, 11/5132, 109-son “Tibbiyot muassasalarini moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘larini tasarruf etish uchun tibbiyot muassasalaridagi maxsus komissiyalar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1536, 2007-yil 14-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

12. O‘zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirining 2006-yil 18-yanvardagi 73-son “Xorijiy havo kemalariga O‘zbekiston Respublikasi samoviy hududidan foydalanish uchun diplomatik (maxsus) ruxsatnomalar berish tartibi haqidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1544, 2006-yil 26-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

13. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 23-yanvardagi 15-son “Issiqlikdan foydalanuvchi uskunalar va issiqlik tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1549, 2006-yil 28-fevral), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartishlar (ro‘yxat raqami 1549-1, 2011-yil 8-fevral).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

14. Elektr energetikada nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasining 2006-yil 5-apreldagi 58-son “Issiqlikdan foydalanuvchi qurilmalar va issiqlik tarmoqlarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1572, 2006-yil 6-may), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartishlar (ro‘yxat raqami 1572-1, 2010-yil 17-avgust), (ro‘yxat raqami 1572-2, 2011-yil 8-fevral).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

15. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Milliy xavfsizlik xizmatining 2006-yil 12-maydagi 7, 2, 1/4-529, 46-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida yaroqsiz holatga kelgan (xizmat muddati tugagan) yoki yo‘qotilgan moddiy va pul mablag‘larini hisobdan chiqarish, moddiy mablag‘lar hisobi va ular bo‘yicha hisobot yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat

raqami 1592, 2006-yil 5-iyul), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha (ro‘yxat raqami 1592-1, 2015-yil 29-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

16. O‘zbekiston Respublikasi Temir yo‘llarda yuk va yo‘lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2006-yil 30-oktabrdagi 51-son “Vazirliklar, idoralar, muassasalar, korxonalar va tashkilotlarda temir yo‘l transporti sohasida faoliyat olib boruvchi xodimlarning temir yo‘llardan texnik foydalanish qoidalari hamda yo‘riqnomalarni bilishini komissiya tuzib tekshirishni amalga oshirish bo‘yicha nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1645, 2006-yil 30-noyabr).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

17. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2009-yil 14-dekabrdagi 77-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 10 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 2-ro‘yxatiga qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2066, 2010-yil 14-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

18. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2011-yil 9-sentabrdagi 57, 60-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 5 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 3-ro‘yxatiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2276, 2011-yil 7-oktabr).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

19. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Moliya vazirligining 2012-yil 27-noyabrdagi 72-Q, 83-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 12-maydagi 250-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy belgilangan yoshdan 10 va 5 yil oldin pensiyaga chiqish huquqini beruvchi ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko‘rsatkichlarning 2 va 3-ro‘yxatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2409, 2013-yil 3-yanvar).

2026-yil 25-martda davlat reyestridan chiqariladi.

20. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2020-yil 24-martdagi 115-son “Referent narx shakllantirish tizimi doirasida retsept bilan beriladigan dori vositalari narxlarini qayd etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3242, 2020-yil 10-iyun), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 3242-1, 2025-yil 12-may).

2026-yil 28-martda davlat reyestridan chiqariladi.

21. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-oktabrdagi 14-mh-son “Davlat xizmatlari yagona reyestrini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat

raqami 3467, 2023-yil 27-oktabr), shuningdek unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 3467-1, 2024-yil 24-aprel), (ro‘yxat raqami 3467-2, 2024-yil 26-dekabr), (ro‘yxat raqami 3467-3, 2025-yil 5-mart), (ro‘yxat raqami 3467-4, 2025-yil 28-may), (ro‘yxat raqami 3467-5, 2025-yil 26-avgust), (ro‘yxat raqami 3467-6, 2025-yil 11-noyabr).

2026-yil 1-yanvarda davlat reyestridan chiqarildi.

22. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Maktabgacha ta’lim vazirligi, Xalq ta’limi vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi hamda Innovatsion rivojlanish vazirligining 2019-yil 16-dekabrdagi 16-mh, 16, 19-mh, 12-2019 va 18-q/q-son “Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan o‘tkazish mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3214, 2020-yil 27-yanvar).

2025-yil 30-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.